



66. 4(5у)

№ 25




ИСЛОМ КАРИМОВ

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

10

ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 2002



66.4(5Y)

K25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 10-жилдан давлатимиз раҳбарининг 2001 йил майидан 2002 йил июнигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалири, Вазирлар Махкамаси юнгилишларида, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари сессиялари ҳамда турли халқаро учрашувлар, анжуман ва тантанали маросимлардаги чиқнилари, оммавий ахборот во-ситалари ходимлари билан сухбатлари, табрик хатлари, шунингдек, Юртбошилизнинг Россия Федерацияси ва Америка Кўшима Щатларига расмий ташрифлари пайтидаги нуфузли учрашувлarda сўзлаган нутқлари ўрин олган. Уларда давлатимизнинг ички ва ташки сиёсатидаги ўзига хос та-мойиллар, ислоҳотларни янада чукурлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳастни эркинлаштириш ва жамиятда тадбиркорлик руҳини кенг қарор топтиришининг долзарб масалалари терен таҳлил этилган. Шу билан бирга, китобда бугунги кунда сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка жиддий хаяф солиб турган халқаро террорчиликка қарши кураш, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги муаммолар тўғрисида ҳам атрофлича фикр юритилган.

ISBN 5-640-03034-8

К 0804000000 - 64
M351(04)2002 2002

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2002

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИҚДАН БАРЧАМИЗ МАНФААТДОРМИЗ

Мұхтарам Владимир Владимирович,
Қадрли россиялик дүстлар,
Хонимлар ва жаноблар,
Биз Россия диёрида ҳар доимгидек мәжмандүстлик
билин шодиёна кутиб олинаётганимиз учун самимий
миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Владимир Владимирович, Ўзбекистон ва унинг халқи
шаънига айтган илиқ сўзларингиз учун Сизга алоҳида
ташаккур билдиримоқчиман.

Биз Россияга ташрифимизни, анъанага қўра, ҳамжи-
ҳатлик, самимий дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган
Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантириш
ва мустаҳкамлашдаги мухим босқич деб биламиз.

Бугун Россия Федерациясининг Президенти Влади-
мир Владимирович Путин ва Ҳукумат Раиси Михаил
Михайлович Касъянов билан бўлиб ўтган музокаралар
чоғида иккала томонни қизиқтирувчи кўпгина масала-
ларни мухокама қўйдик.

Мухокама этилган икки томонлама муносабат масала-
лари, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммо-
лари бўйича ёндашувларимизнинг ўзаро ўхшаш ёки яқин-
лигини зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугун имзоланган янги хужжатлар мажмуаси Ўзбекис-
тон билан Россия ўртасидаги ўзаро ишончни янада кўпроқ
мустаҳкамлашга, ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқур-
лаштиришга кўмаклашади, деб тўла асос билан айта ола-
миз.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиман: ушбу ташрифга тай-
ёргарлик давомида бўлиб ўтган музокаралар, фикрлашув-

лар халқдаримизнинг хавфсизлиги, осойишталиги ва баҳтсаодати учун тобора күпроқ хавф солаётган турли даъватлар ва таҳдидларни бартараф этиш соҳасидаги саъй-ҳаракатларимизни, ҳам халқаро, ҳам минтақа миқёсида тез ўзгариб бораётган мураккаб вазиятдан, аввало манфаатларимиз ва ёндашувларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада яхшироқ мувофиқлаштириш ва уйғулаштириш ўта зарурлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Бу вазифа:

- кўп қутбли дунё муаммолари ва бутун дунёда стратегик хавфсизликни сақлаш муаммоларига;
- минтақада барқарорликни сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, Афғонистондаги ва қўшни Тожикистондаги ишларнинг аҳволига;
- халқаро терроризмга ва ашаддий диний экстремизм хуружига қарши, кенг миқёсда кучайиб бораётган наркобизнесга қарши курашга;
- МДҲ истиқболларини мушоҳада қилишга ва бошқа кўпгина муаммоларни ҳал этишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишига тааллуқді бўлиши нуқтаи назаридан икки томон учун ҳам баб-баравар муҳимdir.

Кўнсонли икки томонлама битим ва меъёрий ҳужжатлар мажмуасини бажариш учун ҳам (ҳозир бундай ҳужжатлар 150 тадан ортиқ), шу асосда иқтисодиётда ва гуманитар соҳадаги янги қўшма дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш учун ҳам баҳамжиҳатликни куттайтириш вазифаси фоят муҳим, деб ўйлайман.

Хавфсизлик соҳасидаги саъй-ҳаракатларимизни янада яхшироқ, чуқурроқ бирлаштириш зарурлиги ҳақида ганирганимизда, биз ҳозирги босқичда бир-бири билан узвий боғланиб ва бир-биридан мадад олиб турган халқаро терроризм ва наркобизнес, образли қилиб айтганда, уч бошли разил газандага айланиб бормоқда ва Ўзбекистоннинг ҳам, Россиянинг ҳам миллий манфаатларига бевосита таҳдид, минтақага ва бутун дунё ҳамжамиятига хавф-хатар солмоқда, деган ишончга асосланамиз.

Бундай хавф-хатарлар ортида пухта уюштирилган, бой молиявий ресурслар ва моддий-техникавий имконияттарга эга бўлган ҳалқаро марказлар турибди.

Токи 20 йилдан кўпроқ вақтдан бўён давом этиб келаётган афғон уруши тўхтатилемас экан, нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалар хавфсизлиги ҳам таҳлика остида қолаверади. Афғонистон бугунги кунда ҳамма турдаги террорчиларни тайёрлаш маконидир, ашаддий диний экстремизм босқинчилигининг маконидир, бутун дунёда етиштириладиган огули героиннинг 70 фоизидан кўпрогини тарқатувчи маконидир.

Кўп йиллар давомида БМТ шафелигига, шу жумладан, “6+2” гурӯҳи доирасида ўтказиб келинган самарасиз музокаралар тажрибаси, фикримизча, бир нарсадан далилат беради: Афғонистон теварагидаги турли сиёсий ўйинлар тўхтатиленган, ён-атрофдаги мамлакатларгина эмас, аввало, дунёдаги энг катта давлатлар, Фарб афғон можароси маразли шиш бўлиб, унинг фасоди жуда тез орада уларга ҳам етиб бориб, ҳузур-ҳаловатларини бузишини тушуниб, англаб олган тақдирдагина Афғонистонда тинчлик ўрнатилиди.

Ўзбекистон, вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олиб, Россия билан ҳарбий-техникавий соҳадаги, шунингдек, бизнинг Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишдаги ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият беради.

Табиийки, биз бу ҳамкорликни умумэътироф этилган ҳалқаро меъёллардан келиб чиқсан ҳолда, етказиб берилган барча маҳсулотларга келишилган шартларда ҳак тўлаш асосида олиб борамиз.

Шу билан бирга, биз башарти Россиянинг жанубий сарҳадларида душман кучлар ва оқимларнинг бостириб кириш ва хуруж қилиш хавфига ишончли тусиқ қўйилса — бу нарса, аввало, Россиянинг ўз хавфсизлиги манбаатларига хизмат қилишини Россия томони англаб етишига умид қиласиз.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам Россия билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги иоғонага кутаришдан ғоят манбаатдордир.

Ҳозир икки ўртадаги савдо айланмаси ҳажми 1 миңлиард АҚШ долларидан ошиди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 15 фоизга ортди. Россия Федерацияси субъектлари билан Ўзбекистон минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётир.

Бизнинг ташқи иқтисодий ва ташқи савдо алоқаларимиз шунчаки анъанавий бўлибгина қолмасдан, кўп йиллардан буён ўзгармасдан ҳам келмоқда. Назаримда, энди шу алоқаларнинг даражаси, миқёслари ва энг муҳими – таркибий тузилишини биргаликда қайта кўриб чиқадиган пайт келди. Россия Ўзбекистонга асосан металла маҳсулотлар, машина ва ускуналар, ёғоч ва ёғоч материаллар юборса, Ўзбекистон Россияга пахта, мева-сабзавот, кимёвий моддалар етказиб бермоқда.

Ўзбекистон ҳозир ишончли ҳамкорларга нисбатан қўйиладиган талабларга тобора муносиб жавоб берадиган бўлиб қолди, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор. Биз 5 йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этиб келаётган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлааб, ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари таркибий тузилишини кенг миқёсда ўзгартиришга киришдик. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари – нефть-газ, электр энергетика, кимё саноати, телекоммуникациялар, темир йўл транспорти, ирригация тизими ва бошқа соҳаларни қайта қуриш, янгилаш дастурлари қабул қилинди. Саноат, транспорт, алоқа ва банк соҳасидаги йирик корхоналарни хусусийлаштиришнинг кенг миқёсдаги дастури амалга оширилмоқда. Ана шу барча кенг миқёсли ислоҳотлар Россиядаги юксак технологияларни ишлаб чиқарувчилар учун Ўзбекистоннинг янгиланаётган иқтисодиёти бозорида ўрин эгаллаш учун кенг истиқболлар очади.

Мен бугун Москва давлат университетининг Илмий кенгаши мажлисida иштирок этганим ҳақида алоҳида мамнуният билан гапирмоқчиман. Россия зиёлиларининг илфор вакиллари билан учрашув мамлакатларимиз ўртасида илмий-маърифий алоқаларни чуқур ва ҳар томонлама ривожлантиришга иккала томоннинг интилишини

яна бир бор яққол намойиш этди, биз бу алоқаларга ҳамиша катта аҳамият бериб келганимиз.

Учрашувда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қиласиган ҳалқтаримиз фаолиятининг руҳий-маърифий ва инсонийлик негизлари яқинлиги руҳи сезилиб турди.

Рус маданияти ўзбек ҳалқининг маънавий турмушида ҳақли равишда муносиб ўринлардан бирини эгаллади. Ўзбекистонда жаҳон цивилизацияси хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган рус фани ва маданияти буюк намояндаларининг номлари ва ижоди яхши маълум.

Сўзимнинг далили сифатида бир неча мисол келтирмоқчиман. Тошкентнинг марказий майдонларидан бирида улуғ рус шоири Александр Пушкин ҳайкали савлат тўкиб турибди; Ўзбекистонда Сергей Есенин, Анна Ахматова, Сергей Бородин давлат музейлари, бешта давлат рус театри ва республиканинг барча минтақаларидаги кўпгина маданий-маърифий муассасалар маданий-маърифий фолиият билан шуғулланмоқда.

Аммо таассуф билан шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўзбек маданиятининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатига бундай муносабатни Москвада ҳам, Санкт-Петербургда ҳам, Россиянинг бошқа марказларида ҳам кўрмаймиз.

Ўзбекистонда рус миллий маданият маркази, рус професияларининг 28 муассасаси, рус тилида ўқитилалигига 776 ўрта ўқув юрти ишлаб турибди. Республикадаги 61 олий ўқув юртидан 59 тасида дарслар рус тилида олиб бориладиган бўлимлар бор.

Саховатли Ўзбекистон диёрида юз минглаб этник руслар яшаб, меҳнат қўймоқда, улар мамлакатимизнинг тўла ҳукуқли фуқаролари бўлиб, Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади.

Муҳтарам Владимир Владимирович!

Қадрли россиялик дўстлар!

Биз Россияни сиёсий, ҳарбий-техникавий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда буюк давлат, ҳалқаро сиёсат етакчиларидан бири, деб биламиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора жадағы ривожланиб бораётір, бу жараёнга, Владимир Владимирович, Сизнинг бүлгүр Тошкентта қылган ташри-фингиз вақтида асos солинди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз давлатлараро муносабатларда, биринчи галда, Россия билан муносабатларда, күп томонлама алоқаларни инкор қилмаган ҳолда, иккى томонлама алоқаларни устун құямыз.

Бизнинг эътиқодимизча, күп томонлама муносабатлар давлатлар ўртасидаги аниқ-равшан, узоқ муддатлы иккى томонлама муносабатлар асосига қурилған, боқи-мандапикнинг ҳар қандай шактлари истисно этилған тақдирдагина ажамиятли ва салмоқли бўлади.

Ҳозирда күп гапирилаётган МДҲнинг келажаги ҳам, бизнинг фикримизча, айни шу тамойиллар негизига қурилмоғи керак.

Фурсатдан фойдаланиб, менинг назаримда, жуда муҳим бўлган бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида можаро чиқаридиган бирон-бир муаммо йўқлигини айтмасдан, гўё Ўзбекистон билан Россия ўртасида ихтилофлар бор, деган гаплар күп гапирилмоқда, ёзилмоқда, баъзан эса бу масала жўрттага бўрттириб кўрсатилмоқда.

Биз муносабатларимиз негизини ташкил этувчи энг муҳим масалалардаги ёндашувларда қандайдир алоҳида ихтилофлар йўқлигини таъкидлаймиз.

Албатта, Россиянинг ўз манфаатлари бор, Ўзбекистоннинг ҳам ўз манфаатлари бор — буни табиий бир ҳол деб қабул қилиш керак. Албатта, бизнинг мустақил позициямиздан ёндашадиган масалалар ҳам бор, аммо булар Россиянинг манфаатларига зид эмас.

Ҳамма гап шундаки, биз, ўзбекистонликлар айрим кимсалардан, айниқса арzon обрў орттириш ва вақтингчалик вазиятдан фойдаланиб қолиш пайида юрганлардан фарқли ўлароқ, нимани ўйласак, шуни гапирамиз ва нималар ҳақида келишиб олган бўлсак, шуни бажарамиз. Ўтадаги фарқ фақат ана шундан иборат, деб биламиз.

Бизларни бирлаштириб турувчи умумийликни, умумий тарихни, умумий манбаатларни, умумий чуқур руҳий ва маънавий илдизларни биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Жанг майдонларида ҳам, тинч ҳаётда ҳам халқларимиз бошига тушган ва бизни бирлаштирган оғир синов йилларини эсдан чиқариб бўладими, ахир.

Ўзбекистон халқи буюк рус халқига, унинг кўп асрларик, кўп қиррали маданияти ва санъатига, анъаналарига, рус характерининг кенглиги ва саховатига чуқур хурмат билан қарашини ҳисобга олмай бўладими, ахир.

Ана шуларнинг ҳаммаси — бизнинг тарихимиздир, тарихимизни эса биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Бу қадриялар ва бу туйғулар абадийдир.

Ана шу сўзларнинг ўзида ҳамма нарса мужассам, деб уйлайман.

Мана шу қадаҳни:

— Россия Президенти Владимир Владимирович Путин ва унинг рафиқаси Людмила Николаевнанинг соғлиги учун!

Россия ва унинг халқи равнақи ва баҳт-саодати учун!

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги мустаҳкам дүстлик ва ҳамкорлик учун!

Шу ерда ҳозир бўлган барча инсонларнинг соғлиги учун кўтаришни таклиф этаман.

*Президент Ислом Каримовнинг
Россия Федерациясига ташрифи чогида
Ўзбекистон делегацияси шарафига уюштирилган
расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи.
2001 йил 4 май, Москва*

**“КАБУЛ-ФАРГОНА КОМПАНИ”
ҚҰШМА КОРХОНАСИ ОЧИЛИШИГА
БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА
СҮЗЛАНГАН НУТҚ**

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Мұхтарам мәҳмөнлар!

Аввало, қадимий ва мұйтабар Фарғона заминида туриб, барчангизни Фарғона тұқымачилик комбинати негизида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда бунёд этилған, мана шу замонавий, күзни қувонтирадиган, ҳашаматли ишлаб чиқариш мажмусасынинг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман.

Қадрли дүстлар!

Бугун, ушбу тантанали маросимда қатнашаётган сиз, азизларнинг очиқ чехрангизга боқиб, шу комбинат тақдири билан боғлиқ баъзи воқеалар беихтиёр ёдимга тушиди.

Фарғона тұқымачилик комбинатининг тарихи Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ, десак ҳеч қандай хато бўлмайди. Яъни, Ўзбекистон яқин ўтмишда қандай йўлларни босиб ўтган, қандай оғир ва мураккаб кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси мана шу комбинат ва унинг меҳнат жамоаси тақдирида ҳам акс этган эди.

Агар ўтмиш тарихимизга кўз ташлайдиган бўлсан, юртимизда қурилган, нахта толасини қайта ишлайдиган корхоналардан Тошкент ва Фарғона комбинатларини, кейинчалик улар қаторига қўшилган Андижон, Бухоро ва Намангандаги корхоналарни бармоқ билан санаш мумкин эди.

Бу комбинатларда ўрнатилған дастгоҳ ва ускуналар, ишлатилған технологиялар, умуман, ишчиларга яратил-

ган шарт-шароит, ҳатто энг оддий талабларга ҳам жавоб бермайдиган даражада бўлганини, ишчиларнинг умри чанг-тўзон, шовқин-сурон цехларда ўтганини шу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади.

Саксонинчى йилларга келиб бу борада яна бир бемаъни иш бўлдики, у ҳам бўлса — ёши улуғ одамларимиз буни ҳам яхши билади — туманларда мана шу комбинатларнинг нобоп, бирон-бир сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга мутлақо ярамайдиган филиаллари ташкил этила бошлади.

Бу филиалларда на бир шароит, на бир инфратузилма бор эди.

Ёзда иссиқ, қишида совуқ, ҳеч кимга керак бўлмаган эски дастгоҳлар ўрнатилган бу биноларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш у ёқда турсин, умуман одам боласи қандай ишлаши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди.

Яқин ўтмишимизда бошимиздан кечирган мустабид ва қарамлик даврида ҳаётимизда ҳукмрон бўлган мана шундай бизларни камситиш ва менсимаслик ҳолатларини эслаганда, бугун ҳам одамнинг кўнгли хира тортиб, диққати ошиб кетади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлган пайтда Марказ учун арzon ҳом ашё минтақаси бўлиб хизмат қўлган.

Бунинг яққол тасдиғини пешона теримиз билан ўстириб, “оқ олтин” деб ном олган нахтамизни сув текинга сотиб, фақатгина 8 фойзи қайта ишлаш учун ўзимизда қолдирилганда ҳам кўриш мумкин.

Мен Фарғона тўқимачилик комбинатининг иш фаолияти билан илгаритдан таниш бўлганим учун, кўпчилик қатори, “Қани энди, бу ерга ҳам тараққий тоғлан давлатлардаги каби илғор технологиялар, замонавий ускуналарни олиб келсан, бизнинг қиз-жувонларимиз ҳам қулай, озода, ёруғ биноларда ишлаб, қилган меҳнатларига муносиб ҳаёт кечирса”, деб орзу қиласр эдим.

Бундай эзгу орзу-умидларнинг ушалишига мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгани боис ўз бойликлари-

миздан ўзимиз фойдаланиб, ўз тақдиримиз ва ҳәётимизни ўз хоҳиш-иродамизга қараб қуриш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганимиздан сўнг шарт-шароит пайдо бўлди.

Эски мустабид тузим бизга мерос қилиб қолдирган бир ёқлама шакъланган иқтисодиётни ўзгартириш, уни ўз ҳалқимиз манфаати учун, келажак авлодлар учун хизмат қилидириш йўлига ўтказиш, замон таалабларига жавоб берадиган янги корхоналарни қуриш имкониятлари вужудга келди.

Биз бу оғир меросдан ҳалос бўлиш учун бугунги кунда фақат хом ашё эмас, аввало, шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотни хорижга согиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялни ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад тониш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишлизликни кескин камайтириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

Агар биз мана шундай замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, фақатгина пахта хом ашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва хазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валюта билан тўлдириш, ҳәётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз.

Бир сўз билан айтганда, енгил саноатимизни, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини тез суръатлар билан ривожлантириш бизнинг устувор стратегик мақсадларимизни ташкил қиласи.

Шундай мақсадларни амалга ошириш йўлида охирги беш-олти йил давомида мамлакатимизда ҳалқаро андо-заларга тўла жавоб берадиган ўн битта замонавий тўқи-мачилик корхонасини қуриб, ишга туширидик. Шулар қаторида энг замонавий ускuna ва технология билан жиҳозланган Тўйтепа ва Тошкент шаҳридаги “Кабул тек-

стайлз”, Фарғона вилоятидаги “ДЭУ-текстиль” фирмалари билан ҳамкорликда қурилган корхоналарни кўзда тутгамиш.

Айни пайтда, шу кунларда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида Япония давлатининг энг иирик “Мицуиси” компанияси билан ҳамкорликда яна бир түқимачлик корхонаси иш бошлагани, йил охирига бориб, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ҳам айнан шу Япония фирмаси ҳамда туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда ана шундай янги корхона фойдаланишга тоширилиши бизни қувонтиради.

Энг муҳими, бундай корхоналарда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотнинг 70—80 фоизи экспорт қилинишини инобатга оладиган бўлсак бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва истиқболини ўзимизга аниқравшан тасаввур қилишимиз мумкин.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бундай ажойиб имкониятларимиз рӯёбга чиқаётган ҳолатларни бугун кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда барто этган “Кабул-Фарғона компани” қўшма корхонаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Энг илгор технологиялар, ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган, 2300 янги иш ўрнига эга бўлган бу улкан корхона ғоят қисқа вақт — бир йил ичида қуриб битказилган, қурилиш ишлари ҳажми белгиланган муддатдан олти ой аввал бажарилиб, 100 миллион АҚШ доллари микдоридаги сармоя ўзлаштирилгани айниқса таҳсинга сазовордир.

Экспорт салоҳияти йилига 50 миллион АҚШ долларини ташқыл этадиган ушбу мажмуани ҳеч шубҳасиз янги аср корхонаси деб аташ мумкин. Бу ердаги ўзингиз кўриб турган ҳар томонлама қулай шароит, ишлаб чиқариш жараёнларицаги илгор технологиялар, ҳатто ишчи-хизматчиларга ярашиб турган бежирим либослар — буларнинг барчаси юртимизда энг илгор, энг замонавий корхоналар қаторига янги бир мажмуа қўшилганининг тасдиғидир.

Бугун мана шундай ҳашаматли, замонавий, кўзни ва кўнгилни қувонтирадиган тўқимачилик мажмуасининг очилиш маросимида қатнашар эканмиз, барчамиз бундай корхоналарни барпо этиш учун чет эл сармоядорларининг имкониятларини ўзимизнинг иқтисодиётимизга жалб этиш, хорижий ҳамкорларимизнинг ишончини қозониш — келажагимиз учун, юртимизни обод қилиш учун нақадар муҳимлигини янада чуқурроқ англаб олмоқдамиз.

Чет эл сармоядорлари, хорижий компаниялар ҳақида гапирав эканмиз, улар қаторида буғун Ўзбекистон бозорида катта обрў ва ишонч қозонган Кореяning “Кабул текстайлз” компаниясини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Бу компаниянинг ҳозирга қадар мамлакатимиз иқтисадиётига 300 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя киритгани, “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда беш йил мобайнида бизнинг корхоналаримиздаги бир миллионга яқин түкув дастгохини янгилашга қарор қилгани унинг жиддий ва салоҳиятли ҳамкор эканидан далолат беради.

Мана шу тўқимачилик мажмуасини барпо этишда жонбозлик курсатган, буғунги тантанали маросимга олис Кореядан ташриф буюриб, бизнинг шодлигимизга шерик бўлаётган ҳурматли меҳмонларимизга, биринчи навбатда, “Кабул текстайлз” компаниясининг асосчиси Чанг Хо Пак, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Чанг Хун жанобларига, барча-барча мутахассисларига ўз номидан, бутун ҳалқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ушбу корхона қурилиши учун кредит ажратиш ва замонавий ускуналарни етказиб бериш ишларида бош-қош бўлган Япониянинг “Марубени корпорейшн” компанияси вакилларига, компания ижрочи директори Матсуга жанобларига, мазкур компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Суkenарига, “Марубени текматекс” компаниясининг бош менежери жаноб Такиза-

ва: Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси муҳтарама Кио-ко Накаяма хонимга ва бошқа барча япониялик ҳамкорларимизга чин дилдан раҳмат айтамиз. Ва улар орқали бутун Япония ҳалқига ўз хурмат ва эҳтиромимизни билдиришга руҳсат бергайсизлар.

Бугунги тантанали маросимда Корея ва Япониядан келган ҳурматли меҳмонларнинг қатнашаётгани бизга жуда катта мамнуният бағишлийди, биз учун бу — унтуилмас бир воқеадир.

Бағрикенг, меҳмондуст, бир яхшиликни юз карра қилиб қайтарадиган ҳалқимиз бундай меҳмонларни бошига кутаради. Ҳалқимизнинг шундай олижаноб фазилатларини инобатга олиб, келинглар, азиз дўстлар, мана шу муҳтарам меҳмонларимизни чин дилдан яна бир бор олқишлайлик, ўзимизнинг уларга бўлган ҳурмат-эҳтиромимизни кўрсатайлик.

Қадрли ватандошлар!

Ҳар қандай корхонанинг тараққиёти ва истиқболи унда ишлайдиган одамларнинг ақл-заковати, меҳнатга муносабати, изланувчан ва ташаббускор бўлишига боғлиқ экани шубҳасиз.

Ишончим комилки, бугун катта ният, катта умидлар билан мана шу даргоҳга қадам қўйган ёш ишчилар, мутахассис-муҳандислар эртага бу корхонанинг ҳамма ҳавас қиласидиган, юқори малакали, меҳнаткаш, аҳил жамоаси бўлиб шакъланади. Бугун барчамизнинг қўзимизни қувонтириб турган янги корхонада, янги шароитда ишга муносабат ҳам албатта ўзгача бўлади.

Мен бу улкан, замонавий корхона жамоасига, айниқса, навқирон йигит-қизларимизга қарата айтмоқчиман: мен сизларнинг тимсолингизда бутун Фарғона ёшларининг истиқболини кўраман.

Сизлар ҳалқимиз бошлаган олижаноб ишларнинг муносаб давомчилари бўлиб, ўз меҳнатингиз, азму шижоатингиз билан Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга танишида, юртимизни янада обод қилишда ўз ҳиссангизни кўшасиз, деб қаттиқ ишонаман.

Сизларга тилагим шуки, барчангиз мана шу күтүлүп даргоҳда униб-үсинг, ўз баҳтингизни топинг, ишда, ҳаётда янги-янги ютуқшарга эришинг. Қачонки, олдингизда бирон-бир ғов-түсиқ пайдо бўлса, уни енгишда, мени ёнингизда елкадош деб фараз қиласангиз, ўзимни баҳтиёр деб ҳис қиласадим.

Азиз фарғоналиқ қадрдонларим!

Юртимиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос файзу таровати, одамларининг бетакрор табиати, олижаноб фазилатлари бор. Айтиш мумкинки, бу ҳам бизнинг бекёёс бир бойлигимиз.

Фарғона вилоятининг сўлим табиати, меҳмондўст, очиқкўнгил, меҳнаткаш одамларини кўрганимда, улар билан сұхбатлашганимда ҳар сафар дилим яйраб кетади.

Мен куни кечакасада бўлиб, Андижон аҳлининг бунёдкорлик ишлари, кўтаринки руҳиятини кўриб, қанчалик хурсанд бўлган бўлсам, бугун Фарғона дилёрида сизлар билан дийдор кўришиб, бамисоли яқин қадрдонларим билан учрашгандек, бениҳоя мамнун бўлиб турибман.

Сизларнинг баҳтиёр чехраларингиз, самимий табассумингизни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Юлдузхон Усмонова қизимишнинг менга ёқадиган “Марғилонни соғиндим” деган бир қўшиғи бор. Худди шунга ўхшаб, агар кимдир “Фарғонани соғиндим” деган қўшиқ яратса, мен ҳам шу қўшиқни сизлар билан бирга Фарғонага бўлган ҳурмат-эҳтиромим рамзи сифатида чин дилимдан такрорлаб юрган бўлур эдим.

Азизларим!

Ҳаммамиз кўриб турибмизки, бу корхонада кўплаб ёш қизларимиз ишлайди. Бундай гўзал, иболи, одобли ва лобар қизларни кўриб, дилимдаги бир гапни айтмоқчиман.

Мана шу сизлар меҳнат қиласидиган корхона ҳали жуда кўп юксак сифатли маҳсулот чиқаради. Бу маҳсулотни биз учун керакли бўлган қаттиқ валютага сотамиз. Сизлар ўз меҳнатингиз билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшасизлар.

Албатта, бу бойлик биз учун жуда муҳим, лекин шахсан мен бу корхонанинг энг катта бойлиги — дунёда тенгиги йўқ мана шу гўзал қизларимиз, шу улкан мажмуанинг меҳнаткаш, навқирон жамоаси, деб айтган бўлар эдим. Қани энди, зиммамдаги давлат ишлари бир оз камайсаю мен сиз — сулув қизларимнинг ҳар бирингизга ақли, мард, жасур, сизларни бошига кўтариб юрадиган олижаноб кўёвлар топиб, тўйларингизга бош бўлсан. Дунёда бундан ортиқ баҳт-саодат борми ўзи!

Қадрли дўстлар!


Ушбу йирик саноат мажмуасини барпо этишда сидқидилдан меҳнат қилган “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси ходимларига, “Фарғонатрансмахсусқурилиш”, “Ўзэлектромонтаж”, “Фарғонанефткимёмонтаж” ва бошқа пудратчи ташкилотларнинг лойиҳачи ва муҳандисларига, қурувчи ва монтажчиларига, шу улкан ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ҳаммамизнинг номимииздан чуқур миннатдорлик билдираман.

Юртимиз фаровонлиги ва тараққиётига хизмат қиладиган мана шундай бунёдкорлик ишларимиз янада кўпаяверсин!

Барчангизни яқинлашиб келаётган Истиқолимизнинг ўн йирик байрами билан қизғин табриклайман!

Хонадонларингизга тинчлик-омонлик, баҳту саодат, омад доимо ёр бўлсин.

2001 йил 23 август



УЛУГЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КУРМАГАЙ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам мәҳмонлар!

Аввало, бугунги унтилимас воқеа — халқимизнинг буюк фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишилаб бунёд этилган ёдгорлик мажмuinинг очилиш маросимида сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли юргдошлар!

Бугун, Ўзбекистонимиз истиқтолининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида, Навоий номи билан аталган, бу муборак номни шараф ва ифтихор билан баланд кутариб, эъзозлаб келаётган вилоят ва шаҳарнинг қоқ марказида буюк бобомизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилгани бежиз эмас, албатта. Бугунги қувончли воқеанинг иштирокчилари — бепоён саҳро бағрида Навоий ва Зарабшон, Учқудук қаби шаҳарларни бунёд этган, олтин, кумуш, пахта, ғалла, қоракўл сингари ноёб бойликларнинг мақони бўлган саховатли заминда яшаётган, ўз юртини обод қилиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган одамлар Навоий бобомизга бамисоли таъзим қилиб, чексиз ҳурматэҳтиромини бажо этмоқда.

Бугун барча соҳаларда — дунёда мисли йўқ конларимиз, саноат корхоналари бўладими, бепоён пахта далалиари, кенг яйловлар бўладими — ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар тимсолида Навоий ҳавас қилинган ҳаёт намуналарини кўриб турганимизда, унинг орзуумидлари бизнинг кунларимизда рӯёбга чиқаётганида ўзига хос маъно-мазмун бор.

Ушбу воқеа яна шуниси билан эътиборлики, ҳалқимиз, миёнатимизнинг буюк инсон, улут мутафаккир Алишер Навоий сиймосини асрлар давомида эъзозлаб, унга изҳор этиб келаётган севги-садоқати айнан мустақил юртимизда үзининг ёрқин ифодасини топмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни “Навоий йили” деб эълон қилганимиз, уша унугулимас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида миллтий боф барпо этиб, унинг турнида шоирга муazzзам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Бугун, орадан ўн йил ўтиб, Алишер Навоий шарафига яна бир улкан ёдгорлик мажмуи бунёд қилганимиз мумтоз шоиримизга чексиз фарзандлик муҳаббатимиз, садоқатимизнинг намоёни, десак, бу ҳам айни ҳақиқатдир.

Азиз дўстлар!

Биз Навоий бобомизнинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, унинг даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги хусусида фикр юритганда, нималарни назарда тутамиз?

Аввало, Алишер Навоий ҳалқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бугун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллтий адабиётимизнинг тенгизиз намояндаси, миллатимизнинг фурури, шаъну шарифини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мағкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Инсоний ишқ-муҳаббатни, меҳру вафо, иффат, шарму ҳаёв ва назокатни ёниб, ҳассослик билан куйлаган Навоийнинг гўзал сатрларини ўқигандагу буюк ва олижаноб қалб садоларини сезиб турамиз. Бу юрак туғёнлари, мана, орадан беш ярим аср ўтса ҳамки, миллионлаб одамларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган.

Алишер Навоийнинг тарих ва башарият олдидағи улуғ хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси ҳалқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарди, одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асрраб-авайлашга чорлаб ўтди.

Ҳазрат Навоийнинг севикли қаҳрамони Фарҳоднинг инсонийлик ва олижаноблик, жасорат ва матонат каби фазилатлари, тоғни кесиб, сув чиқаргани, ҳалқнинг оғирини енгил қилиб, унинг дардига малҳам бўлгани, кўп асрлар давомида ва бугунги кунда ҳам нафақат ўзбек ҳалқи, балки барча ҳалқларнинг ёш авлодлари учун ибрат бўлиб, уларни эзгулик ва фидойилик руҳида тарбиялашга кўмак бергани ва хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий ҳазратларининг том маънода ҳалқпарвар шахс бўлгани, унинг ўлмас гоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани, айниқса, аҳамиятлидир.

Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида “ҳалқ”, “эл”, “улус”, “юрт”, “раият” деган сўзларнинг “меҳр”, “мурувват”, “оқибат”, “саховат”, “садоқат” сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз.

Мовароуннаң заминида пири комил, авлиё даражасыга күтариылған бу мұтабар зот халқ орасидаги бекістік обрұ-эътибори, нуфузи билан мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлықтың үзиге хос кафолатига айланған зди.

Үша даврда темурийлар салтанатида содир бұлған ҳар қандай нотинчлик ва низо, аввало, ҳазрати Навоийнинг саъї-харакатлари билан бархам топгани тарихий ҳақиқат-дир.

Әки “Сади Исқандарий” достонида юртига ёвуз душман бостириб келған турли миллат вәзілларының Исқандар бошчилигінде бирлашиб, ёв йүлиға мустақам девор қуриб, унга қарши кураш олиб борганини эслайлик.

Үша даврда әл-улус ҳаётига хавф солған бало-қазолар бизнинг замонамында ҳам террорчилик, гиёхвандлик, уюшган жиноятчилик, ақидапарастлик каби турли қури-нишларда намоён бұлиб, миллионлаб одамлар ҳаётига таҳдид солаёттап экан, дүнёдеги барча соғ ниятлы кишиларнинг ана шундай вайронкор, бузғунчи ғоялар, ёвуз күчларға қарши бир ёқадан бөш чиқарыб, қатыяйт билан кураш олиб бориши, таъбир жоиз бұлса, хавфсизлик борасыда Навоий орзу қылған мустақам Исқандар деворини барію этиши даркор әмасми?

Мұхтарам дүстлар!

Навоийнинг үлімас асарларидаги юрт тинчлигі вә осой-ишталиғи, халқдар вә миллатлар үртасидеги дүстликни күкларға күтаратылған, бу ғояларни устувор инсоний қад-риятлар сифатида олға сурадылған фикр вә қараштари биз учун, айниқса, қимматлидир.

Улуғ ажгодимиз яратған қаҳрамонлар — хитой, арман, араб, форс, юнон, ҳинд каби турли миллат вакилларының әзгу мақсадлар йүлида елқадош бұлиб, қийинчилик вә синовларни биргаликта сабот билан енгиб үтганида бутунги долғали замон учун ҳам мұхим рамзий вә амалий маъно бор.

Навоий бобомиз куйлаган, орзу қылған халқдар вә миллатлар үртасидеги дүстлик вә ҳамжиҳатлик бүгүн гүзал

Навоий вилоятида қарор топганига ҳар қанча ҳавас қылса арзыйди.

Бир пайтлар қүш учса, қаноти, одам юрса, оёғи күядиган Қизилкүм саҳросини гуллаган воҳага айлантираётган сиз, азиз навоийликлар ўз олижаноб ишларингизда, аввало, Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом, Навоий қаҳрамонларидан ўrnак ва ибрат олиб яшаётганингиз барчамизга кувонч ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли ватандошлар!

Инсонни олам гултожи деб улуглаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунавар қиласи, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқарди, деган қатъий ишонч мужассам.

Барчамизга ёд бўлиб кетган “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами” деган ҳикматли сўзлар нафақат гўзал ташбеҳ, аксинча, улуг шоирнинг иймон-эътиқоди, фаолият мезони, ҳаёт фалсафасидир.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтоҷларга муруват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўпприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳдининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?

Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан ҳалқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий куролга эга бўламиш.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади. Ишончим

комилки, ҳазрат Навоий даҳосига чексиз ҳурматимизнинг яна бир рамзи бўлмиш ва мана шу гўзал ёдгорлик мажмуаси ҳам шу эзгу мақсад йўлида хизмат қиласди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муazzзам боғни, бирбиридан кўркам мана шу иншоотларни бунёд қилишда иштирок этган меъмору муҳандисларга, қурувчиларга, бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бугун мутафаккир шоиришим хотирасини чуқур эҳтиром билан ёд этар эканмиз, унинг буюк даҳоси олдида яна бир бор бош эгиб таъзим қиласмиз.

Ҳазрат Навоий орзу қўлган осуда ҳаёт, фаровон турмуш, юксак тараққиёт юртимиз тупроғида доимо барқарор бўлсин.

Ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир инсонга Навоий зиёсидан баҳраманд бўлиш насиб этсин.

Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

*Навоий шаҳрида Алишер Навоий
ёдгорлик мажмуининг очилишига
багишланган тантанали маросимда
сўзланган нутқ,
2001 йил 24 август*

“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”
УЧИНЧИ ҲАЛҚАРО МУСИҚА
ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА
МЕҲМОНЛАРИГА

Қадрли фестиваль қатнашчилари!
Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда учинчи бор ўтказилаётган “Шарқ тароналари” ҳалқаро мусиқа анжумани қатнашчилари бўлган сиз, азизларни қадимий ва навқирон Самарқанд заминида муборакбод этишдан гоят мамнун эканимни изҳор этаман.

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири, турли маданиятлар тулашган бу фусункор шаҳарда бундан тўрт йил муқаддам асос солинган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали ҳалқаро майдонда эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки Фарб дунёсидағи кўплаб санъат намояндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани унинг қисқа муддат ичиди ажойиб анъана ва катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, бу фестиваль жаҳон аҳлиниң ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳәстий эҳтиёжини ҳар бир ҳалқ, ҳар бир милллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини рўёбга чиқаришда бекиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Мусиқа санъатининг минг-минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётгани, бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар қилиб кўрса-тадиган илоҳий мўжиза экани барчамизга аён.

Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий эркинлик, руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-

қиммати бениҳоя ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу маънода, ушбу фестивал буюк Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан барча нафосат шайдолаларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ҳам катта аҳамиятта эга.

Миллий анъаналарнинг ва замон руҳини ўзида мужассам этган бу санъат анжумани ер юзидағи турли ҳалқларнинг маънавий олами, орзу-интишлари, дарду армонларини ифода этар экан, бугунги мураккаб даврда инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик минбарига айланиб бормоқда.

Мен дунёнинг турли қитъя ва мамлакатларидан фестивалга ташриф буюрган машхур санъат намояндаларини нуфузли ҳалқаро ташкилот — ЮНЕСКО, Ҳалқаро мусиқа кенгаши вакилларини, барча меҳмонларимизни ўзномидан, бутун ҳалқимиз номидан яна бир бор самимий муборакбод этаман. Уларга қаратса “Гўзал Ўзбекистон түриғига, кўхна Самарқанд заминига хуш келибсиз”, дейман.

Бетакрор ва саховатли ўзбек диёри, унинг мафтункор табиати, айниқса, бағрикенг, меҳмондўст ҳалқимиз билан бўладиган самимий учрашув ва мулоқотлар сизларга хуш кайфият, янги илҳом бахш этади, деб ишонаман.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Сизлар янги аср, янги мингийилликка асраб-авайлаб олиб ўтган ноёб бойлик — инсоният тафаккурининг буюк мұжизаси бўлган Шарқ мусиқий мероси одамлар қалбидаги эзгулик, биродарлик, меҳр-шафқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мана шу олижаноб ва шарафли мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

2001 йил 26 август

оржы менең таңынан түркілікке дейінгі
жыныздардың да мәннен көп болғанын
жекеңінен көрсетті. 1970-жылдарда мемлекеттің
жоғары мәдениет жөнүндегі мемлекеттік макта

АДОЛАТ — ҚОНУН ҮСТУВОРЛИГИДА

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Мұхтарам халқ депутатлари!

Аввали, барчангизни кириб келаётган энг улуғ, энг азиз
байрам — Ватанимиз мустақиллигининг үн йиллик айё-
ми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга
ижозат бергайсизлар.

Азиз дүстлар!

Үтган үн йиллик яқын тарихимизни сархисоб қилиш,
барча соҳаларда эришган улкан ютуқларимизни таъриф-
лаш, шу жумладан, камчиликларимизни ҳам холисона
баҳолаш, бир сүз билан айтғанда, шу давр мобайнида
амалга оширган ишларимиз ҳақида ҳисобот бериш, улар-
нинг барчасини бир маърузада акс эттириш жуда мурак-
каб ва қиийин вазифа эканини ҳаммамиз яхши тушуна-
миз.

Лекин мен бугун мана шу юксак минбардан туриб,
сиз, мұхтарам халқ вакилларининг очиқ чехрангизга қараб,
сиз орқали бутун халқимизга бир ҳақиқатни айтишни
истардим.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, асрлар давомида күп-
күп құрбонлар бериб, машаққатли синовлардан үтиб,
мислсиз оғир кунларни құриб, не-не йүқотишлар, зулм-
зұравонникларни бошидан кечирған, аммо озод булиб,
эрkin булиб ҳур Ватанда яшаш учун кураш йўлидан қайт-
маган халқимизнинг ана шу азалий армони айнан биз-
нинг кунларимизда рүёбга чиққани, бундай саодат бар-
чамизга насиб этгани учун Яратганимизга минг-минг
шукронда айтишимизни хоҳлардим.

Биз мана шу ўн йил давомида янги ҳаёт, янги жамият куриш борасида оламшумул воқеаларга бой бўлган тарихий йўлни босиб ўтдик. Бу йўлда муваффақият ва қувончлар ҳам, изтироб ва машаққатлар ҳам бўлгани табиий, албатта.

Лекин биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар сари қатънат билан интилиб, тинимсиз меҳнат қилдик, ҳар қандай қийин шароитда ҳам танлаб олган йўлимиздан кайтмадик.

Айниқса, очиқ демократик давлат ва жамият куриш мақсадида янгича бошқарув ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тизими шакллангани ҳамда ўзимизга мос ва ўзимизга хос мустақил ривожланиш стратегисини амалга ошираётганимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб обру-эътибор қозонганимиз Ватанимизнинг буюк келажаги сари қўйилган муҳим қадамдир.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қурдатли Куролли Кучларимизни ташкил этганимиз ўз вақтида чукур ўйлаб қилинган ишимизнинг тасдиғи бўлди, десак хато бўлмайди.

Миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Энг муҳими, қўпмиллатли Ватанимизда ҳукм суроётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити — бизнинг бекиёс бойлигимиз эканини юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакили ўзининг кундаклик ҳаётида ҳис этиб турибди.

Бугун миллий истиқбол тоғасини ўзида тўлиқ мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, ҳалқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қурдати сафарбар этилаётгани —

буларнинг барчаси ҳаммамизни қувонтиради ва келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, биз танлаган тараққиёт модели, бозор иқтисодиётига таянган очиқ демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимизнинг, бир томондан — кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миддлий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса — жаҳон халқларининг энг илгор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган йўлимизнинг тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизнинг бугунги босқичида демократлаштириш, тубдан янгиланиш жараёнлари жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олди, десак асло муболага бўлмайди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифа — бу 2000 йил июн ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидағи ислоҳотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурини амалга оширишдан иборат.

Бугун мен ана шу Дастурнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг хуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим.

Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб берга оладиган суд тизими шаклланмоқда.

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Хурматли депутатлар!

Юртимизда бу соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Келинг, шу йўлда босиб ўтган босқичларни бир эслайлик.

1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонундаёқ айбисизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди.

Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатги-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда янги таҳрирдаги “Судлар тұғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқыч бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

“Судлар тұғрисида” ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчи ва энг асосийси — давлат ҳокимиятининг бўлиннишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақилигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тұхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Узбекистон Республикаси Президенти хузурида тузиленган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий мақала комиссияси зиммасига юқланди.

Иккинчидан, умумий юрисдикция судларининг ихтинослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди.

Ҳаётнинг ўзи бу қарорнинг тұғрилигини күрсатиб турибди. Судларнинг ихтинослашуви ишларни кўриб чиқиши сифатини оширмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтироқда.

Учинчидан, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси маҳсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юқлатиши. Бу департамент судларнинг мустақилиги ва фақат қонунга бўйсуниши тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

Тұртқынчидан, “Судлар тұғрисида”ги аввалғи Қонундан фарқыл үлароқ, янги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ:

судьялар захираси судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар, ташкилотлар, судьяларнинг жамоатчилик бирлашмалари аъзоларининг таклифи асосида судьяларнинг малака (квалификацион) ҳайъатлари томонидан шакллантирилади;

судьялик лавозимига номзодлар ҳақидаги таклифлар Суд департаментида жамлаб борилади, унинг зиммасига судьялик лавозимига номзодларнинг ҳужжатларини йиғиш ва тайёрлаш, суд кадрлари малакасини ошириш вазифаси юқлаландырылади;

номзодларни мүқобиљлик асосида күриб чиқиши ҳамда судьялик лавозимига тайинлаш ҳақида тақдимнома кириши судьялардан, Олий Мажлис депутатларидан, ҳуқуқшунос олимлардан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда нодавлат ташкилотларининг вакилларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга ошириллади.

Суд кадрларини танлаш ва тайинлашга доир яратилган тизим суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини, судьялик лавозимига тайинлашда холисликни таъминлайди.

Суд-ҳуқук соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланған “Судлар тұғрисида”ги янги Қонунга мувофиқ, жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди.

Ишларни күриб чиқишининг апелляция тартиби жорий қилинди. Бу суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг мутдим кафолати бўлди.

Янги қонунга мувофиқ, апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақди.

Хўкм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини юқори судлардаги кассация инстанцияларида кўриб чиқиш тартиби ҳам ислоҳ қилинди. Фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси судининг мажлисida ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бунда ҳимоя билан айлов ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди.

Фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули, танлаш имконияти берилди.

Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар рўй бермоқда.

Азиз дўстлар!

Шубҳасиз, ҳаётимиздаги барча тармоқ ва жараёнларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жорий қилинётган ислоҳотлар ўзининг самараси ва натижасини бера бошлади.

Энг муҳими, бу ислоҳотлар ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқич-ма-босқич амалга оширилишини таъминлади.

Лекин, шу билан бирга, шуни таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй берадётган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда.

Шуни очик-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эршилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига доир қабул қилинган қонун

ва бошқа меъёрий хужжатлар умумэтироф этилган халқаро демократик меъёрларга борган сари мослаштирилдётгандан бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқарashi ва тафаккури анча қинччилик билан ўзгаряпти.

Буни очиқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз — ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишдир.

Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.

Маълумки, совет қонунчилигига иқтисодий жиноятларда ҳимоя қилинадиган асосий субъект бўлиб давлат субъекти ҳисобланган. Шунинг учун ҳам давлатга зарар етказиш ҳолларига ўта оғир жиноят сифатида қаралған ва бунга йўл қўйган шахслар ўта шафқатсизлик билан жазоланар эди. Хусусан, жуда катта миқдорда давлат мулкини ўғирлаган ёки пора олган жиноятчи шўро даврида амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинار эди.

Мисол учун, 1986 йилда СССР Олий суди Ўзбекистоннинг собиқ нахта тозалаш саноати вазири Ваҳобжон Усмоновни ноқонуний тергов усувларини қўллаб олинган соҳта гувоҳликлар асосида катта миқдорда пора олганликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Суд ҳукми ижро этилиб, орадан 12 йил ўтгач, 1998 йилда В.Усмонов батамом оқланди, жиноий иш эса унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан қолдирилди.

Бугун бизнинг ҳукуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси тајлабларига кўра, инсон ҳукуқларининг устуворлигини таъминлади. Инсон ҳимоянинг

бош субъекти булиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига сүйқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади.

Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолия-тимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон кутила олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман то-қат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйил-моқда.

Жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузар-ликни содир этган шахс судларимиз томонидан амалдаги қонунларимизга кўра, беш йил ёки ундан ҳам кўп муд-датларга озодликдан маҳрум этилади.

Масалан, Фаргона вилояти, Охунбобоев тумани суди томонидан 20 ёшли Моргунов болалар боғчаси ошхона-сидан 8600 сўмлик идиш-товоқ ўғирлагани учун, гарчи бу нарсаларни эртаси куниёқ қайтариб олиб келган бўлса-да, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида балогат ёшига етмаган Р.Абдуллаев ўтгай онасининг 3300 сўм пулини ўғирлагани учун қамоқقا олинган. Навоий вилояти Хатирчи тумани хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томо-нидан фуқаро Ш. Исматов харидордан 190 сўм ортиқча пул олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва хукм қилинган.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани тергов органлари томонидан 19 ёшли Ҳожирасолов 25 килограмм гилос ўғирлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва қамоқقا олинган.

Бундай мисоллар, биринчи навбатда, қонунчилиги-мизда ва қонунларни жорий этиш амалиётининг айrim қисмларида бугун бизнинг қараашларимизга номаъкул бўлган тажрибалар қўлланилаётганини кўрсатади.

Бундай ҳолларда қонунни бузган одамдан уни такрор-ламаслик ҳақида тилҳат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқла-шини унутмаслик керак. Афсуски, юқоридаги ҳар бир

холатда тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу йилнинг июн ойида менинг топшириғим бўйича тергов ҳибсоналарида ўтказилган текширув натижасида кўплаб ана шундай фактлар аниқланди. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичидаги тергов ҳибсоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруглари борлигини, минг афсуски, унугтамиз.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шартшароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундан ошилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки кўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишига интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар, одамларнинг хато ва баҳтсизликлари ҳисобига ўзларининг фаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади. Бундай ходимлар халқ

ҳақида, давлатнинг обрүси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволовик, номақбул иш усуслари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бир оз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳоқимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўнимиз билан яратамиз.

Сир эмас, бунинг оқибатида фуқароларнинг айнан ана шундай қатламидан, айниқса, ёшлардан ашаддий жиноятчиларнинг пайдо бўлишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Сўзсиз, ўз номига дод тушираётган бундай ходимлардан қатъий воз кечиш керак. Шу билан бирга, айрим қонун нормаларини, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қонун нормаларини қўллаш ҳолатларини танқидий баҳолашмиз лозим.

Ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз экантигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиб самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузгай шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган қўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли

хүлоса чиқарыб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун күп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман.

Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта қуриб чиқиш вакти етди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш бўйича ушбу сессияга тақдим қилинган таклифларни бу соҳадаги дастлабки қадамлар, деб қабул қилиш керак.

Табний бир савол туғилади: уларнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат? Уларни қабул қилиш билан нима ўзгаради?

Биринчидан, сизлар яхши биласизлар, амалдаги жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, тўрт гурӯҳга бўлинади. Эслатиб ўтаман: булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексидаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этади.

Бугун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Шундай қилиб, Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган хуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони колония жойларида қўриқчисиз ўтайди, эркин юриш хуқуқига, қариндош-уруғлари ва яқинлари билан чек-

ланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор им. тиёзларга эга бўлади.

12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир булмаган жиноятлар тоифасига, етти турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўзгартишлар жазони ўташ режимига таъсир кўрсатади. Жазони енгилори билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини сўзсиз анча енгиллаштиради.

Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни хуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: тасдиқлаш учун таклиф этилган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилади.

Иккинчидан, жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу — қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашувдир.

Бунинг моҳияти нимада? Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи

үзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирумайди.

Бугунги кунда судлар томонидан тайинланаётган жазо чоралари ичida жарима жазоси атиги 8,3 фоизни ташкил этади, уни қўллаш даражаси эса пасайиб бормоқда.

Айни пайтда жиноят содир этган ҳар икки шахсдан бирига озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилмоқда. Жазо чораларига доир таклиф этилаётган ўзгаришлар жинояtlар таркибининг 87 тасига тааллуқли бўлиб, жиноят қонунининг жазолаш таъсирини камайтиради.

Шу билан бирга, жавобгарлик доирасини янада аниқроқ белгилаш ва унга алоҳида ёндашув ҳисобига жазонинг тарбиявий аҳамиятини ва унинг самарасини ошириш имконини ҳам беради.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қулламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Ўйлайманки, жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган мұхим масалалардан бири — ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир.

Айрим мамлакатларда ўлим жазоси тақиқланган, баъзиларида эса унга нисбатан мораторий эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, — дейилади ушбу ҳужжатда, — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, ўлим жазоси қулланиладиган хукуқбузарликлар миқдорини яна-да камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечайётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамоилини ўзида тўла акс эттиради.

Бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган ҳалқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 1994 йили Жиноят кодекси қабул қилинганида, 13 та моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта моддасидан олиб ташланди.

Яъни, бугунги кунда ўлимга ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалардан фақаттана саккизтаси қолдирилган. Бугун улардан яна тўртта моддасини қисқартириш таклифи киритилмоқда.

Таклиф этилаётган муайян ўзгаришлар қабул қилинган ҳолда, фақат тўрт турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси қулланиши мумкин бўлади. Агрессия, геноцид, террорчилик шулар жумласидан ҳисобланниб, ҳалқаро нормаларга мувофиқ, улар энг оғир жиноят сифатида қаралади ва ўта қаттиқ жазо тайинлашни тақозо этади.

Яна битта сақланаётган модда — қасдан одам ўздириш ўта оғир жиноятлар қаторига киради ва оғирлаштирувчи ҳолатларда бундай жиноятни содир этадиганларга ўлим жазоси қулланилиши мумкин.

Бир ҳақиқат барчамиз учун аён булиши керак: инсон ҳаёти Худо томонидан ато этилган улуғ неъмат экан, демак, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одамни ҳаётдан маҳрум этиш ўлим жазосига лойикдир.

Тўртингидан, қонунчилигимиздаги жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Сизларга яхши маълумки, бошқа турдаги жиной жазоларга қўшимча сифатида қўлланадиган ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди. Бундан кўзланган мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйидан, рўзгоридан айириш ва яна энг номақбули, оиласи, фарзандларини асосий тирикчилик манбацдан маҳрум этиш эди.

Халқимиз марказдан келган “десант”чи терговчилар “пахта иши”, “ўзбеклар иши” каби соxта айбловлар асосида минглаб мутлақо бегуноқ кишиларни қамоққа ташлаган оғир кунларни бошдан ўтказди. Ана шу кезларда одамларнинг мол-мулкини рўйхатга олиш каби таҳқирловчи, файриинсоний хатти-ҳаракатлар кўпилаб содир этилди. Судланувчиларнинг хотинлари, бола-чақалари бамисоли қучага ҳайдалиб, турли хўрлаш ва камситишларга дучор этилди.

Бундай ишларни амалга оширган “десант”чиларнинг ўзлари эса катта минбарларга чиқиб, демократия ва ошкоралик, қайта қуриш ва инсон ҳуқуқлари ҳақида бор овоз билан дунёга жар солди. Аслида ҳибсга олингандан маҳкум этилгандарнинг болалари ва қариндошлари моддий ва маънавий нуқтаи назардан ноҳақ бадном бўлиб, ана шу тазийиқлар тамгасини бир умр кўтариб юришга мажбур бўлдилар.

Мана, бугун замон ўзгарди. Ҳаёт ҳамма нарсани жойжойига қўйди. Аммо ўша даврдаги эскича қарашлар асорати муайян масалаларга ёндашувда, шу жумладан, қонунчилигимизда, ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётида баъзан кўзга ташланиб қолмоқда.

Табиийки, жиной йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолади. Аммо қонунни бузган оила бошлигининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак.

Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор, мана шундадир. Биз синфий кураш foяларига, давлат манфа-

атларининг мутлақ устунлигига асосланган ва ҳали-бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистга ёндашувлардан воз кечишимиз керак.

Яъни, агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузиши да айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамфаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришига қаршимиз. Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруф ният ва катта умидлар билан эндиғина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу – бизнинг бош мақсадимиздир.

Бешинчидан, биз вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қўлган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайнинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутади.

Ишончим комилки, бу борадаги эркинлаштириш жарайенини изчил давом эттиришимиз зарур.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимиэнни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятлар миқдорининг 4 физини, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар эса қарийб 11 фоизни ташкил этади. Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётганлар умумий миқдорининг бир фоизи вояга етмаганлар, 2,3 фоизи эса аёллардир.

Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барий бир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас.

Кўп холларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникумаларни эгаллай бошлайди.

Бугун Жиноят кодексига киритиш учун тавсия қилинаётган ўзгартиришлар олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва аёлларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги юқори жазо муддатларини ҳам камайтиришга қаратилган. Бу тоифадаги кишиларга бирор-бир жиноят учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътибор беришингизни истардим. Вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиёtsизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, сессия муҳокамасига киритилган таклифларда ёши олтмишдан юқори бўлган эркакларга ўлим жазосини қўллаш амалиётини тақиқлаш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Нега деганда, фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади.

Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси, Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганинг ҳузурида ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-содати келиб, невара-чеваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин.

Олтинчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиши тартибини соддалаштириш, жиноий ишлар-

ни тергов қилиш ва судда күриш муддатларини қісқартышиш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди.

Чунки тергов ҳамда суд амалиётининг таҳлили шундай кўрсатадики, бу соҳада ҳозир ҳам хато-камчиликлар таълайгина.

Баъзан бирон-бир иш ойлаб, йиллаб тергов идоралари томонидан текширилади, сўнгра судда кўрилиши учун яна навбат кутиб ётади.

Амалдаги қонунларга кура, жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш икки йилгача, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин. Ҳолбуки, бу муддатнинг ҳар бир куни хукм чиқарилишини кутаётган одам учун, айниқса, у қамоқхонада ўтирган бўлса, жазонинг ўзидан ҳам оғирроқдир.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига тергов қилиш ва ҳисбда сақлаш муддатларини тўққиз ойга қадар камайтириш буйича ўзгартиш киритиш катта аҳамият касб этади.

Яна бир янгилик. “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомилаштиришда муҳим қадам бўлади.

Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда?

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади.

Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоги билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Хурматли депутатлар!

Бугун кўриб чиқилаётган Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилаётган кўшимча ва ўзгартишлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ва масъулиятли қадамдир.

Айни чөгда, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, биз бу ишни амалга оширадиган идоралар фаолиятини тубдан ўзгартирмас эканмиз, бу қонун нормалари тұла-тұкис ишламайды ва ижобий самара бермайды.

Шунинг учун ҳам ушбу сессияда "Прокуратура түғрисіда"ги қонун лойиҳасини талабчанлық ва синчковлик билан, принципиал нүктәси назардан күриб чиқиши ғоят мұхим. Лойиҳа учинчи ўқишида муҳокама этилмоқда.

Бу бир жиҳатдан табиийдир. Негаки, прокуратура конуннни, унинг тарабаларини қатый ҳимоя қилувчи идора хисобланади. У ҳуқуқий истроҳоттарни үтказиша, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи үрин тугади. Шу боис "Прокуратура түғрисіда"ги қонунни мукаммал ишлаб чиқиши ўта мұхим аҳамиятта молик вазифадир.

Үз навбатида бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Эсингизда бұлса, олдинги сессия муҳокамасына киристилган ушбу қонун лойиҳаси буғунги ҳаёт тақозо этаёттан ўзига хос принципиал ўзгаришларни тұла қамраб олмаган эди. Үнда мөхияттан прокуратура фаолиятининг маъно-мазмұни ҳар томонлама ва чүкүр акс эттирилмаган эди.

Жиддий равишида қайта ишланған, буғун қайта күрилаёттан қонун лойиҳасыда мұхим ўзгаришлар ва замон тарабаларига жавоб берадиган янгиликлар киристилган.

Аввало, бу янгиликлар нимага қаратылған?

Бириңчидан, шуни афсус билан тан олишимиз керакки, прокуратуранинг қонунлар бажарилишини назорат қилиш бўлинмаларининг иши ўзининг ижобий ва яратувчанлық ролини йўқотиб, кўпинча жазолаш хусусиятларини касб этмоқда.

Прокурорларнинг фаолиятида қонунларни ўзбошим-чалик билан талқин этиш ҳоллари ҳам учраётгани, айниқса, ташвиш ва хавотир уйғотади.

Яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо ҳуқуқни муҳодиға қилувчи идораларнинг барчасыга тааллуқлидир. Үз үлесінде, ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг

максус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриштуриши, хулқ-автори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида “Биз — давлатнинг ўга ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос” деган кайфият пайдо бўлади.

Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Оддий одамларда ҳуқуктартибот идораларига нисбатан гоҳида ишончсизлик туғилишининг сабаби ҳам шунда эмасми?

Аксарият ҳолларда жамоатчилик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари ўртасида девор пайдо бўлиши ҳам ана шундай манманлик, ўзгаларни менси маслик туфайли келиб чиқади.

Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ҳодимлари бир ҳақиқатни қулоғига қўйиб олсинки, улар ҳам мана шу ҳалқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу ҳалқ, шу жамият тарбиялаб вояга етказган. Бас, шундай экан, прокуратура ҳодимлари уларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак.

Яна ва яна такрорлаб айтмоқчиман: прокуратура ҳалқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йуналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиқкан ҳолда белгилаш зарур.

Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва хўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган бир пайтда прокурорлик назорати тизимиға ҳам ўзгаришлар киритиш вакти келди.

Боз устига, прокуратура органларининг хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашуви иқтисодий ислоҳотлар йўлида ғов-тўсиққа айланмоқда.

Қисқача қилиб айтганда, замон талабларига қараб, "Прокуратура тұғрисида" ги қонуннинг янги таҳрири ло-ниҳасига прокурорлар ваколатини чеклайдиган бир қан-ча ўзгартышлар киритилмоқда.

Хусусан, қонун билан белгиланған прокурорлық на-зораты объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилмоқда.

Демократик жамиятда алоқида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қылнаётгани прокурорлық назоратининг объекті ҳисоб-ланади.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йүл қўймаслик мақсадида бош-қарув ва контролъ органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу — про-курорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилған янги таҳрирдаги қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундай қоида бошқа янги ўзгартышлар қаторида суд-ларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради.

"Прокуратура тұғрисида" ги қонуннинг янги таҳрири-да прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган "предписание", яъни амрнома киритиш ваколати ҳам олиб ташланди.

Чунки, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу ваколат про-куратура идораларига контролъ органлари вазифасини амалга ошириш ва хўжалик субъектларининг фаолиятига аралашиш учун замин яратиб келмоқда.

Қолаверса, қонуннинг бузилиши ҳолатларини барта-раф этиш бўйича ирокурорларда бошқа таъсир чоралари ҳам етарли.

Прокурорлар ваколатига тааллуқи бир қанча ўзгар-тишларни Жиноят-процессуал кодексига ҳам киритиш тақлиф этилмоқда. Тергов қилиш муддатларини қис-

қартириш, жиной ишларни тергов қилишда сифат ва тезкорликни ошириш мақсадида шаҳар ва туман прокурорларини тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш хуқуқидан маҳрум қилиш тақлиф этилмоқда.

Кўрсатилган ва белгиланган муддатларни узайтириш хуқуқлари вилоят прокурорлари, мамлакатимизнинг Бош прокурори ва унинг муовинларига берилган. Умумий узайтириш муддати, яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, 9 ойдан ошмаслиги керак.

Иккинчидан, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда жамоатчилик томонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизmlар мустаҳкам белгилаб қўйилиши лозим.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширишни таъминловчи хуқуқий механизmlар ҳанузгача яратилмаган эди. Бу соҳадаги хуқуқий бўшлиқ кўп ҳолларда прокуратура ходимлари ўртасида ўзбильармонлик ва шунга ўхшаган номаъқулчиликларга сабаб бўлди.

Қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ўрнатиши керак бўлган тизимнинг ўзида турли суиистеъмолик ҳолатлари, пораҳурлик каби иллатларнинг мавжудлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Сўнгги бир ярим йил ичida 500 га яқин ходим интизомий жавобгарликка тортилган, прокуратура идораларни обрусига штурм етказувчи хатти-ҳаракатлари учун 44 киши эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шулардан 9 нафари жиной жавобгарликка тортилган.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига прокуратура фаолияти устидан назоратни кескин кучайтирувчи қоидалар киритилди.

Қонун лойиҳасига Конституциявий суд томонидан Бош прокурор қарорларининг Ўзбекистон Республика-

си Конституциясига ва амалдаги қонунчилликка мослиги устидан суд назоратини ўрнатиш механизми ҳақидаги қоиданинг киритилиши жуда түғри бўлган, деб ўйлайман.

Конун лойиҳасига вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунчиликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ахволи тўғрисида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт эканлиги ҳақидаги қоида ҳам киритилди.

Ушбу хужжатда прокурорлар ишини қонунчилик асосида баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаб берадиган нормалар ҳам илк бор кўзда тутилмоқда. Улар прокурорларни лавозимларга тайинлашда ҳисобга олинади.

Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчилликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.

Мұхтарам депутатлар!

Ижозатингиз билан юридик кадрлар ва биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мугахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида қисқача тұхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир қатор ўқув муассасаларида — Тошкент Давлат юридик институтыда, Қарақалпогистон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларida амалга оширилмоқда.

Холисона тан олиш керакки, сўнгги йилларда ўқув жараёнини, ўқитиш услуби ва шаклларини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кадрлар сифатига жицдий эътиroz билдириш учун бизда ҳамма асослар бор. Хусусан, малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш иши ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича, замонавий талабларга жавоб бермайди.

Уларда эскича ёндашув ва тамойиллар ҳали-хануз сақланиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш тизими ҳамон наст савияда қолмоқда. Улар ўз маҳоратларини ошириш устида деярли ишламайди.

Андижон ва Наманган давлат университетларида борйуғи учтадан фан номзодлари ишлайди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган бирорта ҳам ўқитувчи йўқ. Шунга қарамай, бу ўкув юртлари ўз битирувчиларига ҳуқуқшунос деган университет дипломларини бермоқда.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва усубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Лўнда қилиб айтганда, таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фани замон талабларидан орқада қолган.

Биз бугунги кунда ҳуқуқшунослик институтидан, унинг профессор-ўқитувчиларидан суд-ҳуқуқий ҳамда юридик тизимни такомиллаштиришга доир бирорта йирик ташаббус чиққанини эслай олмаймиз.

Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳасидаги муҳим муаммоларга оид фундаментал тадқиқотларни ташкил этадиган ҳамда мувофиқлаштирадиган республика Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти бу соҳадаги янгиликлардан ортда қолиб, амалда бу борадаги фаолиятини деярли тұхтаттаган. Янгича ҳуқуқшунослик мактаби бизда, афсус билан таъкидлаш керакки, ҳанузгача шаклланган эмас.

Айни вақтда биз юридик кадрлар тайёрлайдиган ўкув ва илмий марказлардан, аввалимбор, Адлия вазирлигидан улар ўзларига қўяётган талабларни қайта кўриб чиқиши кутишга ҳақлимиз.

Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўкув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлик дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиласизки, Ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-муносаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланади.

Ҳурматли депутатлар!

“Прокуратура түғрисида”ги қонун муҳокама этилиши муносабати билан яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман.

Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.

Аммо бугунги кунда, айтиш мумкинки, тушуниб бўлмайдиган, қандайдир мавҳум вазият юзага келмоқда.

Биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўқув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмаянти.

Таажжубланиб айтмоқчиманки, бу масалалар билан оиласалар ҳам, жамоатчилик ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ҳам самарали тарзда шугулланмаяпти. Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни буза бошлагандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан “муваффақияти” кураша бошлаймиз.

Келинг, азиз дўстлар, бир ўйлаб қўрайлик. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатларга қарши курашгандан кўра, аввал-бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?

Хуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва хуқуқий онги эндиғина шакланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин булган пайтада аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан ўгуулланган яхши эмасмиди?

Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун хуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак.

Азиз юртдошлар!

Шахс эркинлиги ва хуқуқларини, бутун жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунларнинг қабул қилиниши, бир томондан, фуқароларнинг бу қонунларни хурмат этиши ва уларга амал қилиши шарти бўлса, бошқа томондан, бугун ўз мустақилигининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакатимизнинг изчил демократик тараққиёти гаровидир.

Сўзимнинг ниҳоясида, ҳурматли депутатлар, сизларни, сизлар орқали бутун ҳалқимизни энг азиз, энг улур байрамимиз — Мустақилигимизнинг 10 йиллиги билан яна бир бор муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизларга, барча Ўзбекистон фуқароларига тинчликомонлик, баҳт-саодат, фаровонлик тилайман.

Иккиси чакириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза,
2001 йил 29 август

МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ – ИФТИХОРИМИЗ

Ассалому алайкум, азиз дүстлар!

Мұхтарам санъаткорлар!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни бугунги унтуилмас күн — азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ушбу ажойиб санъат саройи — Ўзбек давлат академик драма театримизнинг янги биноси очилиши муносабати билан чин қалбимдан савимий муборакбод этаман.

Хурматли биродарлар!

Бугун юртимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам арафасыда мана шу бетакрор, муҳташам, замонавий театр кошонаси санъат муҳлислари учун ўз эшикларини очаётгани гоят қувончилидир.

Бундай гузал саройнинг тақдимот маросимида иштирок этишининг ўзи ҳар қандай одамни ҳам қувонтириб, унинг күнглига хуш кайфият, ёргулук бағишлиайди, десам, уйтайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз. Ўзингиз биласиз, Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг кўпкўп ҳалқаро миқёсдаги катта анжуманларда, маҳобати билан кўзни қамаштирадиган саройларда, императорлар, қирол ва подшоҳларнинг қасрларида, бугунги замоннинг энг чиройли, бой ва ҳашаматли биноларида булишимга, у жойларда нутқ сўзлашимга, мулоқотларда иштирок этишимга тўғри келади.

Лекин мен мана шу дақиқаларда қалбимдан бир ҳаяжон кечираётганимни сизларга очиқ айтишим керак.

Бу ҳаяжоннинг сабаби шундаки, ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлган мана шу академик театримиз саҳнасида Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Шу-

кур Бурхонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Фани Аъзамов сингари не-не буюк санъат намояндаларининг қутлуғ излари қолган овозлари янграган, уларнинг ўлмас руҳи бугун ҳам шу даргоҳда кезиб юрибди.

Неча йиллар давомида ўзининг бекиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз муҳлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссер ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъ театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маълум.

Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар ҳар қайси ҳалқ ва давлатнинг фахру ифтихори бўлишга муносиб эканини бугун вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда, десам, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Бу тарихий саҳнада Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ сиймолар Ватанга садоқат, эзгулик ва адолат, маърифат ва нафосат сингари олижаноб фазилатлардан, мухтасар қилиб айтганда, инсонийлик илмидан минглаб томошабинларга, бутун ҳалқимизга сабоқ берганини миннатдорчилик билан эслаймиз.

Ишқ-муҳаббат, ҳалоллик, дўстлик, одамийлик каби юксак туйгулар ифода этилган, замон ва инсон муаммолари ҳақида баҳс юритадиган, ҳали-ҳануз томошабинлар хотирасидан ўчмай келаётган ўњиаб саҳна асарлари ҳам мана шу театри миз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, одамларнинг қалбига бекиёс таъсир ўтказиб, уларни мудом эзгулик ва олижанобликка чорлаб келаётган академик театримиз маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолган, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз ўзлигимизни англаш йўлида ўтмишимизнинг ноёб ва илгари номаълум бўлган саҳифаларини очаётган ҳозирги шароитда театр санъатимиз тарихидаги

баъзи нуқталарнинг асл моҳияти намоён булаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қараганда, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбуди, Мунаввар қори каби маърифатпарвар зиёлиларимиз ташабbusi билан ташкил этилган ўзбек театр труппаси 1914 йил 27 февраль куни Тошкент шаҳрида, ҳозирги Биржан маркази ўрнида жойлашган “Колизей” биносида “Падаркуш” спектаклини намойиш этгани — бу Туркистон заминида профессионал театр талабларига жавоб берадиган биринчи миллый саҳна асари булганини айтиб утиш ўринли, деб биламан.

XX аср бошида, мустамлакачилик зулмига қарамай, ҳалқимиз янги уғқларга — миллӣ уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз — жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб аташ мумкин.

Бугун, Ватанимиз, юртимиз ХХI асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажаги сари интилаётган, бу йулдаги барча ҳаракатларимиз иймон-эътиқод туўйгуси билан йўғрилиб, кучайиб бораётган бир пайтда, ўз тарихий илдизларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллый театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйтайман.

Азиз юртдошларим!

Шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади — бу жойда илгари “Ватан” деган қинотеатр бўларди. Кенинчалик шу бино театр учун наридан-бери мослаштириб берилган эди.

Ҳар гал Навоий кўчасидан ўтганимда ушбу театрни кўриб, бу даргоҳда не-не буюк санъаткорлар, уларнинг истеъододли давомчилари ижод қилса-ю, у ана шундай юксак бадний салоҳиятга муносаб бинога эга бўлмаса, деган савол кўйғилик қатори менинг ҳам кўнглимдан кечар эди.

Чунки саҳна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ баҳш этиши, айни вақтда миллӣ фурур, миллый ифтихор манбай, кудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши —

бу исбот талаб қылмайдиган ҳақиқатдир. Театрнинг маданий ҳаётимиздаги улкан вазифаси түғрисида, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмаслиги ҳақида, умуман, театрни улуғлаш, унинг таъсир күчи ҳақида кўп гапири мумкин.

Лекин бу борада битта муҳим масала борки, у ҳам бўлса, театр ўзининг шу вазифасини адо этиши учун инсоннинг қалбига, онгу тафаккурига таъсир ўтказиб, уни эзгу фазилатлар сари чорлаши учун театр ва унинг жамоасига, санъат фидойиларига керакли шарт-шароит яратиб бериш зарурлигини гоҳо унутиб қўямиз.

Умуман, бу муаммолардан узоқ бўлиш, бу масалада масъулиятни бўйинга олмасликка уриниш ҳолатлари ҳар қадамда учраб туради.

Таъсир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш зарурки, ҳаммамиз театр томошаларини яхши кўрамиз, аммо бундай таъсирчан саҳна асарлари нечоғли мешаққатли ва оғир меҳнат эвазига дунёга келиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Кўпчилик эсласа керак, шўро даврида бир номақбул одат бор эди. Бирон завод ёки фабрика барпо этилса, ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, унинг атрофида барча катта-кичик мутасаддилар парвона бўлиб юрар, ҳар ким ўзини курсатиб қолишига уринар эди.

Лекин маданият ва маънавият учоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала, деб қаралар эди.

Бирон-бир маданият биноси қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келарди.

Театр, санъат ўйлари каби масканлар халқقا маънавий озиқ бериши, маданий савиясини ошириши, унинг юрагига малҳам бўлиши — бу масалалар уларни қизиқтири масди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни бўйсундириш, бамисоли бўйнига

катта арқон боғлаб етаклаш шунча осон булишини эски мафкура доҳийлари яхши биларди.

Бу — кечаги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Минг афсуски, бундай эски тузум асоратлари бугунги кунда ҳам тажрибамизда учраб туради.

Агар биз театр ҳаётининг ичига кириб, ўзимизни лоқал бирор марта театр раҳбарлари ўрнига қўйиб кўрсак, бу ижодий жамоанинг катта-кичик турли муаммоларини ечиш нечоғли қийин эканини тасаввур этган бўлар эдик.

Модомики, шундай экан, барчамиз бир ҳақиқатни тўғри англаб олишимиз керак.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳар қандай бадиий салоҳиятнинг намоён булиши, ижодкорнинг том маънодағи санъаткор булиб шаклланиши, Оллоҳ таоло ато этган ноёб истеъдодини рӯёбга чиқариши, халқа танилиши учун аввало шарт-шароит, имконият зарур.

Шунинг учун ҳам, бугун мана шундай муассзам санъат кошонасини сизларга тақдим этишимизни, элу юрт олқиши, меҳрини қозонган сиз, азиз санъаткорларга бўлган бундай эътиборимизни табиий бир хол, деб қабул қилишингизни истардим.

Биламан, одатда бундай маросимларда, тантана ўтгач эса, оммавий ахборот воситаларидағи чиқишлиарда эски замондан қолган, бир қолицдаги гаилар такрорланиши мумкин.

Яъни, бу санъат кошонасини Президентнинг, давлатнинг, мамлакатнинг, ҳукуматнинг, Маданият ишлари вазирлигининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, керак бўлса, мана шу Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг, балки яна бир қанча катта-кичик раҳбарларнинг сахийлиги, ғамхўрлиги сифатида таърифланишини кутишимиз мумкин.

Лекин, бу борада мен шуни айтмоқчиманки, бу театр биносини бунёд қилганимиз ўзбек маданиятининг истеъодли намояндалари бўлмиш сизларнинг олдингизда, қолаверса, сизнинг тимсолингизда бугунги ёруғ кунларга етиб келолмаган буюк санъаткорларимизнинг руҳи ол-

диди биз ўз қарзимизни, ўз бурчимизни адо этганими, ифодаси, холос.

Мұхтарам санъат арбоблари!

Бугун мана шу нафосат саройида сиз, азизлар билан бир таклиф ҳақида маслағат қилмоқчиман: міллій рува замонавий қиёфада қайта тикланған ушбу театримизни бундан бүён Ўзбекистон міллій академик драма театри деб атасак, нима дейсизлар?

Үйлайманки, бундай юксак ва шарафли ном бу кошонаға бамисоли узукка күз қўйгандек ярашади, санъат нағояндадарини янги илҳом ва масъулият билан ижод қилишга, міллій истиқъол ғоялари руҳидаги бадиий баркамол асарлар яратишга, замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образларини юксак даражада талқин этишга руҳлантиради.

Мен міллій театримиз саҳнасида сизлар яратадиган ранг-баранг асарларни міллионлаб санъат ихлосмандлари, бутун ҳалқымиз ҳайрат ва ҳаяжон, завқу шавқ билан томоша қилишини, улар ҳаёт йўлларида дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишини истайман.

Сизлар ўзбек театр санъатимизнинг энг яхши анъаналарини асрар-авайтаб, ривожлантириб, келажак авлодларига етказасиз, міллій ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи етук асарларингиз билан ҳалқымиз маданиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қушасиз, деб ишонаман.

Барчангизга тилагим шуки, сизлар саҳнада бетакрор образлар яратиб, ҳалқымиз меҳрига сазовор бўлишдан чарчаманг, бизга эса ажойиб маҳоратингизга қойил қолиб, санъатингизни олқишилаб, сизларга мана шундай хурмат-эҳтиром: иззат-икром курсатиб юриш насиб этаверсин.

Ҳаёт ҳақида, инсон умрининг маъно-мазмуни ҳақида театр ихлосмандлари билан қизғин ва жонли мулоқотингиз давом этадиган, юртимиз, миллатимиз довругини тараннум қиласидиган бу муazzам ижод маскани аввало сизларга, барча санъаткорларимизга буюрсин, эзгулик ва

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

тұзалықни юксак қадрлайдиган томошабинларға, бутун халқымызға муборак бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу маданият қасрини бунёд этган қули гул курувчиларимизга, меъмору муҳандисларимизга, бу олижаноб ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун санъат муҳлислари номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мана шу унугилмас дақиқаларда барчангизни Ватанимиз истиқтолининг 10 йиллик қутлуғ тўйи билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга янги-янги иходий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга баҳту саодат тилайман. Илҳомингиз, истеъдодингиз янада зиёда бўлсин, ҳамиша муҳлисларингиз, халқымиз ардоғида бўлинг.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Тошкент шаҳрида Ўзбек миллий академик
драма театри янги биносининг очилиши
маросимида сўзланган нутқ,
2001 йил 30 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИННИГ
ҮН ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Қадрли меҳмонлар!

Бугун юртимизда яшаётган барча инсонлар, бутун ўзбек
халқи учун ҳаяжонли ва қувончли кун.

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азиз юртдошларимни
Ўзбекистон мустақилликгининг үн йиллик санаси билан
чин қалбимдан муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.

Озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз ку-
раш олиб борган, қанча-қанча тұфын ва синовларни, зулм
ва қатағонларни бошидан кечирған, не-не қурбонлар
берған ўзбек халқи учун бу муқаддас айём — йиллар үтар,
асрлар үтар — абадий сақтаниб, энг буюк, энг азиз сана
бўлиб қолажак. Бугун биз мустабид тузум ва қарамлик
исканжасидан холос бўлиб, ўз қадр-қимматимиз, муқад-
дас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тик-
лаб, иймон-эътиқодимизга суюниб, ягона халқ ва милят
бўлиб, XXI асрга дадил қадам қўймоқдамиз.

Тарихан жуда қисқа бўлған үн йиллик даврда ҳәти-
мизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаро-
лик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимиз-
ни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод
қилиш ва халқаро майдонда обру қозониш йўлида амалга
оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун гурур ва
ифтихор билан ганиришга ҳақлимиз, лесам, бу ҳеч қан-
дай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи — қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун
юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан
үсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм
суроётган тинчлик ва осойишталик, барча миълатларнинг

мана шу мұльтабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бұлиб яшаётганидир.

Бунинг тасдиғи — ҳәётимизнинг барча жабқаларида, одамларимизнинг қалбіда намоён бұлаёттан меҳр-оқибат, муруват, бағрикенглик каби инсоний фазилаттар ва юртдошларимизнинг әртандырылған күнга кучайиб бораёттан ишончидир.

Бир сүз билан айтганда, озод Ўзбекистон бугун жаҳон жамжамиятіда муносиб үрин әгаллади. У янги ҳәёт, янги жамият қуриш йўлида олиб бораёттан ислоҳотлари билан, яратувчанлық мәҳнати билан, ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқдарининг ҳурмат-эътиборини, айтиш мүмкінки, ҳавасини ўзига тортмоқда.

Кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳәётнинг барча оғирликларига бардош бериб, йўлидан адашмаган халқимизни ўз олдига буюк вазифа қилиб қўйган озод ва эркин, фаровон ҳәётга эришиш мақсадидан энди ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтара олмайди.

Бизнинг истиқтол қўлида қўяёттан шаҳдам қадамларимиз дўст-биродарларимизни қувонтириб, бизни кўролмайдиган, эришган ютуқларимизга ҳасад билан қарайдиган, танлаган йўлимиздан қайтаришга уринаёттан ғанимларимиз учун — улар буни хоҳлайдими, йўқми, бундан қатъи назар — аччиқ ҳақиқат бўлиши даркор.

Азиз юртдошларим!

Бугун барчамиз шуни яхши англаб олмоқдамизки, олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш — буни бошқалар тажрибасидаги кўп-кўп ҳәёттй мисоллар асосида қўриш мумкин — ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон кечмайди.

Шунинг учун биз бугун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий соҳаларда олиб бораёттан ислоҳотларимизни доимий ҳаракатта айлантиришимиз ва янада чукурлаштиришимиз, ҳәётимизнинг негизини ташкил этувчи мұхим принципларга алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — онгу тафаккуримизни замоннинг ўзи талаб қилаётган демократик тараққиёт тамойиллари ва қадриятлари билан бойитиб уни янги босқичга кутаришdir.

Лўнда қилиб айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қадрлаш ва ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини дикқат-эътиборимиз марказида тутиш, инсоннинг меҳнат қилиб, муносиб даромад олиши, музикка эга бўлиши, ижтимоий таъминот, жамиятдаги эътиқод ва сўз эркинлигига кафолат бериш каби масалаларни биз учун энг устувор вазифадеб билишимиз даркор.

Энг муҳими, бундай имконият ва кафолатларни сўзда эмас, амалий ҳаётимизда татбиқ қилиш ҳозирги куни мизнинг энг мураккаб масаласига айланиб қолганини унутмаслигимиз керак.

Бугун бизнинг йўлимиз — ривожланган демократик жаҳон босиб ўтаётган йўл экан, жамиятимизнинг барчабарча жабҳа ва қатламларида, Амир Темур бобомиз ибораси билан айтганда, адолат деган буюк кучнинг ҳукм суриши, одамларимизнинг эркинлиги ва ташаббусининг очилиши, ҳаётимизда намоён бўлиши учун зарур имкониятларни нечоғли туғдириб беришимизга боғлиқ эканини тушуниб, англаб олишимиз керак.

Эзгу мақсад ва ниятларимизга эришишнинг энг муҳим шарти — бу юртимиздаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, бугун авжига чиқаётган террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ақиданарастлик каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, бир сўз билан айтганда, ўз уйимизни ўзимиз асрashingиз кераклигини яна бир бор таъкидлаб утишни ўринли, деб биламан.

Азиз ва мұтабар юртдошларим!

Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб кетаётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз.

Мустақиллик йили туғилган болаларнинг бугун ўн ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса

үн етти ёшга тұлиб, умрининг навқиран бир фаслиға қадам күйганини күриб, одам таъсирланади, жондан азиз үғил-қизларимизнинг ҳәётта янги орзу ва катта умид, ишонч билан кириб келаётганидан қалби завқу шавққа тұлади.

Шубха йүқки, орадан йыллар үтади, халқимиз ҳәтида ҳали бундан ҳам катта үзгаришлар рүй беради. Эл-юрти-миз янги-янги улкан ютуқларни құлға киритади, иншо-оллох.

Биздан кейин келадиган күп-күп авлюлдар, албатта, мустақиллікка эришганимизни ҳәёт мезонлари билан үлчаб, унга үз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб беріб айтади-ган бұлсақ, бунга ким қайси құз билан қарамасин, Үзбекистон мустақиллігі күп минг йиллик тарихимиз саҳи-фаларіта заржал ҳарфлар билан ёзиладиган буюк тарихий воқеа булиб қолиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этишга ҳаққи ҳам йүқ.

Мұхтарам ватандошларим!

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат күп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Үзбекистонимиз яккаю ягона-дир. Бу ғұзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилған. Мана шу улуғ түйғу ҳар биримизнинг дилимиз-га жо булиши, ҳәтимиз мазмунига айланиши лозим.

Мен бугунғи улуғ сана, буюк байрам тантанасида мана шундай мислісiz ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёд-кори бўлған, барча қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни маҳкам боғлаб, бир еқадан бош чиқарыб фидокорона мөхнат қилған олижа-ноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим қиласман.

Аввало, дуогүй отахонларимизга, мунис онахонлари-мизга, захматкаш деҳқонларимизга, қули гул ишчилари-мизга, илму фан ва маданият намояндаларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, униб-үсіб келаётған үғил-қиз-ларимизга — бутун Үзбекистон халқига бугунги муборак

байрам муносабати билан ўзимнинг самимий тилакда
римни билдираман.

Мана шу кутлуг байрам барчамизга муборак бўлсин!
Ўзбекистонимиз истиқоли абадий бўлсин, дунё тур-
гунча турсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!
Барча эзгу ишларимизда Яратганинг ўзи мададкор
бўлсин!

2001 йил 31 август

ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ – ОЛИЙ БУРЧ

Ассајому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Хурматли депутатлар!

Самарқанд – ўзининг бой тарихи, буюк маданияти, муқаддас обида ва кошоналари билан шуҳрат қозонган дунё тараққиётининг бешикларидан бири бўлиб, бугун ҳам ўз салоҳияти ва бетакрор қиёфаси билан жаҳон миқёсида минг-минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келаётгани, халқимизнинг гурур ва ифтихорига айлангани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бунинг тасдиғини куни кеча мана шу гўзал шаҳарда бўлиб ўтган, Шарқу Фарбнинг машҳур санъат намояндалари эътиборини ўзига тортган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали мисолида яна бир бор кўрдик.

Сунгги ўн йил мобайнида, бугун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинди.

Янги-янги корхоналар, турар жой бинолари, маданий-маший иншоотлар барпо этилгани вилоятнинг салоҳияти ортиб бораётганидан, ислоҳотларни жорий қилиш бўйича муйян ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Жорий йилда вилоятда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланаётгани, 2001 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқарилган ялпи чки маҳсулот ҳажми 4,7 фоизга ўсганини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, бугун Самарқанд вилоятининг қиёфаси ўзгариб бораётганига, ҳаётнинг барча соҳаларида замон талаб этаётган янгиланишларга юз тутаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ютуқлар, аввало, шу заминда яшаётган одамларнинг меҳнати, изланиши, фидокорлиги натижасида қўлга киритилаётганини, албатта, эътироф этамиз.

Лекин, бевосита бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалага ўтар эканмиз, биз эришган ютуқлар ҳақида эмас, балки кўпроқ афсус ва таажжуб уйғотаётган камчилик ва муаммолар ҳақида гапиришимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу минбардан туриб, сизлар билан илгари ҳам Самарқанд вилоятини ривожлантириш ҳақида, умуман, юртимизда бўлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ўзгаришлар тўғрисида, олдимизда турган турли муаммолар ҳақида қўп гаплашганимиз. Мана шу залда Самарқанднинг обрусига обрў қўшиш, унинг салоҳиятини юксалтириш, вилоят аҳолисининг оғирини енгил қилиш бўйича фикр алмашганимиз, режалар тузиб, орзу-умидларимиз билан ўртоқлашганимиз.

Бундай мулоқотларнинг менга мамнуният бағишлайдиган жиҳати шундаки, вилоятдаги аҳвол, мавжуд нуқсон ва камчиликлар ҳақида гапирганда, ҳар доим Самарқанд вилояти жамоатчилиги, халқ ноиблари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар нақадар ўринли бўлганига, улар мана шу тупроқда яшаётган одамларнинг, халқнинг қарашлари ва хулосаларига ҳамоҳанг эканига гувоҳ бўламан.

Шу маънода, сизлар Самарқанд вилояти аҳлининг дарду ташвишларини, қайфиятини яқиндан билған одамлар сифатида бугунги вазиятга холисона ва тўғри баҳо берасизлар, вужудга келган аҳволни тузатишда бир ёқадан бош чиқариб, вилоят олдида турган барча муам-

моларни ечишда баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиласиз, деб ишонаман.

Самарқанд вилоятидаги ишларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари, одамларнинг оғирини енгил қилиш, энг муҳими, мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, масалани ҳал қилувчи кенғомма, шаҳар ва туманлар фаоллари, фидойи-лари билан тил топишиб, уларнинг бошини қовуштириб, барчасини умумий мақсад сари сафарбар этиш, бошқариш масалаларида заифлик кўзга ташланаётгани ҳақида катта афус билан гапиришга тўғри келади.

Халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятда олиб борилаётган ишларни қониқарли, деб бўлмайди.

Буни шу йилнинг ўзида мавжуд 112 та саноат корхонасидан 28 тасида ишлаб чиқариш суръатларининг на-сайишига йўл қўйилганида ҳам қўриш мумкин.

Бунинг устига, маҳсулот таннархининг юқорилиги, сифатининг пастлиги, маркетинг ишларидаги камчилликлар сабабли 14 миллиард сўмлик маҳсулот омборларда чанг босиб ётибди. Вилоятда “омбор учун ишлаш”дек яроқсиз иш услубидан ҳали-бери воз кечилмаётганини таъкидлаш зарур.

Ўз вақтида вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар қўрилмагани туфайли тикувчиликка ихтисослашган “8 марта”, пояфзал ишлаб чиқарувчи “Маҳси” каби корхоналарнинг қувватлари бекор турибди.

“Алиномиш”, “Кинап” ва “Лифтсозлик” сингари йирик саноат корхоналари эса тўла қувват билан ишлама-япти. Энг ачинарлиси шундаки, бу аҳвол ҳеч кимни бе-зовта қўлмаяпти.

Акс ҳолда, бу корхоналарнинг аҳволини яхшилаш борасида вилоят раҳбарияти томонидан бирон-бир тад-бир ишлаб чиқилган бўлур эди. Айни пайтда дўконлар

эса валюта ҳисобига сотиб олинган чет эл нойафзаслари ва кийим-кечаклар билан тұлдирілмоқда. Бундай лоқайдың ва бепарволик оддий одамларимиз учун қанчалик қимматға тушаётганини англаб етиш нақотки шунчалик қийин бұлса?

Ахир, неча марта айтиш мүмкін — қачон биз үзимиз-нинг ишлаб чиқариш құвватларимиз ва маҳаллік хом ашё ҳисобидан, керак бұлса, хорижий сармояларни олиб келиб, улардан тұғри фойдаланиб, құшма корхоналар ташкил этиб, әнд мұхими, мана шу заминда яшаётгандар одамларни иш билан таъминлаб, зарур маҳсулотлар тайёрлашга ўрганамиз?

Биз одатда Самарқанд вилоятининг экспорт салохияти ҳақида гапирганда, “СамКОЧавто”, “Самжинтекс” ва “ЎзБАТ” сингари замонавий құшма корхоналарни тилга оламиз. Лекин бу корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилганини унутмаслик керак.

Бевосита вилоят раҳбарияти томонидан чет эл инвестицияларини жалб этиш, ишлаб турған құшма корхоналарни ривожлантириш борасида эса, афсуски, аниқ ҳаралаттар сезилмаяпты.

Масалан, жорий йилде режалаштирилған 8 та құшма корхонадан фақатгина 2 таси ишга туширилған, холос. Мавжуд 5 та құшма корхона вақтингчалик, 6 та құшма корхона эса бутунлай ўз фаолиятини тұхтатгани ҳам бу масалага етарли әထибор берилмаётганидан далолатдир.

Хурматлы депутатлар!

Самарқанд вилоятининг мамлакат агросаноат мажмуда мұхим ўрин әгаллашини барчанғыз яхши биласиз. Бу ерда шахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Әнд мұхими, бошқа вилоятларга қараганда унумдор ерлар күп, қадимий деңқончилик анъаналарига эга болған Самарқанд мекнат ахли үзининг миришкорлиги билан маълум ва машхур.

Лекин ана шундай имкониятлар мавжуд булишига қарамасдан, қишлоқ хұжалигидаги ақвөл ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Вилоятда давлатта пахта сотиш режаси кейинги уч йилдан бүн бажарылмасдан келмоқда. Мана шу давр мобайнида давлатта режага нисбатан 100 минг тонна пахта кам етказиб берилди.

Умуман, Самарқанд вилоятида қишлоқ хұжалиғи соҳасыда бугун вужудға келған вазият ҳақида, мавжуд камчилик-нұқсонлар ҳақида гапирганда, аввалимбор, уларнинг ишдизлари, сабабларини қидириш керак, деб ўйлайман.

Бу ҳолнинг илдиз ва сабаблари эса, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг түғри йўлга қўйилмагани ва ниҳоятда суст бораётгани, деҳқон зотига эътибор кам бўлгани, унда мулкка эгалик туйғусини тарбиялаш ва зарур шароит туғдириб бериш масалаларида йўл қўйилаётган камчиликлар, масъул раҳбарларнинг онгу тафаккури ўзгармаётгани, уларда эскича қараш, эскича фикрлаш ҳамон ҳукмрон бўлиб қолаётганидадир.

2000 йилда вилоятда 90 минг гектар ўрнига 93 минг гектар майдонга пахта экилиган бўлса-да, давлатта пахта сотиш режаси атиги 68 фойизга бажарилди, холос.

Вилоятда қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини етиштириш режаларининг сурункали бажарилмай келаётганига яна бир сабаб шуки, айрим амалдорлар ерни талон-тарож қўймоқда, ҳатто пахта ва ғалла етиштириш учун ажратилган моддий ресурсларни ўз манфаатлари йўлида ишлатмоқда.

Нима, Самарқанд вилоятида баъзи мансабдорлар ўзининг шахсий томорқаси билан давлат ерининг фарқини эсидан чиқарганми, бундай бемаза ишлар учун жазо мұкаррар эканини унугиб қўйганми?

Гўзалкент, Пайариқ ва Иштихон туманларининг мансабдор шахслари қарийб 8 минг гектар майдондаги экинларни ҳисоботдан яширгани, пахта учун белгиланган 335 гектар майдонга шоли экилгани, ўттан йили сув камчил булишига қарамасдан, вилоятда 1600 гектар шоли режа-

сиз экилиб, ҳисоботдан яшириб қолинганига қандай тоқат қилиш мүмкін?

Бундай ғайриқонуний ҳолатлар учун ким жавоб беради? Вилоят ва туман ҳокимлари, мутасадди органлар қаёққа қарамоқда?

Вилоятда ғалла етиштириш режасы иккі йилдан бери бажарилмаяны.

Хүш, бунинг сабаби нимада?

Үйлайманки, бунинг сабабини уруғ тайёрлашга етарли эътибор берилмаётгани, раҳбар ва мутахассисларда талабчанлик, ташкилотчилик қобилияты етишмаётганида кўриш мүмкін. Акс ҳолда бир қатор туманларда ўтган йили ғалла экиш декабрь ойигача давом этганини қандай изоҳласа бўлади?

Хусусан, Иштихон, Пайариқ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида яхши текисланмаган, агротехника нуқтай назаридан талаб даражасида бўлмаган ерларга ғалла экилган. Вилоят хўжаликларида баҳорги агротехник тадбирлар ҳам ўз вақтида ўтказилмаган.

Кўчатлар сийрак ундириб олинган, мелиоратив ҳолати ёмон майдонларда қўшимча ишлов бериш ташкил этилмаган. Бу йил Зарафшон ҳавзасида сувнинг танқис бўлишига қарамасдан, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмади.

Бундай ҳолатларга дуч келганда, вилоятда шу ишларга бош-қош бўладиган одам йўқми, деҳқонга ёрдам берадиган соҳа олимлари, мутахассислар қаерда, деган хаёлга борасан.

Жорий йилда вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги ўртача 23 ярим центнерни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 55 минг тонна кам дон тайёрланган. Ғалла етиштирувчи 16 тумандан 6 тасигина давлат буюртмасини бажарган, холос.

Ҳурматли дўстлар!

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги масаласига катта эътибор қаратилиб, бу соҳага янги технологияларни жо-

рий этиш, мулк шакларини ўзгартириш, хусусан, қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш борасида олиб бориллаётган ишлардан барчангиз хабардорсиз.

Лекин вилоятда бу борада ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда. Кўнгина хўжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, аксарият ширкат хўжалик аъзолари ширкатнинг ўзи нималиги, чек дафтарчаларини юритиш, мулкий пай нима экани ҳақида тушунчага ҳам эга эмас.

Йил якунлари бўйича мавжуд 267 та ширкат хўжалигидан бор-йўғи 56 тасида дивидендлар тўланган.

Бундай аҳволда деҳқонларимизда янги, замонавий иш услугларига нисбатан ишонч уйғотиш мумкинми? Бироқ вилоят раҳбарлари бу ҳақда мутлақо бош қотираётгани йўқ.

Боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳам таълаб даражасида ташкил этилмаган. Ҳозирги кунгача режалаштирилган боғларнинг 61 фоизи, токзорларнинг 64 фоизи ижарага берилган, холос.

Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаяпти.

Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят бўлими мутасаддилари эса фақат йиллик бадалларини тўплаш билан овора.

Маълумки, деҳқон ёки фермер ўз ишини бошлиши, ҳақиқий мулкдорга айланиши учун унга дастлабки пайтда маблағ керак, сармоя керак.

Бу масалани ечиш учун тадбиркорларга кредит бериш, уларни қуллаб-қувватлаш ҳақида қайта-қайта таъкидлашга тұгри келмоқда, шу мақсадда маҳсус қарор ва дастурлар иштаб чиқылмоқда.

Бироқ, Самарқанд вилоятида бу масалага масъулиятсизлик билан ёндашув оқибатида жорий йилнинг 6 ойи мобайнида деҳқон ва фермерларга 297 миллион сүм кредит ажратилган, холос. Бу кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади.

Ўзингиз ўйланг, фермернинг маблағи бўлмаса, у қандай қилиб юқори ҳосил олиши, ривожланиши мумкин?

Афсус билан айтиш керакки, фермер хўжаликларига бундай “үгай” кўз билан қараш ҳолатларига ҳанузгача барҳам берилмаяпти. Кўпчилик фермерлар айрим “шоввазлар”нинг айби билан етказиб берган маҳсулотлари учун қонуний ҳақларини йиллар давомида ундириб ололмасдан сарсон бўлмоқда.

Масалан, текширувлар натижасида Каттақўргон пахта тозалаш заводи 6 миллион 600 минг сўм, Булунғур вино заводи 98 миллион сўмлик ана шундай қарзларини фермерларга 2000 йилнинг охиригача тўлаши лозим бўлсада, бугунги кунгача туламай келаётгани аниқланди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган шартномалар ўрганиб чиқилиб, уларнинг аксарияти амал қилиш учун эмас, баъки ҳисобот учун номига тузилган, деган хуносага келиш мумкин.

Жумладан, пахта етиштириш бўйича шартнома мажбурияtlарини бажарган пудратчиларга 2001 йилнинг 1 августигача берилиши керак булган пахта ёғи ва кунжарининг ҳозирги кунда атиги 50 фоизи берилган, холос.

Ҳурматли депутатлар!

Илгари айтган бир фикримни бугун яна такрорлашни жоиз деб биламан: кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади.

Бу соҳа капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, маҳсулот турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш жиҳатидан катта имкониятларга эга. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнес ҳозирги кунда ҳаёт бизнинг олдимизга қўяётган долзарб ижтимоий муаммоларни ечишда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

Шу маънода, Самарқандда кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиб бериш, уни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш имкониятлари мавжуд, лекин ҳанузгача улар-

дан етарли фойдаланилмаяпти. 2001 йил 1 июль ҳолатига күра, вилоядта 22 мингтә ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар рўйхатга олинган. Аммо улардан фақатгина 8 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар учта кичик ва ўрта бизнес корхонасидан биттаси Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, қишлоқ туманларида бу соҳани ривожлантишга эътибор сустлигича қолмоқда.

Вилоядта етиштирилаётган мева, сабзавот, узум, жун маҳсулотларининг бор-йўғи 8-17 фоизигина қайта ишланётгани ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Вилояддаги “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси корхоналарида тайёрланаётган вино маҳсулоти катта ҳажмли идишларда экспорт қилинмоқда.

Оқибатда, хорижлик ишбизлармонлар биздан олинган маҳсулотни чиройли шишаларга куйиб, харидоргир ҳолатга келтириб, бир неча баробар қиммат нархда сотиб, катта фойда олмоқда. Наҳотки Самарқандда жойлашган, 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Ховренко номли вино заводида ва шунга ўхшаган корхоналарда мана шу оддий масалани ҳал этишнинг иложи бўлмаса?

2001 йил мобайнида вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун салкам 7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 фоиз кўп кредит ажратилди. Лекин уларнинг атиги бир фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш тўғрисида қандай гап булиши мумкин?

Вилоядта кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида жорий йилнинг 6 ойида 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, бу жами янги иш ўринининг 28 фоизини ташкил этади.

Вилоятда сўнгги йилларда иш билан банд бўлмаган одамлар сони ўсиб бораётганини инобатга олсак, бу масаланинг нақадар муҳимлигини тасаввур қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда улар 65 минг кишини ёки меҳнатга яроқли аҳолининг 7 фоизини ташкил этади.

Одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари ни яратиш муаммосини ечишда тадбиркорликни, биринчигалда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш нақадар муҳимлиги ҳақида яна қанча ганириш мумкин?

Маълумки, Самарқанд вилояти мамлакатимиздаги аҳолиси энг кўп худудлардан биридир. Вилоят аҳолисининг сони жорий йылнинг биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 40 минг кишига кўпайган.

Бу вилоят аҳолиси йилига қарийб 80 минг кишига кўпаймоқда, деганидир. Бинобарин, улар учун янги боғчалар, мактаблар, тибиёт муассасалари билан бир қаторда ижтимоий, маиший, маданий шарт-шароит ҳам яратиб бериш керак.

Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, вилоятда бу соҳадаги вазият барчамизни ташвишлантиради. Бу ерда мавжуд мактабларнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, уларнинг 68 фоизида спорт заллари йўқ. Қўшработ, Гўзалкент туманларидағи мактабларнинг 10 фоизигина газлаштирилган, холос.

Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам камчиликлар талайгина. Буни узоққа бормасдан мана шу биргина мисол орқали ҳам билса бўлади.

Яқинда Президент девони вакиллари шу масала бўйича Каттақўргон туманидаги вазият билан танишганда тумандаги юқумли касалликлар шифохонаси мослаштирилган, таъмирталаб бинода жойлашгани маълум бўлди. Касалхонада иситиш тизими умуман ишламайди, иссик сувнинг йўқлиги, дори-дармонларнинг танқислиги, беморлар учун тайёрланаётган овқатларнинг сифати пастлиги каби нохуш ҳолатлар аниқланди.

Үзингиз айтинг, агарки юқумли касаллар шифохонасида ақвол шундай ачинарли бўлса, бошқа оддий шифохоналардаги ақвол ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ҳар бир шаҳар ёки туманда амалга оширилаётган ишларни албатта Президент девони ходимлари назорат қилиб юришлари шартми? Ахир, бу масалалар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси эмасми?

Вилоятнинг молиявий ақволи ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, бу борада ҳам ишлар яхши эмас. Вилоят ҳамон молиявий дотация ҳисобидан яшамоқда. 2001 йил бюджетида дотация улуши ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ортиб, ҳозирги вақтда 30 фоизга етди.

Республикадан бериладиган дотация миқдорини камайтириш: ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш борасида вилоятда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмагани натижасида кейинги йилларда Нуробод, Ургут, Қўшработ, Каттақўрғон ва Пайариқ туманлари бюджетларида дотация миқдори 52-85 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бундай молиявий ақвол бизни мутлақо қониктирмайди.

Аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги узилишилар ҳам одамларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўймоқда. Дўконларда гугурт, туз, ўсимлик ёғи, совун, макарон каби оддий маҳсулотларнинг бўлмаслигини факат сунъий тақчиллик яратиш ва кимдир ўз чўнтагини тўлдириш мақсадида қилган иш, тўғрироғи, жиноят деб баҳолаш керак.

Бу каби ноxуш ҳолатларни таҳлил қилиб, шундай худосага келиш мумкинки, вилоят раҳбарлари умуман дўконларга, бозорларга кирмай қўйганга ўхшайди. Йўқса, ақвол шу даражага бориб етармиди?

Шуниси ачинарлики, вилоятдаги айрим нопок кимслар халқимизнинг ризқини қийиб, товар-моддий бойликларни қонунсиз равища четга чиқаришга уринмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 8 ойи давомида нефть ва аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқовқат маҳсулотларини мамлакатимиздан ташқарига ноқонуний йуллар билан олиб чиқиб кетишга 830 та уриниш ҳолати аниқланган ва 15 миллион сўмлик маҳсулот ушлаб қолинган.

Очиғини айтишимиз керак: вилоят марказида бирмунча ободонлаштириш ишлари амалга оширилган бўлса-да, айрим туманларда бу масала эътибордан четда қолиб кетмоқда. Айниқса, Нуробод, Қўшработ, Гўзалкент, Пастдарғом туманларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Хар қайси шаҳар-қишлоқ, ҳудуддаги ижтимоий мұхитга, бошқа омиллар қаторида, жиноятчиликнинг дарајасига қараб ҳам баҳо бериш мүмкин.

Шу нүқтаи назардан қараганда, вилоятда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоизга ошгани, жумладан, қасддан одам ўлдириш, гиёхвандлик, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётгани ғоят ташвишлидир.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш масалалари га келганда, таассуфки, Самарқандда бошқа баъзи вилоятларга нисбатан кадрлар салоҳияти анча юқори бўлишига қарамасдан, бу имкониятдан ҳам оқилона фойдаланилмайти.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ҳолатларига барҳам беријмаянти. Муносиб кадр танланмаслиги натижасида айрим лавозимлар бир неча ойлаб бўш қолмоқда. Вилоят раҳбарияти томонидан масъул лавозимларга кадрларни атрофлича ўрганмасдан тавсия қилиш ҳоллари учрамоқда.

Шунинг учун ҳам 1999-2000 йиллар давомида қишлоқ хужалик корхоналари раҳбарларидан 60 фоизи янгигдан тайинланган, шу жумладан, Иштихон, Нуробод туман-

ларіца 90 фоиз. Пайариқ туманида 71 фоиз кадрлар ал-маштирилганини нима билан изоҳлаш мүмкін?

Вилюйтда замонавий билимларға эга, изланувчан, ташаббускор ёш кадрларға етарли эътибор берилмаётганини ҳеч нарса билан оқылаб бўлмайди.

Айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари орасида ўшлар деярли йўқ. Кадрлар сиёсатига вилюят раҳбарияти томонидан бўлган бундай муносабат носоғлом вазиятнинг асосий сабабларидан бири, деб ҳисоблайман.

Хурматли депутатлар!

Юқорида айтгилган фикрлар, келтирилган мисоллардан қандай хулоса чиқариш мүмкін? Авваламбор, шуни таъкидлаш зарурки, агар иқтисодиёт тез суръатлар билан ўсмаса, кичик ва ўрта бизнес ривожланмаса, одамларнинг оғирини енгил қилиш у ёқда турсин, ҳатто уларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш ҳам катта бир муаммога айланниб қолади.

Оддий бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз даркор: агар одамларнинг моддий ҳаётини яхшилайдиган, кайфиятини кўтарадиган, уларни ҳаётдан рози қиласидиган иқтисодиёт барқарор ривожланмас экан, қолган барча юксак даъватлар ва чақириқлар куруқ ва баландпарвоз гап бўлиб қолаверади.

Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ҳаётни тебратиш, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш — бу давлат, вилюят, шаҳар, туман, қолаверса, оддий хўжалик бўладими — аввалио, шу ҳудудлар ҳамда хўжаликларни бошқара-диган раҳбар ва мутахассисларнинг ақл-заковати, билими ва тажрибаси, шихоат ва қатъиятига боғлиқ эканини бугунги кунда исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб уйлайман.

Бугун ҳаёт ўзгаряпти, ҳаётимизни бошқарадиган қонунлар ўзгаряпти, лекин, минг афсуски, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар, бир сўз билан айтганда, кадрларнинг онгу тафаккури жуда секинлик билан ўзгармоқда.

Ишни амалга ошириш, кадрларнинг масъулиятини ку-чайтириш, уларга талабчанлик билан қарап, кези келганда

руҳлантириш, янги-янги марраларга, ҳәётий муаммоларни ечиш учун сафарбар этиш, энг аввало, биринчи раҳбарнинг вазифаси, бурчи эканини унутмаслигимиз керак.

Биринчи раҳбар одамлардаги ташаббускорлик, фидойилик туйгусини үйғотиши, уларнинг турмуши, қайғиятини яхши билиши, эртанды қунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши зарур.

Акс ҳолда, одамлар қалбидаги ёниб турган умид рӯёбга чиқмасдан сўниб қолади.

Айни вақтда раҳбар номаъқул ишни кўрганда бирорнинг ёқасидан олмаса, эл-юрт манфаатини ўйлаб, эй инсон, нима қиляпсан, демаса, камчилик-нуқсонларга қарши жамоатчиликни кўтармаса, у ҳеч қачон яхши раҳбар бўла олмайди.

Агар раҳбарнинг ўзи тиним билмай ишламаса, янги имкониятларни топиб, одамларни олижаноб ишларга бошлаш учун куйиб-ёнмаса, унинг атрофидагилар — муовинлар дейсизми, бошқа мутасаддишар дейсизми — беғамликка, лоқайдликка берилиб, шундай иш услугига, шундай ҳаёт оқимиға ўрганиб-кўнишиб қолади.

Лўнда қилиб айтганда, раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг секин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор.

Афсуски, Самарқанд вилоятидаги ишларнинг бугунги аҳволига қараб, вилоят раҳбарларининг фаолияти ҳақида бундай фикр билдиrolмаймиз.

Бугунги сессия кун тартибидаги масалага қайтсак, бундан уч йил олдин биз Эркин Рўзиевга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятидан Самарқанд вилоятига утказиб, биринчи раҳбар қилиб қўйган эдик.

Очиғини айтганда, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни жорий этиш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кўрининган эди. Аммо, афсуски, Рўзиев бу интилишларни рӯёбга чиқара олмади. Бунинг асосий сабаби

шундаки, унда талабчанлик, қаттиққұллик, принципиал-лик етишмади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямасдан иш-лаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Холбуки, Самарқанд бекиёс бойликларга эга бўлган, Оллохнинг назари тушган табаррук юрт. Самарқанд аҳли доимо эзгуликка, бунёдкорликка интилиб яшайдиган заҳматкаш халқ. Бу вилоят ишлаб чиқариш қувватлари, ақлий ва меҳнат ресурслари, табиий имкониятларга кўра Ўзбекистоннинг олдинги сафида юриш салоҳиятига эга.

Ҳамма гап шундаки, мана шу вилоятда, мана шу заминда яшайдиган, ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, ташаббускор одамларни, айниқса, ўз қобилиятини, ғайрат-шижоати ва истеъодини Ватан хизматига сафарбар қилишга тайёр бўлган ёшларни бирлаштириш, уларга йўл очиб бериш даркор.

Хулоса шуки, вилоят раҳбарлигини Самарқанд воҳаси ривожи ва тараққиётига янги туртки беришга, эл учун, юрт учун ёниб яшаш керак, деган шиоримизни тилда эмас, амалда ҳаётга жорий қилишга қурби, қудрати етадиган одамларга топширишимиз керак.

Эл-юртга бош-қош бўлиб, сизларнинг сафингизга кириб, мавжуд гов-тўсикларни биргаликда енгиб ўтишга кучи етадиган, кечаю кундуз тиним билмай ишлайдиган, талабчан, қатъиятли бир раҳбарни бугун вилоят ҳокими этиб сайлашимиз керак.

Хурматли депутатлар!

Сизларнинг эътиборингизга, сизларнинг ҳукмингизга бугунги мажлисимизнинг кун тартибига қўйилган асосий масала бўйича ўз таклифимни киритмоқчиман.

Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келган Эркин Рўзиев ариза билан мурожаат қилиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраган. Унинг аризасини, яъни ўз вазифасидан озод қилиш ҳақидаги илтимосини овозга қўймоқчиман.

Биз вилоят фаоллари билан маслаҳатлашиб, сизларнинг барчангиз яхши биладиган, мана шу юртнинг шарт-

шароити, одамларининг кайфиятидан яқиндан хабардор бўлган, Жиззах вилояти ҳокими лавозимида ишилаб келаётган Шавкат Мирзиёевнинг номзодини Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилидик.

Сизлар, бугун вилоят ҳалқи мана шу янги раҳбар атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обру-эътиборини янада оширасизлар, деб ишонаман. Бунинг учун сизларда ҳамма нарса — қатъият ҳам, билим ва тажриба ҳам, ташаббус ва интилиш ҳам етарли, деб ўйлайман.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат ва омад тилайман.

*Ҳалқ депутатлари Самарқанд вилоят
кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида
сўзланган нутқ,
2001 йил 11 сентябрь*

ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУХИМ ОМИЛИ

2001 йил 14 сентябрь куни Жizzахда II чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Жizzах вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Жizzах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан ҳам мамлакатимиз халқ хўжалигига алоҳида ўрин эгаллайди. Энг муҳими, унинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини мана шу саҳоватли заминда яшайдиган заҳматкаш инсонлар, уларниң ақл-заковати, фидойилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди.

Жizzах эли ўзининг олижаноб хусусиятларини намоен этиб, доимо озодлик ва эркинликка интилиб келган орияти, гурури баланд халқ. Бу қадим заминда қанчаканча фан ва маданият намояндлари, атоқли адаб ва шоирлар, ишлаб чиқариш илфорлари етишиб чиқсан.

Айниқса, мамлакатимиз тарихида ўчмас ном қолдирган буюк инсон Шароф Рашидовнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрга Осиёда машҳур шахс бўлганини, унинг хизматларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, деб таъкидлади Президент.

У ўз нутқида Жizzах воҳасида юз берайтган ҳавас қиласа арзигулик ўзгаришлар билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга батафсил тұхталиб ўтди.

Кейинги йилларда вилоятда мавжуд бўлган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни ҳалқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш, Жizzах вилоятининг обрў-эътиборини ошириш борасида анчагина ижобий натижалар қўлга киритилди.

Саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, ҳалқ истельмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, чакана товар айланмаси, аҳолига пулли ва маишӣ хизмат кўрсатиш даражасининг ошгани, макроиктисодий ва молиявий барқарорлик таъминланаётгани, иқтисодиётдаги етакчи тармоқ ва соҳаларнинг мутаносиб ҳолда ривожланаётгани ана шундай ўзгаришлар самарасидир.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мўлжалдагига нисбатан қарийб 3 миллиард сўмга кўпайгани, пул эмиссияси белгиланганидан анча паст бўлиб, икки йил мобайнида 15 фойзга камайганини ҳам олиб борилсаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Кейинги йилларда вилоятда саноатнинг изчил тараққиёти учун пухта замин яратилмоқда. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди, деди Ислом Каримов. Хусусан, 2001 йилнинг олти ойи мобайнида вилоят иқтисодиётига 11 миллиард сўм микдоридаги хорижий сармоя киритилди. Бу кўрсаткич ўтган йилда 1 миллиард сўмни ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада ўсиш кўзга ташланаётгани аён бўлади.

Чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилаётган “Ўзэкскойд”, “Жizzах ЛРС Пласт” каби қўшма корхоналар ишга тушгач, вилоятнинг республикамиз иқтисодиётидаги ҳиссаси янада ортиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар сиёсати Жizzах вилоятида ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича

икки баробарга кўпайиб, 21 миллиард сўмга етгани бунга якъол далил бўла олади.

Истиқюл йилларида юртимизда бошланган “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деган ҳаракат бугун ўзининг ижобий самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради, дея фикрини давом эттириди Юртбошимиз. Бундай бунёдкорлик ишларини Жizzах вилояти мисолида ҳам куриш мумкин.

Кейинги вақтда бу ерда барча молиявий манбалар хисобдан жами 56 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, бир миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой, 45 та қишлоқ врачлик пункти, 24 та мактаб, 13 та замонавий касбхунар коллежи курилиб фойдаланишга топширилди.

Ўрта Осиёда ягона бўлган спорт мажмуаси — Олимпия захиралари коллежининг барно этилиши, марказий стадионнинг тұла таъмирдан чиқарилиши, янги қурилган “Маънавият ва маърифат” маркази, Истиқдол боғи, маҳалла гузарлари, замонавий коллеж ва лицейлар, сузиш ҳавазлари, теннис кортлари каби янги-янги иншоотлар бугунги кунда Жizzах шаҳри қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Айниска, юзлаб ўғил-қизларимиз ўзларининг спорт маҳоратини намойиш этган биринчи “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг мана шу шаҳарда катта муваффақият билан ўтгани нафақат вилоят, баъки мамлакатимиз спорти тарихида катта воқеа бўлди, деб таъкидлadi Президент.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилаш, шу орқали одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида қарийб 750 километр газ ва 405 километр ичимлиқ сув узатиш тармоқлари ишга туширилди.

Вилоятда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилас эканмиз, кўзга ташланаётган муҳим бир масалага эътиборни жалб қилиш лозим, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Кейинги йиллар давомида шу юртда яшайдиган одамларнинг онгу тафаккурида ижобий ўзгаришлар

юз бергани, уларнинг меҳнатга, ерга, мулкка, умуман ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, ўз кучи, ўз салоҳиятига ишончи ортиб бораётгани биз эришаётган ютуқларнинг омили бўлмоқда.

Юртбошимиз ўз нутқида вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ривожи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинаётганини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда вилоятда умумий маҳсулот ҳажмининг ўсишига эришилгани, хусусан, стратегик хом ашё — пахта ва ғалла етиштириш ҳажми қарийб 30 фоизга ошгани диққатга сазовордир.

Лекин, афсуски, қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда бу соҳада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жиззах вилоятида бу борада ўз ечимини кутиб турган бир қанча масалалар бор, деди Президент сўзида давом этиб. Вилоятда қишлоқ хўжалик экинлари учун ажратилган майдонларнинг ер ва иқлим шароитини инобатга олиб, эртапишар, серҳосил, янги, истиқболли фўза ва ғалла навларини танлаш, ана шундай хусусиятларга эга бўлган уруғликни тезроқ қўпайтириш масаласига қўпроқ эътибор бериш зарур.

Бу соҳада олдимиизда турған барча муаммоларнинг ечими негизида — ерни деҳқонга ижарага бериш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама ривожсантириш музассам эканини бутун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Чунки ўзига қонуний равишда ажратиб берилган ерда ишлаб, ўзининг ҳалол меҳнатига қараб ҳақ оладиган деҳқон унга бор меҳрини беради, даласини шурга ҳам, бегона ўтга ҳам бостириб қўймайди.

Афсуски, баъзи раҳбарлар бу масалага юзаки қараб, хўжалик юритишнинг замонавий шакли бўлган ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожига кенг йўл очиб бермаяпти.

Холбуки, вилоятнинг Пахтакор, Дустлик, Мирзачўл туманларида ҳар гектар пахта майдонидан 35-40 центнердан, ҳар гектар фаллазордан эса 45-50 центнердан ҳосил олаётган хўжаликлар мулкчиликнинг бундай шакли нечоёли афзал эканини амалда намойиш этмоқда.

Мана, битта мисол: Дўстлик туманидаги Омонбой Абдуллаев бошчиллик қилаётган “Машъал” фермер хўжалиги ўтган йили ҳар гектар майдондан 46 центнер пахта, 51 центнердан фалла ҳосили олди. Туман бўйича эса пахтадан ўртacha 18 центнердан, фалладан эса 33 центнердан ҳосил етиштирилган, холос.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин мана шу далилнинг ўзиёқ ишни янгича ташкил этиш, иш юритишнинг замонавий, ишфор шаклларига кенг йўл очиш деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиши, ердан тўғри на самарали фойдаланишга хизмат қилишининг амалий исботи эмасми?

Эскидан, ота-боболаримиздан қолган бир нақл борки, у ҳақда бугун гапирмасак бўлмайди, деди Ислом Каҳимов. “Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади” деган ҳикмат барчамизга маълум.

Бугун қишлоқ хўжалик соҳаси тақдирини ҳал қилувчи масалалардан энг муҳими — бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласидир.

Вилоядада жами 300 минг гектар субориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиладиган сув миқдори етишмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жорий йилда вужудга келган қурғоқчилик туфайли сувга эҳтиёж баъзи туманларда бор-йўғи 70-80 фоизга қоқстанди.

Бу вазиятни енгиллашибтириш мақсадида Жиззахдаги Змагистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва Жиззах сув омборига қўшимча сув тўйлаш мумкин бўлди. Бу 2002 йилда 30 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Ҳукумат қарори билан Арнасойда сув омбори курилиши олиб борилмоқда. Бу йирик сув ҳав-

заси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачұл, Арнасой ва Фориш туманларидаги әкін майдонларини сүфоришни яхшилашга хизмат қилади. Вилоят қышлоқ хұжалигыда сув таъминотини яхшилаш учун 213 километрлик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғы қурилишини жадаллаштириш даркор.

Лекин амалға оширилаётган чора-тадбирларлар билан бир қаторда вилоятда сувдан тежамкорлық билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиғдий әထибор бериш лозим.

Қышлоқ хұжалигыда янгича ишлаб чиқариш муносабатларини қарор тоғтириш ҳақида сұз юритиб, Юртбөшімиз бу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, жумладан, тузилаётган шартномалар ва уларға риоя қилиш тұғрисида алоқида тұхталиб ўтди.

Күп ҳолларда ширкат хұжаликлари билан оиласый пудратчилар үртасида тузилаётган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари уларни бажариш учун жавобгарлық масаласига етарлича ақамият берилмаяпты. Бу эса дәхқонларнинг ҳақынан әтироозларига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Пахтакор туманинде “Пахтакор” ширкат хұжалиги шартномада белгиланған 94 тонна үсимлик ёғининг атиги 16 тоннасыни олган бўлса, шу тумандаги Акмал Икромов номли ширкат хұжалиги, “Аҳмат ота” ва “Фаллакор” фермер хұжаликлари үсимлик ёғи ва кунжарнинг бугунгача бир килосини ҳам ололмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу пешона тери түкиб, ҳосия етиштирувчи дәхқонга нисбатан беписандлик, керак бўлса, зўравонлик эмасми? Бундай ишларга асло йўл қўйиш мумкин эмас, деб уқтирди мамлакатимиз раҳбари.

Дәхқон ва фермер хұжаликларига кредит ажратиш уларни уруғлик, техника, ёқилғи, ўғит билан таъминлаш, турли идора ва ташкилотларда сарсон бўлишига йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Қишлоқ хұжалик соҳасыда бугун мавжуд бұлған ақвоп-ни баҳолар эканмиз, бир нарсага ишончим комил. Жиз-зах деҳқонлари ҳеч кимдан кам бұлмасдан бу ийлги мав-сұмда үзини албатта күрсатади, деб ишонч билдириди Президент.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мулкдорлар син-фини шақылантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлан-тириш, табибиркорликни құллаб-қувватлаш мұхым үрин-гутади. Бұтунги кунда Жizzах вилоятида 9 минг 500 га яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият күрсатмоқда.

Шуниси эътиборлики, бу ерда ҳар минг нафар мек-натга лаёқатли кишига 16 та кичик ва ўрта бизнес субъек-ти түрі келади. Бу мамлакат бүйіча ўртача күрсаткіч-дан анча күп демакдир. Бундай корхоналарнинг вилоят бүйічіша ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фойзни ташкил этади.

Юртбошимиз бу масалада вилоятда катта иш қилингани, лекин бу корхоналарнинг аксарияти тижорат билан эмас, бевосита ишлаб чиқарыш билан шуғулланишига эришиш керактылығы йигілгандар эътиборини қаратди.

Үтган ярим йыл мобайнида вилоятда кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан 120 миллион сүм кредит ажратылған. Лекин Жizzахдең катта вилоят учун бу етарли эмас.

Чунки бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ақами-ятуға ҳам ега бұлған масаладир. Одамлар, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш үринларини барпо этиш, ҳамма жойда бұлғанидек, Жizzах вилоятида ҳам донийи дікқатимиз марказида бўлиши лозим.

Вилоят ақолисининг 70 фойзи қишлоқ жойларда яшайди. Мекнатта лаёқатли ақоли сони йилига 10 минг киши-га ортиб бормоқда. Бу эса, үз навбатида, янги иш үринларини яратиш, уларнинг таркибий тузилиши ва туман-дар бүйічіша жойлашуви билан боғлиқ ишларни ҳаёт тараблари асосида ташкил этишини тақозо қиласы.

Бу оғир муаммонаңынг ечими, әнг аввало, одамларнинг, бириңчи галда, ёшларнинг ғайрат-шижоатини деҳқон ва

фермер хўжаликларига, кичик ва ўрта бизнес соҳасига, хизмат кўрсатиш тармоқларига сафарбар этишда эканини бугун замоннинг ўзи исботламоқда, деди Ислом Каримов сўзини давом эттириб.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ёш кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Буни соҳада хизмат қилаёттган 30 ёшгача бўлган раҳбар ходимлар фақатгина 20-25 фойзни ташкил этишидан ҳам билса бўлади.

Жizzах воҳасида замон талабларини пухта ўзлаштирган, эл-юргига садоқатли, ҳалқ дарди билан яшайдиган ташаббускор ёшлар кўп. Ана шундай ватанипарвар, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшларнинг йўлини очиб бериш, уларга масъулиятли лавозимларни ишониб топшириш керак.

Сўнгги йилларда Жizzах вилоятида янги мактаблар, лицей-коллажлар, маданият масканлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда, аҳолининг соғлигини сақлаш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, даволаш ва профилактика муассасаларининг моддий-техникавий негизини яхшилаш мақсадида вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, онкология, руҳийасаб касалликлари ва эндокринология диспансерлари замонавий биноларга кўчирилди, бир қатор даволаш масканлари тубдан қайта таъмирланди.

Лекин бу соҳадаги аҳволни тўлиқ ижобий баҳолаб бўлмайди. Вилоятда ҳали таъмирга муҳтож, тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминланмаган мактаб ва шифохоналар ҳам йўқ эмас.

Аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш масаласига ҳам эътиборни кучайтириш зарур.

Бугун ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораёттган эканмиз, бунда қонун устуворлиги биринчи ўринда туради, деб таъкид-

лади Президентимиз. Қонун олдида ҳамма, ҳар қандай инсон — қандай вазифа ва мартабада ишлаши ва ким бўлишидан қаты нazar — тенгdir. Ҳаётимида мана шу қоиднинг амал қилишига эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлиар ўртасида ҳукуқий билим, ҳукуқий онгни, ҳукуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган олтинчи сесиясида ана шу муҳим масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш орқали жамиятда адолат устуворлигига эришиш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Эндиги асосий вазифа — ана шу қабул қилинган ҳукуқий ҳужжатларни изчиллик билан, оғишмай ҳаётга татбиқ этишдан иборат, деди давлатимиз раҳбари.

Хеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиёти, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан муносаб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кадрлар масаласига боғлиқ.

Ҳар қайси вилоят ёки туман, шаҳар-қишлоқнинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини ана шу жойда яшайдиган меҳнаткаш, омилкор, фидойи инсонлар белгилайди. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Жizzах вилоятида бундай одамлар кўплаб топилади.

Президент Ислом Каримов ана шундай юртошларимиз қаторида: Ўзбекистон Қаҳрамони, Жizzах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа ҳўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Парда Зиётов, Дўстлик туманидаги “Оқ олтин” ширкат ҳўжалиги раҳбари Тожибой Бозорбоев, Жizzах туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа ҳўжалигидан Абдунаби Абдураҳмонов, Зарбдор туманидаги “Андижон” ширкат ҳўжалигидан Усканбой Азимов, Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат етакчиси Саидолим Бўлтаков, Зомин туманидаги “Мустақиллик” фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Мухтор Эгизов, Мирзачўл туманидаги “Пахтазор” фер-

мерлар уюшмаси бошлиги Ҳайдар Абдураҳмонов, Дустлик туманидан фермер Эсон Иняминов, Арнасой туманидан фермер Эштурон Абдусатторов, Бахмал туманидаги “Деконобод” ширкат-хўжалиги бошлиги Рустамқул Норкулов каби ажойиб инсонларнинг номларини хурмат билан тилга олиб ўтди.

Ислом Каримов кадрларни тўғри танлаш, уларни жойжига қўйиш, замон талаблари руҳида тарбиялаш бора-сида Жizzах вилоятида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, бу соҳада масъулият ва талабчанликни кучайтириш лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Сессия кун тартибидағи асосий масала ҳақида гапирав экан. Президент, жумладан, шундай деди: Жizzах вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келган Шавкат Мирзиёев куни кеча Самарқанд вилоятига биринчи раҳбар этиб сайданди. У Жizzах вилоятига беш йил раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида Жizzах воҳасида қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса, холисона баҳо бергандা, шуни тан олишимиз керакки, уларда бу одамнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Жizzах аҳли билан тил топишиб, баҳамжиҳат бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириб, катта-катта режаларни амалга ошириша ташаббускор, бош-қош бўлди. Шу мұтабар заминни обод қилиш, Жizzахнинг обрусини ошириш йўлида хизмат қилди, кўнгина синовларни, қийинчиликларни енгигиб ўтиш жараённида тобланди, тажриба ортириди.

Ҳеч шубҳасиз, вилоят раҳбарининг мана шундай ишлар билан узини кўрсатишида, таъбир жоиз бўлса, уни тарбиялашда, вилоятнинг кўзга кўринарли натижаларга эришишида Жizzах жамоатчилиги, вилоят аҳдининг мана шу залда ўтирганларнинг ҳиссаси катта бўлганини мен яхши тушунаман ва бунинг учун барчангизга ўзимнинг миннатдорлигимни изҳор этаман, деди мамлакатимиз раҳбари.

МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК ВА БҮНЁДКОРЛИК

Ассалому алайкум, азиз ҳамشاҳарлар!
Қадрли дўстлар!

Озод ва обод Ватанимизнинг муқаддас остонаси бўлган Тошкент шаҳрининг, муazzам пойтахтимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги муносиб ўрни ҳақида кўп ганириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ривожланишида, фан ва техника, ўқув юртлари, таълим-тарбия, иқтисодиёт, ички ва ташқи савдо соҳалиарида эгаллаётган салоҳияти ва аҳамияти барчамизга яхши маълум.

Бу гўзал ва бетакрор шаҳарнинг кейинги йилларда яна-да чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, том маънодаги Шарқ дарвозаси, деган номига муносиб бўлиб, жаҳондаги манаман деган шаҳарлар қаторидан жой олиб бораётгани ҳар бир ватандошимизга фурур ва ифтихор баҳш этади.

Қисқа қилиб айтганда, ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, давлатимизнинг маркази, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг юраги бўлмиш азим Тошкентимизнинг ҳаёти, тараққиёт суръатларига қараб, Ўзбекистонимиз ҳақида, унинг бугунги ва эртанги иқболи-истиқболи ҳақида холоса чиқаришимиз, унинг ёруғ бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз муқаррар.

Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузи ҳақида гап кетар экан, авваламбор, унинг иқтисодий салоҳияти ҳақида тўхталиш жоиз, деб ўйлайман.

Шаҳарда ҳозирги вақтда жами 355 та йирик саноаткорхонаси ишлаб турибди, мамлакатимизда ишлаб чи-

қариллаётган саноат маҳсулотининг қарийб 15 фоизи пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу ерда қишлоқ хўжалик тракторлари, самолётлар, экскаваторлар, саноат учун зарур дастгоҳ ва ускуналар, мебель маҳсулотлари, кўплаб турдаги ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиши пойтахт саноатининг қанчалик кенг қамровли тизимга эга эканини кўрсатади. Улар нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон бозорида ҳам ҳаридоргирлиги билан ажралиб туради.

Тошкент корхоналарида ишлаб чиқариллаётган маҳсулотлар АҚШ, Германия, Швейцария, Бельгия, Италия, Корея, Хитой ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Чет эл инвестициясини жалб этиш борасидаги амалий ишлар диққатга сазовордир.

Буни қўйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин: агар 1991 йилда шаҳарда атиги 44 та қўшма корхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда рўйхатга олингандарининг сони 2 минг 100 тадан ошиб кетди. Улар томонидан ишлаб чиқариллаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар ҳажми 175 милиард сўмни ташкил этади.

Энг муҳими, бу давр ичida қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқариллаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, ҳозирги кунда 600 дан ортади.

Айниқса, шаҳарда кичик ва ўрта бизнес ривожига катта аҳамият бериллаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши жорий йил давомида 34 фоиздан 41 фоизга кўтарилди. Товар айланинининг 48 фоизи, пуллик хизмат кўрсатишнинг қарийб 28 фоизи хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича қарийб 20 мингта кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган 36 мингга яқин киши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда шаҳар инфратузилмасини ривождантириш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётгани билан эътиборни тортади.

Одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб ҳёт шароити яратиб бериш учун 630 километр канализация, 700 километр газ, 500 километр ичимлик суви, 66 километр иситиш тармоқлари ишга туширилгани бунинг амалий тасдиғидир.

Сўнгги йилларда шаҳарда барпо этилган 5 ярим миллион квадрат-метр уй-жой аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини таъминлашга, кўп болали оиласаларнинг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда барпо этилган “Интерконтинентал”, “Шератон”, “Ле-меридиан” меҳмонхона мажмуалари, Халқаро бизнес маркази, Банклар ассоциацияси, Олий Мажлис, Кўргазмалар мажмуси, Темурийлар тарихи музейи, Ўзбек миллий академик драма театри, Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинолари каби кўплаб иншоотлар шаҳrimiz кўркига янада кўрк қўшди.

Автотранспорт воситаларининг тобора кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида автомобиль йўлларини кенгайтириш, янги йўл ва кўприклар қурилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда 45 километр йўл қайта таъмирланди ва ободонлаштирилди. Умумий узунлиги 4 километр бўлган 8 та муҳташам кўприк бунёд этилди.

Тошкент метрополитенининг учинчи йўналиши барпо этилиб, мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами арафасида узунилиги 7 километрдан зиёд 6 та янги бекат ишга туширилди.

Бу ҳам тошкентликлар, айниқса, Юнусобод туманида яшайдиган 300 мингга яқин аҳоли утун катта қулайлик тудириши шубҳасиз. Кейинги йилларда бир қатор маданий-мәнишиб объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янгитдан барпо этилган Хотира майдони, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуалари, “Диснейленд”, “Аква-

парк”, Ҳайвонон боди, қайта таъмирланган Миллий боди, Бобур номли, “Боди Эрам” каби истироҳат масканилари шулар жумласидандир.

Айниқса, шаҳарда замонавий спорт иншоотлари қуриш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда бунёд этилган “Юнусобод”, “Жар”, “Динамо”, “Гольф клуб”, Ёпиқ сузиш ҳавзаси каби муҳташам спорт мажмуалари нафақат ўзининг меъморий кўриниши, балки замонавий талабларга тўла жавоб бериши, ҳар томонлама қулайлиги билан юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш йулидан борар эканмиз, интернет каби замонавий алоқа тизимлари имкониятларидан кенг фойдаланишга катта аҳамият берамиз.

Ахборот асри — XXI асрда кечеётган глобалишув жараёнлари шуни тақозо этмоқда. Шу маънода Тошкент шаҳрида коммуникация тизими, жумладан, алоқа хизматини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар дикатта сазовордир.

Бу ерда ҳаммаси булиб 32 минг номерга мўлжалланган 11 та янги алоқа станцияси қурилди, шунингдек, амалдаги алоқа станцияларини қайта таъмиглаш ҳисобига уларнинг қуввати 8 минг номерга оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, пойттаҳт аҳлиниң кўз ўнгидаги шаҳарнинг замонавий асосда ривожланиб, янада кўркучирой очиб бораёттани, обод маҳалла ва гузарлар, замонавий лицей ва коллежлар, янги-янги ўқув юртлари — барча-барчаси мамлакатимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаронлигини оширишга хизмат қилмоқда.

АЗИЗ ДЎСТЛАР, БИРОДАРЛАР!

Бугун сиз, ҳурматли ҳалқ ноиблари, шаҳар фаоллари билан учрашиб, амалга ошираётган ишларимизга холи-сонга баҳо бериб, биринчи навбатда, шаҳарнинг муаммолари, шаҳар аҳолисини ташвишга solaётган қийинчилликлар ҳақида ганиришимиз табиийдир.

Бундай муаммолар орасида одам зотини доим қийнайдыган — тураржой, коммунал хизмат, газ, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти каби масалалар алоҳида ўрин тулади. Хусусан, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги мавжуд 9 мингдан ортиқ кўпқаватли уйнинг 4 мингтаси ёки 45 фоизи капитал таъмирга муҳтоҷ. Бундай аҳвол, айниқса. Чилонзор, Юнусобод туманинг Қорасув даҳасида, Ҳамза туманинг Авиасозлар, Собир Раҳимов туманинг Қорақамиш мавзеларида яққој кўзга ташланади.

Жойлардаги уй-жой ширкатлари томонидан мавжуд сув тармоқлари ўз вақтида таъмирланмагани туфайли пойтахт аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган.

Айниқса, кўпқаватли уйларнинг юқори қаватларига сув чиқмаслик ҳолатлари кўп учраб турибди. Ҳамза туманинг Курувчилар ва Лисунов, Иккинчи Қўйлиқ мавзесидаги кўпқаватли уйлар, Акмал Икромов туманинг Аброр Ҳидоятов ва Ойдин Собирова маҳаллаларида, Юнусобод туманинг Ҳасанбой мавзесидаги ҳовлиларда яшовчи аҳолини сув билан таъминлашда ханузгача узилишларга йўл қўйилмоқда.

Таъмирланиши лозим бўлган сув тармоқларининг 42 фоизи, газ узатиш тармоқларининг 60 фоизи қишки мавсумга тайёрланмагани айниқса жиддий ташвиш уйготади. Бундан ҳам ачинарлиси — қишки мавсум учун мулжалланган кўмирнинг 73 фоизи, суюқ ёқилғининг эса атиги 14 яром фоизи жамғарилган, холос.

Ўтган йилги қиш мавсумининг тажрибасидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари, жумладан, Чилонзор, Акмал Икромов туманлари раҳбарлари уйларни иссиқлик билан таъминлаш ишларига эътиборни мутлақо ўзгартиришлари лозим.

Айни вактда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирги кунда аксарият иссиқлик узатиш станциялари, 161 километр узунликдаги иссиқлик тақсимлаш қувурлари, қарийб 40 километр магистраль тармоқлар янгиланишга муҳтоҷ бўлиб қолган.

Албатта, катта маблағ, катта құч тараб қыладиган бу муаммони бирданига, бир-икки йилда ечиб бұлмаслиги-ни ҳаммамиз ҳам тушунамиз.

Бу масаланы босқичма-босқич ҳал этиш учун биргаликда бош қотиришимиз, зарур имконият ва молиявий манбаларни излаб топишимиз керак.

Үзингиз үйланғ, азиз дүстлар, биз Тошкент маркази-ни мана шу ҳоқимлик биносига үшшаган кошоналар билан чиройли қилиб қыйсагу айрим тұманлардаги күнқа-ватли үйлар таъмирланмаган бұлса, подвалларига сув тұлиб ётса, одамлар бунга қандай баҳо беради? Балки ёзда унчалик билинмас, аммо қиша, совуқ күнларда бу муаммолар юзага қалақиб чиқади.

Бундай муҳташам бинолар шаҳримизда, бутун юрти-мизда күп бўлиши керак, лекин, биринчи навбатда одамларниңнинг муаммоларига асосий эътибор қаратиши-миз зарур. Олижаноб ҳалқимиз бу ишларни тұғри қабул қылади. Күп нарсани тилига чиқармайди, фақат күнглида ўзига инсоф берсин, дейди. Бу қарғиши эмас, танқид эмас, лекин бу гапнинг замирида жуда чуқур маъно бор. Шуни унумаслик лозим.

Мана шу заңда үтирган барча раҳбарлар бир нарсани яхшилаб тушуниб олиши керак: иссиқиқ билан таъминлаш масаласини пайсалға солиб бўлмайди, уни бир күн ҳам кечиктирмай ҳал қилиш шарт. Бу масалада, айниқса, қарина-ялар үйлари, “Мехрибонлик үйлари”, махсус мактаб-ин-тернатлар, касалхоналарга алоҳида эътибор бериш даркор.

Бугунги кунда жамиятимизда меҳр-оқибат, етим-есирларга саховат кучайиб бормоқда. Шу масалада доимо адолат булишига эришиш керак. Адолат — кенг қамровли тушунча. Демоқризманки, аввало энг муҳтоҗларга ёрдам бериш керак. Шунда одамлар бизни тушунади, ҳар бир ишда құллаб-қувватлайди. Масалан, ҳашаматли түйга кетадиган харажатларнинг, айтайлик, 5 фоизини етим-есирларга бер-ған, ўз күчасини обод қылған одам қанча савобга қолади.

Биз қадимда Тошкенттің 12 дарвозаси булғани ҳақида күн гапирамиз. Ҳалқ ана шу дарвозаларни ҳали-хануз

фалончи бойлар қурган, деб эслайди. Яъни яхшилик, саховат унугилмайди.

Ҳар биримиз, албатта, муazzам пойтахтимизни севамиз. Лекин фақат унинг маҳобатли биноларинигина, кўчаларинигина эмас, аввало, одамларини севамиз. Мен мана шу одамларга муҳаббат, саховат ҳар қадамда амалий ишлар билан намоён бўлишини истардим.

Биламан, бу гаплар ҳар бирингизнинг юрагингизда бор. Менинг бурчим — фақат уларни сизларга эслатиб туришдан иборат.

Камбағал ҳам, бой ҳам бўлмасин, ҳамма бараварига қашшоқ бўлсин, деган шўро даврининг шиори ўтди. Ким яхши ишласа, кўпроқ ишласа, кўпроқ даромад топса — яхши яшайверсин. Фақат ўша даромад ҳалол йўл билан топилган бўлиши лозим. Улуғ мутафаккир Форобий орзу қилганидек, адолатли жамият қуришимиз, унда ўта қашшоқлар ҳам, ўта бойлар ҳам бўлмаслиги керак. Тўгрироғи, улар орасидаги фарқ ҳаддан зиёд катта бўлмаслиги зарур.

Қадрли дўстлар!

Тошкент буғунги кунда нафақат мегаполисга айланиб кетди. Бу катта ҳўжаликни бошқариш, ундаги ижтимоий-сиёсий мұхитни барқарор ушлаб туриш осон эмас.

Шу нуқтаи назардан бир мұхим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бутун дунёда ҳамма нарса, энг аввало, сув, электр, ёқилғи каби ресурсларнинг қаттиқ ҳисоб-китоби бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бирон корхона ёки хонадонга газ, сув ўлчаш мосламаси ўрнатилса, харажатлар икки-уч баравар кам бўлар экан.

Шуни инобатга олиб, шаҳарда 2005 йилгача 680 минг донадан зиёд сув ўлчаш ва 504 мингдан ортиқ газ ўлчаш мосламалари ўрнатиш режалаштирилган.

Лекин жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра мавжуд 9 минг 772 та кўпқаватли уйнинг тахминан 6 фоизига сув ўлчаш асбоблари ўрнатилган, холос.

Чилонзор, Бектемир, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Шайхонтохур, Юнусобод туманларида бу ишларни тезлаштириш зарур.

Бу ишни изчил давом эттирсак, истеъмолчилик ҳам, таъминотчилик ҳам бундан фақат манфаат кўриши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳаллий бошқарув органдаридан аҳоли орасида бу масала бўйича етарлии даражада иш олиб бормаяпти.

Бунинг оқибатида коммунал хизматлар тўлови бўйича аҳолининг қарзи кўпаймоқда. Шу йилнинг 1-январь ҳолатига кўра, бу қарзлар 2 ярим миллиард сўмни ташкил этган бўлса, июль ойида бу кўрсаткич 3 миллиард 700 миллион сўмга етиб, бир ярим баробарга ортган.

Бу қарзларнинг бўб фоизини газ, сув ва иссиқлик манбаларидан фойдаланганлик учун тўловлар ташкил этди.

Ҳурматли депутатлар!

Биз соглом авлод тарбияси ҳақида, ёшларимизнинг вақтини бекор ўтказмаслик ҳақида кўп гапирамиз. Айттайлик, ўқувчи тушдан кейин мактабдан келиб кечгача бўш қолади. Ота-она ишда. Хўш, у нима қиласди? Табийики, зерикади, кўчага чиқади.

Бола кўчада заарли таъсирларга тушиб, ҳар хил ғурӯхларга қўшишиб қолмаслиги учун биз ўз фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишимиз, уларни қўшимча ўқиши, касб-хунарга ўргатиш, спорт билан банд килишга алоҳида ва доимий эътибор қаратишимиш даркор.

Бундай муаммоларни ечишда ички ишлар ходимларининг, аввало, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган милиция инспекторларининг хизмати ва масъулияти катта бўлиши зарур.

Шуни таъкидлаш керакки, “Маҳалла посбонлари” жуда катта иш қилияпти.

Тинчлигимизни сақлаш бўйича жон куйдириб фаолият кўрсатаётган йигитларимизга ҳар қанча ташаккур айтсак арзиди. Шаҳарда профилактика ишини олиб бораётган инспекторлар фаолиятини ҳам кенг тарғиб этиш, матбуотда, телевидение орқали кўрсатиш керак.

Шунингдек, гиёҳвандлик иллатларининг оддини олиш бўйича кўп иш қилишимиз, “Нуроний” ва “Маҳалла”

жамғармалари ишида расмиятчиликдан воз кечиб, улар-нинг халқа янада яқин бўлишига эришиш лозим.

Мен транспорт соҳасида қилинган ижобий ишларни тъкидлаб ўтдим. Бироқ ҳали бу соҳада ечимини кутиб турган муаммолар ҳам оз эмас.

Одамларнинг узоқ вақт автобус ёки трамвай кутиб қолиши, қимматли вақтини йўқотиб, кайфиятининг бузылиш ҳолатлари, афсуски, ҳали ҳам учраб турибди.

Равон, текис йўллар билан бирга, ўйдим-чуқур булиб ётган, таъмирталаб йўлтарни тузатиш, транспорт восита-дарини янгилаш, трамвай ва троллейбус тармоқлари, под-станцияларнинг кувватини ошириш, транспорт воситала-рини таъмирлаш базасини қайта жиҳозлаш каби муҳим вазифалар юзасидан шаҳар раҳбарияти, тегишли мутасадди ташкилотлар амалий чоралар кўриши лозим.

Бугунги кунда аҳолининг эътирозига сабаб булаётган муаммолардан бири бу — майший чиқиндиларнинг ўз вақтида ташиб кетилмаслиги билан боғлиқ.

Тұғри, жорий йилнинг олти ойи давомида бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди. Туманлар ҳудудида 385 та чиқиндиларни йиғиши майдончаси куриб битка-зилди. Лойиха бўйича 452 та модулли чиқиндихона кури-либ, уларга 750 литрли маҳсус контейнерлар ўрнатылди.

Майший чиқиндиларни ташиш учун ҳозирги кунда Тошкент "Махсустранс" автокорхонаси паркида 554 та автотранспорт воситаси мавжуд, уларнинг 158 таси "ДЭУ" ва "АВИА" русумидаги маҳсус машиналардир.

Үтган йили Корея давлатидан кўча супурадиган ва сув сепациган 30 та янги машина келтирилган эди. Келишув асосида яна кредитга "Хундай" русумли чиқинди таший-диган 45 та машина сотиб олинди.

Лекин, қатор туманларда майший чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмаслик ва аҳоли турар-жойлари атрофида чиқинди уюмларининг пайдо бўлиш ҳоллари учраб турибди.

Бу, айниқса, Чилонзор туманининг Гулистон, Акмал Икромов туманининг "Тутзор", Чилонзор тумани 23-мавзесидаги 34-35-сонли уйлар рўпарасида, Шайхонтур туманининг Ибн Сино, Самарқанд дарвоза маҳалла-сининг айрим ҳудудларига тегишилди.

Пойтахт ақолисини қеракли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам доимо дикқатимиз марказида туриши даркор. Айниқса, саккиз турдаги эңг зарур маҳсулотлар билан таъминлашда узилиш бүлмас-лиги шарт.

Лекин, таассуф билан айтиш керакки, бу борада узи-лишларга йүл қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилда эҳти-ёжга нисбатан ўсимлик ёғи 240 тонна, шакар маҳсулоти эса 2 минг 305 тонна кам олингани аниқланаби, қонун бузилишига йўл қўйган 137 нафар мансабдор шахс мъ-мурый жавобгарликка тортилди.

Бозорларимиздаги аҳвол ҳам ҳали ҳалқимиз орзу қиласет-ган даражага етгани йўқ. Мавжуд 21 та катта бозор ва жой-лардаги 70 та бозорчада тартиб-интизом, озодалик, хизмат кўрсатиш савияси паст. Дехқонлар ва ҳақиқий маҳсулот этиши-тирувчилар учун қулай савдо шароитлари яратилмаянти.

Ўртага воситачилар тушаётгани туфайли қишлоқ ҳужалик маҳсулотларининг нархи ошиб кетмоқда. Айниқса, Олой, Фарҳод, Чорсу ва Кўйлиқ бозорларида ўтказилган текши-ришлар натижасида бундай ҳолатлар қўйилаб аниқланган.

Бу кимсаларни воситачилар эмас, зўравонлар десак, тўғри бўлади. Чунки улар маҳсулот олиб келган дехқонга ҳам, харидорга ҳам зўравонлик қиласди.

Шу ўринда, бундай балодан кутулишнинг, уруғини қуритишнинг имконияти борми ўзи, деган савол туғида-ди. Бу ишларни яхшилашга туман раҳбарлари шахсан жавобгар эканини яна бир карра эслатмоқчиман.

Бугунги кунда пойтахт фаоллари олдида турган яна бир долзарб масала — бу шаҳримизда тартиб-интизомни сақлаш, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, жамоатчи-лигимиз яхши хабардор.

Айниқса, Олий Мажлисимиzinинг олтинчи сессиясида суд, прокуратура идоралари ишини такомиллаштиришга хизмат қиласиган бир қатор муҳим хужжатлар қабул қилинди.

Бу борадаги эң мұхим масалалардан бири — суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимини ҳар хил нопок кимсалардан тозалаш, уларнинг ўрнига ҳалол одамдарни қўйишdir. Яқин кунларда бу соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўласизлар.

Иккинчи масала — судларнинг том маънода мустақил бўлишига эришиш. Биз шу мақсадда судьяларни лавозимга танлаш масаласини Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқариб, маҳсус малака комиссияси ихтиёрига беряпмиз.

Нега бу масала кескин қўйилмоқда? Чунки, бу соҳани ислоҳ қўйилмасак, ҳамма иш шу тизимга келиб тақалиб қолмоқда. Бу соҳага илғор давлатлар тажрибасини жорий этиш вақти етди, деб ўйлайман.

Шуни айтиш керакки, бу соҳада қўйган қадамларимиз ўзининг илк натижаларини бермоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари ўзига юқлатилган вазифани бажариш учун муайян ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш буйича аҳоли билан бирга мунтазам иш олиб бориш мақсадида маҳалла ва микрорайонларда 444 та милиция таянч пункти ташкил этилди.

Уларда I минг 200 га яқин профилактика инспектори ишламоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларда тинчлик осойишталиқ мустаҳкамланди, жиноятларни тезкорлик билан очиш кўрсаткичи яхшиланди.

Шаҳар буйича 2001 йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида содир этилган жиноятлар 2000 йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга камайди.

Оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасдан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўғрилик ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг камайишига эришилди.

Шу билан бирга, қасдан оғир шикаст етказиш, зурлаб номусга тегиш, безорилик каби жиноятларнинг сони ошгани кишини ташвишлантиради. Айниқса, Собир Рахимов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларида оғир жиноят турлари ортиб бормоқда.

Жиноят содир этаётгандарнинг ярми меҳнатга лаёқатли бўлатуриб, ҳеч жойда ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар ҳиссаси га тўғри келаётгани муаммонинг илдизи одамларни иш билан таъминлаш, меҳнатга жалб этиш, соғлом мұхитни вужудга келтириш билан боғлик эканини кўрсатади.

Хурматли халқ депутатлари!

Бугунги кунда одамларни безовта қилаётган муаммалардан яна бири — бу тиббий хизмат масаласидир. Тан олишимиз керакки, ҳали бу соҳада ечишмаган муаммолар, аҳолининг ҳақли эътиrozига сабаб бўлаётган камчилик ва нуқсоналар оз эмас.

Тўғри, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида бир қанча эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Чунончи, янгитдан қурилган ва қайта таъмирланган Жарроҳлик, Урология, Куйганларни даволаш ва СПИД марказлари, шунингдек, 9 та амбулатория-жарроҳлик, вояга етмаганларни реабилитация қилиш тиббий мажмуалари ҳар бир туманда ташкил этилган оиласавий поликлиникалар, маслаҳат-ташхис марказлари аҳоли саломатлигини мухофаза этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида хусусий тиббий тармоқни ривожлантириш борасида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда 3 минг 910 та хусусий тиббиёт муассасаси фаолият курсатадиган бунинг яққолдалили бўла олади.

Максус гувоҳномалар асосида 262 нафар шифокор хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланмоқда. Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, тиббиёт соҳасида эътибордан четда қолаётган баъзи бир муаммолар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз.

Хусусан, касалхоналарда беморлар учун ўрин етиш маслиги, оддий дори-дармон, шприц, түшак ва чойшабларнинг тақчиллиги ҳақида қанча ғапириш мумкин?

Хурматли ватандошлар!

Яқинда Америка Кўшма Штатларида содир этилган, бутун дунёда катта ташвиш уйғотган террорчилик ҳара-

катларидан, шу муносабат билан бугунги кунда минтақамизда, ён-атрофимизда юзага келган нотинч вазиятдан барчангизнинг яхши хабарингиз бор.

Айниқса, бизга құшни бұлған Афғонистон ҳудудида вазиятнинг кескінлашиб бораётгани, бу ерда рүй берәётган можаролар, тұқнашувлар, амалға оширилаётгандай режалаштирилаётгандай ҳаракатлар ҳақида матбуот, телевидение орқали мунтазам хабардор бўлиб турибмиз.

Бу хабарларда, албатта, холис, тұғри маълумотлар билан бир қаторда жуда күп үйдірмалар ҳам айтилаётгани көртошларимизга аён бўлиши керак. Чунки уларни тарқатаётгандай сиёсий күчлар, давлатлар, аввало, ўз манфаатларини кўзлайди, ахборот майдонида ҳам шундан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиади.

Шу сабабли, бундай вазиятларда ҳамма вақт ҳам ахборот воситалари тарқатаётгандай хабарларга ишониб бўлмайди.

Хусусан, бу ҳақда Россия матбуотида пайдо бўлаётгандай хабарлар бир-бирига асло тұғри келмайди. Уларга бизнинг бу масалада мустақил сиёсат олиб бораётганимиз ёқмайди, албатта. Лекин бизнинг ўрнимизга бирор қарор қабул қилишига мутлақо йўл қўймаймиз.

Шу нарса аниқки, аввалимбор, Америкада амалға оширилган ёвуз ваҳшийлик, террорчилик хуружлари бутун дунё аҳлини бефарқ қолдирмади. Бу хунрезлик ўзини инсон деб биладиган, мана шу заминда, шу осмон остида яшайдиган, мана шу офтоб нуридан баҳра оладиган ҳар қандай одамни чексиз газабга солди. Чунки ҳаётда турли оғат ва фожиалар бўлиб туради, лекин бундай ваҳшийлик ақлга ҳам тасаввурга ҳам сиғмайди.

Хозиргача олинган маълумотларга кура, бу террорчилик ҳаракати натижасида б ярим мингдан зиёд одам қурбон бўлгани ҳам унинг нечоғли даҳшатли булганини курсатиб турибди.

Ҳаёт дегани шундайки, одам вақти соати етиб, бир куни бу дунёдан албатта кўз юмади. Лекин, Америкада бўлганидек, мудҳиш фожиа оқибатида минглаб одамларини бир зумда ҳаётдан маҳрум бўлиши ҳар қандай инсоннинг қалбини ларзага солади.

Ўзбекистон халқи ҳам, дунёдаги барча тинчликсевар халқлар қатори, бу воқеалар муносабати билан АҚШ ҳукуматига, бугун Америка халқига чукур ҳамдардлик билдириди ва билдиримоқда. Кўп синовларни, жумладан, террорчилик хуружини бошидан кечирган халқимизнинг бу бало-қазодан азият чеккан одамларнинг қайғуларига шерик бўлаётгани ҳам табиийдир.

Яна бир хулоса шундан иборатки, бундай ёвуз террорчилик ҳаракати кўп одамлар, халқлар ва давлатларнинг, жумладан, АҚШ каби дунё сиёсатида ҳал қиливчи роль ўйнайдиган, кучли салоҳиятга эга бўлган давлатларнинг ҳам кўзини очиб берди. Илгари бу давлатлар мана шундай мудҳиш воқеаларга нисбатан очиғини айтсак, кўпинча кузатувчилик позициясида турар эди.

Эндилиқда террорчилик инсоният бошига мислесиз кулфат келтирувчи ёвуз кучга айланиб кетганини, даҳшатли балою оғат эканини ўз ҳаётида кўриб, унинг тарьсирини сезиб, унга қарши биргаликда курашиш вақти соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаш етди.

Нега деганда, ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий нуқтаи на зардан жуда кучли, ўз чегараси ва ҳудудини қўриқлашга қодир бўлган, ўз халқининг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашда энг юқори технологияларга эга, бу борада миллиардлаб доллар сарфлаётган давлатлар ҳам террорчилик хавфидан четда қололмаслиги аён бўлди.

Бу воқеалар нафақат кичик давлатлар, балки энг замонавий қуролларга эга бўлган қудратли давлатлар ҳам бу хатарга қарши курашда етарли даражада тайёр эмаслигини кўрсатди.

Бу даҳшатли, лекин аччиқ ҳақиқат бугун барча қитъалар ва мамлакатларга, мана шу рўйи заминда яшайдиган миллионлаб одамларнинг онгу шуурига етиб борганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кимки терроҷилик хавфининг қандай улкан қўлам касб этганини тушунмаган бўлса, мана шу кейинги воқеалар мисолида яққој тушуниб олди.

Демокчиманки, Америкада рўй берган фожиа, бу даҳшат ҳамманинг уйи, оиласига кириши мумкинлиги, ундан холи бўлишга, четда туришга уринишлар беҳуда экан, деган хulosса чиқаришга асос беради.

Яна бир муҳим хulosса шундан иборатки, АҚШда содирик бўлган бу мудҳиш воқеа террорчиликнинг фақат нафойиши, унинг ёвуз бир кўриниши ва ифодаси, холос.

Бугун барча ақли расо одамларга, давлат ва сиёсат араббларига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, бутунлай ақлу ҳушини, инсонлик қиёфасини йўқотган бу разил террорчи кимсаларнинг ортида ҳар томонлама ўйлаб ташкил қилинган, катта молиявий маблағ ва бошқа имкониятларга эга бўлган, қули узун, ўзининг ёвуз ниятларидан қайтмайдиган турли ақидапараст марказлар турибди.

Булар ақли саёз, ирода, иймон-эътиқоди шаклланмаган, фур ёшларни террорчилар сафида бирлаштириб, бошқариб, уларни нафақат қурол-ярог, аввало, вайронкор мафкура билан таъминламоқда.

Улар ўзларининг инсониятга қарши қаратилган ниятларига етиш учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр. Бундай марказлар, уларнинг “доҳий” ва малайлари, шу жумладан, Европада ҳам, АҚШнинг ўзида ҳам ўз қиёфасини яшириб, пинҳона қупорувчилик фаолият олиб бораётгани, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслиги аён.

Энг муҳими, бу мудҳиш ниятли кучларнинг таъсири ва бевосита ёрдамисиз бундай катта кўламдаги террорчиклик ҳаракатларини ўюштириш мумкин эмаслигини бугун дунёдаги аксарият давлатлар, уларда яшайдиган миллионлаб одамлар англаб етмоқда.

Шу маънода, мен Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йили Истанбулда бўлиб ўтган анжумани минбаридан айтган сўзларимни яна бир бор эслашни ўринли деб биламан. Бу анжуманда мен жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора кучайиб, авжига чиқиб бораётган терроризм масадасига қаратган эдим.

Бу оғатнинг қандай кутилмаган оқибатларига олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапириб, эй одамзод, қўзинизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди, деб даъват этган этдим.

Асrimiz вабоси бўлмиш бу жирканч ишлатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, баъки илдизларига этиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни тагтимири билан сугуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз биртан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт, деган мазмунда айтган сўзларимни бугун яхши эслайман.

Ўша анжуманда мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида антитеррористик марказ ташкил қилиш, юқорида зикр этилган вазифаларни адо этиш учун бу марказни зарур маблағ билан таъминлаш, унга тегишли ваколат ва хукуқлар бериш масаласини ўргага қўйганимни ҳам бугун яна бир бор эслатмоқчиман.

Бундан ҳам илгари, яъни, 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблейсининг 48-сессиясида ҳам Ўзбекистон давлати номидан шу муаммони кўтарганимни жамоатчилигимиз яхши билади, деб ўйлайман.

Минг афсуски, бу даъватларни ўша найтда ҳеч ким эшитмади, огоҳ бўлмади.

Мана энди, бугун кўпграб давлатларнинг арбоблари бу масалада кўзи очилиб, унинг даҳшатли оқибатларига ақди этиб, бир-биридан ўзиб, бу борада турли таклифларни ўргага ташламоқда.

Ўйлайманки, кеч бўлса ҳам у масалани бугун охирига-ча етказиш, ҳар томонлама чуқур ва кенг кўламда ўйлаб, халқаро Антитеррористик марказни тузиш зарур.

Бу марказнинг вазифаси террористик кучларнинг манфур башарасини фош этиш, уларнинг молиявий ва мафкуравий илдизларини кесиб ташлашдан иборат бўлиши даркор.

Дунё ҳамжамияти агар инсониятнинг хавфсизлиги, келажаги ҳақида ўиласа, шунга икror бўлиши керакки, терроризм балоси туфайли дунёда вужудга келган ҳозирги мудҳиш ҳолатни шундайлигича қолдириб бўлмайди.

Бугун терроризм таъсирини ўз мамлакати мисолида куриб, ундан жабр чеккан америка халқи президент Жорж Буш жаноблари, АҚШ Конгресси, мамлакат Куролли Кучлари, маҳсус хизматлари Американинг бугун куч-

қудратини терроризм балосига қарши курашга сафарбар этиш юзасидан мұхим таклифлар билдиримоқда.

Дүнёнинг турли мамлакатларига уя қуриб олган халқ-аро террорчилек марказларига зарба беришга катта тай-ёрғарлик күрілмоқда. Ва терроризмға қарши курашда АҚШ узоқ-яқындағи барча давлатлар билан коалиция тузиш, бу балога қарши биргаликта курашиш фикрини илгари сурмоқда.

Жаңоб Буш яқында конгрессда сұзлаган кескин ва таъсирчан нутқида ана шу масалаларни үртага қўйди ва бутун давлатларнинг куч ва имкониятларини шу мақсад йулида бирлаштиришга даъват қўйди.

Айниқса, АҚШ Президентининг “Биз ислом динига қарши эмасмиз, ҳеч қачон қарши бўлган эмасмиз ва ҳамиша ислом динини ҳурмат қилиб яшамоқдамиз, миллион-миллион Америка фуқаролари ҳам ислом динига эркин эътиқод қилиб келмоқда, бунга ҳеч қандай тусиқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган сұzlари эътиборга сазовордир.

Бундан ташқари, Буш жаноблари АҚШ Афғонистон давлатига, Афғонистон халқига эмас, балки бу мамлакат худудида үрнашиб олган террорчи газандаларга, уларнинг марказ ва полигонларига қарши уруш эълон қилганини баён этди ва “Толибон” ҳаракати олдига қуидаги талабларни қўйди:

- Афғонистон худудида жойлашган “Ал-Қаида” террористик ташкилоти раҳбарларини ушлаб бериш;
- Афғонистон худудида мавжуд бўлган, террорчи гурӯҳлар тайёрлайдиган барча база ва полигонларни бутунлай йўқ қилиш;
- Афғонистонда шаҳар ва ҳимоя тоиган халқаро террорчиларни тегишли давлатларга топшириш ва бундай тұдаларни асло құллаб-қувватламаслик.

Кўриниб турибдики, бу ҳаққоний талабларнинг биронтасига эътиroz қилиб бўлмайди. Айтишим керакки, АҚШ Президенти томонидан қўйилган талаблар замидан терроризм балосидан зиён кўраётган, бегуноҳ қурбонлар бераётган, унинг мудҳиш таъсирини ўз мамлака-

ти ҳәётида сезиб яшәтган бир қанча давлатларнинг бу масаладаги қарашлари ҳам ўз ифодасини тонган.

Шундай давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам бор ва унинг жамоатчилиги терроризмга нисбатан қўйилган бу таълабларга қўшилади, деб ўйлайман. Бу таълаблар бугун биз терроризм туфайли бошимиздан кечираётган дарду ажамларни ифода этади ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳәёт кечиришдек мақсадларига, мислий манфаатларимизга тўлиқ жавоб беради.

Биз миңтақамизда терроризм ўчоқларининг тугатилишидан манфаатдор эканимизни ҳисобга олган ҳолда, АҚШ томонидан халқаро терроризмга қарши кураш борасида режалаштирилаётган ҳаракатларга кўмак беришимиз ва бутун маърифий дунё сафига қўшилишимизни табиий, деб биламан.

Шу ўринда, савол туғилиши мумкин. Ҳуш, бизнинг берадиган кўмак ва ёрдамимиз нимадан иборат бўлади? Албатта, бу оддий савол эмас, лекин бунга аниқ ва равшан жавоб беришимиз керак. Нега деганда, кўпини кўрган халқимиз бизни нима кутаётганини, нимага тайёр бўлиб туришимиз лозимлигини билдириши даркор.

Ўйлайманки, 1979 йили Совет Армияси Афғонистонга кириб, кескин уруш бошланиб кетган кунларни, яъни кечаги яқин тарихимизни халқимизнинг аксарият қисми билади ва унинг қандай оқибатларга олиб келганини ҳам, ана шу аффон можаросида эл-юртимиз қанча азоб ва уқубатлар чекканини, қанчалар қурбон берганини ҳеч қачон унутмайди.

Ва шу фикрни алоҳида ургу бериб айтмоқчиман — бундай қора кунларни бошимизга қайтаришни шу юртда яшәтган биронта инсон хоҳламайди.

Шу ҳаракатлар оқибатида Афғонистон 20 йилдан буен нотинч бўлиб, фуқаролар уруши гирдобига тушиб қолганини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунинг учун, бугун биз бу масалада ҳар қандай қарор қабул қилишища, энг аввало, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашни асосий шарт деб, қўйишимиз даркор.

Иккинчидан, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз даҳисизлигини сақлаш ва бу масала бўйича тегишди кафолатга эга бўлишимиз керак.

Учинчидан, бугун атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган экан, биз Қуролли Кучларимиз, армиямизнинг жанговар тайёргарларини янада кучайтиришимиз, чегара қўшинларимизнинг доимо огоҳ ва сергак бўлиб, рўй берниши мумкин бўлган турли хил ҳолатларга қарши тайёр туришини, бир сўз билан айтганда, сарҳадларимиз даҳисизлигини ҳар томонлама таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда қудратли давлатлар ва қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз, вазиятнинг ҳар қандай кескинлашувига тайёр бўлиб туришимиз лозим.

Кўмак ва ҳамкорлик тўғрисида гапирганда, агар, шундай эҳтиёж туғилса, биз ўз ҳаво ҳудудимиздан террорчиларга қарши курашда, хавфсизлик ва гуманитар мақсадларда фойдаланиш масаласини кўриб чиқишига тайёр эканимиз барчага аён бўлиши керак.

Муҳтарам депутатлар!

Энди бугунги сессия кун тартибидаги асосий масалага утадиган бўйсак, аввало, шуни айтиш керакки, бундан етти йил олдин биз Козим Тўлагановга катта ишонч билдириб, уни Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайлаган эдик.

Бу раҳбар ана шу ишончни оқлаш учун, Тошкент шаҳрини янада обод қилиш учун сидқидилдан меҳнат қилиди, ўзининг ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилиятини амалий иш билан кўрсатди. Тошкент шаҳри эришган катта ютуқларда унинг муносиб ҳиссаси бор, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Куни кечада Козим Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

Шу муносабат билан биз бугунги сессияда Тошкент шаҳрининг янги ҳокимини сайлашимиз керак.

Биз у ҳақда ўйлашиб, Тошкент шаҳар фаоллари, оқсоллари билан маслаҳатлашиб, Тошкент шаҳар ҳокими-

нинг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Рустам Шоабдураҳмонов номзодини Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилдик.

Азиз дўстлар!

Биз бугунги кун муаммоларини ҳал этиш билан бирга пойтахтимизнинг ривожланиш истиқболини ҳам ўйлаб яшшимиз ва ишлашимиз лозим. Чунки барчамизнинг гурур-ифтихоримиз бўлган пойтахтимизнинг яқин кела-жакка мўлжалланган тараққиёт режаси нафақат тошкентликлар учун, балки бутун ҳалқимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу кунларда мамлакатимизнинг 2002 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳаси тузиляпти. Жумладан, Тошкент шаҳрининг янги бюджети устида ҳам иш олиб борилмоқда. Биз стратегик тараққиёт режасидан келиб чиқсан ҳолда, пойтахтимизни энг замонавий шаҳарга айлантириш бўйигча ўз олдимизга катта мақсад ва вазифаларни қўйганимиз.

Бу вазифаларни ҳал этиш ҳар биримиздан чуқур билим ва тажриба, ташабbus ва изланишни, энг муҳими, жонкуярлик ва масъулиятни талаб қиласди.

Ишонч билан айта оламанки, бу масалаларни ечиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга бизнинг қурбимиз ва куч-қувватимиз етади.

Ишончим комилки, сизлар бугун сайланган янги ҳоким атрофида бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, Тошкент ҳалқининг олижаноб фазилатларини, унинг бунёдкорлик қурратини намоён этиб, бошлаган ишларимизни янада янги, юксак босқичларга кўтарасизлар.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож тилайман.

Ҳалқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгашининг
сессиясида
сўзланган нутқ, 2001 йил 26 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ

Шу йил 11 сентябрь куни Америка Құшма Штатларида содир этилган террорчилік ҳаракатлари оқибатида миңтақамизда кескин вазият вүжудга келди. Шу муносабат билан кейинги вақтда террорчи тұдалар уя қуриб олған Афғонистон ва унинг атрофида бұлаёттан воқеалар тұғрисида оммавий ахборот воситаларидан турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асослы маълумотлар билан бир қаторда жуда күп үйдірмалар, үйлаб чиқарылған сохта гаплар, бирёзілама қарашлар ҳам күзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини күзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қулоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Құшма Штатлари ва Farb давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлиб, Афғонистонга ҳужум қиласи, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Куни кеча бәззи хорижий ахборот воситаларидан Америка Құшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қилаған 10-үкүн дивизияси қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гүёки Ўзбекистоннинг аэроромлари деб күрсатишига уринишмоқда.

Айниқса, Америка Құшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг Ўзбекистонға келиши муноса-

бати билан хорижий матбуот воситаларида бир қанча тахминлар ва фаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилаётган аксарият хабарларда, кўпинча бўхтондан иборат бўлган ахборот ва тахминларда, Америка Кўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюришини худдики бизнинг орамизда пинҳона тузилаётган қандайdir шартномаларнинг далилни деб курсатишга уринмоқдалар.

Америка Кўшма Штатлари Президенти ва Буюк Британия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти билан телефон орқали бўлган мулоқотларини мана шу маъноМазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол туғилади: бундай информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатишдан кўзда тутилган мақсад нима?

Биринчидан, бу ҳолни бизни куролмайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўйи ортиб бораётганини кўриб кайфияти бузилгаётган кучларнинг фаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информацион хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган иғвогарлик ҳаракатларининг намойишини кўриш мумкин.

Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад — минтақамизда яшайтган турли миллат ва динга мансуб одамларни таҳликага солиш, уларнинг юрагида фулгула ва ваҳима түғдириш, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, одам ҳар куни мана шундай уйдирмаларни эшитаверса, беихтиёр хавотир ва ташвишга тушибиши, ўзига ўзи тинчлигимиз, болаларимизнинг эрганги тақдиди нима бўлади, деб савол бериши, безовта бўлиши — бу ҳам табиий бир ҳол.

Ачинарлиси шундаки, бизнинг матбуот ва телевидениемиз бу масала бўйича халқимизга ўз вақтида зарур ахборот ва тушунтириш беролмаяпти, оқибатда жамоатчиликимиз хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларнинг ҳақиқий ёки соҳтагини ажратишга қийнајмоқда.

Матбуотимиз бундай мураккаб ҳолатларда ҳали тажрибаси етишмаслигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, бу информацион хуруж ташкилотчилари хоҳлайдими, йўқми, аввало, ўзининг мафкуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб терроризмга, XXI аср вабоси бўлмиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кучларни, одамларни йўлдан оғдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа туфдиришга уринмоқда.

Тўртингидан, бугун яна шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кучларини сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзда ва баландпарвоз баёнотларда билдиримоқдалар. Амалда эса, афусски, бу ута муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаётмамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очиқ айтадиган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлатарబобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Яъни эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги хукуматда қандай кучлар ва қайси давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлади, деган саволлар, ташвишлар билан овора.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳшиёна, мудҳиш террорчилик хужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка хукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёning қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, курол-яроғ,

бузғунчи мағкура билан таъминаётган, құпорувчилік, босқынчилік ҳаракатларини амалға ошириш учун жойларға жұнатаётган ёвез ниятли марказларға қарши аёсиз кураш әйлон қылды.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши кепрек: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турған бу иллатта барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлади.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъи назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро ҳамжамиятнинг қатъиятлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти.

Кудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки “Талибон” ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади мудҳиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан үчириб ташлашдан иборат, деб такрор-такрор айтмоқда.

Куни кечА Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланған фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланған кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, барчани қизиқтираётган масала — бу воқеадарга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон ҳалқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва ҳалқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разык кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганимиз.

Ҳалқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулдан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз унутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар соҳир этган қотилиларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан утиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида ҳалқимзининг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламиزمи?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри ҳазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабиҳ кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фақаттина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, қатандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ният-

ларига етиш учун қурол ва куч тұплаб, ханжарини ишга солишиңға ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келтінимни, бу даҳшатли куч останамиз олдида турганини бүтүн ҳам такрор-такрор айтишни үз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимида мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллігини, халқимиз-нинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни күраётганимизни ҳам айтиб үтмоқчиман.

Биз бу йыл ёз ойларыда Сариосиёда қуроли күчларимизнинг ҳарбий машқыарини үткәздик. Чунки бугун сар-ҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланыб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз күчлар борлигидан хабардормиз.

Бугун “Толибон” биқинидан паноқ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Кобулда, Қандаҳор ёки Шибирғонда бұладими, ҳарбий лагерларда одамкушлиқни касб қылтыб, Ҳайратон күппригининг нариги томонида бизга үзининг жирканч башарасини құрсатыб, тиши қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашағый террорчи Жума Наманганий “Толибон” армиясынинг құмандонларидан бири бұлыб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бора-ётган күчлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам күп нарсани англатмайдым?

Шулардан холоса қылтыб айтсақ, Ўзбекистонни үз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишиша ҳаётини издан чиқаришни үзининг асосий мақсади қылтыб олган бу мудзиш күчларнинг хатти-харакатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қылтыб күрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз күчлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида күндаланғ бўлиши ва ҳар бир одам унга үз ақлини ишлатиб, вижданан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қылайлик: әртага юртимизга қарши босқынчиллик хуружи бошланса, биз бу бало-қазони бартараЊ этиш учун кимдан, қаердан күмак ва ҳимоя топишмиз мүмкін?

Хеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, ҳалқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суюнишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида ҳалқимизнинг очиқ чехрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамаса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайдими?

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу оғатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мүмкін?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдиц останамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Ҳалқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт куришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволиар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам ҳалқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда событлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёsat билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз — терроризм оғатидан энг катта зарар күраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилған дунё ҳамжамияти, құдратлы давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқаро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлгиз бўлиб қолмаймизми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, ҳалқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам беряпти? Ёрдам у ёқда турсин, узини “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб атайдиган босқинчи туда билан сиёсий “ўйин” қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайдо бўлганини ҳам кўриб турибмиз.

Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулокотлар буляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб боряпмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципиал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари

Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган муроқотда, мудофаа вазири жаноб Рамсфельд билан бўлган бугунги сұхбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қўйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво худудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудица жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари кўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига берадиганимиз йўқ. У ерда ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт — юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқаро ҳукуқ мезонларига мос келади.

2001 йил 5 октябрь

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Маълумки, шу кунларда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидаги ҳалқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиши мақсадида бошланган амалий ҳаракатлар бутун жаҳон ахлиниг диққат марказида турибди. Бу курашда дунёдаги кўплаб давлатлар, тараққийтарвар кучлар АҚШ билан бирдамлигини баён этиб, уни қўллаб-кувватлашмоқда.

Бу масала бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг позицияси Президент Ислом Каримовинг шу йил 5 октябрь куни эълон қилинган Баёнотида батафсил ифода этилган эди.

Ушбу Баёнотда билдирилган фикр ва даъватлар жамоатчилигимизнинг турли тоифа ва қатламларида, бутун ҳалқимизда катта қизиқиши уйғотди. Бу ҳуқожат юртдошларимиз орасида қизғин мұхокама қилинмоқда, кўпчилик унга ўз мұносабатини билдиримоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мұхбери давлатимиз раҳбари билан суҳбатлашиб, мана шу мұхокамалар доирасида баъзи масалалар бўйича фикр билдиришини сўради.

Куида ана шу суҳбатнинг қисқача баёни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Биз юртимизда тинчлик-осойишталик бўлсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деган гагларни дуои фотиҳа каби кўп такрорлаймиз, деди жумладан Президент. Тўғри, тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин, “тинчлик бўлсин”, деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тиљга олар эканмиз, кўпинча унинг маъномазмуни нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Маъно-мазмуни англанмаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Айниқса, ҳалқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар осто намиз олдида турган ҳозирги пайтда фақатгина шундай тилаклар билан чекланиш кифоя эмас. Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат булиши керак. Ахир, тинчлик-осойишталиктни қуруқ ваъзхонлик билан сақлааб бўладими?

Бир ўйлаб қурайлик, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнашиб ётган бутунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталиктни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўладими?

Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталикт ҳар бир инсонга даҳлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Шунинг учун ҳам бугун ҳар биримиз “Тинчлик-осойишталиктни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиляпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?” деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Масалан, “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шиорни олайлик, деди Президент, бугунги кунда мана шу долзарб вазифага барчамиз етарли аҳамият беряпмизми?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда бу борада ҳали-ҳануз бегамлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, бир ҳақиқат барчамиз учун аён булиши керак: *хушёрлик, огоҳ булиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат булиши лозим.*

Энг аввало, террорчилик хавфининг жирканч башарасига тик қараб, уни фош этишимиз, бу бало-қазони ўзноми билан атاشимиз даркор.

Айрим маҳаллаларда турли уйдирма гаплар, варақалар тарқатаётган, ўғрилик, бузғунчилик қылаётган баразли кимсаларнинг, дин номидан қабиҳ ният билан даъват юргизаётган байзи бир бемаза одамларнинг кирдиқорларига бепарво бўлиб чидаб юришнинг ўзи бундай қора ниятли кимсаларга кўмак беришдир, деб билишимиз керак.

Афсуски, баъзи одамлар мана шундай бемаъни ишларни кўриб кўрмасликка олади, бунинг менга бевосита дахли йўқ, деб ўйлади. Ваҳоланки, бу каби бегамлик қандай аянчли оқибатларга, оғир фожиаларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу аччиқ ҳақиқатнинг исботини ўз ҳаётимизда ҳам, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

Шу ўринда бир савол туғилади: биз тинчлик ўз-ўзидан бўлаверади, деган содда, очиғини айтганда, соҳта ва зарарли тасаввурдан қаҷон қутуламиз?

Яна бир тоифа кишилар борки, уларнинг фикрича, гўёки биз Ватанимизни, ҳалқимизни ҳимоя қилиш йўлида қатъият кўрсатсан, разил террорчиларга қарши дунё ҳамжамияти билан биргаликда очиқ курашадиган бўлсан, улар бизга қарши жиҳод эълон қиласар эмиш.

Кўрқитиш, дўқ-пўписа қилиш, ҳар хил фитналар уюштириш — террорчиларнинг қуроли эканини яхши биламиз. Лекин одамнинг қаҳру ғазабини кўзғайдиган жойи шундаки, дор остидан қочган, қўли қон бу жиноятчи кимсаларнинг муқаддас динимиз номидан гапиришга нима ҳаққи бор?

Диншунос олимлар, уламоларимиз нега бу масала бўйича ўз фикрини билдирамайди, бу даъватларга ҳам илмий, ҳам диний нуқтаи назардан зарба бермайди?

Жангари тўдаларнинг бундай дағағасини, ҳалқимиз таъбири билан айтганда, кўрқсан олдин мушт кўтарар, деб аташ кераклигини одамларга тушунириш зарур эмасми?

Ахир, бир ўйлаб кўрайлик, биз киммиз, кимларнинг авлодимиз? — деди Президент. — Эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришиб, зулм-зўравонликдан, қарамликдан эндиғина халос бўлган ҳалқимиз мана шу

манфур күчлар олдица тиз чўқадими? Уларнинг ўз бузгунчи ғоялари билан фарзандларимизни ёмон йўлларга бошлашига, ўз ота-онаси, ҳалқи, Ватанига душман қилиб қўйишига томошабин бўлиб қараб турамизми? Йўқ, асло!

Биз буюк ва қаҳрамон аждодларимизнинг ворислари сифатида ҳалқимизнинг, миллатимизнинг шаънини пок асрар яшамасак, бу уларнинг ўлмас руҳи олдида хиёнат бўлмайдими? Акс ҳолда, бизга ишониб, умид кўзини тикиб турган болаларимиз, невараларимиз олдица ким деган одам бўламиз? Истиқлол йўлида, озодлик йўлида чеккан шунча заҳмат ва машаққатларимиз зое кетмайдими?

Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур бўлиб яшашга ўрганган ҳалқмиз, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидай асрар, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадрқимматимизни, муnis оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли ҳалқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Энг муҳими, қалбимизда фуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган күчларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Бизни қўрқитмоқчи бўлаётган ғаламислар шуни билib қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз.

Биз бу гаиларни кимларнидир қўрқитиш учун айтиётганимиз йўқ. Бирон-бир давлатнинг ички ишига, эркинлигига дахл қилиш ниятимиз ҳам йўқ.

Бундай ёндашув Афғонистонга ҳам тегишли. Куни кеча эълон қилинган Баёнотда айтилганидек, биз ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётганимиз йўқ. Фақат гуманитар ёрдам қўрсатиш ишларини олиб бориш учун кўмак берамиз.

Бизнинг мақсадимиз — дунёning барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг баҳт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаяпмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон ҳудудига уя қуриб олган экстремистик марказлар террорчиликка қарши қаратилган ҳаракатларни гўёки бутун ислом дунёсига қарши қилинаётган ҳужум деб кўрсатишга уринаётганига эътиборни қаратди.

Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор, бинобарин, уларнинг ислом оламига, мусулмон дунёсига ҳеч қандай алоқаси йўқ, дея давом этди Юртбошимиз. Ҳаммамиз яхши биламизки, Қуръони қаримда бироннинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, деййилган. Ўзини мусулмон деб даъво қиласидиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, қотиллик, бутун-бутун халқтарнинг ҳаётини барбод этишдан иборат бўлган бу манфур тўдаларга ислом дунёси номидан гапиришга ким ҳукуқ берди?

Ишончим комилки, иймони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соғ ниятли қўчлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай учириб ташлаш ишига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшади, деди Ислом Каримов нировардида.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини вижданан адо этиши, шу билан бирга, гаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мishларга берилемасдан, содир бўлаётган воқеаларга очик кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши уйун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрикни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ, ЭЗГУ ИНТИЛИШ – ОЛҚИШ ВА ШАРАФГА МУНОСИБ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, Истикъоматимизнинг 10 йиллиги арафасида турли жабх-алардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гурӯҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

2001 йил 5 декабрь куни — Конституциямизнинг байрам қилинishi арафасида Оқсаной қароргоҳида мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган бир гурӯҳ ҳамюртларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди.

— Мен бугун шу муҳташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, — деди давлатимиз раҳбари маросимни очар экан, — сизларнинг тимсолингизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқтарда яшайдиган юзлаб юртдошларимизни ҳам, бағримга босиб, уларга ҳам табрик ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиласман. Чунки давлат раҳбари, Президент зимасида жуда кўп мураккаб ва масъулиятли вазифалар борлигини яхши биласиз. Лекин сизларнинг бугунги шодлигингизга шерик бўлиб, юксак унвон ва нишонларни топширишни зиммамдаги кўп-кўп ишлар орасида ўзим учун энг шарафли вазифа, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу маросим билан боғлиқ яна бир фикрни айтишга ижозат берсангиз. Биз босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлиミзга назар ташлайдиган бўлсак, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, гўзал юртимиз қиёфасида, замонавий корхоналаримиз, бепоён далаляримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасидаги улкан ўзгаришларни яққол қуришимиз мумкин.

Айни вақтда, биз эришган натижалар билан бирга, ҳали ечишмаган муаммоларни ҳам таҳлил қилиб, янги марраларни белгилаб, ўз олдимизга янада салмоқли вазифалар қўямиз, албатта.

Очиқ айтиш керакки, бу натижалар кимларнинг меҳнати билан қўлга киритилмоқда, бу ютуқларга кимларнинг фидойилтиги ва қаҳрамонлиги эвазига эришилмоқда, деган саволни ўзимизга камдан-кам берамиз.

Бугун шу саволга жавоб берадиган бўлсак, мамлакатимизда рўй берәётган барча ўзгаришлар замирида давлатимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлган сиз каби минг-минглаб одамларнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилишлари мужассам эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ислом Каримов Ўзбекистон босиб ўтган 10 йиллик мустақил тараққиёт йули буюк келажагимиз, порлоқ истиқболимиз, фаровон ҳаётимизга мустаҳкам пойdevор қўйганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўз олдига қўйган катта мақсад ва мэрралар сари борар экан, бунинг учун мамлакатда, аввало, тинчлик-осойишталикни сақлаш, шу билан бирга, одамларнинг меҳнати қилиши учун шароит тутдирив бериш, ана шу меҳнатни қадрлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини англаб олишимиз зарур, — деб таъкидлади Президент. — Агар жамият ҳаётида инсонга мана шундай муносабат қарор топса, унинг ҳалол меҳнати ўз вактида муносиб тақдирланса, бундай одам ҳар қандай

КИЙИНЧИЛИКНИ ЕНГИБ ЎТИШ, ЎЗ ЮРТИНИ ОБОД ҚИЛИШДА
ХЕЧ ҚАЧОН ҮЗИНИ АЯМАЙДИ.

Ушбу унутли мас дақиқаларда биз, аввало, мамлакати-
мизнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган энг олий унво-
нига сазовор бўлган моҳир шифокор Раҳмон Муҳамма-
диев, ўз меҳнати билан обру топган газчи Қобул Мўми-
нов, “Меҳрибонлик уйи”нинг жонкуяр мураббияси Вера
Борисовна Пак, қирқ йилдан буён жамоа хўжалигини
бошқариб келаётган машҳур раис Тожибой Ризаев, сахо-
ватли инсон, фермер Алланияз Утениязовнинг номлари-
ни катта ҳурмат билан тилга оламиз. Улар қаторида “Буюк
хизматлари учун”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Шон-шараф”,
“Софлом авлод учун”, “Меҳнат шуҳрати” ва Ватанимиз-
нинг бошқа юксак мукофотлари билан тақдирланган барча
муҳтарам юртдошларимизни ҳам чин дилдан табриклай-
миз, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мустақилик йилларида халқимизнинг азалий қадри-
ятларини тиклаш, эски тузум даврида яшаб-ижод этган,
юрт озодигини орзу қилиб оламдан ўтиб кетган, қалбан
истиқтол умиди билан яшаган юртдошларимиз қадрини
ўз ўрнига қўйиш борасида улкан ишлар амалга оширил-
моқда. Бу ишларнинг бошида эса шахсан давлатимиз раҳ-
барининг ўзи турибди. Истиқлоннинг ўн йиллиги муно-
сабати билан шундай ҳамюргларимиздан яна бир гуру-
хига “Буюк хизматлари учун” ордени берилганди.

Ислом Каримов таъкидладики, кейинги йилларда биз,
кеч бўлса-да, эски тузум даврида бетакрор истеъоди ва
ўлмас мероси билан мизлий маданиятимиз ривожига бе-
қиёс ҳисса қушган, бутун ҳаётини халқимиз маънавияти-
нинг юксалишига бағишилаган, бугун ҳаётдан ўтган, эл-
юртимизнинг олқиши ва ҳурматига сазовор бўлган, унинг
хотирасида абадий сақланган ватандошларимизнинг хиз-
матларини муносиб қадрлаб келмоқдамиз. Ана шу анъа-
нага содик қолиб, бу йил ҳам бир гуруҳ марҳум санъат ва
адабиёт намояндаларини “Буюк хизматлари учун” ордени
билан тақдирлаганимиз яна бир савобли, эзгу иш бўлди,
десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикримга қўшиласиз.

Шахсан мен Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурхонов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Маннон Уйғур, Мария Кузнецова, Аббос Бакиров, Уста Ширин Муродов, Наби Фаниев, Муроджон Аҳмедов сингари мумтоз санъаткорларимизнинг мана шундай шарафга мұяссар бўлганидан, бу ишда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Мукофотланганлар орасида илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритаётган навқирон авлод вакиллари ҳам бор. Улар ҳам Ўзбекистон номини дунёга танитиш, санъат ва илм-фанимизни ривожлантиришига ўз ҳиссаларини қўшиб келинти.

Ислом Каримов давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган мана шу инсонларга қарата, сизларнинг жаҳон майдонларида нафақат ўз номингизни, ўз жамоангиз шуҳратини, айни пайтда гўзал ва бетакрор юртимизни бутун дунёга тараннум этаётганингизни биз Ватан олдидаги, халқимиз олдидаги энг катта хизматингиз, деб баҳолаймиз, деди. Давлатимиз раҳбари уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига ҳам ўзининг самимий миннатдорлигини билдириди.

Президент Ислом Каримов ҳаётимизни янада фаровон этиш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз даҳисизлигини таъминлаш, милллатларо дўстликни мустаҳкамлаш ишига, маданиятимиз ва санъатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча азиз инсонларни Ватанимизнинг қутлуғ мукофотлари билан яна бир бор муборакбод этиб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига ривож, хонадонларига файзу барака тилади. Барчани Конституциямизнинг тўққиз йиллик байрами билан самимий табриклади.

БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУФ МАҚСАД ЙҮҚ

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар!
Азиз ватандошлар!

Олий Мажлисимиизнинг сессияси кун тартибига қўйилган масала—халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз ҳақидаги масала — ҳозирги вақтда, ҳеч шубҳасиз, дунё миқёсидаги энг муҳим ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда жаҳоннинг турли ҳудудларида рўй берадиган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда. Яъни бегуноҳ одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва тураржойларни портлатиш, босқинчилик, қўпорувчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали миллионлаб инсонларнинг тинч ҳәётини издан чиқариш, қўрқитиш ва зўравонлик билан ўзининг қабиҳ ниятларига эришишга қаратилган тажовузкор ҳаракатлар авжига чиқиб, шафқатсиз тус олмоқда.

Айниқса, шу йил 11 сентябрда Америка Кўшма Штатларида содир этилган, бир неча дақиқада минглаб одамларнинг ҳәётига зомин бўлган ваҳшийлик ер юзидағи барча миллат ва халқларнинг кўзини бу аччиқ ҳақиқатга очиб берди.

Халқаро терроризмнинг ана шундай ўтакетган ёвуз кирдикорлари дунёдаги барча соғлом фикрли кишиларнинг қаҳру ғазабини уйғотди, унга нисбатан бефарқ бўлиш мутглақо мумкин эмаслигини кўрсатди.

Шу ўринда мен терроризм ҳақида, бу балою оғатнинг илдизлари, бугунги мудҳиш қиёфаси ҳақида гапирганда,

ўзига эътиборни тортадиган баъзи бир омиллар ва сабаблар хусусида алоҳида тұхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Биринчидан, бундай зұравонлик намойишлари илгари үзаро боғылғы бұлмаган ҳолда дунёнинг турли мінтақаларида үзининг манфур башарасини күрсатыб келган бұлса-да, әндилікда ана шу қабиқ ҳаракатларнинг бирбири билан тобора чамбарчас boglaniб кетаётганини аңглаш қийин эмас.

Бошқача айтганда, гарчи террорчилик ҳаракатларининг бири, айтайлық, Филиппинда, бири Болқонда, бири Чеченистанда, яна бири Яқин Шарқ ёки бошқа мінтақа ва давлатларда амалға ошириләётган бұлса-да, бугунғи кунда уларнинг барчаси бир занжирга boglanguған, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бұлған, маълум марказлардан бошқарылған экстремистик күчлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин күриниб турибди.

Бундай марказларнинг террорчи тұдаларни уюштирадиган, уларни маблағ билан таъминлайдиган, қуороллантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган, нафақат айрим мінтақа ва қытъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятта қарши ёвуз режалар тұзаётгандын мудхіш кучга айланиб кетаётганини инкор этиб бұлмайди.

Иккинчидан, халқаро терроризмнинг шу даражага етиши, унинг бутун башарият, жаҳон цивилизациясы га қарши оғатта айланиб қолганининг яна бир сабаби, күнгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий күчларнинг бosh kūtariб келаётгандын мана шундай хавфли оғатта охирги шайтгача эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормаганида деб биламан.

Очиқ айтиш керакки, шулар қаторида айрим сиёсатдонлар, давлат арбоблари ва раҳбарлари балки бу хавфхатарнинг жирканч башарасини сезган бұлса-да, унинг эртанги зарар-зулмини аңлаган бұлса-да, бу аланға бу-

гун бизлардан узок масофада кимнингдир уйини куйдирипти, мени эса четлаб ўтади, деган хомхаёлда юргани сир эмас, бу ҳам, афсуски, аччиқ ҳақиқат.

Бундай номаъқул калтабинлик, бундай ўйинларнинг яна бир кўриниши — мана шу террорчи жоҳиллар ва уларнинг орқасида турган кучлар билан тил топишишга уриниш, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган сиёсатни олиб бориш ҳолатлари ҳам бугун виждонли одамларни ҳайратда қолдиради.

Таассуфки, бизнинг баъзи қўшниларимиз ва ошноларимиз ҳам бундан истисно эмас.

Бугун вазият ўзгариб бораётганини сезиб, бундай арбоблар ўзларининг терроризмга қарши доимо ашаддий курашчи бўлганини ҳар қадамда кўрсатишга ҳаракат қилишлари ҳам ақли расо кузатувчиларнинг назаридан четда қолмаяпти, деб ўйлайман.

Учинчидан, тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм оғатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қололмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда.

Тўртингидан, бу даҳшатга қарши халқаро ҳамжамият, биринчи гаlda, қудратли маърифий давлатларнинг кучларини бирластириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига, бу балодан, нафақат унинг кўринишларини, балки бу балонинг орқасида турувчи марказларни ҳам таг-томири билан, яна бир бор айтаман, фақат таг-томири билан кўпориб, супуриб ташлаш билангина қутулиш мумкинлигига жаҳон жамоатчилиги қайта-қайта икror бўлмоқда.

Мана шундай қарорига келган давлатлар, ниҳоят, бугун терроризмга қарши кураш йўлида коалиция тузиб, баҳамжихат бўлиб, ўзининг барча куч ва имкониятларини бирластирмоқда.

Энг муҳими, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, жаҳоннинг барча халқлари ва элатла-

ри бугун терроризмга нисбатан ўз муносабати, ўз нафратини билдиримоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро терроризмга қарши бошланган кураш — бу оғат үзининг жирканч башарасини қаерда, дунёнинг қайси чеккасида намойиш қиласин — бу ёвуз ҳаракатларнинг барчасига қарши кураш олиб бориш ҳақидаги қатъий қарор бутун жаҳон миқёсида эълон қилинмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун терроризмга қарши эълон қилинган урушни асло мусулмон динига, алоҳида халқ, биронта миллат ёки давлатга қарши эмас, балки, аввало, халқаро терроризм ва унинг “доҳий”ларига қарши, уюшган тұдалар ва экстремистик марказларга, уларнинг уяларига, база ва полигонларига қарши эълон қилинган узоқ ва давомли кураш, деб тушуниб, бу ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, йигирма йилдан ортиқ давом этаёттан уруш Афғонистонни терроризм маконига, бирорни назар-писанд қылмайдиган, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаёттан мудхиш кучлар уясига айлантириди.

Оқибатда бу ҳудуд дунёнинг турли бурчакларида, шу жумладан, үзимизда ҳам, оғир жиноятларни содир этиб, қули қонга ботған, на отасини, на онасини тан оладиган жиноятчи ва жоҳиқ кимсалар паноқ топадиган макон бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам баъзи бир одамлар соддалик қилиб, баъзилар эса гаразгүйлик билан айтиётган, яъни Америка Кўшма Штатлари бугун Афғонистонга қарши, у ерда яшаётган мусулмонларга қарши уруш қилмоқда, деган гаилтарда ҳеч қандай асос йўқлигини қатъият билан таъкидлаш керак.

Аслида, бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Лекин шундай одамлар ҳам топилишини назарда тутиб, биз бу ҳақиқатни яна бир бор такрорлашга мажбурмиз.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслигимиз зарурки, терроризмга қарши кураш — бу бир кунлик ёки бир ойлик

иши эмас. Чунки башарият тақдирига дахлдор бўлган ушбу масалани охирига етказмасдан туриб, бу даҳшатли офатни бутунлай йўқ қилмасдан туриб, бу курашни тўхтатиб бўлмайди.

Муҳтарам депутатлар!

Энди ижозатингиз билан халқаро терроризмга қарши кураш масаласига давлатимизнинг муносабати ҳақида қисқача тўхтатиб ўтмоқчиман.

Сизларга яхши маълумки, бу масала бўйича бизнинг аниқ қарашимиз ва позициямиз шу йил 5 октябрда эълон қилинган Баёнотда, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган сұхбатда ўз ифодасини топган.

Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз бундан етар-лича хабардор.

Бунга қўшимча қилиб фақат шуни айтиш мумкинки, агар 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган фожиали воқеалар жаҳон харитасидаги кўпчилик давлатлар учун кутилмаган, даҳшатли ҳодиса бўлган бўлса, биз бу бало-қазо билан анча илгаридан буён тўқнашиб келамиз.

Ўзбекистон террорчиликнинг жирканч қиёфасини ўз остонаси, ўз ҳудудида аввалироқ кўриб, бутун дунё аҳлини огоҳлантиргани, бу офатнинг олдини олиш энг дол зарб муаммога айланиб кетаётганига даъват этиб, кўпкўп мурожаатлар қилганини жамоатчилигимиз яхши билади.

Агар терроризм бугун бизнинг юртимизга таҳдид солиб турган бўлса, эртага у вабо каби бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиб кетиши, бошқаларнинг ҳам уйини ёндириши, агарки, худо кўрсатмасин, уларнинг қўли кимё ва бактериологик ёки ядро қуролига етиб борса, жаҳон микёсида ўлчаб бўлмайдиган талофатлар етказиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта бонг урганимизни бугун эслатиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Биз, қаерда бўлмасин — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташки-

лоти бұладими, бошқа халқаро аңжуман ва учрашувлар, сиёсий чиқишилар бұладими — ҳамма жойда, эй одамзот, бу балои азимга бепарво бўлиш мумкин эмас, унинг мислати, дини, чеки-чегараси йўқ, деб бу масалага халқаро жамоатчилик эътиборини қаратишга доимо ҳаракат қилиб келдик.

Лекин, минг афсуски, жаҳон ҳамжамияти, күнлаб ривожланган давлатлар ҳам бу хавфга ўз вақтида етарли баҳо бера олмади.

11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган даҳшатли фожиалардан кейингина бу балони туғдираётган, унинг ҳақиқий раҳнамоси бўлмиш, халқаро майдонда жойлашиб олган экстремистик марказларни таг-томири билан яксон қилиб ташлашдан бошқа илож йўқлигини англаб етган халқаро жамоатчилик, энг муҳими, дунёдаги энг қудратли давлат — Америка Кўшма Штатлари шу курашга азму қарор қилганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, ҳозирги кунда кўпгина давлатларнинг раҳбарлари бу масала буйича Ўзбекистон билдирган ташабус ва даъватларни эслаб, уларнинг ўз вақтида айтилган ўринли огоҳлантириш бўлганини эътироф этмоқда.

Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёрамиздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини дунёнинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари кеч бўлса ҳам тан олмоқда ва давлатимизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай конъюнктура ва иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдиromoқда.

Бундай муносабат ва тан олишнинг тасдифини охирги икки-уч ой мобайнида мамлакатимиз раҳбарияти ва вакијлари бўйлан — Ўзбекистонда бўладими, Европа, Япония ёки Америка Кўшма Штатлари ёхуд бошқа мамлакатда бўладими — ўтказилаётган турли учрашув ҳамда музокаралар мисолида кўришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ўз мустақил позицияси, бу борадаги ирода ва қатъиятига дунё жамоатчилиги муносаб баҳо бераётгани, бундай ҳаққоний муносабат ҳалқаро майдонда мамлакатимизга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг янада ошишига сабаб бўлаёттанини ҳеч ким инкор этолмайди.

Азиз юртдошлар!

Энди Афғонистон ва унинг атрофида икки ойдан бўён давом этажтан аксилтеррорчилик ҳаракатлари натижасида вужудга келган ахвол ҳақида қисқача ахборот бериб ўтмоқчиман.

Бугунги вазият жамоатчилигимиз, ҳалқимизга телевидение, матбуот орқали берилаётган хабарлардан маълум бўлса-да, мен, фурсатдан фойдаланиб, бу масалага Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматининг муносабати ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олмоқчиман.

Афғонистоннинг яқин тарихида содир бўлған фожиали воқеаларни эсласак, барчамизга аёнки, "Толибон" ҳаракатининг ғолибона юриши 1996 йилда Кобулни ишғол қилиндан бошланган эди. Ўша пайтда толиблар мамлакатнинг қарийб 95 фоиз ҳудудини тез фурсат ичидаги эгаллаб олгани маълум.

Лекин бу билан Афғонистондаги вазият ижобий томонга ўзгармади, уруш, турли сиёсий кучлар ва этник қатламлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар тўхтамади, жафокаш афғон ҳалқининг чексиз азоб-уқубатлари, қурбонлар бериши давом этаверди.

Агар бугун Афғонистонда аксилтеррорчилик операциясининг боришини, "Толибон" ҳаракатига қарши курашни қузатиб, хulosалар чиқарадиган бўлсак, шу йил 9-10 ноябрда Шимолий иттилоқ кучлари томонидан Афғонистоннинг шимолий маркази бўлмиш Мозори Шариф ишғол қилинганини, кейинги қисқа вақт ичидаги эса мамлакат ҳудудининг аксарият қисми толиблардан озод этилганини кўрамиз.

Қисқа қилиб айтганда, бугунги кунда Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар тугалланиш арафасида экани

ва улар мамлакат жанубида, Кандаҳор атрофида давом этиётгани кузатилмоқда.

Афғонистон харитасидаги аҳволнинг бундай кескин ўзгаришини таҳлил қўлмоқчи бўлсак, бунинг асосий сабабларини бир қанча омилларда кўришимиз мумкин.

Шу кунларда Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, ҳалқимизнинг “Ёв қочса, ботир кўпаяр”, деган бир мақоли ёдга тушади. Ва мазмунан шунга яқин бўлган “Фалабанинг отаси кўп бўлади”, деган нақдни ҳам эслаб ўтсак, менимча, ўринли бўлади. Яъни, кейинги пайтда Афғонистон худудида бўлаётган ўзгариш ва жараёнларни ўзича таҳтил қўлувчи ва улардан турли туман хулоса чиқарувчилар сони кўпайиб бораётганини табиий бир ҳол сифатида қабул қилишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Лекин, бу воқеалар ва ўзгаришлар қайси томонига бурилишидан қатъи назар, биз ўзимизнинг холисона қарашларимизда қатъий туришимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Шуни инобатга олиб, Афғонистонда сўнгти вақтларда руй берган воқеаларни баҳолар эканмиз, аввало, бу мамлакат ҳудудини “Толибон” кучларидан озод этишда нималар, қандай омиллар муҳим ўрин тутди, деган саволга жавоб топишимиш, бунда қуйидаги сабабларга алоҳида эътибор қаратишимиш керак, деб ўйлайман.

Биринчидан. Аксилтерористик коалиция тарафидан ўтказилган күсли таъсир натижасида Покистон томонининг “Толибон” ҳаракатига ҳарбий ёрдам беришдан воз кечгани ва шу тариқа мамлакат ҳудудидан Афғонистонга ўтиб, жангларда қатнашмоқчи бўлган жангариларга йўл берилмагани, бу оқимнинг тұхтатиб қолиниши “Толибон” ҳаракатининг қисқа вақтда мағлубиятга юз тутганига сабаб бўлди, дейишга кўпгина асослар бор.

Иккинчидан. Юқорида зикр этилган таъсир туфайли Форс кўрфази атрофида жойлашган мамлакатларнинг “Толибон” ҳаракати билан бўлган алоқалардан воз кечгани ва очиқ айтишимиз керакки, “Толибон” ҳаракатига

Сүнгги дамларгача экстремистик марказлар томонидан күрсатилаётган катта миқдордаги молиявий ёрдамнинг чекланиши ҳам бу жараёнда муҳим аҳамият касб этди.

Учинчидан. Америка Қўшма Штатлари ва унинг итифоқчилари томонидан, аввало, ҳарбий ҳаво кучлари томонидан “Толибон” жангариларига қарши кескин зарбалар берилиши, бунинг натижасида толибларнинг аэрордром ва ҳарбий самолётлари, оғир ҳарбий техникаси, асосий базалари, қурол-яроғ, ёқилғи омборларининг ишдан чиқарилиши, шу тариқа улар ўзининг асосий ҳарбий қудратидан маҳрум булиши ҳам катта роль ўйнади.

Тұртингчидан. Афғонистонданғи Шимолий иттифоққа берілған ёрдам ҳисобидан улар ўз ҳарбий куч-қудратини қайта тиклаб олгани ва жанговар ҳаракатларни шиддат билан олиб боргани ҳам бу борада ҳал қылувчи омил бұлды.

Агарки, мазкур жараёнлар ва эришилған ютуқларга бундан ҳам чуқурроқ қарайдиган бұлсақ, Афғонистон харитасида содир бұлған ўзгаришларнинг Эңг муҳим сабабини, ўйлайманки, ағфон халқининг “Толибон” ҳаракати зулми ва зуравонлигидан чарчаганида, бу ўзгаришларни ижобий кутиб олганида күришимиз табиинидир.

Шу нарса аниққи, ағфон халқи бундай ўзгаришларни хайрихоҳлик билан кутиб олмаса ва, керак бұлса, бу жараённинг асосий иштирокчисига айланмаса, бугун биз кури турған натижаларга эришиш жуда қийин бұлар эди.

Вужудға келған ҳозирги вазиятнинг яна бир жиiddий сабаби борки, буни ҳам дикқат-эътиборимиздан четда қолдирмаслигимиз керак. У ҳам бұлса, халқаро жамоат-чиликнинг терроризмга қарши эълон қилинган курашда күрсатаётган эътибори ва қатыяти, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бұлади.

Агар барча кузатувчилар мана шу мезон ва омыллар Афғонистонда рўй берган бугунги ўзгаришларга асосий сабаб булиб, ҳал қылувчи таъсир ўтказганига холисона қараб баҳо берса, юқорида айтилған хулосаларни эътироғ этиши муқаррар.

Шу борада жицдий бир масалага эътиборингизни тортмоқчиман. Яъни, Афғонистонда Шимолий иттифоқ олиб бораётган кураш ва жанговар ҳаракатларни мамлакат ҳудудини толиблардан озод қилишдаги яккаю ягона куч, деб таърифлаш ва шу аснода тегишли хулосалар чиқариш, ўртага маълум бир талаблар кўйиш — бу ҳам бирёқлама қураш бўлтур эди. Холисона қарайдиган бўлсақ, толибларнинг зулм ва ҳукмронлигидан афғон ерининг озод қилиниши — бу Афғонистон ҳудудида мавжуд барча, тақрор айтаман, барча кучларнинг ҳамда Афғонистон чегарасидан ташқарида бўлган қурдатли кучларнинг ҳаракати ва ёрдами натижасидир, деб қабул қиласак, хато бўлмас эди.

Ана шу хулосалар билан боғлиқ яна бир масала борки, уни ҳам эътиборимиздан соқит қилиб бўлмайди. Яъни, Афғонистон пойтахти Кобулга Шимолий иттифоқ ҳарбий кучларининг кириб бориши билан ҳуддикি Афғонистонда жанговар ҳаракатлар ниҳоясига етказилди, мана энди қонуний афғон ҳукумати Кобулда ўз фаолиятини бошлади, шу билан афғон фожиасига якун ясашга замин туғилди, деб фараз қилиш, ўйлайманки, бу ҳам ўта хомхаёл бўлур эди.

Ва бундай қуашлар афғон ҳудудида мавжуд бугунги вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлишини, бунинг оқибатида бир-бирига қарама-қарши турган ҳудудий, этник ва диний кучларнинг эртага яна ҳарбий ҳаракатларни авж олдиришини кутиш мумкин. Чунки Афғонистон кўимиллатли, турли элатли давлат эканини унутмаслигимиз керак.

Бу ўлканинг кўн асрлик тарихини инобатга оладиган бўлсақ, вазият шу тупроқда яшаётган турли ҳудуд, миллат, элат ва диний эътиқодга мансуб барча аҳоли қатламларининг манфаатини тўлиқ ҳисобга олмаслик қанча-қанча хунрезлик ва салбий оқибатларга олиб келганини ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини тајлаб қилади.

Агарки, Афғонистон можаросига даҳлдор бўлган барча давлатлар ва уларнинг раҳбарлари бу заминда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топишини

Ҳақиқатда ҳам истаса, шунинг тарафдори бўлса, улар, аввало, Афғонистон ҳаётига тааллукли мана шундай мезон ва омилларни ҳисобга олиши ва ҳар қандай бирёқла-ма, саёз қарашлардан воз кешиши даркор.

Сўнгги йигирма йилдан ортиқ давр мобайнода Афғонистон худудида давом этиб келаётган қонли воқеалар-нинг илдизига этиб бормоқчи бўлсак, ҳеч кимга сир эмас-ки, бу фожиа Афғонистон давлати тарихига, афғон ҳалқи-нинг менталитетига, яъни турмуш ва тафаккур тарзига, унга хос бўлган хусусиятлар ва аломатларга менсимай қараш туфайли юз берганини кўрамиз.

Бутун бошли бир мамлакатни, ҳалқни қонга ботирган хунрезлик, аввало, бу нозик масалага мана шундай саёз қарашлар ва яна бир бор айтаман, афғон тарихидан чи-қадиган хуносаларни менсимаслик ва писанд қиласлик оқибатида вужудга келган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Келинг, ўзимизнинг яқин тарихимиздан бошимиздан кечирган баъзи воқеаларни бир эслайлик.

Етмишинчи йилларнинг охирида собиқ СССРнинг кексайиб, мункиллаб қолган раҳбарлари узоқни курол-масликлари, калтабинлиги натижасида ўта хатарли, ҳеч кечириб бўлмайшиган қарор қабул қилиб, 280 миљионли ҳалқнинг боши берк кучага кириб қолишига сабаб бўлди.

Улар, мавжуд вазиятни сохталаштириб, уни ўзларича талқин қилиб, Афғонистонда ҳам совет социалистик ти-зимини ўрнатамиз, деб аҳмоқона ҳаракатларни бошлади.

Шу мақсадда Афғонистонда ҳокимият тепасига ўзлари кутариб қўйган Нурмуҳаммад Таракий ёки уни ўлдириб жойини эгаллаган Ҳафизулла Амин бўладими, Аминни йўқ қилиб, ўрнига келтирилган қўғирчоқ раҳбар Бабрак Кар-мал ёки генерал Нажибулла бўладими, хулас, уларнинг барчаси билан қалтис ва ношок ўйинларни бошладилар.

Ўша даврда Политбюрода ўтирган қари “доҳий”лар ўз ниятларига эришиш йўлида Афғонистон таҳтига ўтказил-ган мана шундай шахслар ва уларнинг атрофида тўплан-ган кучларга, турли ўйинчиларга ёрдам бериш, уларнинг

хукмронлигини мустаҳкамлаш ва чўзишга ҳар томонлама ҳаракат қилди, қанча-қанча куч ишлатди.

Бу эса жафокаш ағфон халқини чексиз ҳалокатларга дучор этди, беҳисоб қурбонлар беришига олиб келди, собиқ итифоқ таркибидағи республикалар ва халқларнинг азоб-уқубатларига, айрилиқларига, ёш йигитларнинг ҳалок бўлишига, мамлакатнинг оғир талофатлар кўришига, керак бўлса, СССРнинг ўзи охир-оқибатда инқирозга учрашига сабаб бўлганини эслашимиз ўринли, деб биламан.

Мухтарам дўстлар, халқимизда доно бир мақол бор, яъни “Қўр ҳассасини бир марта йўқотади”. Шундай экан, айтинглар, шу каби хато ва даҳшатли фожиаларга яна йўл қўйишига бизнинг ҳаққимиз борми?

Йўқ ва асло йўқ.

Барчамизга аён бўлиши керакки, бугун Афғонистон майдонида бир-бирига қарши турган кучлар — улар худудий, этник ва диний гуруҳ ёки қатламлар бўладими — бир-биридан ўч олишига, ҳар хил шартлар ёки ўзини устун кўйиш йили билан эмас, аксинча, бир-бирининг ўзаро таълаб ҳамда манфаатларини тан олиб, тил топишишига интилиши ва аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги ва воситачилиги асосида қандайдир келишувга эришиш йили билан бу заминда тинчлик ўрнатиш мумкин.

Акс ҳолда, бугун Афғонистон муаммосини ечишда қизиқиши билдираётган, очикроқ айтадиган бўлсак, бундан манфаатдор бўлган ҳар қайси кучни давлат бу мамлакат ҳудудидаги ўзи ҳомийлик қилаётган кучларни қўллаб-кувватлайверса, уларни курол-яроғ билан таъминлашни тўхтатмаса, моддий-молиявий қўмак бераверса, уларни бир-бирига қарши гиж-гижлашдек хунук ҳаракатлар давом этаверса, кенг қамровли коалиция асосида ҳукумат тузишиши у ёқда турсин, бу жафокаш заминда тутаб ётган уруш гулханини ӯчириб бўлмайди.

Бинобарин, бизнинг чегарамиздаги уруш ҳам тугамайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз ва ундан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 15 ноябрда қабул қиласан резолюциясида Афғонистоннинг янги, вақтингалик маъмурияти ва бўлажак ҳукумати кенг коалицион асосда тузилиши, яъни унинг таркибида афғон диёрида истиқомат қулаётган барча худудий, этник ва диний гурӯҳларнинг вакильлари бўлиши, бу ҳукумат қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда тинчлик ва яхши қўшничийлик таомойилларига амал қилиши ва халқаро нормаларга итоат қилиб яшаши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Лўнда қилиб айтганда, нафақат Афғонистон атрофида жойлашган қўшни давлатлар учун, ўйлайманки, онгли ҳаёт кечираётган барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган янги Афғонистон керак.

Шунингдек, бу ҳужжатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгashi барча аъзо давлатларни бугун азоб чекаётган афғон халқига, уй-жойидан ажралган қочоқларга қўрсатилаётган гуманитар ёрдамни кучайтиришга даъват этди.

Ўзбекистон афғон заминидаги қонли тўқнашувларнинг тезроқ барҳам топишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини яна бир марта мана шу минбардан туриб таъкидламоқчиман.

Дарҳақиқат, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, йигирма йиلىк уруш туфайли вайрон бўлган иқтисодиётни оёққа турғизиш, ер билан теп-текис бўлиб ётган шаҳар ва қишлоқларни, бино ва турар жойларни тиклаш мақсадида маблағ йиғиш, керак бўлса, халқаро жамгарма тузиш, энг муҳими, бу мамлакатда яшаётган барча одамларда ўз юртининг келажагига ишонч уйғотиш, аҳолига, афғон халқига бу бошбошдоқлик, зулм ва қатагонлар тутгайди, деган кафолатни бериш ҳозирги кунда энг муҳим вазифага айланмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига асосланниб, куни кеча Германиянинг Бонн шаҳрида бўлиб ўтган,

Афғонистонда бугун намоён бўлган маълум сиёсий ва ҳарбий, ҳудудий, диний кучларнинг (“Толибон” бундан истисно, албаттга) кенгашида эришилган келишув ва қарорларни жафокаш афғон заминида барқарорлик ўрнатиш йўлидаги биринчи қадам, деб қабул қилсан, хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Барчангизга маълумки, Ўзбекистон бу хайрли ишга, яъни Афғонистон минтақасида тинчлик ва осойишталик ўрнатишида, аввало, гуманитар ёрдамларини беришда ўзининг муносаб ҳиссасини қўшяпти — Термиз орқали қиши арафасида оғир аҳволга тушиб қолган афғон ҳалқига мунтазам равишда кўплаб инсонпарварлик ёрдами етказиб берилмоқда.

Шуни айтишим лозимки, бу борада биз фақат юкларни ўтказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, бундай савоб иш учун ўз имкониятларимизни ҳам ҳеч қачон аямаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазалардан хulosса қиласиган бўлсан, ҳозирги вақтда Афғонистон ҳудудида бир қараашда ҳарбий ҳаракатлар якунланаётгандек туюлса-да, аҳвол ҳали-ҳануз кескин эканини, аниқроқ айтганда, мураккаб вазият сақланиб қолаётганини англашимиз мумкин. Ва бугунги кўнгина минтақалардаги мавжуд вазият, қолаверса, бутун курраи заминдаги аҳвол кескин ва хотинч бўлиб турганини ҳеч қачон эътиборимиздан соқит қилмаслигимиз даркор.

Шунинг учун нафақат яқин-атрофимизда, балки узоқ-яқин ҳудудларда содир бўлаётган воқеаларни ҳам синчилаб ўрганиб, улардан тўғри хulosса чиқариш, улар кимнинг манфаатига жавоб беришини, бу ҳаракатлар замирида бир қараашда кўзга ташланмайдиган қандай пинҳона мақсадлар ётганини чуқур таҳлил қилишимиз зарур.

Чунки бу воқеалар Ўзбекистонимизга, унинг келажигига, юртимиз хавфсизлигига, бир сўз билан айтганда, бизнинг миллий манбаатларимизга қандай таъсир қилишини англаб, сезгир бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу маънода, бугунги вазият билан боғлиқ, нафақат Афғонистон, умуман, терроризмга қарши кураш атрофига намоён бўлаётган айрим воқеа ва қарашлар, лўнда қилиб айтганда, баъзи бир ўйинлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Бугун дунёдаги барча соғлом фикрли одамлар 11 сен-тябрдан кейин халқаро терроризм балосига қарши коалицияга бирлашган қудратли давлатлар ва кучларнинг қатъияти ҳамда улар бу қатъиятни ушбу курашнинг охирига қадар сақлай олиши нечогли муҳим эканини тобора чукур англамоқда.

Ҳозирги вазиятда бу коалиция ўзининг ана шу позициясида қанчалик изчил туриши, унинг қатъиятига қандайдир тортишув ва манфаатлар, сиёсий ўйинлар аралашиб қолмаслиги ўта муҳим ва нозик масала бўлиб қолмоқда.

Биз нима учун бунга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлаймиз? Бу борада Ўзбекистоннинг манфаати нималардан иборат?

Мухтасар қилиб айтганда, биз Афғонистонда янги хукумат тузиш атрофида бошланган тортишув ва сиёсий можаролар авжига чиқиб, терроризмга қарши кураш масаласи эса четда қолиб кетишини, оқибатда Ўзбекистон яна ўз чегарасида бу мудҳиш хавф билан юзма-юз бўлиб қолишини сира ҳам истамас эдик.

Шу нуқтаи назардан қараганда, атрофимиизда бўлаётган воқеаларга доимо сезгир бўлиб туришимиз зарур.

Бу борада сиз, халқ ноибларининг эътиборини яна бир масалага тортмоқчиман.

Гап шундаки, бугун баъзи сиёсий кучлар, давлат, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларини, аввалимбор, узоқ-яқинимиздаги айрим давлатларни, Ўзбекистон ажратиб берган аэродромда Америка Кўшма Штатлари ҳарбийларининг жойлашгани ва шу аэродромнинг кейинги тақдирни кўпроқ безовта қилмоқда.

Улар, Америка ҳарбийлари бу ерда доимий қоладими ёки вақтингачаликми, умуман, бу ҳарбий кучларнинг эртанги режалари нимадан иборат, деган мазмундаги ўз

қарашларини баён этмоқда, бу борада кўплаб миш-миш ва уйдирмаларни тарқатмоқда.

Мен ана шундай ташвишда юрганларнинг мушкулини осон қилиш учун бу масала хусусида аниқ фикримни билдиримоқчиман.

Биринчидан, Америка Қўшма Штатлари бу аэродромни қандай мақсадлар учун ишлатиши ва қандай чегаралардан чиқмаслиги ҳақидаги барча саволларга Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасида тузилган ҳуқуқий ҳужжатда жавоб борлигини айтиб ўтмоқчиман. Бинобарин, бу борада бошқа тахмин ва гумонларга асос йўқ.

Иккинчидан, табиийки, ўзини мустақил ва суверен, деб ҳисобладиган ҳар қайси давлат ва унинг ўз халқи олдида жавоб берадиган раҳбари давлат, жамият ва халқ манфаатларини кўзлаб қарор қабул қилишга ҳақиидир.

Яна бир бор қайтариб айтишга мажбурман — бу масала бўйича қабул қилинган қарор замирида фақатгина Ўзбекистон манфаати, унинг эртанги тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигини сақлаш манфаати турибди.

Шу ўринда олдин ҳам матбуот саҳифаларида билдириган бир фикримга яна қайтмоқчиман.

Давлатимизнинг сиёсати ва ҳаракатларига алоҳида кўз билан қарайдиган баъзи бир газеталар Ўзбекистонни кечга оға бўлган давлатлардан узоқлашиш мақсадида океан ва денгиз сувларида ўз ҳолича сузиб юрган муз тоғига ҳам ўхшатган эди.

Бу борада шуни қатъий айтишим керакки, агар қиёслаш керак бўлса, Ўзбекистонни қандайдир муз тоғига эмас, балки йўли, борар манзили аниқ, рули ва елканлари мустаҳкам бўлган, салобатли ва бақувват кемага ўхшатиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлар эди.

Бу кеманинг қайси жойда қандай сузишни белгилайдиган командаси — ҳукумати ва фидойилари бор, аниқ ва шухта режаси бор, бу режаларни амалга оширадиган етакчиси бор.

Ҳар қандай кўзи очиқ, беғараз одам буни кўрмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон ўз манфаатларига мос йўлдан бормоқда. Биз учун халқимиз, давлатимиз, тинч-тотув ҳаётимиз, келажак автодларимиз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад йўқ.

Шунинг учун бу масала атрофида кўн ганиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу хусусда ҳар хил бўхтон ва уйдирмаларни тўкиб чиқараётганлар овора бўлади. Агарда бирор кишида бу борада яна савол найдо бўлса, уларга менинг мана шу сўзларим жавоб бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

Биз ўз танлаган йўлимиздан событқадамлик билан борар эканмиз, нафақат бугунги, аввало, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимизнинг қандай ҳаёт кечиришини, уларнинг ёруғ келажагини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб, режаларимизни шу асосда тузишимиз зарур.

Бунда бизнинг дунё ҳамжамияти, жаҳондаги етакчи давлатлар билан барча соҳалардаги ҳамкорлигимиз муҳим роль ўйнаши табиий, албаттга.

Хусусан, ҳеч кимга сир бўлмаслиги лозимки, мамлакатимизнинг дунёдаги энг қудратли давлат бўлмиш Америка Қўшма Штатлари билан узоқ ва давомли, ўзаро манфаатли алоқалар ва муносабатлар тузишига нима ва ким қарши чиқиши мумкин?

Аввало, биз учун муҳим муаммо бўлмиш хавфсизлик масаласида кафолатлар олиш, эртанги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишимизда, шу мақсадларга эришиш учун демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини қуришда, бозор ислоҳотларини охиригача етказишда кўмак ва ҳамкор топиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини мамлакатимиздаги бирон-бир сиёсий куч ёки аҳолимизнинг қатламлари ва уларнинг вакилларига исбот қилиб бериш зарурати борми?

Бу борада қўяётган қадамларимиз ва бугун матбуотда эълон қилинган Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан, аввало, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мамлакатимизда демократик ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ислоҳотларнинг самарасини

ошириш мақсадида ҳамкорликни кенгайтириш ва кучайтириш ҳақидаги имзоланган ҳужжатлар бу масалани шутариқа ортиқча изоҳлаб ўтиришга зарурат қолдирмайды, деб ўйлайман.

Мұхтарам халқ ноиблари!

Барчамизни ташвишга солаёттан, сиёсатдан, ҳар хил сиёсий үйинлардан узоқ бўлган, оқни оқ, қорани қора, деб биладиган кўплаб содда одамларни чалғитишга қаратилган яна бир масала борки, биз унга ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак.

Яъни ўлим талвасасига тушиб қолган террорчиларнинг одамларни алдаш, уларнинг онгини бузгунчи фоялар билан заҳарлаш, керак бўлса, оқни қора деб кўрсатишга уринишларини, уларнинг бу йўлда ҳар қандай қабоҳат ва разилликдан ҳам тап тортмаслигини биз доимо ёдда тутишимиз зарур.

Бунинг хавфли томони шундан иборатки, инсон қиёфасини йўқотган, қўли қон террорчилар ва уларнинг “доҳий”лари мўмин-мусулмонларнинг соддалигидан, диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, ўз жинояткорона қўймишларини ислом дини номидан хаспушлашга интилмоқда.

Бундай кучларнинг маккор тарғиботчилари нафақат Афғонистон, балки бошқа кўплаб давлатларда ҳам жойлашиб олиб, бугунги кунда терроризм марказларига берилаётган зарбаларни барча мусулмонларга қарши, ислом динини бутунлай йўқ қилишга қаратишларни уруш, деб жар солмоқда.

Шунинг учун, такрор айтаман, бугун атрофимиизда рўй берадиган воқеалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни инобатга оладиган бўлсак, кенг жамоатчилигимизнинг асосий бурчи халқимизни, одамларнинг онгу тафаккурини, биринчи галда ана шундай ёлгон ташвиқот, ғаразли ўйдирма ва миш-мишлар таъсиридан асраш бўлмоғи лозим.

Мен хаёлан яна ва яна ўта муҳим бир масалага қайтаман. Ва шу масалани бугун ойдинлаштириш зарур, деб ўйлайман.

Агар мендан бугунги ғоят мураккаб, таҳликали бир вазиятда ўзимизни, юртимизни ҳимоялаш учун, одамларимизнинг, миллатимиз ва халқимизнинг онгини, тафаккурини ёвуз таъсир ва ҷалғитишлардан асраш учун нима қилиш керак, бу борадаги энг муҳим вазифа нимадан иборат, деб сўраса, мен, энг аввало, дину диёнатимизни, унинг соғлигини асрashимиз зарур, деб айтган бўлардим.

Кимга қандай туюлмасин, бугун динимизнинг асл моҳиятини асраш, унинг маъно-мазмунни нақадар пок ва эзгу эканини, дин биз учун асрлар давомида ўзлигимизни, миллатимиз, наслимизнинг энг яхши қадриятларини сақлаб қолиша буюк ҳаётбахш куч бўлиб келаётганини такрор ва такрор таъкидлашимиз, бу ҳақиқатни одамларнинг онгига сингидиришимиз даркор.

Айнан шунинг учун ҳам, бугун биз яна дину диёнатимиз ҳимояси йўлида қатъий туришимиз: “Эй ватандoshлар, биродарлар, динимизни, иймонимизни асройлик”, деб, баланд овоз билан айтишимиз керак.

Агар биз бугун дину диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилимасак — шундай хатарни яқин тарихимизда ва бугуннинг ўзида ҳам бошимиздан кечирмоқдамиш — одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали етарли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Бизнинг ислюм динига бўлган ихлюсимиз, эътиқод ва садоқатимизни бутун жаҳон аҳли кўриб-билиб турибди. Мен сўнгги йилларда юртимизда диний қадриятларни тиклаш, улуғ уламоларимизнинг муборак қадамжоларини обод қилиш, динимизни ҳар томонлама чукур ўрганиш йўлида амалга ошираётган катта-катта ишларимизни эслаб ўтиromoқчи эмасман.

Лекин кейинги ўн йил мобайнода муқаддас Қуръони Каримнинг она тилимиз — ўзбек тилида минг-минг нусхада икки марта нашр этилганининг ўзи ана шу эътиқод ва садоқатимизнинг яна бир исботи эмасми?

Бизнинг мана шу муборак заминимиздан номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Маргиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуг алломалар етишиб чиққани билан барчамиз фахрланамиз.

Айни пайтда, динни ниқоб қилиб олган жиноятчи тұдалар, қаллоб ва ғаласавод кимсалар дунёга ана шундай мұтабар зотларни берган юртимизга, әңг օғир замонларда ҳам Аллохны ҳамиша қалбіда, юрагида сақылаб келген халқимиз шаънига турли бұхтонлар ёғдиришдан тоймайди. Терроризмға қарши бошланған курашни бутун ислом динига қарши үруш, деб күрсатишиға уринаёттан бу манфур кимсалар мусулмонларни ҳимоя қилиш керак, деган қабиҳ иғволарни тарқатишдан ҳам қайтмайди.

Шу муносабат билан мен айтмоқчиман: ҳа, бугун динимизни асраш керак, мүмин-мусулмонларни ҳимоя қилиш керак.

Лекин динимизни биринчи галда, үзини “чин мусулмон” деб даъво қилаёттан ана шу ёвуз күчлардан, ҳар қадамда жиҳод деб оғиз күпиртириб, дин номидан бузгүнчилик қилаёттан қонхұр ва қотиллардан асраш керак.

Мусулмонларни үз орамизда юриб, адоварат ва низо уругини сочаёттан фирибгар одамлардан ҳимоя қилиш керак.

Күп асрлық тарих шундан далолат берадыки, динимизни ана шундай заарлы таъсирлар, құпорувчи күчлардан ҳимоя қилиш зарурати ҳамма замонларда ҳам дол зарб мұаммо бұлған.

Биргина үтган йили муборак таваллуд санасини нишонлаганимиз буюк мугафаккыр бобомиз Имом Мотуридийнинг дини ислом мөһиятини бузид талқын қиладиган турли оқымлар ва уларнинг намояндаларига қарши қандай матонат ва маърифат билан курашганини эслайлик.

Хидоят йұлни асраш ва авайлаш кераклигига даъват этган бобомиз Имом Маргиноний насиҳатларини эслайлик.

Хүш, айтинглар, азиз дұстлар, биродарлар, юртимизда яшаб үтган, динимиз ривожига унтуылмас ҳисса құшган ана шундай улуғ аждодларимизнинг бебақ мероси, үлмас асарларида бирон-бир ғаразли фикр борми?

Дин номидан фитна құзғашга, одамларнинг уй-жойини бузиш, мол-мұлқини талашга, уларни қувғин қилишга, үлдиришга даъват борми?

Ислом тафаккури, ислом фалсафаси, ислом маданияти марказлари деганда барча мусулмонларнинг күз олдиға, әңг аввало Маккаю Мадина, Бағдод ва Дамашқ, Қохира ва Машҳад, Самарқанду Бухоро каби құпгина табаррук масканлар келиши табиий.

Лекин бугун үзи уя қуриб олган тогу тошларни ислом маркази деб даъво қилаётгап террорчи газандаларнинг сурбетлиги шу даражага етмоқдаки, уларнинг бошлиғи үзини, нима эмиш, “амирүл-мұмінін”, яъни ер юзидағи барча мусулмонларнинг амири, подшоси деб эълон қилибди.

Үз-үзидан савол туғилади: дүнёдаги бир ярим миilliарддан ортиқ мусулмон номидан гапиришга ким уларга ваколат ва ҳуқуқ берібди?

Ахир, үзингиз бир ўйлаб күринг, Қуръони карим нозыл бұлған муқаддас замин — Саудия Арабистони подшоси ҳам хокисорлик билан үзини икки муқаддас масжиднинг ходими, хизматчиси деб атайди-ю, зоти зурриёди, насл-насабининг тайини йүқ аллақандай кимсалар бутун мусулмон умматига раҳнамолик даъво қиласы?

Келинг, азиз дұстлар, бир зумга мен үзимни Президент әмас, сизлар ҳам депутат әмасмиз, деб тасаввур қилиб құрайлык.

Ҳаммамиз ҳам, алқамдулилоқ, мусулмонмиз. Мана шундай қабиқ күнлар муқаддас түйгуларимизни оёқости этса, күнпа-кундузи дину диёнатимизга тұхмат қылса, бунга беларво қараб, бефарқ бўлиб үтиришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксіда озгина виждони, иймони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда үз-үзидан ёниб кетмайдими?

Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир пайтда ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажратиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бу борада жамиятимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биз муҳтарам руҳонийларимиз, имом-хатиблар халқимиз ўртасида динимизнинг асл мөҳиятини очиб бериш учун олиб бораётган ишларни яхши биламиз. Лекин улар дину диёнатимизни асраш учун фақат жума намозларида гина эмас, ҳар куни, доимий равишда даъват этсалар, ўйлайманки, бу Яратганимизга ҳам, унинг бандаларига ҳам мақбул бир иш бўлур эди.

Нега деганда, ислом дини номидан қўнорувчилик, бузғунчилик қилаётган кимсаларни жиљовлаб қўйиш ҳар бир иймонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Азиз ватандошлар!

Бугун Олий Мажлис номидан бутун халқимизга қарата қабул қилинаётган Мурожаатноманинг асосий маъноси ҳам шуки, у бизни, эй одамзот, кўзингни оч, ўзингни ўзинг ҳимоя қилмасанг, четдан келиб сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди, дея огоҳ этади.

Шунинг учун эртанги ҳаётингни ўз қўлинг билан барпо этишинг керак, эккан ниҳолларинг мевасини, қурган ўйларингнинг роҳатини, фарзандларинг камолини кўрай десанг, ёвузлика қарши курашмогинг лозим, деган ҳақиқатни барчамизга яна бир бор эслатади.

Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмогимиз зарур.

Мен мана шу залда ўтирган халқ ноибларига, барчабарча инсонларга, улар орқали бутун халқимизга эсономонлик, куч-кувват ва омадлар тилайман.

Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг VII сессиясидаги маъруза,
2001 йил 6 декабрь

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, бугунги қутлуг айём — Конституциямизнинг 9 йиллиги билан сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу ерда айтилган фикрларга кўшилиб, ижозатингиз билан, мен ҳам бу санага тегишли баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдиримоқчиман.

Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз қураётган янти — эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилгани ҳақида, у ўзининг демократик моҳияти билан бутун дунёда эътироф этилгани тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, фақат Асосий Қонунимизни таърифлаш билангина узоқча боролмаймиз.

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз — Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимиизда тўсиқ ва ғов бўлмоқда?

Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси —

аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида сабиқ иттифоқ мафкураси ҳукмонлигида тарбиялангани, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгидаги қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қўймаслик, уларни бажармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, етмиш тўрт йил мобайнида ҳукмонлик — зўравонлилк қўлган сабиқ иттифоқ даврида қонун ва унинг моҳияти, жамиятдаги аҳамияти ҳақида камданкам сўз юритилар эди.

Бунинг сабаби эса, эски тузум шароитида қонун ва қонунчилик ўрнини ҳам кўпроқ коммунистик фоя ва партия қарорлари эгаллаганида эди. Ва, керак бўлса, бу соҳта мафкуранинг — давлат ҳаёти бўладими, жамият ёки инсоннинг шахсий ҳаёти бўладими, қолаверса, оиласининг ички ишлари бўладими — барчасига аралашиб кетгани, аралашиш у ёқда турсин, ҳатто ҳукмонлик қўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, ҳозирги ёш авлоднинг бу гаплардан хабари йўқ, эҳтимол, бунга ишонмайди ҳам. Лекин ёши каттароқ, ўзининг ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўрган кишилар буни яхши билади.

Табиийки, бундай шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар онгидаги ана шу асоратлар ҳозиргача барҳам топган эмас. Яъни, қонун асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилиган фоя асосида яшашнинг таъсири, афсуски, ҳалихануз сезилиб қолмоқда.

Ўйлайманки, мана шундай асоратлардан тезроқ ҳалос бўлиш учун барчамиз — ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ва ҳар қайси фуқаронинг ўзи қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Биз жамиятимиз аъзоларининг, аҳолимизнинг ҳукукий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашимиз, юксалтиришимиз керак. Бу ҳақда кўп гапирамиз, тарғибот ва ташвиқот қўйламиш, аммо, афсуски, ҳали бу ишларимиз керакли натижаларни бераётгани йўқ.

Агар эътибор берсак, Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини күпгина демократик давлатлар мисолида күришимиз мумкин.

Айниқса, Америка Құшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония сингари илғор мамлакаттарда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам үрин олган, айтиш мүмкінки, уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Күпгина бундай давлатларда болаларни ёшлик пайтидан парламенттә экспурсияга олиб бориш одати бор. Мен бунга күп жойларда шахсан гувоҳ бўлганман. Ҳатто Япония ёки Малайзия каби мамлакатларда эндигина мактабга қатнайдиган болалар парламент биносига ҳурмат билан таъзим қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу таъзим — парламентнинг ҳашаматли биносига эмас, аввало, шу бинода қонунлар устида ишлайдиган депутатлар фаолиятига, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган олий вакилик идорасига бўлган эҳтиром рамзиdir.

Керак бўлса, бу таъзимни мана шу бинода яратиладиган қонунларга ҳурмат, уларга итоат этиб яшаш ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Бундай ёндашувнинг чуқур маъноси, катта ижтимоий аҳамияти бор. Нега деганда, ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан — давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор.

Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади.

Жамиятимизда Конституция ва қонунларга мана шундай муносабат — ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси — суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими — мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгилаб олади.

Содда қилиб айтганда, бу тўғрида кўп гапирадиган, ташвиқот қиласидиган, унга бевосита жавобгар бўлган одамларнинг ўзи бу масалага бошқача кўз билан қараса, аввало, ўз манфаатини устун қўйиб, ундан кейингина қонун ижроси ҳақида ўйладиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?

Мана шу муаммонинг ечимида жуда кўп гап бор. Чунки халқимизнинг “Олдин ўзингга боқ, кейин нофора қок” деган мақоли бежиз айтилмаган. Бошқалардан қонун ижросини талаб қилиб, ўзлари эса унга зид иш тутадиган айрим вазифада ўтирган раҳбарлар, ҳуқук-тартибот соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатини ана шу мақол мисолида яққол ифодалаш мумкин.

Афсуски, мана шу масаланинг ечимида бизнинг катта заифлигимиз ва оқсоқлигимиз борлиги сезилиб қолмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англаб олишимиз даркор.

Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўкув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими, минг бор тарғиб қилмайлик, аввало, қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёштаримизга ибрат бўлмаса, қилаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Такрорлаб айтаман, бу ишни энг юқори давлат лавозимларида ўтирган одамлардан бошласак, айни муддао бўлади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади.

Бундай даъватлар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун биз бугун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур?

Биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятини ўстириш — бу, албатта, керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшли, қарими — аҳолининг барча қатламлари ўтасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждан, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушенчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларни эса жавобгарликка тортиш — бу ҳам, албатта, муҳим масала.

Учинчидан, бу соҳада олдимиизда турган вазифаларни бажариш учун назорат тизимини мустаҳкам асосда ташкил этишимиз ва уни такомиллаштириб боришими катта аҳамиятга эга.

Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Нега деганда, бу масаланинг ечимида ҳам гап кўп. Фақат назоратни кучайтираман деб, чегарани йўқотиб қўймаслик, ҳар қандай масалада бўлгани каби, назорат қилишнинг ҳам ўз меъёри борлигини унутмаслик даркор. Яъни, назорат идораларининг сони кўпайиб, бутун ҳётимиз фақат назорат қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим.

Шу ўринда совет давридаги назорат тизимини эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ўзингиз биласиз, аввалги тузум замонида қанча-қанча шундай ташкилотлар бор эди. Райижроқўм, оближроқўм, ҳукумат назорати ўз йўлига, бундан ташқари, партия ташкилотларининг назорати — райкомдан тортиб марказий комитетгача бўлган идоралар асосан ўз бурчини, аввало, назорат ўтказишда кўрарди.

Прокуратура, ОБХСС, милиция, хавфсизлик органдари, бунинг устига, “Халқ контроли”, “Партия контроли” деган идоралар уларнинг устида тургани маълум. Энди бундай ақлга сигмайдиган тизимлар тарихда қолди.

Лекин, афсуски, давлат ҳисобидан ойлик олиб ишлайдиган, лекин фаолияти самарасиз бўлган эски назорат тизимиға хос айрим иллатлар бугун ҳам ҳаётимизда учраб турибди.

Шунинг учун бу масалага танқидий кўз билан қарамасак, буларнинг сони чегарасиз равишда ўсиб бораверса, эргага ҳаммамиз назоратчиларга айланиб кетмаймизми? Бундай ҳолатда, эскича айтганда, кетмон уриб, бизларни боқадиганлар қоладими ўзи, йўқми?

Назорат қилиш дарвозасини жуда кенг очиб берсанг, бунга хоҳиш билдирадиганларнинг сони кўпайиб бора-веради: бунинг сабаби барчамизга маълум.

Хаётимизда шу маънодаги жуда кўп ривоят ва мисоллар борки, улар ҳақида ганириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бундай аҳволдан чиқишининг йўли борми?

Албатта, жамиятимиз тобора ривожланиб, одамларнинг онги, маънавий савиғаси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши билан уларнинг ўз бурчини қонунга биноан бажариши ва, умуман, жамиятимизда қонун ҳукмронлик қилиши учун кўпроқ асос ва замин пайдо бўлади ва ҳаётимизда назорат қилиш зарурати тобора камайиб боради.

Лекин, шу кунлар қачон келар экан, жамиятимиз савиғаси қачон юксалар экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Бугунги кунда бундай муаммоларнинг ечимини, аввало, ҳаётимизда жамоатчилик назоратини кучайтиришда кўришимиз даркор.

Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли — келажак тараққиётимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада бизда кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш гояси, бу гоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.

Хозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги янги қирраларини очиб бериш барча олим ва амалиётчи-ларимиз олдида турган долзарб вазифадир, деб билтаман.

Бугун биз учун бир ҳақиқат аниң ва равшан бўлиши лозим.

Яъни, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кутаришгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкilotларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур.

Мана шу йўлни биз учун хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, ўн йиллик ҳаётий тажрибамизда синалган ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз даркор.

Шундай экан, бугунги кунда ҳаётимиизда ижтимоий назорат вазифасини бажараётган нодавлат ташкilotлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, янги тузилаётган жамоат бирлашмаларига ҳам зарур шарт-шароит, қонуний имконият туғдириб бериш биз учун долзарб вазифа бўлмоги керак.

Гап асло бу ташкilotларга давлат томонидан маблағ ажратиш ҳақида бораётгани йўқ. Бундай сиёсат ва ҳаракатлар биз учун мутлақо нотўғри, номаъқулдир. Чунки барчамиз яхши тушунамизки, ҳар қандай ишда, ҳар қандай жараёнда ким маблағ ажратса, ўша ҳукмронлик қилади.

Шундан кейин мустақил фикрлаш ва холисона сиёсат олиб бориш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу масалани ечишининг бошқа йўли борки, у ҳам бўлса, бундай ташкilotларга қонуний нуқтаи назардан молиявий манбалар топиш имкониятини яратиб беришни назарда тутиш керак.

Бошқача айтганда, бу борада ҳам қонун ишлаши керак.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага тўхталмоқчиман.

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмай-

ди. Бу — юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимиdir.

Бутун ҳалқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, хосияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган серқирра фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўргасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажигимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Узини ўзи бошқаришнинг ҳалқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.

Хурматли ватандошлар!

Кейинги пайтда мамлакатимизда кириб келаётган ҳар бир йилга маълум бир ном бериш ўзига хос анъанага айланиб қолганига барчангиз гувоҳсиз.

Бундан мақсад жамиятимизнинг асосий эътиборини мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга, унинг ҳаётини яхшилаш, бу йўлдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратишдан иборат эканини ҳам яхши билансиз.

Биз шу мақсадда бундан бир йил аввал 2001 йилни Оналар ва болалар йили, деб эълон қилган эдик.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар аввалиги Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йиллари бўйича ишлаб

чиқилған дастурларга киритилған ишларимизнинг мантиқий давоми бўлган эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз бу дастурнинг ҳаёти-миздаги ўрни ва аҳамиятини бугун одамларнинг, бутун жамиятимизнинг оила муаммоларига, оналар ва азиз фарзандларимизнинг саломатлигини сақлаш масалаларига бўлган муносабати ва қарашлари тубдан ўзгариб бораётганида кўришимиз мумкин.

Мен бу дастурнинг ижроси ҳақида батафсил ҳисобот бериб ўтироқчи эмасман. Фақат унинг эътиборга молик айрим жиҳатлари хусусида қисқача тұхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, дастурда мустаҳкам ва маънавий соғлом оиласи шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она ва оиласининг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратибы.

Иккинчидан, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг тиббий ва умумий маданияти, ўз саломатлигига, оила баҳт-саодатининг асоси бўлган соғлом ҳаёт тарзига нисбатан эътибори кучайгани айниқса муҳим.

Бунга турмуш қураётган минглаб ёшларнинг тиббий курикдан ўтаётгани, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояя олингани, яна шунча ёш оила “Никоҳ ва оила асослари” курсида тегишли маълумотга эга бўлгани ҳам ёрқин далил була олади.

Учинчидан, “Она ва бола” дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида биз ўз олдимизга қўйган кўп-кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришдик.

Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик курикдан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, республикамизнинг барча минтақаларида “Она ва бола скрининги” каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда ҳозиргача 580 мингдан ортиқ аёлла-

римиз профилактик күрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалтиклардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан бепул таъминлаш, тўрт ёшғача бўлган болаларни сариқ касалига ва полиомиелитта қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Оролбўйи миңтақасидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган хотин-қизлар ва болаларнинг ёз мавсумида яхши дам олишини ташкил этиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар опа-сингилларимиз, 20 мингдан ортиқ фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилаётгани ҳам ана шундай муҳим тадбирлар қаторига киради.

“Она ва бола” дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

Тўртингчидан, оналар ва болаларга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасалари тизими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланганини ҳам таъкидлаш зарур.

Буни, аввало, янгитдан қурилган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт иншоотлари мисолида кўрамиз. Масалан, Гулистон, Кува ва Наманганд шаҳарларида барпо этилган реабилитация ва соғломлаштириш марказлари, Нурота туманидаги туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманидаги “Она ва бола” санаторий-

си ҳамда бошқа күпгина объектлар шулар жумласидандыр.

Дастурда болаларимизни жисмоний тарбия ва спорт ердамида чиниқтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сиғатида белгиланган эди. Шу мақсадда бу йил мамлакатимизда биринчи марта академик лицей ва касбхунар колледжлари ўқувчиларининг “Баркамол авлод” ўйинлари ташкил этилди. Мактаб ёшидаги болалар үртасида эса “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта куч-ғайрат, катта маблаг ва моддий имкониятлар керак бўлади. Буни биргина “Она ва бола” дастурида 2001 йил учун белгиланган вазифаларни бажаришга 86 миллиард сўм ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблаг зарур бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Биз дастур ижросини таъминлаш учун керакли молијавий манбаларни қидириб топишга, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турили жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришдик.

Мен фурсатдан фойдаланиб, шу ишга ҳисса қўшган барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда “Софлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Ибн Сино”, Болалар, “Экосан”, Мехр-шафқат ва саломатлик жамғармалари, “Маънавият ва маърифат”, “Оила” марказлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотларга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Азиз юргдошларим!

Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Аллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатини эзгулик йулида наимён қилиб, оила, уй-жой қуради, фарзандлар ўстиради.

Ҳар бир ота-она ўз зурриётининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигига, уларни ўзи бошлаган ишларнинг давомчичи этиб тарбиялашга интилади.

Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қылади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундейди.

Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни күті-күвватға тұлған, нақыроңлық пайтида ҳам, кексайған чогида ҳам тарқ этмайди. Ҳаётта мұхаббат, ҳаётта ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр үчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, ойлар, ийлар үтиши билан одам бағығат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва қўматига кўпроқ муҳтоҗлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимизнинг бекиёс хизмати борлигини унумаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.

Бу азиз инсонлар биз барни этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаёттй тажрибаси, ибрати ва ўйтлари билан катта ҳисса қўшаётганини айниқса қадрлашимиз даркор.

Халқимиз “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Бундай хонадонни Аллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаёттй мисолларда қўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаш, иморатлар қуриш, мол-мулк ортириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир.

Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Үйлайманки, биз мана шу қадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсақ, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва баҳтли ҳаёт кечиради, жамияти-мизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Азиз дўстлар, биродарлар, ҳалқимизнинг ана шундай асрий қадриятларини инобатга олиб, юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-хурматини жойига қўйиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2002 йилни мамла-катимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.

Мұҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда жамиятимизда азиз нуронийларимизнинг ӯзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдорида пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий қўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса, ибратлидир. Хусусан, ке-йинги пайтда биргина “Нуроний” жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг бир қатор амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорларига кўра, пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, улар ер ва мулк солиқларидан озод қилинган, тиббий, майший хизмат ва транспорт соҳаларида ҳам муайян имтиёзларга эга.

Лекин, бу масалага холисона баҳо берадиган бўлсақ, жойларда баъзи мутасадди ходимларнинг лоқайдлиги, кексаларга беписанд муносабати оқибатида фахрийларимиз ўз қонуний имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, биз Қарияларни қадрлаш иили бүйича Махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳукумат комиссиясини тузамиз. Ва шу дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларимизни асраш ва авайлаш, бир сүз билан айтадиган бұлсак, уларга моддий ва маңнавий ёрдам бериш масалаларига доир чора ва тадбирлар үз ифодасини тонади.

Ана шу дастурда кексаларни ижтимоий муҳофаза қишлини янада кучайтириш, пенсия миқдорларини қайта күриб чиқиш, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг имтиёzlари билан bogлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб үйлайман.

Бу дастурнинг асосий маъно-мазмуни шундан иборат бўлиши керакки, бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон үзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Ҳурматли ватандошлар!

Бизнинг яқинлашиб келаётган Янги йилни хонадонларимиз кўрки бўлган қарияларимизга бағишлиётганимиз Яратганимизга ҳам манзур бўлади, иншооллоҳ.

Ишонаманки, кўпчилик мана шу байрам муносабати билан бугуноқ үзлари учун қадрдан бўлган мұтабар зотларни зиёрат қилиб, үз ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириб, уларнинг кўнглини кутаради.

Жойларда ҳам ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари бу савобли ишга қўшилиб, мұхтарам қарияларимизнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳроқибат кўrsатадилар, деб үйлайман.

Сизларни, бутун ҳалқимизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 9 йилигига
бағишлиланган тантанали маросимда
сўзланган нутк,
2001 йил 7 декабрь

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мұхтарам қурилиш иштирокчилари!

Энг аввало, яқынлашиб келаётган Яңги йил байрами арағасыда сиз мұхтарам Қашқадарे аҳлини, Шұртан газ-киме мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилаётган ушбу тантанали маросимга ташриф буюрган мәҳмөнларимизни чин қалбимдан табриқлаб, бар-чанғизға чукур ҳурмат ва әхтиромимни билдиromoқчиман.

Бугун нафақат Қашқадаре вилоятида, балки бутун юртимизда, ҳақиқатан ҳам, катта түй, катта тантана, десак, хаго бўлмайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, дунёда камдан-кам барни этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадаре воҳаси салоҳиятини, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия қурдатини янги босқичларга кўтаришга бекиёс ҳисса қўшади.

Шунинг учун бу корхонанинг фойдаланишга топширилиши шу юртда яшайдиган, уни жону дилидан севадиган барча инсонлар учун катта байрам, ҳаммамиз учун ғурур ва ифтихор багишлайдиган воқеа, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Қадрли дўстлар!

Бугун ушбу саноат мажмуининг дунёга келиш тарихи тўғрисида гапирар эканмиз, мана шу кунларга етиш учун босиб ўтган йўлими, яқин ўтмишимизнинг баъзи саҳи-

фалари хусусида қисқача тұхталиб ўтсак, айни муддао бұлади, деб үйлайман.

Бу ҳақда сүз юритғанда, аввало, Оллоқ таолонинг марҳамати билан она диёримиз бәхисоб табиий бойликларга макон экани ҳақида гапириш үринлидир. Қашқадарёning мұғтабар замини үзининг ноёб бойликлари, шу жумладан, биринчи навбатда, нефть ва газ каби қимматбаҳо хом ашёларнинг улкан захиралари билан дунёга машхурдир. Бунинг тасдигини бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чықарылғанда табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг эса 92 фоизи Қашқадарё ҳудудидан қазиб олинаётганида яқ-қол күришимиз мүмкін.

Мен “ноёб бойликлар” деб бежиз айтаётганим йүқ. Бу иборанинг чукур маъноси бор.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ер куррасида нефть ва газ конлари жуда күп. Лекин, таркибида этан моддаси сероб бўлган газ манбалари дунёда фоят кам учрайди.

Бугунги кунда жаҳон саноати янги технологиялар, янги ишлаб чықарыш усусларига ўтаётган бир пайтда этан моддаси күп-күп кимёвий маҳсулотлар олиш учун, полимер ва пластмасса тайёрлаш учун асосий хомашё ҳисобланади.

Ана шундай ўта ноёб хом ашё манбаларидан бири айнан Қашқадарё воҳасида, Шўртан заминида жойлашгани табиатнинг бизга ато этган бебаҳо инъоми, десак, бу ҳам ҳақиқат бұлади.

Қадрли биродарлар!

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда мен беихтиёр Қашқадарё вилоятида ўтган, ҳаётимизнинг сермазмун бир қисми бўлиб қолган унуттилмас йиљларни эслаб турибман.

Ўша пайтларда мана шу заминда вилоят аҳли билан учрашганимиз, улар билан бирга Қашқадарёning бойлиги, унинг келажаги ҳақида, эртанди иқтисодий қудрати ҳақида жуда катта ҳавас билан орзу-умидлар қылганимиз бугунгидек ёдимда.

Мен ўша вақтда айтган бир гаимни ҳозир яна тақрорламоқчиман. Яъни, Ватанимизнинг бетакрор ўлкаси бўлган, ўзида қанча-анча мўъжизаларни мужассам этган Қашқадарё замини ҳали тұла очилмаган бир хазинадир.

Бу ҳазинанинг калити унинг ҳақиқий эгаси бўлмиш мана шу халқнинг қўлида, ҳали шу ҳазинани очадиган, ундан баҳраманд бўладиган кунлар келади, иншооллоҳ, деб айтган сўзларимни яхши эслайман.

Бу гаилар эндиликда ўтмишга айланган собиқ иттифоқ даврида бўлған эди. У замонда биз мана шундай буюк иншотлар куришни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Лекин шу замин қаъридаги бойликларни ишга солиш, улардан шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳаётини фаровон қилиш учун фойдаланиш имкони йўқ эди.

Хозир ўша даврларни одам худдики ёмон бир тушдек эслайди. У пайтларда Бухоронинг гази, мана шу Қашқадарёning гази “Бухоро — Урал”, “Ўрта Осиё — Марказ” деган катта-катта қувурлар орқали собиқ иттифоқнинг турли жойларига кетарди-ю, аммо шу газ конларининг атрофида яшайдиган аҳоли ундан бебахра, таъбир жоиз бўлса, дарёning ёқасида сувга ташна бўлиб яшар эди.

Одамга қаттиқ таъсир қиласидиган, ҳеч ақлга сифмайдиган ҳолат шундан иборат эдикки, ана шу улкан қувурлар Қашқадарё қишлоқларини оралаб ўтгани ҳолда, бу ерларда яшайдиган кишилар томга бостириб қўйган ғўзапоя билан ўчоқ ёқиб тирикчилик қилгани ҳали-бери менинг кўз олдимда турибди.

Шу муносабат билан хотирамда сақланиб қолган бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Ишонасизми-йўқми, ўша пайтда Қашқадарё воҳаси қишлоқларининг атиги 4 фойзи газлаштирилган эди, холос.

Ҳақиқатан ҳам, ўша замонларда Қашқадарёга келиб, мана шундай манзараларни ўз кўзи билан кўрган одам ноинсофлик, адолат бузилиши қай даражага етганини англаб олиши муқаррар эди.

Агар бугун ҳам орамизда эски замонни қўмсайдиган баъзи кишилар бўлса, ўйлайманки, улар, аввало, мана шундай мисолларнинг мағзини чақиши, шу ерда яшаган инсонларнинг, барча юртдошларимизнинг қадр-қимматини камситиш ва менсимаслик қандай авж олганини бир эслали керак.

Шунинг учун мен бир фикрни яна такроран айтмоқчиман.

Биз фақатгина истиқолимиз, мустақиллігимиз шарофати билан үз еримиз, үз тақдиримизнинг чинакам эгаси бўлдик, үз бойликларимизни ўзимиз тасарруф этиш имконига эришдик.

Мана шу бепоён саҳро бағрида, Қашқадарё воҳасидағи чўлу биёбонларда яшаб ўтган не-не аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари рӯёбга чиқаётганини кўриб турган бугунги авлод бу заминнинг бор саҳовати, беқиёс бойлиги юртимиз, халқимиз манфаати учун хизмат қўлаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Халқимизнинг азму шижаоти, ақл-заковати билан Фузор даштларида қад ростлаган Шўртан газ-кимё мажмuinинг муҳташам иншоотлари ҳам ана шу ҳақиқатнинг яна бир ёрқин далилидир, деб фахру фурур билан айтсак, арзиди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуйи қурилишида амалга оширилган ишлар кўламини ўзимизга аниқ тасаввур этиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда уч ярим йил мобайнинда 150 гектардан зиёд майдонда ҳар куни бир ярим мингдан ошиқ оғир техника, 7 ярим мингдан ортиқ ишчи ва мутахассис ишлаганини, корхонанинг технологик асосини барпо этиш учун 657 миллионга яқин, инфратузилмалар учун эса 328 миллион, жами булиб 985 миллион — сајкам 1 миллиард АҚШ долларига teng иш ҳажми бажарилганини инобатга олсак, бу улкан қурилишнинг ҳақиқий миқёси ва манзараси кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Ўзингиз бир тасаввур қилинг: қурилиш учун зарур бўлган тўрг ярим минг тоннадан зиёд металл қурилмалар, катта ҳажм, катта габаритдаги кўплаб нозик ускуна ва материаллар дунёning турли давлат ва миintaқалари орқали қанча-қанча қийинчиликлар билан Қашқадарё воҳасига олиб келингани, бу ускуна ва технологияларни жорий қилишда пайдо бўлган ўткир муаммоларни ечишда ғоят мураккаб қарорлар қабул қилишга тўғри келганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу иншоотнинг қандай машаққатли меҳнат натижасида барпо этилганини чуқур англашимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу мажмуада жа-
хон технологиялар бозорида ном қозонган энг машҳур
фирма ва компанияларнинг илғор илмий ишланмалари
асосида ишлаб чиқаришнинг юксак даражада автоматлаш-
тирилган тизими жорий этилди.

Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, Шўртан газ-кимё
мажмун қурилиши том маънодаги самарали ҳалқаро ҳам-
корлик натижаси бўлди.

Янги аср мӯъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойи-
ҳани амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг
“Эй-Би-Би Луммус Глобал”, “Хонивелл”, Германиянинг
“Фишер”, “Эрмафа”, “Т плюс Г”, Япониянинг “Мицуи”,
“Нисшо Иваи”, “Тойо Инжинииринг”, Франциянинг
Нефть институти, “Ипедекс”, Канаданинг “Нова Кеми-
калз”, Италиянинг “Ренко”, Россиянинг “Союзнеш-
транс”, “ВНИИГАЗ” ва бошқа кўп-кўп хорижий фирма
ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримиз-
нинг тасдигидир.

Бу нодир иншоотни барпо этишда Америка Қўшма
Штатларининг “Эксимбанк”, “Чейз Манхеттен Банк”,
Германиянинг “Коммерцбанк”, Япониянинг “Эксим-
банк”, Франциянинг “Париба” каби энг йирик ва ну-
фузли банклари, “Гермес” суғурта агентлиги ўз сармоя-
лари билан иштирок этгани айниқса диққатга сазовор.

Мен бугун мана шундай ўта замонавий корхонани
қуришда бизнинг муҳандис ва ишли-хизматчиларимиз
билан елкадош бўлиб, сидқидилдан меҳнат қылган, бу-
гунги маросимда қатнашиб, қувончимизга шерик була-
ётган хорижий ҳамкорларимизнинг вакилларига, улар
орқали шу қурилишда иштирок этган барча чет эл ком-
пания ва фирмалари, банкларининг раҳбар ва мутахас-
сисларига алоҳида ташаккур билдираман.

Шулар қаторида бугунги тантаналарда қатнашаётган
Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Италия
давлатларининг элчилари, Япония элчихонаси, Европа
тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва-
килларига ўзимнинг алоҳида ҳурматимни изҳор этаман.

Шунингдек, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатган “Ўзнефтьгазқурилиш”, “Ўзмонтажмахсусқурилиш”, “Қашқадарёқурилиш”, “Қаршисаноатуйжойқурилиш” каби ўнлаб пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва муҳандисларига, монтажчи ва лойиҳачиларига, барча мутасадди раҳбарларга ҳам самимий миннатдорлигимни билдираман.

Айниқса, бу қурилишда юзлаб навқирон йигитларимиз ўзининг ёшлик шижоати, бекиёс билим ва маҳоратини намоён этиб, дунёнинг энг илфор мамлакатларида малака ошириб, ута мураккаб замонавий технологияларни қисқа фурсатда пухта эгаилаб олгани ҳар биримизга фурур ва ифтихор бағишлади.

Аминманки, бундай ватанпарвар ёшларга, бундай бунёдкор авлодга эга бўлган миљиат ва халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи нафақат Қашқадарё заминида, балки юртимизнинг бошқа минтақа ва ҳудудларида ҳам янги-янги ишлаб чиқариш тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

Содда қилиб айтганда, ушбу мажмуя замонавий корхона ва технологиялар, тадбиркорлик, кичик ва урта бизнес ривожи учун, қанчадан-қанча одамларга янги иш ўринлари очиб бериш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласди.

Энг муҳими, бу улкан корхона мамлакатимиз саноати билан бирга узоқ-яқиндаги иқтисодий шерикларимиз учун ҳам ниҳоятда зарур бўлган полиэтилен хом ашёси, плёнка, суюлтирилган газ, сув ва газ қувурлари, бошқа қўплаб техник ускуналар, уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Янги мажмууда меҳнат қиласидиган ишчи ва хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, корхона билан бирга тегишли инфратузилмалар бунёд этиш мақсадида ҳам катта ишлар амалга оширилгани ҳақида алоҳида тұхтабиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Қашқадарёниг жазира-ма иссиfi, қаҳратон совуғи, чўл шамолларида яшаб, меҳнат қилиш осон эмас. Шунинг учун бу ерда баргио этилган мана шу ишчилар шаҳарчаси энг замонавий талаблар асосида, ҳар жиҳатдан кўркам ва қулай этиб қурилди.

Мен Шўртандада бошлаган бунёдкорлик ишларимиз давом этишига, эртага бу жойда яна янги-янги кучалар, боғ-роғлар, хиёбонлар қад ростлашига, шу кичик шаҳарчанинг гуллаб-яшнаб, катта ва гўзал бир шаҳарга айланишига ишонаман.

Мана шундай эзгу истак ва режаларимизнинг амалга ошишида Толлимаржон ГРЭСи ва сув омборининг меҳнат жамоалари, вилоят Ўрмон хўжалиги ишчи-хизматчи-лари ҳам муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Кўп қийинчиликларда тобланган мард ва танти Қашқадарё элининг ғайрат-шижоати, пешона тери билан бу ерлар юртимизнинг энг файзли ва тароватли масканларидан бири бўлиб қолишига асло шубҳам йўқ.

Азиз ҳамюртларим!

Бундай улкан корхонанинг Янги йил байрами арафасида ишга туширилаётгани кириб келаётган 2002 йилнинг юртимиз учун баракали бўлишига яхши бир далолат, мустаҳкам пойдевор, десак, муболага бўлмайди.

Барчангиз бугунги улуғ иш, яъни Шўртанд газ-кимё мажмуи қурилишини яқунига етказганингиз билан ва кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан яна бир бор самимий табриклайман.

Иқтисодиётимиз, бутун мамлакатимизнинг фахри бўлиб қоладиган шу буюк иншоотни барпо этишда қатнашган сиз азизларнинг қўлларингиз дард кўрмасин, бошларингиз омон бўлсин.

Олижаноб ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

*Шўртанд газ-кимё мажмуи очилишига
багишланган тантанали маросимдо
сўзланган нутқ. 2001 йил 20 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мұхтарам дүстлар!

Яна бир неча дақиқалардан кейин XXI асрнинг биринчи йили билан хайрлашиб, янги 2002 йилга қадам қўямиз.

Мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда байрамона дастурхонилар атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз ва қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган қутлуг Янги йил айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, барчангизга ўзимнинг чексиз хурматимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Шундай дамларда якунинг етаётган йилнинг ўзига хос оғир ва енгил томонларини, аввало, шу йил давомида бошимиздан кечирган воқеаларни эслаш, амалга оширган хайрли ишларимизни сарҳисоб қилиш, яна бир бор хаёлимдан ўтказиш табиий ҳолдир.

Албатта, 2001 йил давлатимиз, эл-юртимиз учун осон кечгани йўқ. Турли оғат ва қийинчиликлар, дуч келган синовлар ҳақида — сурункасига икки йилдан бўён давом этиб келаётган қургоқчилик ва унинг салбий оқибатлари, ташқи бозорга чиқараётган пахта толаси ва бошқа экспортбоп маҳсулотларимизнинг нархи пасайиб бораётгани туфайли валюта тушумининг камайиши, бунинг устига, кўп жойларда ишни ташкил этиш ва бошқариша йўл қўйилган камчиликлар — буларнинг барчаси ҳақида узоқ ганириш мумкин.

Лекин, шундай муаммоларга қарамасдан, ўтиб бораётган йилни розилик ва шукроналик кайфияти билан кутишга ҳар томонлама асосимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг далолатини, аввало, мамлакатимиз, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тутувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм суръётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётганида, барчамиз гувоҳ бўлиб турган янги-янги улкан иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётганида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий салоҳиятимиз мустаҳкамланиб, юртимизнинг янада обод бўлиб, чиройи очилаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Бунинг исботини маънавий юксалиш, ҳалқимизга хос азалий қадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурида изланиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковати, билим ва тажрибасига суюниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйгусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиш мумкин.

Келажагимиз ҳақида фикр юритганда, бизнинг кунглимиини гўк қиласидиган яна бир ўта муҳим масала борки, уни эсламасликка ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман.

Мен бу ўринда бугун кучга тўлиб, замонавий билим ва илғор мамлакатларни эгаллаб олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган Ватанимизнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммаси, ўз масъулиятига олишга қодир янги авлод униб-ўсиб келаётганини назарда тутаман.

Кўксимизни тоғдай кўтарадиган эл-юртимизнинг энг катта ишонган таянчи ва суюнчи бўлмиш фарзандларимизнинг камолини кейинги йилларда ёшлар таълими ва тарбиясига қаратган катта куч ва эътиборимиз, бу борадаги изчил сиёсатимиз ҳозирданоқ ўз ҳосилини бераётганини кўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси оила, барчамиз узоқни кўзлаб қилган шу ишимииздан рози бўлмаслигимиз, шукр қўйласлигимиз мумкинми?

Хурматли юртдошлар!

Тугаб бораётган йилнинг тарихимизда қолдираётган изи ва таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳа-

сиз, охирги ойларда бошланган антитеррористик кураш, унинг самаrasи ва натижалари ҳақида гапиришимиз ўринли, деб биламан.

Шу ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ва, аввало, қўшни Афғонистон ҳудудида йигирма йилдан бўён давом этаётган урушни тугатиш, кўп азоб ва укубатлар кўрган шу тунроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ўйлида биринчи қадамлар қўйилаётганини эътироф этишимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари ва унга иттилоғчи бўлган давлатларнинг халқаро терроризмга қарши эълон қилган, бу жирканч иллатни таг-томири билан суфуриб ташлашга қаратилган курашда Ўзбекистоннинг эгаллаган аниқравшан ўрни ва олиб бораётган сиёсати тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу масалада Ўзбекистон тутган сиёсатнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятини чукур англаш учун, аввало, 11 сентябрдан кейин ва Афғонистонда контргеррористик операциялар бошланмасдан олдин вужудга келган оғир ва ноаниқ вазиятни ўзимизга тасаввур қилмоғимиз керак.

Шундай мураккаб бир шароитда, ҳеч иккilanmasdan қатъиятлик билан, фақат ва яна бир бор фақат Ўзбекистон манфаатини кўзлаб, бизга нисбатан тўрт томондан билдирилган турли хил маслаҳатлар, дўқ-пўписаларга қарамасдан, ягона ва тўғри қарорга келиш шу пайтда осон иш эмас эди.

Ҳеч кимнинг ногорасига ўйнамасдан танлаған бу мустақил йўлимиз ҳозирги кунда бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда ва тан олинмоқда.

Бугун узоқ ва яқин қўшниларимиз, умуман халқаро ҳамжамият, жаҳон халқиари Ўзбекистонга, унинг мард ва танти халқига, ҳар қандай ҳал қилувчи дамларда, шароит ва вазиятларда ҳам унинг қатъиятли сўзига ишониш ва таяниш мумкинлигига иқор бўлмоқда ва шундан хуласа чиқармоқда.

Илгари Ўзбекистонни балки харитадан ҳам топа олмайдиган олис давлатларнинг вакилиари бугун мамлака-

тимизни янгидан танимокда ва унга хайрихоҳлик билдиримоқда.

Мұхтасар қылғылайтганда, үтгап үйл мобайнида ҳар қандай мұраккаб шароитта ҳам барча қийинчилекларга бардош беріб, белімизни қаттық боғлаб қылған мәннатимиз, пешона теримиз билан құлға кириптан ютуқшаримиз, жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик қадриятлар ва көңг құламли ислоҳотлар, ҳалқаро майдонда қозонған юксак обрұ-эътиборимиз әртанғи ҳаётимизни янги босқынчға күтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириша мустаҳкам пойдевор булишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Албатта, биз янги марра, янги уфқулар сары ҳаракат қылар эканмиз, аввало, ўз кучимиз ва құдратимизга, ақыл-заковатимизга сұяңған ва таянған ҳолда, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқылона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажагимизни куришимиз ва куришимиз табиий.

Бизнинг янги ҳаёт, янги жамият барни этиш, ҳалқимиз турмушини ривожланған мамлакатлар даражасига күтариш мақсадида қылаётган ҳаракатларимизга катта хайрихоҳлик билан қараб, ҳамкорлик құлини узатаётган энг тараққий топған давлатлар ва чет эллик шерикларимизнинг ёрдами ва құмаги, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар кириб келаётгани, шу асосда құшма корхоналар тузилаётгани, янги лойиҳалар амалга оширилаётгани бу мэрраларга этишимизда айни муддао бўлади.

Азиз ватандошларим!

Мен Янги үйл арафасида сизларнинг эътиборингизни яна бир мұхым масалага қаратмоқчиман.

Ҳалқимизнинг асл табиатида бўлған, юртдошларимизга хос мәхр-оқибатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, шафқат ва муруват каби буюк ҳусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авалод, фарзандларимиз онгига сингдириш бугунги ва әртанғи кунимизни янада чароғон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил булишини англаб олишимизга ишонаман.

Айнан мана шундай ўлмас қадриятларга, ўз кучи ва
кудратига иониб яшаётган халқимизни ўз таңлаган йўли-
дан ҳеч қандай ёвуз ва сохта куч қайтара олмайди.

Хурматли дўстлар!

Янги йилни халқимизнинг хоҳиш-истагини ифода
этиб, Қарияларни қадрлаш йилни, деб эълон қилганимиз
ҳам албатта бежиз эмас.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-
енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонла-
римизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни
рози қилиш, дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савоб-
дир.

Биз Янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтара-
рам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама фам-
хўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қадам
кўяётган эканмиз, ўйлайманки, кириб келаётган йилда
барча холис ниятларимиз ижобат бўлгай, иншооллоҳ.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдошларим!

Сизларни юртимизга кириб келаётган Янги йил бай-
рами билан яна бир бор қутлаб, ўзимнинг энг самимий
тилакларимни изҳор этаман.

Янги йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга тинчлик
ва кут-барака ато этсин!

Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимиз-
нинг баҳту иқболини берсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омадлар
ёр бўлишини тилайман.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

2001 йил 31 декабрь

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз дүстлар!

Аввалимбор, сиз оддий аскар ва сержантларни, офицер ва генералларни, хизматчилар ва уруш фахрийларини, барчангизни шонли байрам—Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўн йил миллий давлатчиликни тиклаш, унинг асосий идораларини шакллантириш учун тарихан жуда қисқа мuddатидир. Лекин ана шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда, бир томондан, асрлар давомида яшаб келган кўхна анъаналаримизга, аждодларимизнинг орзу-умидларига мос, иккинчи томондан эса, бутунги куннинг энг юксак талабларига, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги энг замонавий мезонларга мувофиқ бўлган давлатчиликнинг демократик асосларини яратиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг миқёсдаги улкан ишлар амалга оширилди.

Энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадан Куролли Кучларимизнинг барпо этилиши, ҳалқимизнинг том маънодаги фарх-ифтихорига айланган миллий армиямизнинг вужудга келиши давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган энг муҳим вазифалардан бири бўлди.

Куролли Кучларимизни ташкил этиш масаласи мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиб турган турли ҳатарларни, биринчи наъбатда, Марказий Осиё минтақасидаги амалда мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдо-

нининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жанговар операцияларнинг йўналиши ва характерини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган бош вазифа—сон жиҳатдан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуролланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга ва зарба беришга қодир бўлган тезкор, ҳар томонлама ўзига суюнган ва таъминланган қисмлар яратишдан иборатdir.

Қуролли Кучларимизни, жумладан, Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг маҳсус қисмларини замонавий талаблар асосида янгитдан қуриш ва модернизация қилиш борасида аниқ мақсадларни кўзлаб қатъият ва изчиллик билан бугун олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз айнан шу муддаоларга эришиш учун қаратилган.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари—сержантлик мактаблари ташкил қилиш, Қуролли Кучларнинг янгича таркибини ташкил этиш, маҳсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальонлари тузиш, компьютер ва замонавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёда етакчи армиялар ҳамда қуролли кучларнинг қурилиши ва таркибий тузилишини, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг замонавий усулларини, ҳарбий фан ютуқларини ва, шунингдек, НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида ўtkazilgan биргаликдаги ўқув машқлари ва ҳамкорлиги жараёнида ортирилган тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси, аввало, ягона мақсадга қаратилган: бизнинг армиямиз ҳозирги мураккаб шароитда Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилибина қолмай, айни

пайтда у ёшларимиз учун ватанпарварлик, юртга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, ҳар бир ҳарбий хизматчи қалбища—у офицер, сержант ёки оддий аскар бұладими— бундан қатын назар, мустақам ирова, юксак инсоний фазилаттарни тарбиялаш, уларнинг ақийи ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, амалий касб күникмаларини такомиллаштириш ва жисмоний тоблашиш мактаби бұлсın.

Энг муҳими, бизнинг армиямизда ҳарбий хизмат қила-диган ҳар бир ўш ўғлон ўз халқига керак эканини, унинг жанговар меҳнати Ватан утун зарурлигини, унга давлат ва жамият томонидан фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ғамхурлик курсатилишини доимо сезиб туриши, ҳар бир қадамида ҳис этиб туриши даркор. Бугунги кунда бу энг куйи бүгиндан тортиб, энг юқори ҳокимият идоралари-гача—барча давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фоят муҳим вазифаси, керак бўлса, муқаддас бурчидир.

Биз Қуролли Кучларимизда ана шундай шарт-шароитларни яратса олсаккина, унинг сафларида хизмат қилиш мақсадида ҳаётга катта умидлар билан қадам қуяёттан ёшлар учун шон-шараф ишига айланади.

Азиз ватандошларим!

Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, наркобизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига тажовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фожиалари ва Афғонистонда аксильтеррористик ҳаракатлар олиб бориши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегараларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий ха-ритасида кучларнинг янгича тақсимланиши рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси давлатимиздан, жамиятимиздан, Қуролли Кучларимиздан ҳушёрликни янада оширишни, армиямизнинг жанговарлик қудратини ҳар томонлама юксалтиришни тақозо этади. У ҳар қандай вазиятда ҳар

қандай агрессорга—қандай шакл ва қиёфада бош күтармасин—муносиб зарба беришга қодир бўлмоғи зарур.

Бугун бирон-бир куч бизнинг мустақиллигимизга, хавфсизлигимизга, халқимизнинг тинчлигига тажовуз қилмоқчи бўлса, шуни билиб қўйсинки, қудратли армиямизнинг қақшатқич зарбасига учраши муқаррар.

Бунинг ягона кафолати—армиямизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, уни тубдан модернизация қилиш, энг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлашдан иборатdir. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз фақат бир мақсадга қаратилиши даркор, яъни Куролли Кучларимиз замон уларнинг олдига қўяётган ҳар қандай вазифани бажаришга муносиб бўлсин.

Азиз мард ўғлонларим!

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен сизларга—барча ҳарбий хизматчиларга, аскарларимиз, сержантларимиз, офицер ва генералларимизга мурожаат қилмоқчиман. Барчангиз меҳрибон ота-оналарингиз, опа-сингилларингиз, ака-уқаларингизнинг сизга билдирган буюк ишончи, улуг аждодларимиз хотирасига, биз яшаётган даврга муносиб бўлинг.

Сизларни яна бир бор Ватан ҳимоячилари куни билан, Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг ўн йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ислом КАРИМОВ,
Узбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмандони

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ
МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ
10 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИК**

Ҳурматли ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сизларни ва бутун кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обру-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустаҳкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида фурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сурәтган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир.

Бугунги кунда диёримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлади.

Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон заминида турли маданият ва цивилизациялар вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликда яшаб келгани халиқимиз табиатига хос бўлган меҳр-оқибатлилик, тинчлик-севарлик, очиқлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди.

Ҳозирги кунда ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият куриш йўлидаги интилишларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутишини изоҳлааб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйгуси бизга бекиёс куч-кувват баҳш этмоқда, узоқни кура билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждодларимизнинг ҳаётида бўлгани каби, даврнинг машаққатли синовларини биргаликда енгиг үтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда ҳозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати, ҳаммазининг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саҳоватли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувлигимизни, ягона мусаффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эъзозлаб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қўйладиган маънавий ва ахлоқий қадрияларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачиғидек асраш лозимлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган була-миз.

Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстлигини мустаҳкамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва мазмунли қилиш борасида олиб бораётган хайрли фаолиятингизни бундан буён ҳам сабитқадамлик билан давом эттиришингизга қатъий ишонаман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона
Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша
энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошира-
ётган олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилай-
ман.

Қадрдонларим, сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-сао-
дат ёр бўлишини, янги йилда барча истакларингиз рӯёбга
чиқишини тилааб қоламан.

2002 йил 15 январь

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙҰЛИДАН

Сиёсий ҳаётимиизда ҳокимиятнинг ҳар бир алоҳида тармоғи — хоҳ у қонунчилик, хоҳ ижроия ёки суд ҳокимияти бўлсин — уларнинг ваколатларини ўзгартириш нуқтаи назаридан амалга ошириладиган барча ислоҳотлар қонунчилик доирасида кечади, яъни қабул қилинган қонунларга ўзгартиштар киритилди ва, биринчи навбатда, янгилари қабул қилинади.

Яъни, шуни таъкидламоқчиманки, бугунги референдум натижаларидан келиб чиқиб, жуда кўп нарсалар, шу жумладан, сайлов тизими ҳам ўзгаради, чунки парламентнинг қўйи палатаси доимий ишлайдиган бўлиб, у профессионаллардан ташкил топади. Бундан келиб чиқсан ҳолда нафақат сайлов тизимининг тартиби, балки моҳијати ҳам ўзгаради. Бу нарсалар ушбу масалаларга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиради ва амалда кўнпартиявий тизим қарор топишига кучли туртки беради.

Ҳар бир партия қўйи палатада имкони борича кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қиласди. Аниқ мақсад, рақобат мұхити юзага келади, ҳаётга күчлироқ таъсир кўрсатишга, ўз мафкураси, мақсад ва муддаоларини халққа тушунарли тарзда етказишга интилиш пайдо бўлади. Ҳар бир партия ўз сиёсатини ҳам, ўзининг муайян амалий фаолиетини ҳам бирмунча бошқачароқ тарзда олиб боради.

Юқори палатага келсак, унинг ваколатлари фақат умумий равишда белгилаб берилган. Шуни аниқ айтишим мүмкінки, бу палата, биринчи навбатда, ўзида маҳаллий, яъни туман, шаҳар ва вилоят депутатлари вакильтарининг қарашларини ифода этади. Бу билан биз маҳал-

лий депутатлар, маҳаллий ҳокимият давлат бошқарувига күпроқ таъсир күрсатишини ёки ўз ваколатларини аниқроқ белгилаб олишини таъминлашга интилмоқдамиз. Шу жиҳатдан, юқори палатанинг асосий вазифаси қўйи палата билан бирга бевосита қонунлар яратишдан иборат бўлмайди. У янги қонунлар яратиш ташаббуси билан чиқиши ва қонунчилик фаолияти билан бошқача тарзда шуғулланиши мумкин. Аммо, юқори палата, авваламбор, Россиядаги Федерация Кенгаши ёки Франция сенати, АҚШ сенати каби фаолият юритиши зарур.

Шу нуқтаи назардан бу борацаги қарашларимиз аниқ, яъни, биринчидан, юқори палата туман, шаҳар ва вилоят депутатлари орқали маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифода этади. Иккинчидан, қўйи палата тақдим этган у ёки бу қонун лойиҳаларини қабул қилиш ёки қабул қиласлик орқали, улар ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда қонунчилик жараёнида иштирок этади.

Президент ваколатларига доир саволга келсак, бизнинг Конституциямиз ва ҳар бир ҳокимият органи ваколатлари белгилаб берилган қонунларимизни инобатга олган ҳолда, шуни айтишим керакки, биз ҳозирги кунда тоталитар, маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизимидан демократия тизимига ўтиш даврида яшаяпмиз. Ҳеч ким ушбу босқичнинг қачон яқунланишини айта олмайди, чунки бу узоқ давом этадиган жараён бўлиб, одамларнинг менталитети, уларнинг дунёқараши билан бевосита боғлиқ.

Мен кўпинча ёш авлод ҳақида гапираман. Буни мен кимгадир ёқиши, ёшларнинг овозига эга бўлиш учун гапирмайман. Гап бунда эмас. Албатта, уларнинг овози мен учун ниҳоятда аҳамиятли, чунки ёшлар бизнинг келажагимиз. Бироқ мени, аввало, ҳаётга кириб келаётган, сиёсатга, умуман ҳаётимизнинг барча жабҳаларига фаол аралашиб бораётган ёш авлод қизиқтиради. Шуни айтишим лозимки, мен аввало янги, мутлақо янгича тафаккурли одамларга, сиёсий ҳаётни, мамлакатимиз келажагини янгича тушунадиган, ва, энг муҳими – биз ўз олдимизга Қуяётган мақсадларни амалга оширишнинг демократик

механизмини англайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратаман ва уларга ишонаман. Шу маънода, ёш авлоднинг олдимизга қўяётган вазифа ва мақсадларимизни чуқур тушуниши, уларга булган қатъий ишончи мени илҳомлантиради.

Бунинг сабаби шундаки, ёш авлод чет элларда содир булаётган воқеалардан яхши хабардор. Бугун чегаралар очик, одамларимиз чет элга, хорижликлар мамлакатимизга келиб-кетиб турибди. Бугунги кунда мутлақ янгича имкониятлар яратадиган Интернет тармоғини ҳеч ким назорат қила олмайди. Ёшлар нимагаки қизиқса, Интернет орқали билиб олмоқда. Газеталарни ўқимаслик, телевизор кўрмаслик мумкин, бироқ ёшлар ўзларини қизиқтираётган барча саволларга жавобни расмий ахборот воситаларисиз ҳам Интернет орқали олиши мумкин. Шу жиҳатдан яна бир бор таъкидлашим керакки, бугун улар жамиятни бошқарув тизими қандай булиши хусусида кўпроқ уйлашмоқда.

Агар аҳамият берсангиз, буларнинг барчаси Конституциямизда қайд этилган. Бир тизимдан иккинчисига ўтиш пайтида Президент ваколати ўзига хос бўлади, яъни Президент катта ваколатларга эгадир. Мен буни яширмайман. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу ваколатларнинг мавжуд булиши ўтиш даврида фуқаролик жамияти асосида биз барпо этаётган демократик жамиятнинг таомойилларидан бирини амалга ошириш зарурати билан изоҳланади.

Яъни, мен 1991 йилда эълон қилганимдек, давлатнинг ўзи асосий ислоҳотчи булиши керак. Бу хусусда мулоҳаза қилиб кўриш керак — ислоҳотчи давлат нима? Бунинг маъноси шуки, ўтиш даврида давлатнинг ўзи у ёки бу қонун ҳужжатларини, қонунчилик тизимини ишлаб чиқиши ташаббускори бўлади. Бундан кўзланган мақсад аниқ: биз эскича ақидалар, қотиб қолган қараашлар, олға ҳаракатимизга халақ берувчи қонунлардан воз кечиб, умумий таомойилларга, демократик ва умуминсоний қадриятларга юз тутишимиз, шу йўлдан илгарилаб боришимиш лозим.

Яна бир тамойил — бу олдимизга қўйган олий мақсадлар сари изчилик билан, босқичма-босқич интилишdir, одийроқ қилиб айтганда, одамларнинг Европа, Американинг демократик мамлакатлари, Япония ва бошқа давлатлардаги каби турмуш кечиришига эришишdir. Шу боис, мендан қандай турмуш, қандай жамият қуряпсиз, деб сўралса, доимо биз велосипедни қайта кашф этмоқчи эмасмиз, деб айтаман. Европадагилар қандай ҳаёт кечирмоқда? Европа Иттифоқи қандай ривожланмоқда? Америкадаги ҳаётни куринг ва хулоса чиқаринг.

Шу маънода, биз ҳеч нарсани янгидан кашф этиб ўтирамай, улар каби яшашни истаймиз. Аслида, улар бунга кўп вақт давомида интилиб келган, биз ҳам шу йўлни, балки қисқа муддатда босиб ўтишимиз лозимdir? Эркин ҳаёт кечиришни, ўша мамлакатлардаги каби яшашни, ва энг аввало, фаровонликка, юқори турмуш даражасига тезроқ эришишни истаймиз. Одамларимизнинг ўз фарзандлари ва неваралари тақдири ва келажагидан кўнгли тўқ бўлишини хоҳлаймиз. Биз мана шунга интиласиз. Бироқ, давлатнинг ўзи ислоҳотчи бўлган ўтиш даврини, мен ўз хизматларимни бўрттирмоқчи эмасман, ушбу ўн йилликни таҳлил қилсак, агар Президент ташаббускор бўлмаганида, биз ҳамон эски аҳволда қолган ва бу йўлда бир қадам ҳам олға силжимаган бўлар эдик.

Нега? Бунинг сабаби шундаки, мен хафагарчилик бўлмаслиги учун собиқ Иттифоқнинг бирон бир давлатини мисол қилиб келтирмоқчи эмасман, бироқ айrim давлатлар мустақилликка эришиб, уларда сиёсий ислоҳотлар бошлангач, кучли ихтилофлар юзага келди. Мен буни яширин ва турли шакллардаги кураш деб атаган бўлар эдим. Улар бу курашга шунчалик берилиб кетишдики, ўз олдиларига қўйган мақсадлари, уларга ишонч билдирган жамият, халқ ҳақида уннутиб қўйишди. Кураш эса ҳамон авжида. Ҳамон муносабатларни ойдинлаштириш жараёни давом этмоқда.

Айтинг-чи, бундай тизимда халқ ўзини қандай ҳис қилади? Халқнинг сиёсий майдондаги бундай ихтилоф-

ларга муносабати қандай? Аҳамият беринг, бундай шароитда тобора күпроқ одамлар умуман барчага қарши овоз бермоқда.

Дағримизга хос яна бир хусусият шундаки, бундай ихтилофлар, майда тұқнашувлар халқнинг жонига тегмоқда. Одамлар эса, әртага кимдир уларнинг иродасини ифодалашига умуман ишонмай қўймоқда. Менимча, баъзилар юксак мансаб — мартаба учун кураш олиб бориб, ўзи учун овоз бераётгандарни, яъни бундан манфаатдор кишиларни унутиб қўймоқда. Агар шу нуқтаи назардан бизнинг ўн йиллик тараққиёт йўлимизни кўздан кечирсак, ушбу босқич яна бир бор шуни кўрсатадики, тарихий узаришлар содир бўлган муайян босқичларда, ёки давлат ва халқ тақдиди ўзгарган пайтларда етакчидан кучли ипроди ва масаланинг аниқ қўйилиши талаб этилади, энг муҳими, аниқ мақсадни қўйган ва халқ шу мақсадни қўллааб-қувватлашини англаган шахс, ҳокимият ана шу мақсад сари тұхтөвсиз интилади, бу йўлда баъзан автогригорийтар усууллардан ҳам фойдаланади. Мен бундай усуулларни оқламайман. Айни пайтда, шуни айтмоқчиманки, уларни қай ўринда қўллаш лозимлигини, қай ўринда ножоиз эканини яхши тушуниш лозим.

Демократия сари илгарилаб борар эканмиз, одамларимизнинг, халқимиз ва сайловчиларнинг онги ўсгани сайни ушбу авторитетар шакл тобора камайиб, кўп масалалар депутатлар корпуси вакиллари ваколатига ўтиб боради. Жумладан, шуни айтиш керакки, биз ўша мақсад — демократик жамият сари яқинлашиб борар эканмиз, келажакда Ўзбекистон Президентининг айрим ваколатлари ҳам юқори палатага берилади. Тегишли равишда, ижроия ҳокимиятининг қўнгина йўналишлари Президентга эмас, юқори палатага бўйсундирилади.

Шуни айтмоқчиманки, биз АҚШ Сенати тажрибасидан кенг фойдаланмоқчимиз. Эътибор беринг, сўнгги ой давомида, январда мен Америка конгресси вакилларининг учта ва сенаторларнинг иккита гурӯҳи билан учрашим. Шуни айтиш лозимки, Сенатнинг юқори палатаси вакил-

ларидан үн фоиздан ортиғи Ўзбекистонга келиб кетди. Мен улар билан батағсил, очиқ-ошкор сұхбатлашдым, шу жумладан, биз мамлакатимизнинг сиёсий ҳәётига, демократик тараққиётта оид масалаларни мұхокама қылдик. Бу сұхбатлар өфіда, шуни очиқ айтишим керакки, улар ҳали ечимини топишимиз лозим бұлған күп масалаларни, юз хотир қилиб үтирасдан, аниқ күрсатиб үтиши.

Биз бу йўлда олға боряпмиз ва мен уларнинг бу борадаги фикрларига тўлиқ қўшиламан. Лекин, мен бир нарсани айтдим. Ҳа, сиз ҳақсиз, биз буларнинг ҳаммасини ўзимизда амалга оширишимиз лозим, дедим. Аммо бизнинг фаолиятимизни бугунги кунда Европа ёки Америкадаги демократик давлат мезонларига қараб баҳолаб бўлмайди. Сизлар фаолиятимизга туртки бериш орқали бизни, авваламбор, бу мезонга қараб қандай ҳаракат қилаётганимиз, аниқроғи, қандай тезликда ҳаракат қилаётганимизга қараб баҳоланг. Агар, биз бир жойда депсиниб турган бўлсак, бизни танқид қилиш, охир-оқибатда бизга ёрдам қилишингиз мумкин. Бироқ, агар биз ҳаракат қилаётган бўлсак, уларда анчадан бери мавжуд бўлған ва улар бир неча үн йилликлар давомида эришган нарсаларни кўр-кўронса қабул қилишимизни талаб этиш нотуғри бўлар эди. Чунки биз бу йўналишда ҳеч нарсага қарамай ҳаракатлана олмаймиз, улардан бизнинг шароитимизга, бизнинг ҳаётимизга тўғри келадиган жиҳатларнигина минг йиллик тарихимиз, илдизларимизни инобатга олган ҳолда ўзлаштиришимиз даркор. Миллий психологиямиз ва бошқа омилларни ҳисобга олиш керак, демоқчиман. Бунда психология, менталитет ва бошқаларни назарда туяпман. Бу борада мен уларга бизни демократия йўлидаги ҳаракатларимизнинг суръати, тарихий ривожига қараб баҳолашни таклиф қиласман. Агар биз 1990 йилга нисбатан ўзгарган бўлсак, шундай деб айтиб қўя қолинг. Лекин, агар тафаккуrimиз, ҳаётга муносабатимиз, сиёсий ва ижтимоий онгимиз 1990 йилдагидек қолган бўлса, унда умуман олға силжимаётганимизни, қуруқ даъводан бошқа иш қилмаётганимизни айтинг.

Шу ўринда мен яна бир мулоҳазам билан ўртоқлашмоқчиман. Менинг баъзи касбдошларим жуда кўп даъволовар қилиши сизга жуда ёқади. Аниқроғи, жуда кўп баёнотлар қилишади. Бигтаси демократия оролига айланганини айтади, аммо қаранг, ўн йил ўтди: қани ўша демократия ороли? Нима, у умуман бўлмаганмиди, ёки фақат тўйда мавжудмиди? Бу авторитар ҳудудда тусатдан ўзини “демократия оролчаси” деб атаган бу раҳбарнинг хаёлидагина бормиди? Мен айтмоқчиманки, сиз бу гапларга, баёнотларга алданиб қолдингиз. Энди нимани кўярпсиз? Нима рўй беряпти?

Шу нуқтаи назардан қараганда, бизни воқеалар ривожини қандайдир сунъий равишда жадаллашибирлигига мажбурламаслик керак, деб ўйлайман. Фақат холис қараш керак — биз шу томонга, демократияга қараб кетяпмизми ёки йўқми?

Бу борада мен айтмоқчи бўлган охирги гап. Бизнинг учрашувларимизда мен одамларимиз, ҳалқимиз билиши лозим бўлган ўта муҳим бир фикрни кўп таъкидлаганман. Агар биз демократия ва эркинлик, бугунги кунда тараққий топган дунё яшаётган меъёрлар, моделларни амалга ошириш йўлида ҳаракатланаётган бўлсак, буни кимгadir ёқиш учун қилаётганимиз йўқ. “Демократия оролчаси”ни эълон қиласиганлардан менинг фарқим шундаки, биз бу ишларни ҳалқимизнинг манфаатлари, эҳгиёjlари ва истакларига жавоб бергани учун қилияпмиз. Бу ишлар, биринчидан, обрў ортиришни, иккинчидан, бирор фойда топишни ўйлаганим учун қилинаётганий йўқ. Бизга бу нарса туғри келмаслигини айтмоқчиман. Биз умуминсоний қадриятларни, демократик қадриятларни эътироф этадиган ривожланиш йўлидан изчилик билан илгарилаб бормоқдамиз ва бу борада минг йиллик ўтмишимизни, менталитетимиз, тарихимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва ҳалқимизнинг бугунги ҳаётини ётибордан соқит қила олмаймиз.

Сизлар яхши биласизки, бугунги кунда нафақат Россия матбуотида, балки ҳамма жойда битта масала кенг

шов-шув бўлмоқда — Ўзбекистонга, Марказий Осиёга америкаликларнинг кириши қандай оқибатларга олиб келади? Менимча, бошқа ҳамма мавзулар четга суринг кўйилган. Мен кечак телевизорни кузатдим — бирорта ҳам канал бу мавзуни четлаб ўтмади. Ҳар куни бу масала деярли барча даражада муҳокама этилди. Москва телевидениесининг “Посткриптурм” кўрсатуви бошловчиси шундай кўйиб-пишмоқдаки, ундан: “Сиз ўзи бирор марта Марказий Осиёда бўлғанмисиз? Бизнинг ҳаётимизни, тарихимизни ва манфаатимизни яхши биласизми?” — деб сўрагим келди. У ўзининг раҳбарларини, Россия Президентини, ҳамма-ҳаммани Марказий Осиёда рўй берадиган воқеаларга бефарқ қараётгани учун астойдил танқид қилияпти. Мана, ўз мавқеларимизни бой бериб қўяпимиз ва ҳоказо, демоқда.

Мен унга ва нафақат унга, балки бу шов-шувнинг орқасида турганларга жавобан шуни айтмоқчиман. Ахир, гап қандай базалар бўлиши ва умуман базалар бўладими йўқми, бу ҳақда бораёттани йўқ. Гап бу минтақада нималар рўй бериши мумкинлиги тўғрисида бормоқда. Бу масалага Марказий Осиёга Россия кўпроқ кириб борадими ёки Кўшма Штатларми, ёки бўлмаса Европа мамлакатларими, НАТОми, бу нуқтаи назардан қараш керак эмас. Бу уларни ҳарбий нуқтаи назардан қизиқтиради. Қайтараман, уларни бу нарса эмас, бу ерда яшаётган халқлар, барча миллат вакиллари ўзини қандай ҳис этиши қизиқтириши керак. Бизда юздан ортиқ миллат вакиллари, авваламбор, бир ярим миллионга яқин ўзини Россияга мансуб деб биладиган аҳоли яшайди.

Ўзингиз ўйланг: Сизлар эртага толиблар Термизга кириб келади, ҳамма қочиб кетяпти, деб сафсата сотган бир пайтда, мен Остонада, Қозогистонда эдим, жуда бўлмаса у ерда яшаётган русларга раҳмингиз келсин, деб айтган эдим.

Аслида бу одамларнинг уйқуси сиз йигирма тўрт соатлаб ҳамма каналларда Ўзбекистонда уруш бошланар экан, деб гапираётганингиз учун ўчган. Яқинда мен Тошкент

ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир ҳазратларини қабул қилдим. Биз самимий сұхбатлашдик. У Афғонистонда бомбардимонлар бошланган пайтда Москвада бұлганини ва мұхбирлар унга “Тошкентта қайтманг, у ерда уруш бошланди”, деганини айтib берди.

Агар шу нүктai назардан қарасақ, бу вазиятни кескинлаштиришга бұлған уринишдан бошқа нарса эмас. Эмишки, Марказий Осиё тақдиди ҳал этиб бұлниди. Буларнинг ҳаммаси, андиша билан айтганда, мутлақо ақлға сиғмайдиган иш. Чунки уларни одамлар, ҳатто рус миһлатига мансуб одамлар қандай яшаётгани ва бундай ахборот, сафсата, хавфли босим остида қандай яшаши қызиқтиirmайди. Уларни ўз манфаатлари күпроқ қызиқтиради. Ахир, бу мутлақо нотұғри-ку. Биз XXI асрда яшамоқдамиз. Чор Россияси армияси бу ерда худудларни босиб олган XIX асрда эмас. Бинобарин, илгари бұлған нарсаларнинг ҳеч бири глобаллашув асрига, ҳеч кимга ўзбошимчалик қилиш ва бир томонлама қарорлар қабул қилишга рухсат берилмайдиган XXI асрга тұғри келмайди.

Шу сабабли, агар қисқача айтсак, мени бошқа нарса ташвишга солмоқда. Улар вазиятни кескинлаштириш масалаларидә, бу ерда ким бұлиши ва қандай шақыда бұлиши масалаларидә қандай даражагача боришиади. Биздан, одамлардан, халқдан сұраш жуда мұхимдир. Агар истасалар, келишсін ва ақоли ўртасида сұров үтказышсін. Ақоли бунга қандай мұносабатда экан? Тошкентликлардан, Ўзбекистонда яшаётган бошқа одамлардан сұранг. Одамларнинг фикрини билиш жуда қызық. Ўлайманки, шундан кейин анча-мунча одамларнинг ҳовури пасайиб қолади.

Мен ҳүшёр, мушоқадали россиялық сиёсатчиларни тұлық құллаб-құвватлайман. Эшишимча, референдум мұносабати билан бугун Тошкентта Кожокин келибди. Мен уни, бизнинг қараашларимиз унча мос келмаса-да, мустақил фикрлайдиган одам сиғатида жуда ҳурмат қиласаман. У ва унга ўшаганлар айтишади: “Ўзимизга

савол бериб күрайлик, нима яхши — фанатизм, экстремизм босқиними ёки, қўпол айтганда, Марказий Осиёда толибларнинг бўлишими, аксинча, ҳимоя қилалигидан, шу жумладан Россияни ҳам фанатизм, жаҳолатпарастлик босқинидан ҳимоя қиласидиган базаларми?” Бунда бир фикрга келиш қийинми? Жуда бўлмаса, сизга нима фойдали эканлигини аниқлаб олинг. Ахир, бир вақтлар толиблар эрта-индин Ўзбекистонга, кейин Тоҷикистонга кириб келади, Қозон ва Уралгача етиб боради, дея вазият кескинлаштирилганда Россиядаги одамларнинг уйқуси қочган эди. Лекин энди, бу ерга Европа мамлакатларидан кимдир келса, нега ваҳима солиш керак? Аслида, Америкада ҳеч ким бу ерда узоқ муддатга қандайдир базалар қуришни режалаштираётганини айтган эмас. Мен Президент сифатида бундай гапларни эшитмадим. Улар аксилтеррор операцияси амалга оширилаётгани ва бу ерда бўлиб, бу операцияни охиригача етказишдан манфаатдор эканлигини гапирмоқда. Мен эшитган ва биз музокараплар чоғида муҳокама этаётган гапларнинг ҳаммаси мана шу. Мен на америкаликлар, на европаликлар билан ўртамиизда бундай масалалар йўқлигини очиқ-ойдин айтъяпман. Биз Германиянинг тинчликпарварлик котингентини ўтказиш учун Термиздан фойдаланишга рухсат бердик ва мен яқинда канцлер Шрёдер ва бошқа расмий кишилар билан сұхбатлашдим. Менимча, бу базалар тўғрисидаги миш-мишлар баъзи россиялик сиёsatчиларнинг қизиққон хаёлоти маҳсули. Айни пайтда мен кўриб турибман ва биламанки, Президент ва кўпгина зукко сиёsatчилар сиймосидаги Россия раҳбарияти шундай фикрлайди: “Бизга нима яхшироқ? Марказий Осиёда барқарорлик бўлиши ва турли миллатга мансуб одамлар бу ерда молиявий имкониятларга эга қудратли давлатларнинг вакиллари борлигини кўзда тутиб тинч яшashi, ҳарбийларнинг бўлиши эмасми? Ахир, ҳар қандай база катта харажат талаб қиласиди. Нима яхши? Балки бу билан улар бизни ҳам ҳимоя қиласидир?”

Агар шу нүқтаи назардан қарасак, бу сиёсатчилар, менинчә, тұғри фикрлашмоқда.

Истиқбол ҳақыда гапирадиган бұлсам, мен тафаккурға, шундай соғлом таҳлил, тенденцияларға, демократия мамлакатларымыз келажаги эканлигини, баъзилар бу чүққиларға тезроқ, баъзилар сал кейинроқ етишини, эркинлік, бозор муносабатлари, маърифий муносабатлар — ўз халқи учун яхшилик ва фаровонлікни истаган барча мамлакатларнинг мақсади эканлигини барча тушуниб етишига умид қыламан. Ҳамма гап шу.

Агар биз Россия билан муносабатларни айнан шу асосда құрсақ, әч қандай муаммо юзага келмайди. Яқында бу ерга Россия ташқи ишлар вазири Игорь Сергеевич Иванов келган эди. Биз у билан 3 соату 10 минут суҳбатлашдык. Таъқидлашни истардимки, агар ҳамма нарсага ақы билан қарасак, бизни ажратыб турадиган муаммолар бугун ҳам, әртага ҳам бұлмайди, деган холосага келдик. Қайтараман, оммавий ахборот воситаларини ташвишга солаётган нарса — қизиққон хаёлот маҳсулидир.

Агар шу нүқтаи назардан қаралса, мен фақат битта савол бераман. Сизлар үзингиз Россияда бир фикрга келасизларми? Сизларда Марказий Осиё билан муносабатларингизнинг аниқ дастури борми? Сиз бу минтақанинг барча мамлакатлари билан муносабатларингизни қандай қурмоқчисиз? Сиз нафақат биз билан, балки жанубдаги құшниларымыз билан ҳам қандай муносабатда бұлмоқчисиз? Сизнинг келажакда Эрон билан муносабатларингиз қандай бұлади? Бу ҳам мени қизиқтиради. Бу ерда жуда күп саволлар бор. Сизнинг Аффонистон билан муносабатларингиз қандай бұлади? Покистон ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни қандай қуласиз? Чунки биз истиқболларымызға очиқ күз билан қарашимиз зарур. Агар муносабатларингизнинг аниқ, тушунарлы дастури бұлса ва у бизга ҳам тушунарли, биз фойдалана оладиган тарзда бұлса, унда нимани талашамиз. Қандай муаммолар бор? Әч қандай муаммо

йүқ. Бугун XIX ёки XX аср тушунчалари билан фикрлаб бўлмайди.

Биз ҳамма масалада олға бормоқдамиз ва мен, аввало, Россия Президенти В.В. Путинга ишонаман. Менинча, у ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни албатта амалга оширади. Унинг келажак ҳақидаги фикрига мен тулиқ қўшиламан.

*Президент Ислом Каримовнинг
2002 йил 27 январь—умумхалқ референдуми
муносабати билан оммавий ахборот
воситалари ходимларига берган интервьюси*

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА ТАБРИК

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ сана — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ миллий авиакомпаниямиз ташкил этилгани бизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйган муҳим қадамларимиздан бири бўлган эди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараённада фуқаро авиациямиз ўзига хос алоҳида ўринга эга десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Сизларнинг ўтган 10 йил мобайнида эришган ютуқларингиз Ватанимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида биз танлаган стратегик йўл нечоғли тўғри бўлганини яқзол кўрсатиб турибди. Бу стратегик йўлнинг маъно-моҳияти сиз, мана шу соҳа ходимларига айниқса яхши маълум, деб ўйлайман.

Биз жаҳон бозорига чиқишида авиация улкан имкониятларга эга эканини инобатга олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик. Самолётлар паркини замонавий талаблар асосида янгилаш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш ишлари амалга оширилди.

Нисбатан қисқа муддат ичидаги ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бош-

қардиган юксак малакали учувчи ва техник кадрлар тай-ёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган мустаҳкам база яратилди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнаб турибди.

Жамоангизнинг энг ишончли ва барқарор ривожлаётган авиакомпания деган юксак номга сазовор бўлгани барчамизга фуур ва ифтихор баҳш этади, албатта.

Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишда қўлга киритган натижалари утун авиакомпаниянинг нуфузли халқаро авиаация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Энг муҳими, ўтган йилиар давомида авиация соҳасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда, унинг дунё миқёсиаги обру ётиборини янада оширишда ўзига хос омили бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида халқимиз эришаётган салмоқли ютуқларда Ўзбекистон флоти ходимларининг — учувчилар, штурманлар, муҳандислар ва диспетчерларнинг, сиз, кўпмиллатли жамоа аъзоларининг муносиб ҳиссангиз бор.

Ишончим комилки, сизларнинг юксак малакангиз, билим ва тажрибангиз, мардлик ва маҳоратингиз соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг салоҳиятини оширишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласи.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Сизларга ҳамиша юксак ва баҳгли парвозлар ёр бўлсин, азиз дўстларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИҚТИСОДИЁТНИ ӘРКИНЛАШТИРИЩ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ – БОШ ЙҰЛИМИЗ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Ҳар бир йилнинг бошида мана шундай анжуманга ийилиб, ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилиш, олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришганимизни танқидий баҳолаб, жорий йилда бутун эътибор ва кучимизни қартишимиз зарур булган энг муҳим вазифа ва йұналишларни ўзимиз учун аниқ-равshan белгилаб олиш анъанага айланиб қолди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг бугунги йиғилишидан кўзда тутилган асосий мақсад 2001 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш ҳамда 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича ҳал қилувчи йұналишларни аниқлаб олишдан иборат.

Сизларга маълумки, 2001 йил якунлари ҳар бир худуд, шаҳар ва туман, вазирликлар ва бирлашмалар миқёсларида таҳлил қилиниб, атрофлича кўриб чиқилди ва уларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берилди.

Бизнинг бугунги вазифамиз эса, иқтисодиётимизда, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, аввалимбор, рўй бераётган ислоҳотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларини чуқур таҳлил этиб, керакли хуносалар чиқаришдир.

Ўтган йилда эришилган натижаларга умумий баҳо берар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, 2001 йил иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислоҳотлар-

ни чукурлаштиришга қаратилған изчил тадбирларимизни жорий этишда мұхым босқич ва уларнинг мантикий давоми бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Хўш, 2001 йилнинг ўзига хос хусусиятларини нималарда, қандай кўрсаткичлар мисолида кўришимиз мумкин?

Биринчидан, кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди.

Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш эса — 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равища пасайди.

Айниқса, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўтган йил Узбекистон учун макроиктисодий вазият нуқтаи назаридан маълум маънода бурилиш йили бўлди.

Ўйтайманки, ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳволини белгилайдиган асосий кўрсаткич эканини барчангиз яхши биласиз. Биз, 2001 йил якунларига кўра, ана шу кўрсаткич, яъни, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича нафақат ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олдик, балки 103 фоиз ўсишга ҳам эришдик.

Бунинг натижасида 2001 йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

Агар биз 90-йиллар бошида кечирган ўта мураккаб қийинчиликларимизни кўз олдимизга келтирсак, бизга эски тузумдан бирёқлама ривожланган, асосан хом ашё беришга мослаштирилган ноchor иқтисодиёт мерос бўлиб Қолганини, иқтисодиётимизни янгича қуришга қаратилган ҳаракатларимизни, кейинги икки йилда рўй берган Қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини, 90-йилларнинг охирида бутун жаҳон иқтисодиётини танг ҳолга солиб

қўйган иқтисодий ва молиявий таназзулни холисона инобатга олсак, бу эришган натижаларимизнинг аҳамияти ва қўммати янада ортади.

Энг муҳими, давлатимиз миқёсида ҳам, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ҳам иқтисодиётнинг молиявий мутносиблиги мустаҳкамланди.

Давлат бюджетининг даромад қисми бўйича деярли барча кўрсаткичларнинг ошириб бажарилгани туфайли бюджет тўловларини ўз вақтида амалга ошириш имкони туғилди. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишини кучайтиришга, реал иқтисодиёт тармоқлари ривожини зарур сармоялар билан таъминлашга эришилди. Молиявий йилнинг бюджет камомадини ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан белгиланган 1,5 фоиз ўрнига бир фоиз даражасида якунлашга муваффақ бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, йилдан-йилга, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қискарди.

Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустаҳкамланди. Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айланиш суръатлари тезлашди. Натижада пул массасининг ўсиши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичининг 16,4 фоизгача қисаришига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мониторинг олиб борилаётган етакчи муассасаса ва корхоналарда муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларига деярли барҳам берилганини ҳам муҳим натижага сифатида баҳолаш мумкин.

Бизнинг асосий экспорт маҳсулотларимизга жаҳон бозорида нокулай нарх конъюнктураси вужудга келгани-

та қарамай, йил յақунларига күра, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий салдога эришилди, олтин-валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

Иккинчидан, бизнинг бозор ислоҳотлари йўлидан олға боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.

Бу ерда гап фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган янги институт — ташкилотларни шакллантириш хусусида эмас, балки, аввалимбор, бозор муносабати механизмларини ўзининг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Яъни, хўжалик юритищдаги эски, ўз умрини яшаб бўлган, зўравонлик, маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларга, рағбатлантириш усулларига асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

Бу институционал ўзгаришлар замирида, биринчи галда кейинги йиллarda молия ва банк тизимини, аудит ва суғурта соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, бозор инфратузизимасининг кенг тармоғини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуюи мужассам топган, десак, асло хато бўлмайди.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шаклланниб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Давлат бюджети ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, суғурга фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Учинчидан, 2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан, чет эл сармояларини кенг жалб этиш сиёсати ҳаётга фаол жорий қилинди.

Шу билан бир вақтда, республика иқтисодиётининг таркибий асосини ташкил этувчи етакчи соҳаларини

монополиядан чиқариш, уларни бошқариш тизимиға замонавий, зарур ўзгаришилар киритган ҳолда такомиллаштириш бўйича қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таркибий ўзгаришилар ҳақида гапирганда, аввало, ишлаб чиқаришнинг юраги бўлган энергетика қувватларини, нефть-газ мажмую корхоналарини, қўмир, металлургия, кимё, пахтани қайта ишлаш саноати, енгил саноат, ипакчилик, чарм-пойабзал, мебель ва бошқа етакчи саноат тармоқларини, лўнда қилиб айтганда, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда автомобилсозлик, дори-дармон ва микробиология саноати каби янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасида янги моделдаги “Матиз” автомобилини ишлаб чиқариш йўлга кўйилди, республикамизда тиббиёт соҳасида ишлатиладиган шиша идишлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Темир йўллар, автомобиль йўллари, транспорт коммуникацияларини модернизация қилиш, янгиларини қуриш ишлари жадал давом этмоқда, мавжуд вагонлар парки янгиланмоқда.

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиласидан Учқудук — Мискин йўналишида темир йўлининг қурилиб, ўтган йили бу ерда ишчи қатновларининг йўлга кўйилгани, Термиз, Учқудук, Тўрткўл, Элликқатъя шаҳарларида янги вокзалларнинг бинолари фойдаланишга топширилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, биз учун анъанавий бўлмаган янги маҳсулот турларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Биргина 2001 йилнинг ўзида биз бир қанча улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга муваффак

бұлдик. Полиэтилен ва суюлтирилған газ ишлаб чиқаралған, умумий қыймати 1 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлған Шуртан газ-кимё мажмуини барпо этиш, Қизилкүм фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган йили Тошкентда йўловчи ташувчи вагонларни таъмирлайдиган завод иш бошлади, Фарғонадаги хлорат натрий ва хлорат магний дефолиантини ишлаб чиқаралған “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида 2001 йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар қаторига тиббий шиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабель-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди. Четга сотилаётган тўқимачилик ва полиграфия маҳсулотларининг турлари янада кўпайди.

Ўтган давр мобайнида маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш борасида ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи ва Янгийўлдаги целлюоза-қофоз фабрикасида линтни қайта ишлаш ҳамда целлюоза ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

“Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода, суюқ хлор, тузли кислота каби маҳсулотларни тайёрлашга мўлжалланган қувватларни барпо этиш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Пайвандлаш электродлари ва тиббий гигиена восита-ларини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Базалытдан оли-надиган ўга ингичка тола, лак-бўёқ маҳсулотлари, ўтга чидамли фишт ва шу каби зарур маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бошланди.

Автомобилсозлик саноатида, қишлоқ хўжалик техники-каси ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маҳаллийлаш-

тириш дастурини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Маҳаллий минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда.

2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган “Кабул-Фарғона”, “Чиноз тўқимачи” каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди.

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди.

Пахта толаси ва ипак хом ашёларидан энг мукаммал технология асосида тайёрланган қалава, ин, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.

Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Жумладан, ўтган йили ана шу сармоялар улущи 62 фоиздан зиёд даражани ташкил этди.

Шуни айтишим зарурки, жорий 2002 йилда республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми ялни ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этади. Капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1 миллиард АҚШ долларига тўғри келади.

Ўтган йилнинг тўртинчи мухим хусусияти — бу кичик ва ўрга тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғлиқдир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-мөърий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллаши. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Тадбиркорлар учун солиқقا тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топшириш тизими содда-

лаштирилди ва бир хил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирлар кучайтирилгани натижасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони анча камайди.

Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқёслари кенгайтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 мартадан кўпроқ ошиди. Буларнинг 70 фойзга яқини ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилиарининг моддий-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар-хом ашё биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда.

Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ялни ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 24,5 фойзни ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фойздан кўпроги кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қўлмоқда.

Лекин, бу ерда ўтирган барча раҳбарларни огоҳлантириб айтмоқчиманки, бундан бошимиз айланиб, мағрурланиб кетмаслигимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун белни маҳкам бοғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Ўтган йилда ҳам қишлоқ хўжалик кооперативлари, яъни ширкатларни шакллантириш ишлари давом эттирилди.

Бундай хўжаликларнинг аъзолари мулк пайларига эга бўлдилар. Зарар кўриб ишлайдиган ва кам самарали хўжаликлар негизида фермер хўжаликлиари ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди.

2002 йилнинг 1 январигача жами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ҳозирги вақтда 1 миллион 400 минг киши ширкат аъзоси бўлди. Ўтган йили 52 та қишлоқ хўжалик корхонаси негизида танлов асосида 3 минг 400 фермер хўжалиги ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг сони эса 55 минг 400 тага етди.

Хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тубдан ўзгармоқда. Мулк шаклидан қатъи назар, барча қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш бўйича жiddий чоралар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлди. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш кўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

Олтингчидан, 2001 йили биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришдик.

Экспорт контрактларини расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди. Кичик ва ўрта бизнеснинг барча субъектлари рўйхатдан ўтган кунидан бошлаб бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳисобланади. Улар учун экспорт қилинадиган маҳсулотдан келадиган валюта

тушумининг 50 фоизини сотиш мажбурияти бекор қилинди.

2001 йилда валюта сиёсатида, уни янада эркинлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Валюта алмашув курсларини унификация қилиш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бугун ички валюта бозоридаги барча операциялар, хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда, эркин алмашув курси бўйича амалга оширилмоқда.

Ички валюта бозори анча мустаҳкамланиб, унда амалга ошириладиган барча операциялар ва механизмлар тизими сезиларли равишда ўзгарди. Банклараро валюта савдоси сессиялари тизими ташкил этилиб, республика валюта фонди тутатилди. Марказий банкнинг квоталаштириш ва лицензиялар бериш тартиби бекор қилинди. Шунингдек, республикага нақд валюта олиб киришда кўлланиладиган бир фоизли йигим олиш амалдаги қондадардан олиб ташланди.

Бугунги кунда барча валюта операциялари фақат ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда ва бу банклар биржадан ташқари валюта бозорида асосий бўғинга айланаб бормоқда.

Банклараро валюта савдо сессиялари ошкоралик ҳамда очиқлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳар куни ўтказиб келинмоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган. Бугунги кунда ваколатли банкларнинг 1 минг 21 та алмаштириш шохобчалари валюта алмаштириш операцияларини бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Яна шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтларда бизнинг халқаро молия ташкилотлари

билин муносабатларимиз сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни келгуси йилларда янада ривожлантириш мақсадида ўзаро келишилган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилиб, бу борада мустаҳкам пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Халқаро валюта фонди билан келишган ҳолда 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсати бўйича Меморандумининг ишлаб чиқилгани ва кучга киритилгани ушбу ҳамкорликнинг яқъол самарасидир.

Мазкур Меморандумнинг қўйигина қоидалари бугунги кундаётқ амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада жорий йил давомида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

Хурматли дўстлар!

Жорий йилдаги иқтисодий стратегиямизнинг асосий маъно-мазмунини белгилайдиган давлат бюджетининг муҳим макроиқтисодий курсаткичлари ва йўналишлари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кенг муҳокама этилгани ва маъқулланганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Биз бугун ўтган йил якунларидан келиб чиқиб, 2002 йил давомида асосий эътиборимизни қаратишимииз лозим бўлган энг муҳим вазифаларни яна бир бор аниқлаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2002 йилда биз, аввали, қандай устувор масалаларга эътиборимизни қаратишимииз даркор?

Биринчилар қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сиёсатини ўtkазиш биз учун foят муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ ҳўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан кув-масдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало, хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлаш лозим.

Айтиш керакки, бу борада ҳали ечилмаган талай муаммолар мавжуд. Шундай экан, бу ишга жалб этилган, молия соҳасини чуқур биладиган хорижлик маслаҳатчилар билан кенг ва фаол иш олиб бориш даркор.

Шу жумладан, бир неча йиллардан бўён сотолмаётган акциялар пакетларини ҳамда инвесторларнинг эътиборини ҳозиргача ўзига тортмаётган обьектлар бўйича аҳволни атрофлича ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар ва таклифларни тез кунларда кўриб чиқишимиз керак.

Ана шундай акциялар пакетлари ва бутун бошли обьектларни, инвестор ўз зиммасига аниқ инвестицион мажбуриятлар олган тақдирда, маълум муддатдан кейин сотиб олиш шарти билан уларнинг бошқарувига бериш тажрибасини янада кенгроқ кўллаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, мулк шаклини ўзгартириш масалаларига ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш даркор.

Пахта тозалаш, кимё ва мебель саноати, энергетика, темир йўл ва автомобиль транспорти, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик каби тармоқларни монополиядан чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни мантиқий ниҳоясига етказиш, рақобатни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш керак.

Жорий йилда солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фонdlар ролини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Биз бундан бўён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак.

Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён айниқса табий ва минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёқкан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чучитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим.

2002 йилга мўлжалланган иқтисодий стратегиямизнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳал қилувчи масаласи шундан иборатки, биз валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, унинг алмашув курсини унификация қилиш, жорий операциялар бўйича эркин конвертация қилиншини таъминлашимиз зарур. Табийки, бу ишларнинг барчасини, тўлов балансимизни мустаҳкамлаб, олтинвалюта захираларимизни сақлаган ҳолда амалга ошириш даркор.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш бўйича, божхона тўловларини амалга ошириш тартибларини янада енгиллаштириш ва уларни соддалаштириш бўйича, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳалқаро талабларга мувофиқлигини сертификациялаш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш зарур.

Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша бизнинг диққат марказимизда бўлиб келган ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолади, албатта.

Бу — бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.

Маълумки, бу борада ҳукумат томонидан бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Уларни бажариш билан боғлиқ вазифаларнинг катта қисми 2002 йилга тўғри келади. Бу, аввалимбор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кекса авлод вакилларига бўлган ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришга, ёши улуғ инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтоҷ қатламларини давлат ва жамият томонидан моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши зарур.

Бу дастурларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши пировард натижада аҳолимиз, айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишига эришмогимиз керак.

Мен ушбу дастурий тадбирларни бажариш барчамизнинг виждоний бурчимиз эканини, бу борадаги масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари зими масига юқлатилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Бу дастурларнинг қандай ижро этилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишлиланган мажлисида кўриб чиқиш керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, туғилаётган болалар ва аёллар соғлигини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидир. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси маҳсус қарор қабул қилингандан хабардорсиз.

Гап, бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган “соғлом

она — соғлом фарзанд” деган ҳәтий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оиласи шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом мұхит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажагини таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мұхтарам йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг 2002 йилга мүлжалланган мұхим устувор вазифаларини аниқлар эканмиз, биз Иккінчи чақириқ Олий Мажlisининг бириңчи сессияси қарорларида, “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида исплоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 2 июнда қабул қилинган Фармонда ҳамда Халқаро валюта фонди билан келишилган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда кўзда тутилган дастурий мақсадлардан келиб чиқамиз.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизнинг бириңчи кунларидан бошланган йўналишларни, яъни ҳәтимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш — янгиланиш борасидаги ҳаракатларимизни бош йўлими, деб қабул қилишимиз ва қатъият билан давом эттиришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажариш биздан барча куч ва имкониятларимизни, кенг маънода бутун салоҳиятимизни тўла сафарбар этишини талаб қилади.

Хеч шубҳасиз, бу эзгу мақсадларни амалга ошириш йулида, аввалимбор, барча-барча муаммолар қаторида мұхим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳәётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан мөддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, бириңчи галда, табиатнинг бебаҳо неъмати — халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ерлар-

дан, сугориш ва ичимлик сувидан, ёқилги-энергетика, минерал-хом ашё ва бошқа ресурслардан тұғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бұлған бепарво муносабатимизни күрган чет эллик ҳамкорларимизнинг “Сизлар дунёning энг бой мамлакатида яшар экансиз” деганига күп бор гувоҳ бұламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар масъулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини яхши билишади.

Айниқса, фақат ўзини, бугунги кунини эмас, келгуси авлодларини ҳам ўйладиган мамлакатлар бундай ҳолатга асло йўл қўймайди.

Мисол учун, энг бебаҳо бойлигимиз — ердан фойдаланишини олайлик. Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаги ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоизидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай дарражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб ўйтайман.

Сўнгги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасида ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни кўпол равища бузиш ҳолатлари аниқланди.

Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало, сугориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала майдонлари ҳар йили турли баҳонаю сабаблар билан экильмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равища ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан бундай ноинсофларча муносабат қандай нохуш оқибатларга олиб келишини англаш учун, ўйлайманки, мутахассис бўлиш шарт эмас. Бунинг устига, қанча-қанча ерларни шўр босаётганини, кўп майдонлар заҳ ерларга, ботқоққа айланиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Айниқса, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа вилоятларда ҳам ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кўплаб содир бўлмоқда.

Ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш фактлари Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўплаб учрайди. Тошкент вилоятида яқинда ўтказилган биргина текширув чогида ерни қонунсиз равища эгаллаб олиш билан боғлиқ 13 та ҳолат аниқлангани ҳам бу борада муаммолар етарли эканини кўрсатиб турибди.

Мана шундай нохуш, бемаза аҳволни тасдиқлайдиган баъзи бир мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

2001 йил якунларига кўра, республика бўйича 120 минг 500 гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 10 центнердан, 104 минг 500 гектар ерда эса 15 центнердан ошмади.

Бошқача айтганда, тахминан 250 минг гектар суфориладиган ерда пахтчилик соҳасида қилинган дехқончилик ҳеч қандай самара бермасдан, фақатгина зарар келтирмоқда. Шу жумладан, бундай ерларнинг тахминан 90 минг гектари Сирдарё вилояти, 53 минг гектари Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Агар ғаллачилик соҳасини ҳам қўшиб ҳисобласак, бундай ерларнинг ҳажми 320 минг гектардан ортади.

Ердан хўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида 41 минг 500 гектар майдондаги бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги 15 центнерни, 25 минг 400 гектар ерда эса атиги 10 центнерни ташкил этди.

Пахта ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг Гузалкент тумани хўжаликларида 13,2 центнер, Пайариқ туманида 10,2 центнер, Челак туманида 8,3 центнер, Жиззах

вилоятигининг Зомин туманида 8,6 центнер, Зарбдор туманида 11,9 центнер, Сурхондарё вилоятигининг Шеробод туманида эса бор-йуги 18,8 центнер даражасида бўлганига нима деб баҳо бериш мумкин?

Эътибор беринг, Самарқанд вилоятигининг Нарпай туманида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 26,5 центнерни ташкил этган бўлса, ер ва иқлим шароитлари, минерал ўғитлар ҳамда бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиш даражаси бир хил бўлган Каттакўргон туманида бу кўрсаткич бор-йуги 18,7 центнерни ташкил этди.

Ёки Наманган вилоятигининг Мингбулоқ тумани хўжаликлари ҳар гектар ер ҳисобига 16,1 центнер ҳосил олган бўлса, тупроқ ва иқлим хусусиятлари бир хил бўлган, сув ва бошқа моддий-техник ресурслар билан таъминланиши жиҳатидан ҳам бир хил шароитга эга бўлган Фарғона вилоятигининг Ёзёвон, Андижон вилоятигининг Улуғнор туманлари хўжаликлари тегишлича гектарига 28,7 ва 20,5 центнердан хирмон кўтариб, шартнома мажбуриятларини бажардилар.

2001 йили республика бўйича 41 минг 500 гектар экин майдонидан ер тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган тарзда фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Ер ресурслари бўйича Давлат қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида 2 минг гектар ерга қонунга хилоф равиша ерёнюқ, шоли, полиз ва бошқа экинлар экилгани маълум бўлди.

Сирдарё вилоятида 560 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва бошқа экинлар экилгани, статистик ҳисобот бузиб кўрсатилгани ҳамда 80 гектар майдон узлаштирилди, деб соҳта ҳужжатлар расмийлаштирилганини қандай баҳолаш керак?

Жиззах вилоятигининг Зарбдор туманидаги 18 та хўжаликда чигит экиш майдонларига салкам 3 минг гектар, жумладан, шу туманнинг “Нурафшон” хўжалигига 250 гектар, “Шарқ юлдузи” хўжалигига эса 580 гектар майдон статистик ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Арнасой туманиндағи бир қанча фермер хұжаликлари ҳам пахта әкишга мұлжалланған ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланғанлар. Жумладан, "Нұшкент" фермер хұжалиғи белгіланған 106 гектар үрниға 51 гектар, "Хасан" фермер хұжалиғи эса 45 гектар үрниға 24 гектар ерга пахта эккан. Құшиб ёзилған ерларға эса шахсий бойлық ортириш мақсадыда бошқа әқинлар экилған.

2001 йылдаги кескін сув тақчилігі шароитида Навоий вилоятида 60 гектар ерга, Наманган вилоятида 2 минг 300 гектар ерга, Самарқанд вилоятида 160 гектар ерга, Фарғона вилоятида эса 1 минг 900 гектар ерга ўзбошимчалик билан шоли экилған. Натижада 156 миңлон куб метр суғориши мұлжалланған сув белгіланған лимитдан ортиқча ишлатылған.

Айрим тұмандар ва хұжаликлар раҳбарлари томонидан ўзининг шахсий ғараздыш манфаатини құзлаб, суғориладыған ерларни талон-торож қилиш, қонунға хилюф рацинда сотиш ёки ижарага бериш каби құплаб ҳолатлар аниқланди.

Бундай фактлар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларыда, айниқса, күп учрайди.

Бошқа вилоятлардан ҳам шундай мисолларни күп-күп келтириш мүмкін.

Бизнинг яна бир бебақо бойлигимиз — сув эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Буни сұнгги икки-уч йил давомида мамлакатимиз бошига түшгән, қишлоқ хұжалигига, бутун иқтисодиётимизга жуда катта зарар келтирған курғоқчилик даврида айниқса яққол ҳис этдик.

Шунинг учун ҳам ерларни суғоришига яроқты сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориши ва ирригацияның замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини күчайтиришига, бу борада яхши натижаларға әришаётгандарни эса рағбатлантиришига қаратылған чора-тадбирларни белгилаш ниҳоятда зарур эканини ва бу масала орқага суріб бўлмайдиган муаммога айланиб бораётганини тушуниш мушкул эмас.

Айни пайтда сувдан хұжасизларча, айтиш лозимки, жинояткорона, назоратсиз фойдаланиш билан бөглиқ ҳар бир конкрет ҳолатта, сугоришига яроқты сувни коллектор-дренаж тармоқтарига оқизиб юбориш фактларига қатыйлық билан барҳам беришимиз лозим.

Энди, үзингиз айтинг, азиз биродарлар, ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўпілаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффициенти тушиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган каби бир қатор вилоятларда содир бўлётган бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини чуқур синчиклаб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш шарт, деб ҳисоблайман.

Алоҳида эътиборимизни талаб қиладиган яна бир масала борки, у ҳам бўлса ичимлик сувни тежаш масаласидир. Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун миңтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг айрим туманларида сифатли ичимлик сув таъминоти билан бөглиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Айни пайтда, қатор ҳудудлар сифатли ичимлик сувига катта эҳтиёж сезаётганига қарамай, сувни исроф қилиш ва ундан назоратсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўп.

Бу масала ўрганилганда, аҳоли томонидан сув сарфлашнинг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2-3 баробар ортиқ экани аён бўлди.

Корхоналарда, автомобиль ювиш шохобчаларида ичимлик сувдан техник мақсадларда фойдаланиш каби бемаъни одатларга ҳанузгача чек қўйилмаяпти. Бундан ташқари, айрим шаҳарлар ва туман марказларида сугориши шохобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангани туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан сугориши мақсадлари учун фойдаланмоқда.

Шу билан биргә, ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи мосламаларни — ўлчагичларни ўрнатиш ишлари мутлақо қониқарсиз ақвозда.

Бу мұхим ишга бўлған бундай лоқайд муносабатга асло тоқат қилиб бўлмайди. Бу масалани қисман ўрганиш шуни кўрсатдики, 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг бор-йуғи 4 фоизи ана шундай ўлчагичлар билан таъминланган. Афсуски, бошқа вилоятларда, хусусан, Тошкент шаҳрида ҳам ақвол бундан яхши эмас. “Тошвилоятсувоқова” трестига қарашли истеъмолчиларнинг атиги 3 фоизидагина ана шундай ўлчагичлар мавжуд, холос.

Энергетика ресурсларидан, биринчи галда табиий газдан фойдаланиш ақволини ҳам мен мутлақо қониқарсиз, деб ҳисоблайман.

Хозирга қадар табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўл кўйилмоқда. Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Шуни афсус билан айтиш керакки, истеъмолчиларнинг ўзи, энг аввало, саноат корхоналари ҳам газдан тежамкорлик билан фойдаланмаяптилар.

Газдан қонунсиз равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари кўплаб учраб турибди. Масалан, республика бўйича утказилган текширишлар натижасида жами 12 мингдан ортиқ теплицаларнинг қонунга хилоф равишда газ билан таъминланаётгани аниқланди. Бундай теплицаларнинг сони Самарқанд вилоятида 4250 та, Тошкентда 1500 та, Андикон вилоятида эса 1450 та эканлиги маълум бўлди.

Уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш иши ҳам қониқарсиз ақвозда. Текширишлар шуни кўрсатдики, Бухоро вилоятида уй-жой фондининг 6,4 фоизи, Наманганд вилоятида 5,6 фоизи ана шундай ускуналар билан таъминланган, холос. Бошқа жойларда ҳам ақвол шундай.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, айрим аҳоли қатламларининг табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баравар ортиқ. Савол туғила-ди — хонадонлар газдан турли миқдорда фойдаланганла-ри ҳолда, нега энди бунинг учун бир хил ҳақ тұланиши керак?

Электр энергиясини нега тежамаймиз? Бугун республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарининг электр энергиясини сарф қилиш даражаси илфор Farb мамлакатла-ридаги күрсәткічдан уч баравар ортиқ.

Катта ҳажмда электр энергияси истеъмол қиладиган кимё, тұқымачилик, машинасозлик саноатининг йирик корхоналари, курилиш материаллари саноати ва бошқа завод-фабрикаларда энергия қуввати меъеридан ортиқча сарф бұлаёттанини қандай изоҳлаш мүмкін?

Бунинг сабаби шундаки, ҳали-бери бундай нұқсон-ларга йүл қўйган бирорта раҳбар ўз чўнтағидан бирор сўм ҳам жарима тұлаганий үйқ. Ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилған. Истрофарчилик учун жазо берилмас экан, раҳ-бар ҳам, оддий ходимлар ҳам бу масалада бепарво бұла-веради.

Бу ҳолат нафақат ёқилғи-энергетика соҳасига, балки бошқа муҳим моддий ва табиий ресурслардан фойдала-нишда ҳам тежамкорлик ва белгиланған меъёрларга амал қилиш масаласига тегишшидир.

Маишӣ соҳада, шаҳар хўжалигига электр энергияси-дан оқилона фойдаланишга ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Айрим бюджет ташкилотлари ўлчагичларга эга булмагани сабабли фойдаланилған электр энергияси учун ўрнатилған қувват даражасида ҳақ тұламоқда.

Электр тармогига қонунсиз равишида уланиб олиб, энергиядан бепул фойдаланиш ҳоллари ҳам, афсуски, оз эмас. Бу ишни назорат қилувчи органларнинг фаолияти эса мутлақо талабға жавоб бермайди.

Муайян товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки хизмат күрсатиш соҳасида моддий ресурсларни тежаш тұғрисида гапирғанда, шуни эътиборга олиш керакки,

биз бунда фақат ресурсларни иқтисод қилишнигина на-
зарда тутаётганимиз йўқ.

Асосий масала шундаки, моддий ресурслардан хўжа-
сизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулотни
ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфи-
нинг ошишига, бу эса, ўз навбатида ана шу маҳсулот тан-
нархининг қимматлашувига олиб келади. Товарнинг нархи
ошиб кетади ва оқибатда у ракобатга бардош бера олмай-
ди. Шу тариқа, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб
чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз йўққа чиқади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, бу борада тартиб
урнатиш учун қаттиқ чораларни кўриш вақти келди.

Бундай муҳим масалалар юзасидан Бош вазирнинг
биринчи ўринбосари К.Тұлаганов раҳбарлигига Вазир-
лар Маҳкамасининг маҳсус комиссиясини тузиш керак.
Унинг таркибиға манфаатдор вазирликлар, идоралар,
ҳокимликлар, текширувчи ташкилотлар ҳамда прокура-
тура вакилларини киритиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур комиссия тегишли ресурс турлари бўйича аҳволи-
ни ўрганиб, 2010 йилгача бўлган даврда улардан оқилюна,
тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиши
ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши лозим.

Бу дастурда ресурсларни тежаш технологиясини, ай-
ниқса, мелиорация ва ирригация соҳасига кенг жорий
этиш, ёқилгининг бошқа муқобил турларидан фойдала-
нишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланиши, табиий
минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларидан хўжа-
сизларча фойдаланганлик учун жавобгарлик кўзда тути-
лиши даркор.

Юқорида зикр этилган вазифаларни ҳал этишининг
хуқуқий асосини яратиш учун Парламентга тегишли қонун
хужжатларини киритиш лозим бўлади.

Ресурсларни иқтисод қилиш муаммолари тўғрисида
гапирганда, молиявий ресурсларни тежаш, берилган кре-
дитларнинг ўз вақтида қайтарилиши масаласига ҳам ало-
ҳида эътибор қаратиш зарур. Кредитлардан асоссиз ке-
чиб юбориш ёки қарз тўловларини муддатида қайтармас-

лик каби номақбул тажрибага мутлақо барҳам бериш керак. Акс ҳолда, биз наинки корхоналарга молиявий ёрдам берамиз, балки, айни пайтда масъулиятсиз қарз олувчи-ларнинг уруғи кўпайишига ҳам сабабчи бўламиз.

Бу борада ривожланган мамлакатлардагидек қатъий тартиб ўрнатиш лозим. Агар кимдир қарз олмоқчи бўлса, марҳамат, ўз мулкни гаровга қўйиб олсин. Агар қарзини ўз вақтида қайтара олмаса, унинг мулки банкнинг, қарз берувчининг тасарруфига ўтади. У эса, ўз навбатида, бу мулкни сотувга қўйиши мумкин. Мана шундагина корхона раҳбарлари кредит, яни қарз олиш масаласига чукур ўйлаб, масъулият билан ёндашадиган бўлади.

Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги олинган қарзларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлайдиган қатъий чоралар ишлаб чиқиши ва уларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиши лозим. Прокуратура эса қарзларни ўз вақтида қайтармаган раҳбарларга нисбатан тегишли чоралар қўриши, керак бўлса, уларни ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш тартибини жорий қилиши даркор.

Мұхтарам дўстлар!

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга доир энг муҳим масалалар қаторида, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳам алоҳида тұхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, бу тармоқни ривожлантириш учун Ўзбекистонда пухта қонунчилик асослари яратилган. Асосий Қомусимиз — Конституциямизда шахсий мулкнинг дахлизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, биз босиб ўтган мустақил тараққиёт йилларида, ислоҳотлар даврида иқтисодиётнинг хусусий сектори — тармоғи ўзининг мустаҳкам қонуний ҳуқуқларига эга бўлди.

Қатор соҳаларда, айниқса, қишлоқ хўжалигига хусусий тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотлар улуши тобора ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда савдо ва хизмат курса-

тиш соҳаларида бу тармоқ етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жамиятда хусусий мулк ва мулкдорларга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгариб бормоқда.

Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истайдиган одамларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2001 йили 63 мингга яқин корхоналар хусусий тармоқ ва-киллари сифатида фаолият кўрсатди.

Шуни ҳам айтиш керакки, деҳқон ва фермер хўжаликлари бу ҳисобга кирмайди. Биргина ўтган йили хусусий тармоқда рўйхатга олинган корхоналар сони яна 1,5 мингга қўпайди. Уларнинг ярмидан кўпроғи хизмат курсатиш соҳасида, ҳар олтитадан биттаси эса саноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Лекин, шу билан бирга, эътироф этиш керакки, хусусий тармоқнинг бугунги миқёслари ва аҳволи бозор муносабатларини шакллантириш талабларига ҳали тўла жавоб бера олмаяпти.

Бизнинг мақсадимиз — бу тармоқ бозор иқтисодиётини барқарор ва мунтазам ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллаши керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Иқтисодиётимизга инвестиция жалб қилиш масаласини хорижий сармоядорлар билан муҳокама этаётганимизда уларнинг хусусий тармоқقا алоҳида қизиқиш билан қарашлари бежиз эмас, албатта.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги, жумладан, Халқаро Молия Корпорацияси, АҚШдаги ОПИК, Германиядаги ДЕГ каби молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишига тайёр экани шундан далолат беради.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бунинг сабаби жуда оддий.

Хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар гузумдан хусусий мулкчилик принциплари амал қиласидиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми булиб, ута муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, мустаҳкам асос яратади. Шундагина жамият ҳётида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишининг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгила тамойиллари амал қила бошлади.

Хусусий тармоқни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида гапирганда, биз, энг аввало, кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда туваётганимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Тараққий топған мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ одатда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 65-70 фоизи эса айнан мана шу соҳада фаолият кўрсатади.

Мана энди, шу асосда тегишли хulosаларни чиқарайлик. Ўзбекистонда хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотимизда фақатгина 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда эса атиги 30 фоизни ташкил қиласди.

Агар биз аҳолимизнинг асосий қисми йирик корхоналар куриш имконияти бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланган қишлоқ жойларда ва кичик шахарларда истиқомат қилишини инобатта оладиган бўлсак, ўз-ўзидан хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рафбатлантириш юртимизда нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Агар биз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, барча замонларда ҳам ҳалқимизнинг дунёқарashi, ўзига хос тафаккур ва турмуш тарзида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга интилиш доим жуда кучли бўлганини кўрамиз.

Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандлик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш,

кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган.

Аҳодининг муайян қисми шу касб-хунарлар билан банд булиб, уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиқсан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим.

Албатта, бу борада кўнгина ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, менинг фикримча, бу соҳага танқидий кўз билан қараб, унга қўшимча ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа имтиёзлар бериш масаласини яна бир бор кўриб чиқиш мақсаддага мувофиқдир. Бу соҳада ишлаётган одамлар меҳнатини рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишининг янги-янги имкониятларини қидириб топишимиз даркор. Шу мақсадда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддат ичida мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиришга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар киритиши лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Мен алоҳида диққат-эътибор талаб этадиган яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу — фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш масаласидир.

Кейинги йиллар тажрибаси фермер ҳужаликларини ташкил этишининг афзалликларини яққол кўрсатмоқда. Фермер ҳужаликлари мулкка эгалик ҳиссиётини англаб, ерга нисбатан тежамкорлик билан оқилона муносабатда бўлган ҳолда, кам сарф-харажат эвазига пахта ва ғалладан юқори ҳосил олаётгани, чорвачиликда маҳсулдорликни оширишга эришаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, фермерлар орасида ҳам ҳар хил номуносиб одамлар учраб туришини ҳисобга олишимиз даркор. Лекин, ўйлайманки, бу соҳа ривожланиши билан бундай мисолларнинг тобора камайиб бориши муқаррар.

Зарар күриб ишләётган ва кам самарали қишлоқ хұжалик корхоналарини фермер хұжаликлариға айлантириш натижаларининг таҳлили шуни күрсатмоқдаки, бундай хұжаликлarda мәҳнатни ташкил этиш тобора яхшиланиб, молиявий барқарорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги кунда етиштирилаётган бошоқи дон экинлари умумий ҳажмининг 18,5 фоизи ва пахта хом ашёсининг қарийб 22 фоизи фермер хұжаликлари ҳиссасига түғри келмоқда.

Шу сабабли биз ширкатлар ташкил этиш имконияти бўлмаган ва мақсадга мувофиқ келмайдиган жойларда фермер хұжаликларини тузиш ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бу йил Сирдарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларининг Меҳнатобод, Мирзаобод ва Ёзёвон туманларидаги қишлоқ хұжалик корхоналарини фермер хұжаликлариға айлантириш юзасидан берган таклифлари қабул қилинди.

Бунга қадар худди шундай масала Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикаси бўйича ҳам ҳал этилган эди. Барчамиз шу ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз зарурки, фермерлик, бу — фақат қишлоқ хұжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қиласидиган кучли омилгина эмас. Фермерлик, аввало, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланишининг замонавий усули бўлиб, қишлоқ хұжалигига ишлаб чиқариш ва мәҳнатни ташкил этишнинг янгича амалий шаклидир.

Фермерлар манбаатларини ҳимоя қиласидиган кучли механизmlарни ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд барча гов-тўсиқларга барҳам бериш, ушбу соҳани доимо қўллаб-куватлаш лозим. Бунинг учун иқтисодий механизм ва рағбатлантирувчи омиллар билан бир қаторда қонун кутидан, суд ҳокимиятининг нуфузи ва қурдатидан ҳам самарали фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайман.

Фермерлар фаолиятига туман ҳокимлиги, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат органлари ва тузилмалари томонидан қонунсиз аралашиш, такрорлаб айтаман, қонунсиз аралашишдек номаъқул ишларга бутунлай, узил-кеслил чек қўйиш вақти келди.

Фермерларга механизация хизматлари бүйича күрсатилаётган ёрдамни көнгайтириш, уларни минерал ўғит, сифатлы уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур.

Бу ўринда фермерлар ва улар билан шартнома имзолаган субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини тўғри асосда ташкил этиш ўта муҳимдир. Бунда маҳсулотларнинг ўз вақтида реализация қилиниши ва улар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилиш, айниқса, катта аҳамият касб этади.

Фермерларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини көнгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш, бунинг учун керакли манбаларни излаб тошиш зарур. Фермер ва деҳқон хўжаликларини микрокредитлар билан таъминлаш борасида Тошкент вилояти тажрибасини кенг оммалаштириш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Микрокредитларнинг қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари, янги даромад манбалари эканлигини ҳаммамиз аниқ-равшан тушуниб олишимиз керак.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда амалдаги қонунчиликни, фермер хўжаликларининг фаолият юритиши шароитларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қишлоқда фермерликни янада ривожлантиришга қаратилган хукуқий ва иқтисодий қуай имкониятлар яратиш юзасидан таклифлар киритсин.

Хурматли дўстлар!

Бизнинг доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни талаб қилувчи масалалардан яна бири — иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласидир.

Албатта, бу масалалар бизнинг доимий диққат марказимизда туради. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу борада тегишли шарт-шароитлар яратилган. Биз бу ишларни хорижий ҳамкорлар билан давом эттиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз.

Аммо мен бу масалада сусткашлик қылтаётган, чет эллик ҳамкорлар билан етарли даражада иш олиб бормаётган корхона, соҳа, ҳудудий бошқарув органлари раҳбарларини асло тушуна олмайман.

Халигача республиканинг 31 та туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган. Савол туғилади — нима, бу туманларда инвесторларга тавсия этишга арзийдиган ҳеч нарса йўқми? Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Биз жуда бой ресурсларга эгамиз. Лекин, гап бошқа нарсада. Бизда ташаббуссиз ва масъудиятсиз раҳбарлар ҳамон кўплаб топилади.

Хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш ишларни суст олиб борилмоқда. 2001 йили иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан фақат 13,4 фоизигина бевосита амалга оширилди.

Бу борада ҳали-ҳануз кўничилик ҳукумат кафолатига эга бўлишга интилади. Э, барака топкур, ҳукуматимиз кафиликни ўзига олиб, ҳамма масалани ўзи ҳал қилиб берадиган бўлса, янги қўшма корхона ташкил этиш учун катта ақл керак эмас-ку. Буни тушуниш, наҳотки, шунчалик қийин бўлса?

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича, жойлардаги мавжуд хом ашё ҳисобига ишлайдиган қўшма корхоналар очиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини таъминламаётган раҳбарлар олдига қатъий талаблар қўйишимиз керак. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишлиланган йиғилишида мазкур дастурлар ижросини муҳокама қилиши ва уларни бажармаётган мутасадди шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриши зарур.

Ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича идо-

ралараро ишчи гуруҳи (Азимов) қўшма корхоналарнинг вакиллари билан биргаликда бу масалани чуқур ўрганиб чиқсин ҳамда хорижий инвестицияларни жағб қилишни рағбатлантириш ва қўшма корхоналарнинг фаолият са- марадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантиришнинг аҳамияти түғрисида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бу соҳада анчагина ишлар қилинаётган бўлса-да, очини айтиш керакки, улар ҳали етарли эмас. Умуман олганда, бу ишлар иқтисодиётимизнинг, айниқса, тадбиркорликнинг ривожланиш миқёсларига ҳам, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка катта аҳамият бериләётган буғунги шароит таълабларига ҳам ҳали-бери жавоб бера олмаяпти.

Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун таълаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш — ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг қалити ҳисобла-нади.

Аммо бу биринчи навбатда биз учун ўта долзарб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ечиш имконини беради. Агар масалага чуқурроқ ёндашсак, ишсизларнинг кўпчилиги, аксарият ҳолларда, тегишли қасбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар эканлиги маълум бўлади.

Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишига қаратмоқчиман. Хабарингиз бор, кейинги йилларда академик лицей ва қасб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, таълим бўйича миллий стандартлар ва ўқув дастурларини яратишга, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Шунга қарамасдан, мазкур дастурнинг барча бандлари ҳам тўла бажарилаяпти, деб бўлмайди. 2001 йилда кўнги-

на вилоятларда академик лицей ва касб-хунар колледжларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасида оқсокликка йўл қўйилди.

Бундай объектларни ишга тушириш айниқса Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қониқарсиз аҳволда. Янги турдаги билим даргоҳларини замонавий ўқув куроллари ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, янги дарсликлар билан таъминлаш жараёни сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Кўпгина ўқитувчиларнинг малакаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди, колледжлар ва лицейлар учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Ёшларни касбий йўналтиришнинг самарали тизими ҳозиргача шакллантирилмаган. Уларнинг касб танлаш жараёни қўшинча тасодифий тарзда ёки ота-оналарнинг қарашлари ва ўсмирларнинг содда тушунчалари асосида кечмоқда. Аксарият ҳолларда ёшларимиз фақат ҳозирги кунда жозибали бўлиб туюлаётган мутахассисликларга интилоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бугун ўқув юртларида қайси ихтисосликларга энг юқори танлов бўлаётганига назар ташлаш кифоя. Одатда булар ҳуқуқшунослар, иқтисодчијар, халқаро муносабатлар ва тиббиёт соҳаси вакиллари бўлиб чиқади.

Биз кадрларни мажбурий равишда ишга тақсимлаш тажрибасидан воз кечдик, истак ва қизиқишига қараб касб танлашлари учун ёш мутахассисларнинг ўзларига имкон бердик. Лекин, бу — кадрларни ишга жойлаш жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас.

Давлат ўзининг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, ундан юксак даражада самарали фойдаланиш учун, ўқув юртларини битириб чиқаётгани ёшларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун масъул бўлиб қолиши керак.

Бунинг учун Макроиқтисодиёт ва статистика, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ва албатта, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги жавоб

беради. Айнан мана шу вазирликларга бу масала бўйича тегишли дастур тайёрлаш ва тасдиқлаш учун ҳукуматга киритиш вазифаси юклатилади.

Қадрли дўстилар!

Бугун мен иқтисодиётимизни ислоҳ этиш ва уни янада эркинлаштиришнинг энг муҳим ва ҳал қылувчи йўналишлари, бу борадаги муаммолар хусусида тўхталиб ўтдим.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун 2002 йилда ҳам бутун куч-ғайратимиз ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Чунки уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, бу йўлда олға қадам қўйишимизга, ҳалқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратишмизга имкон беради.

Шунинг учун ҳам ҳар бир киши ўзига тоширилган соҳада, бошқарув ва хўжалик юритининг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғини эса, белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ўрнини аниқ ва равшан белгилаб олиши, аниқ дастурга эга бўлиши ва унинг бажарилишини таъминлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, биз сизлар билан бир ёқадан бош чиқариб, олдимиизда турган муаммоларнинг ечимини тоша оламиз.

2002 йил жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишда, ҳалқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқенини янада мустаҳкамлаш ва обру-эътиборини юксалтиришда муҳим босқич бўлиб қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2001 йилда республикани ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг
боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга
багишланган Вазирлар Маҳкамаси йигитшишида сўзланган нутқ.
2002 йил 14 февраль

РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЁНДИРИБ ЯШАШИ КЕРАК

Ассаюму алайкум, ҳурматли депутатлар!
Қадрли сурхондарёлик дўстлар!

Ватанимиз тарихи ва маданиятида азалдан мухим ўрин эгалиб қелган табаррук макон бўлмиш Сурхондарё заминида бугун сиз — вилюят депутатлари ва фаоллари билан кўришиб турганимдан мамнун эканимни изҳор этиб, сизларга ва сиз орқали бутун Сурхон аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиromoқчиман.

Азиз юртдошлар!

Биз сизлар билан мана шу тупроқда, қадимий Термиз шаҳрида кўп маротаба учрашганимиз. Ўйлайманки, бу қутлуғ диёрга қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасининг бепоён кенгликларини, дашту далаларини кўрганда қалбида қандайдир меҳр, енгиллик ва эркинлик туйгуларини ҳис этгандек бўлади.

Мен Сурхон воҳасига турли вазифаларда ишлаганимда — Молияда, Госпланда хизмат қўслган пайтларимда ҳам, Қашқадарёда ишлаган йилларимда ҳам кўп-кўп қелганман ва бу диёрнинг меҳмондустлиги ва бағрикенглигидан баҳраманд бўлганман.

Юртимизнинг бошига турли синовлар, қийинчиликлар, оғир савдолар тушганида, айниқса, жанубий сарҳадларимизда мураккаб вазият вужудга қелган кунларда ҳам Сурхондарё заминида бўлиб, сизлар билан учрашиб, биргалиқда шу тупроқни ҳимоя қилиш, асрараш учун тегишли чора-тадбирлар кўрганимизни ҳеч қачон унутмайман.

Бир сўз билан айтганда, мен бу воҳани Амударё қирғозидан тортиб Бойсун тоғларигача, Термиздан Деновга-

ча, Ҳисор тизмаларидан Боботоғ этакларигача кезиб чиққанман, десам, муболага бўлмайди.

Шу элнинг тузини ичган, кўпни кўрган, гурури ба-ланд, ўз юртини жондан азиз биладиган одамлар билан танишиб, кўп бора сұхбатлашганман. Сурхон аҳзи билан бўлган бундай гурунгларда улардан турли ҳаётий ҳикматларни эшитиб, холосалар чиқарганман.

Яна бир гапни очиқ айтадиган бўлсам, ҳар сафар сизлар билан, бошқа юртдошларимиз билан учрашганда, бафуржа, дилдан, самимий сұхбатлашгим келади. Афсуски, менинг зиммамга юкланган кўп-кўп вазифалар ва ажратилиган вақт тақчиллиги бунга доим ҳам имкон беравермайди.

Лекин мана шундай учрашувлар учун вақт топиш ва сиз, азизларнинг кайфиятларингиздан хабардор бўлиб, очиқча фикр алмашиш, оқни-оқ, қорани-қора, ютуқни-ютуқ, камчиликни-камчилик, деб баҳолаш мен учун ниҳоятда муҳим ва зарурдир.

Сурхондарёдаги бугунги аҳволни таҳлил қўлар эканмиз, аввало, вилоятда амалга оширилаётган анча-мунча ижобий ишлар, одамларнинг қаддини, кайфиятини кутарадиган, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган янгиланиш жараёнлари, ён-атрофдаги воқеаларга даҳлдорлик туйғусини уйғотадиган ўзгаришларни қайд этишимиз мумкин.

Буни ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари олдинги йилга нисбатан 8 фоиз ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Саноат, ҳалқ истеъмоли моллари, қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари, иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми ортиб бормоқда.

Вилоят маркази бўлмиш қадимий Термиз шаҳрини замонавий талаблар асосида қайта қуриш борасида эъти-борга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан ҳукумат қарори асосида кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Биржা марқази, темир йўл вокзалининг янги биноси, археология музейи, қатор спорт мажмуалари, янги-янги фавворолар, боғ ва хиёбонлар, улкан иншоотлар, тубдан қайта таъмирланган Ҳаким Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирқиз мақбаралари каби тарихий обидалар шаҳар қиёфасини мутлақо ўзгартириб юборди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам вилоятда муайян ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 2001 йилда қарийб 320 минг тонна ғалла тайёрланиб, шундан 232 минг тоннаси давлаттга сотилиди.

Бу аввалги йилдагидан 53 минг тонна кўп демакдир. Бу борадаги шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. 12 минг тонна буғдой оиласвий пудратчиларга тарқатиб берилди. Буларнинг ҳаммаси барчамизни қувонтиради, албатта.

Лекин, шу билан бирга, бу ерда ҳали-бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл кўйилаётган оқсоқликлар, оёғимизга кишан, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишмиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак.

Жумладан, бу нуқсонлар ҳақида куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағищлаб ўтказилган йиғилишида ошкора айтилди. Ва шу йиғилишни телевидение орқали кузатган ҳалқимиз, ўйлайманки, тегишли хуласаларни чиқарди.

Вилоятдаги бугунги вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, аввало, Сурхон воҳасининг, шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳали ишга солинмаган салоҳияти, имкониятлари бениҳоя кўплигини айтиш даркор.

Биз вилоятдаги ҳали-ҳануз ишлатилмаётган ички имкониятлар деганда нималарни назарда тутамиз? Келинглар, шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик.

Холисона айтганда, Сурхондарё еридек унумдор ер камдан-кам тонилади. Бу ерда нима ўсмайди ўзи? Таъ-

бир жоиз бұлса, бу саҳоватли түпроққа чұпон таёғиниң қадаб құйса ҳам күкаріб кетади.

Воҳанинг даға ва әқинзорларидан ингичка толали пахтадан тортиб, шакарқамишгача, хурмодан тортиб апельсингача, эртаги қарамдан тортиб шолигача, мазаси билан барчани ҳайратда қолдирадыған сабзи ва полиз маҳсулоттаригача — ҳаммасини етишириш мүмкін.

Сурхондарёning түпроқ шароити яхшилигини унинг балы бонитети мамлакат бўйича энг юқори эканидан ҳам билса бўлади.

Кучли шўрланган ерлар ҳам, мамлакат миқёсида олиб қараганда, ушбу вилоятда энг кам бўлиб, суғориладиган майдонъарнинг атиги I фоизини ташкил этади.

Қўриниб турибдики, бу ерда дәхқончилик учун, мўлҳосил олиш учун қулай шарт-шароит мавжуд. Лекин, шунга қарамасдан, давлатга нахта сотиш бўйича белгиланган режалар охирги йилларда сурункасига бажарилмай келмоқда.

Холбуки, бу ерда дәхқончиликнинг чинакам усталашиб бўлган миришкор инсонлар кўплаб топилади. Денов туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев бошқараётган Собир Раҳимов номли хўжаликда пахтадан гектарига режадаги 33,9 центнер ўрнига қарийб 50 центнер, бошоқли дон бўйича эса 61 центнердан ортиқ ҳосил етиширилгани бу фикрнинг яққолдаили эмасми?

Ёки вилоятнинг сув билан таъминланиш масаласини олиб қўрайтиқ. Бошқа вилоятларга, айтайлик, Хоразм ёки Қорақалпоғистон билан солиширганда, Сурхондарё бу борада ҳам қулай имкониятга эга экани, яъни сув бўшида жойлашгани барчамизга маълум.

Ёки бўлмаса, вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини олайлик.

Кўкламнинг жуда эрта бошланиши, ёзда ҳарорат юқори бўлиши, илиқ-иссиқ қунларнинг нисбатан узоқ давом этишини инобатга оладиган бўлсак, бу түпроқда йилига бемаюл уч марта ҳосил етишириш ҳам мүмкін.

Энди ҳар қандай миңтақа ёки ҳудуд салоҳиятининг ишсосини ташкил этадиган ер ости, ер усти бойликлари ҳақида тұхталсак, шуни айтиш керакки, Оллоқ таоло бу борада ҳам Сурхон воҳасидан ўз марҳамати, ўз саховатини аямаган.

Шерободдаги гранит, калий тузи, оқак ва цемент хом ашёси, Сариосиё ва Бойсун тоғларидаги мармара ва кўмир захираларининг мавжудлиги ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Ёинки, қўроғшин, рух, мис, кумуш, олтин каби ноёб металларга бой бўлган Хонжиза ҳудудидаги конларни олайлик.

Лекин бу табиий ресурслардан етарли даражада фойдаланилашти, дейиш мумкинми? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб берни бўлмайди.

Оддий бир мисол: бугунги кунда қурилиш хомашёларига бой бўлган 36 та коннинг атиги 16 таси ишлатилмоқда. Вилоят ҳудудида аниқланган иккита цемент хомашёси кони ҳамда биноларни безатиш ва ганчкорлик ишларида қўлланиладиган учта тош кони ҳанузгача ўзлаштирилмаган.

Сизларга яхши маълумки, Сурхондарёда истиқболли нефть ва газ конлари ҳам етарли.

Сурхон замини шундай саховатлики, бу ерда ҳозирги вақтда жуда танқис бўлиб қолган йод ва бром қазиб олиш имкониятлари ҳам бор.

Мана шу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, вилоятда ҳали фойдаланилмай ётган имкониятлар жуда кўп. Албатта, уларни тўла ишга солиш учун, авваламбор — буни биз яхши тушунамиз — ҳукуматимиз томонидан тегишли чора ва тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Лекин маҳаллий раҳбарларнинг ўзи ҳам бу борада ташаббус кўрсатиши керакми-йўқми? Ахир, ҳалқимизнинг “Бола йигламаса, она сут бермайди”, деган мақоли бежиз айтилмаган-ку!

Сурхондарёнинг бекиёс имкониятларидан яна бири шундан иборатки, бу ерда транспорт коммуникацияла-

ри — темир йул, автомобиль йуллари, газ, сув, энергетика ва алоқа тармоқлари, ҳатто дарё портигача бор. Энг асосийси, бу ерда инсон ресурслари, илмий салоҳият ҳам етарли.

Мухтасар қилиб айтганда, қайси соҳани олманг, бу вилоятнинг имкониятлари ҳеч кимдан, ҳеч қайси ҳудуддан кам эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Лекин, яна ва яна бир бор шуни таъкидлаш лозимки, бундай бойликлар ҳозирги кунда эл-юрт манфаати ва келажаги учун етарли даражада ишлатилмаяпти.

Рұхсатингиз билан яна бир карра қишлоқ ҳұжалик соҳасига қайтайлик. Шуни катта таажжуб билан қайд этишимиз керакки, вилоятнинг асосий бойлиги бұлмиш ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлар түгри ташкил этилмаган. Агротехника табдирлари талабға жавоб бермайды. Дәхқончилик маданиятини юксалтиришга етарлича эътибор қаратылмаяпти.

Қишлоқ ҳұжалигиде ислоҳотларни амалға ошириш, мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги ишлар ҳам оқсоқ бўлиб қолмоқда. Баъзи ҳұжаликлар номигагина ширкатларга айлантирилган, айрим ширкат ҳұжаликларининг нафақат аъзолари, балки раислари ҳам ширкат ва мулкий пайнинг моҳияти нимадан иборатлигини яхши тушумрайди.

Вилоядта пилла етиштиришни күпайтиришга зарур даражада аҳамият берилмаяпти. 2001 йилда Ангор, Шеробод, Шўрчи туманларида бу мұхым хомашёни етиштириш олдинги йилга нисбатан 12 фоизгача пасайиб кетган.

2002 йил 1 январь ҳолатига күра, вилоядта бое ва узумзорларнинг 80 фоизини, Қизириқ, Узун туманларида эса 30-50 фоизини ижарага бериш түгрисида шартномалар тузилган, холос. Ижарага берилган бое ва токзорларнинг ҳақини ундириш ҳам қониқарсиз аҳволда.

Хукуматимиз томонидан фермер ҳұжаликларига катта эътибор берилаётганидан яхши хабардорсиз. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафтада бўлган мажлисида ҳам бу ҳақда қаттиқ гап бўлди. Афсуски, вилоядта бундай ҳұжа-

дикларни ривожлантириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмоқда.

Масъулиятсизлик, бепарволик оқибатида фермерлар билан тузилган шартномалар бажарилмасдан қолмоқда. Ажратилган ерлардан фойдаланишида кўпол равишда сунистемол қилиш ҳолатлари, ноқонуний ҳаракатлар ва мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Ёки бўлмаса, Сурхондарёда катта имкониятларга эга бўлган чорвачилик соҳасини олиб кўрайлик.

Афсуски, бу соҳада ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорва моллари бош сонининг камайиши кузатилмоқда. Бу кўрсаткич 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 10-15 фоизгача камайиб кетган.

Курилиш соҳасини олайлик.

Курилиш корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу соҳада ислоҳотларни амалга оширишга жиддий эътибор берилмаётгани туфайли кичик ва хусусий курилиш ташкилотларининг 15 фоизи фаолият кўрсатмаянти. Курилиш-монтаж ишларida уларнинг улуши атиги 2 фоиздан иборат эканини ҳеч тушуниб бўлмайди.

Соҳада тендерларни фақат расмиятчилик учун, хўжакурсинга ўтказиш ҳолиарига, афсуски, ҳали-бери барҳам берилмаянти.

Кўпгина қурилиш обьектларида ўтказилган тендерларда фақатгина биттадан қурилиш ташкилоти қатнашаётган бўлса, бунинг нимаси тендер, нимаси танлов бўлди?

Курилиши тугалланмаган обьектлар ҳажми 2001 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравар ошган, қурилиш ташкилотларининг ярмида рентабеллик даражаси атиги 1-4 фоиз экани, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 35-40 фоизга кўпайгани айниқса ташвишидир.

Ислоҳотларни олиб боришда муҳим, ҳал қилувчи йўналиш бўлмиш тадбиркорликка йўл очиб бериш масаласида вилоятда муаммолар талайгина. Бугунги кунда Ангор, Бандикон, Узун ва Шеробод туманларида ҳанузгача бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили янги корхоналарни очиш 25 фоизга камайгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхонаси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тұхтатган. Ишлаётган корхоналарнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига ихтисослашган бўлиб, уларнинг улуши саноатда 8 фоизни, қурилишда эса атиги 4 фоизни ташкил этиши ҳам бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Вилоятда коммунал хўжалиги соҳасида ҳам ислоҳотлар суст олиб борилганды. Ўтган йилда режалаштирилган тураржойларнинг 40 фоизи таъмирланмаган.

Тураржой фондини газ ва сув ўлчаш мосламалари билан таъминлаш ишларида ҳам силжиш бўлмаянти.

Кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ва шахсий уй-жойларнинг 3 фоизигина газ, 1 фоизигина сув ўлчаш мосламалари билан таъминланган.

Аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун тајабларнiga жавоб бермайди. Хонадонларни газлаштириш даражаси вилоят бўйича 58 фоизни, қишлоқ жойларида эса 51 фоизни ташкил этади. Бу эса мамлакат миқёсидағи энг наст кўрсаткичdir.

Ўтган йил давомида газ ва сув тармоқларини ишга тушириш суръатлари янаца насайиб, Бандихон, Қизирик, Кумкўргон, Шеробод туманларида 2-3 бараварга камайганини қандай баҳолаш керак?

Вилоятда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта ҳам муқобил корхона ташкил этилмаган.

Бу мисолларни келтириш, бу гапларга ургу беришдан мақсад шуки, айрим раҳбарлар ислоҳотларнинг, ҳар бир ишимизнинг моҳияти одамларнинг оғирини енгил қилишдан иборат бўлиши лозимлигини унтиб қўймоқда. Бундай нохуш ҳолатга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Хурматли депутатлар!

Кадрлар тайёрлаш мильтий дастури мамлакатимизда жадал суръатлар билан жорий этилмоқда. Бу дастурнинг илк ва умидбахш натижаларини бугун барчамиз кўриб турибмиз. Лекин, таассуфки, вилоятда бу соҳада ҳам тайгина камчиликлар учрамоқда.

Шуниси ачинарлики, мавжуд мактабларнинг 63 фоизи газлаштирилмаган, 243 таси таъмирга муҳтоҷ. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 73 фоизи компьютерлар билан таъминланмаган. Мактабларда техник асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар, кўргазмали ўкув қуроллари етишмайди.

Келажак — ёшлар қўлида, деб катта-катта минбарлардан кўп ганирамиз. Наҳотки, ёшлар тарбиясига бўлган бундай бенарволик воҳанинг истиқболига қандай катта зарар келтиришини бу ердаги раҳбарлар пайқамаётган бўлса?

Вилоятда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Умумтаълим мактабларининг учдан икки қисми ўзининг спорт заилариға, биронгаси ҳам сузиш ҳавзаларига эга эмас.

Ўқувчиларнинг бор-йўғи 17 фоизигина дарсдан ташқари пайтда спорт билан шуғулланса, ўзингиз айтинг, бундай аҳволни қониқарли деб бўладими?

Аҳоли соғлигини сақиаш борасида олиб борилаётган ишлар одамларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда. Бир неча бор танқид қилинганига қарамасдан, шошилинч тиббий ёрдам бўлимларининг зарур дори-дармон, асбоб-ускуналар билан таъминоти ҳамон қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Жарқўрғон, Узун, Қумқўрғон ва Термиз туманлари марказий шифохоналарининг моддий-техник базаси аянчли ҳолга келган, бинолари таъмирланмагани учун Узун тумани марказий касалхонаси қиши кунлари иситилмайди.

Энг ёмони шундаки, аксарият мутасадди раҳбарлар бундай нохуш вазиятлар билан муроса қилиб келмоқда.

Аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 33 минг кишини ташкил эттаётган бир пайтда янги иш ўринлари яратишга етарли эътибор берилмаяпти. Натижада ишсиз фуқаролар сони ҳозирги вақтда салкам 40 минг кишига етган. Бандиҳон, Денов, Термиз, Узун туманларида меҳнат бозоридаги вазият кескинлигича қолмоқда.

Табиийки, ишсизлик бор жойда жиноятчилик илдиз отади. Денов туманида жиноятчиликнинг барча турлари 2001 йил мобайнида кескин кўпайган. Жарқўргон, Шеробод, Музработ туманларида қасддан одам ўлдириш ҳоллари 2-3 бараварга, Шеробод туманида ўғрилик жиноятлари 18 фоизга ортгани барчани, биринчи галда, вилоят раҳбарияти, сиз ҳурматли депутатлар ва фаолларни безовта қилиши, хушёр торттириши керак.

Қадрли юртдошлар!

Вилоятда йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабабларидан бири кадрлар билан ишлаш, уларни жойжойига қўйиш ишлари тўғри ташкил этилмагани билан боғлик, деб ўйлайман.

Охирги икки йил мобайнида вилоят қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарларининг ярмидан кўпига, Ангор, Музработ, Термиз, Шеробод туманларида хўжалик раисларининг 75-90 фоизи алмаштирилган.

Вилоятда кадрлар захирасини яратиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш, малакасини ошириш, стажировкалар, семинар машғулотлари ташкил этиш масалалари маҳаллий ҳокимликлар эътиборидан четда қолмоқда.

Вилоятда адолат мезонининг бузилиши, раҳбарларнинг халқдан ажраб қолиши, аҳоли мурожаатларига эътиборсизлиги натижасида Президент девонига келаётган шикоят ва аризалар сони кўпайиб бормоқда.

Вилоят суд, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятидан норози бўлган фуқаролардан тушаётган аризалар сони 30 фоизга ошгани ташвишли ҳолдир.

Лўнда қилиб айтганда, вилоят раҳбариятида ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида янгиликка

интилиш, талабчанлик, фидойилик фазилатлари етишмаяпты.

Улар юқоридан күрсатма кутиш, фақат берилгандай топшириктерни бажарышдек эски тизим иллатларидан, боқымандалик кайфиятларидан воз кеча олмаяпты. Натижада вилюятнинг ижтимоий-иктисодий ҳәётида халқимиз кутган ижобий үзгаришлар күзга ташланмаяпты.

Бундай ҳолат, албатта, барчамиздан, аввало, давлатимиз раҳбариятидан вужудга келгандай вазиятни үнгلاш мақсадида зарур чоралар күришни тақозо этади. Шу сабабли бугунги сессияда сизларнинг муҳокамангизга ташкилий масала қўйилгани бежиз эмас.

Ҳурматли депутатлар!

Ташкилий масалага ўтишдан олдин мен сизнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага — яъни, раҳбарлик лавозими ва бу вазифанинг масъулияти ва мураккаблигига қаратиб, шу тўғрида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Ҳеч шубҳасиз, бугун биз янги тараққиёт босқичига кутариладиган бир пайтда, ҳаёт шиддат билан үзгариб, ён-атрофимиздаги ички ва ташқи вазият кескинлашиб, олдимизда турган вазифалар қўпайиб, муаммолар мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда — хўжалик ёки туманда бўладими, вилоят ёки республика миқёсида бўладими, қаерда бўлмасин — биринчи раҳбарга қўйилаётган талаб ошиб бораётгани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб биламан.

Ўйлайманки, бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Биз раҳбар одамнинг қандай фазилатларга, қандай хусусиятларга эга бўлиши ҳақида кўп гапирамиз. Бу масала барча мажлисларда, анжуманларда, турли фикр алмашувларда асосий мавзу бўлиб, диққатимиз марказида тургани ҳам бежиз эмас.

Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Бу баландпарвоз гап эмас. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду

ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшashi, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.

Шу билан биргэ, ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўлилк хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимиизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида очиш ҳақида муттасил қайгуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик — бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди.

Ўзини етакчи, деб ҳисобладиган раҳбар ҳақиқатан ҳам том маънодаги етакчи бўлиши керак. Бошқача айтганда, раҳбар одам бошқалардан кўра узоқни кўра билиши, бошқалардан кўра кўпроқ нарсаларни англаши, нафақат бугунги кун, балки эртанги кун муаммолари устидан бош қотириши зарур.

Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон ақлли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор.

Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган халқни ҳам ёндира олиши зарур.

Мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бирлаштиришни, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишини назарда тутаман.

Яъни, раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришиш учун одамларни ўз ортидан эргаштирабилиши керак.

Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у халқ билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножӯя йўллардан,

хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқдим барпо этиши даркор.

Бунинг учун раҳбар албатта катта маҳоратга, худо ато этган ўзига хос, ўзига мос фазилатларга эга бўлиши зарур.

Ким қандай тушунади — билмадим, лекин, менинг фикримча, раҳбарнинг аввало истараси иссиқ бўлиши керак.

Истараси иссиқ дегани, бу — унинг одамларга кўнгли очиқ бўлиши демакдир. Яъни, раҳбар жуда ортиқча сирди бўлмаслиги, бағрикенг ва кечиримли бўлиши лозим. Ва керак бўлса, мени кечирасизлар-у, очиқ айтишим керак, у қандайдир файзли бўлиши зарур.

Яъни, раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқдим одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак.

Албатта, бундай хусусият ва фазилатларга эга бўлган шахсни топиш қийинлигини, бу ҳозирча биз учун фақат истак бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини мен яхши тушунаман.

Лекин ҳар қайси раҳбар ана шу талабларга интилиши, ана шу фазилатларга муносиб бўлиш учун ўзини доимо қийнаб яшаши, унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган ҳалқа ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор.

Мана, раҳбарликнинг содда ва ҳаётий фалсафаси.

Мен бундай хусусиятларнинг бошқа мислат ва элатларга нечоғли хослиги ҳақида аниқ бир нарса деёлмайман, лекин бизнинг ҳалқимиз ва миллатимиз учун ана шундай етакчилар доимо керак бўлган.

Бундай раҳбар-етакчилар энг оғир синов дамларида ҳақиқининг куч-қудратини, унинг нималарга қодирлигини намойиш этишда бош-қош бўлганлар.

Бу гаплар қандайдир умумий, баландиарвоз гаплар эмас.

Эътибор берсангиз, биз бу ҳақиқатни тасдиқладиган воқеаларга деярли ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин.

Бизнинг аксарият кўпчилигимизга хос бўлган, бизни зииф Қиладиган бир хусусият, аниқроғи, бир камчилик борки, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Айтайлик, бирон маҳалла ёки хўжалик, ё бўлмаса, бирон ташкилотнинг иши орқага кетса, шу жойдан файзбарака қутарилса, одамларнинг кайфияти ёмонлашса, бунинг асосий сабаби — шу ерда бепарволик ва ундан ҳам баттари — лоқайдлик авж олганида десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай қараш оқибатида жойларда муаммолар ечилмайди, имконият бўлатурив, иш жойидан силжимайди. Бир қарасангиз, бунинг учун шароит ҳам, куч ҳам бор, лекин сафарбарлик йўқ, масъулиятни ўз бўйнига олиб, жон қўйдирадиган одам йўқ.

Шу жойда яшайдиган одамлар билан, жамоатчилик билан гаплашсангиз, улар ҳам шу ҳақиқатга икрор бўлади. Уларнинг афсус билан, ўша пайтда бизнинг қўзимизни очиб берадиган, шу мақсад йўлида ёндирадиган, бирлаштирадиган бир одам топилмади-да, деб айтишларига кўп гувоҳ бўлиш мумкин.

Ана шундай раҳбарларни — бугун замон талаб қиласётган хусусиятлар соҳиби бўлган одамларни топиш, танлаш ва уларни етакчилик лавозимига қўйиш — менинг зиммамдаги энг оғир вазифа.

Очиқ айтишим керак, замонавий билимларга эга бўлган, мустақил фикрли янги авлод кучга кириши, вояга етиши билан бу масалани ечиш нисбатан осон бўлади.

Бугун униб-ўсиб келаётган ёшларимиз орасида мана, мен борман, деб майдонга, минбарга чиқаётган йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу барчамизга қувонч ва ишонч бағишлайди, албатта.

Лекин ҳозирги шайтда олдимизда турган долзарб ва мураккаб масалаларни ечиш учун шундай одамларни топиш, уларга суняниш, таяниш, халқимизнинг ишончини оқлаш учун ҳал қилувчи лавозимларга қўйиш — такрор айтаман, ғоят оғир ва масъулиятли вазифа бўлиб турибди.

Сурхондарё вилояти ҳокими булиб ишлаб келган Бахтиёр Олимжонов фаолияти ҳақида гапирадиган бўлсак, вилоятга етакчилик қилган даврида, афсуски, унинг тим-

солида раҳбар учун ниҳоятда зарур бўлган мана шу фазилатлар намоён бўлмади.

Менинг оптимда шунча одам умид билан қараб турибди, деб ўзини қаттиқ қийнаш, жон куйдириш, қатъиятлик, керак бўлса, ишни барбод қилган шахсларнинг ёқасидан маҳкам тутиб, юз-хотир қиласдан аччиқ гапларни уларнинг юзига айтиш каби муҳим фазилатлар етишмади, десак бу ҳам тӯғри бўлади.

Маълумки, Сурхон аҳли не-не раҳбарларни кўрган, қанчасига тарбия берган, ардоқлаган. Бу эл шу замин учун ҳалол хизмат қилган қанча етакчиларни ҳозир ҳам чуқур хурмат-эҳтиром билан эслаб юради.

Эътибор берган бўлсангиз, ўз вақтида Сурхондарёning бир қанча вакилларини вилоятга биринчи раҳбар қилиб ҳам кўйдик. Четдан ҳам қанча раҳбар келиб ишлади.

Халқ уларнинг фаолиятига катта умид ва ишонч билан, мана энди ўзгариш бўлади, мана энди ишлар юришиб кетади, деб қаради. Жойларда, воҳанинг узоқ-яқин қишлоқларида мана шундай умидли гурунглар бўлганини мен ўзимга яхши тасаввур қиласман.

Вилоятнинг олдинги биринчи раҳбарининг маҳаллий-чиликка берилиб кетгани, эскидан қолған уруф-аймоқчилик, қабилачилик иллати ишга тўғаноқ бўлиб, одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатганини ҳисобга олиб, Олимжоновни шу лавозимга олиб келган эдик.

Айтиш керакки, биринчи йили иш ёмон бўлмади, бавзи соҳаларда ижобий ўзгаришлар ҳам кўзга ташлангандек бўлди. Буларни айгасак, албатта, адолатсизлик бўлади.

Лекин Сурхондарёning ҳақиқий салоҳиятини очиш учун вилоятда мавжуд катта имкониятлар ишга солинмаганини, вилоят ҳокимига ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаш фазилати етишмаганини инобатга олсак, унинг фаолиятини, афсуски, ижобий баҳолаб бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мен сизларнинг эътиборингизга бугунги сессиянинг асосий масаласи билан боғлиқ таклифни киритмоқчиман.

Шу пайтгача Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Олимжонов ўз фаолиятида йўл қўйган камчилик ва нуқсонларни эътироф этиб, эгаллаб турган лавозимидан озод қилишни сўраб ариза ёзган.

Шу муносабат билан мен Олимжоновнинг аризасини қондириш ва уни вилоят ҳокими вазифасидан озод қилиш масаласини овозга қўйиб, сизлардан ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Биз вилоят ҳокими вазифасига номзод танлашда Сурхондарёнинг ўзига хос шароитини, бу ердаги бугунги вазиятни ҳисобга олиб иш кўрдик.

Вилоят оқсоқоллари ва фаоллари билан атрофлича маслаҳатлашдик. Билдирилган барча таклиф ва истакларни инобатга олиб, Сурхондарё ҳалқини, бу ернинг шартшароитини яқиндан биладиган Тошмирзо Қодиров номзодини вилоят ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Хурматли депутатлар!

Ўйлайманки, ҳозир сизлар билан сайлаб олган янги раҳбар кейинги йилларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлардан тўғри хулоса чиқариб, Сурхон элининг бошини қовуштириб, сизлар билан елкама-елка туриб ишлайди.

Юрт учун, ҳалқ учун ўзи ҳам ёниб яшайди, сизларни ҳам шунга даъват этади. Керак бўлса, ибрат ва намуна кўрсатиб, одамларни ўз ортидан эргаштиради.

Вилоят раҳбари ана шундай фидойи, ана шундай жонкуяр бўлгандагина Сурхон воҳасининг обру-эътиборини, қадимий шуҳратини қайта тиклаш, қўзлаган барча олижаноб мақсадларимизга эришмоғимиз мумкин.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва мувваффакият тилдайман.

Ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилоят
кенгашининг навбатдан ташқари
сессиясида сўзланган нутқ,
2002 йил 21 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ АРАФАСИДА ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Ўзбекистон делегациясининг Америка Құшма Штатларига бу галги расмий сафари аввалги ташрифлардан, албатта, катта фарқ қыллади. Бу ташриф Америка Құшма Штатлари билан алоқаларимиз ҳамда муносабатларимизнинг мустаҳкамланишида, уларни янги босқичга күтаришда бурилиш нұқтаси бўлиб қолади, десак, хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Аввалимбор, Ўзбекистон делегациясининг бу мамлакатга расман таклиф қилиниши, шак-шубҳасиз, Америка Құшма Штатларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Ташриф дастуридан нафақат АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашув, балки мамлакатнинг сиёсати, иқтисодиёти, бошқа кўплаб соҳалари бўйича етакчи арбоблари билан музокаралар, сұхбат ва фикр алмашувлар ўрин олгани ҳам бунинг ёрқин тасдидидир.

Расмий ташриф давомида олтита ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Америка Құшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, такрор айтаман, стратегик шериклик алоқаларини ўрнатиш ва ҳамкорлигимиз асослари тўғрисида янги ҳужжат—Декларацияни имзолашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Стратегик шериклик нима дегани? Бу—иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни мутлақо янги босқичга кутариш, стратегик аҳамиятга молик бўлган алоқаларни йўлга кўниш, демакдир. Бундай муносабатларни, истиқболда Ўзбекистон манфаати йўлида янада мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар очиб берадиган ҳам-

корлик моҳиятини ҳалқимиз яхши тушунади ва унинг маъно-мазмунига, келтирадиган нафига муносиб баҳо беради, деб ўйлайман.

Агар ана шу қабул қилинажак Декларациядаги сиёсий ва ҳарбий-техник масалалар, иқтисодий ва ижтимоий масалалар ҳақида гапирадиган бўлсак, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, Декларацияда хавфсизлик масаласига доир шундай нуқталар борки, уларда агар АҚШ ёки Ўзбекистонга қайси бир куч ёки давлат қандайдир хавф етказадиган бўлса, бу хавфга қарши биргалишиб зарба бериш, биргаликда курашиш қўзда тутилган. Бу позиция бизнинг мақсад-муддаоларимизга мос бўлиб, бошқача айтганда, чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга кафолат беришdir.

Мен бир вақтлар, ҳали Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошланишидан олдин, агар бизга, яъни Ўзбекистонга хавфсизлик нуқтаи назаридан кимда-ким кафолат берса, ҳалқимизнинг, юртимизнинг тинчлиги ва осоиишталигини таъминлашда ёрдам қўлини узатадиган бўлса, ана шу давлат билан бирга бўламиз, деган фикрни айтган эдим.

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Афғонистондаги воқеаларнинг, осто намиздан, сарҳадларимиздан ёвуз кучларни улоқтириб ташлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг моҳиятини биз, яъни Афғонистонда толиблар ҳукмронлик қилган кейинги беш-олти йил давомида катта хавф остида яшаган ўзбек ҳалқи айниқса чуқур англаймиз. Мана шундай хавф-хатардан бизни ҳолос қилиш, муҳофаза қилишининг аҳамиятини, ўйлайманки, ҳалқимиз бугун ҳам сезяпти, бунинг маъно-мазмунини, манфаатини эртага янада яхшироқ тушуниб етади. АҚШ билан мен боя айтган янги алоқаларни боғлашимиз, албатта, мана шундай хавфсизлик кафолатини олишга қаратилган.

Ўйлайманки, бу масала Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Атрофимизда кўплаб хатарли воқеалар рўй берётгани сабабли мана шундай кафолат олиш ҳалқимиз учун, нафақат бугун яшаётган одамлар, балки, эртangi

күн, болаларимиз келажаги учун ҳам мұхимдир. Бу, турли хавф-хатарлардан халос бўлиб, ҳар томонлама тинч, осуда ҳёт қуришимиз учун жуда катта шароит ва имконият деганидир.

Иқтисодий алоқалар тўғрисида гапирганда, бу масала-га, албатта, Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий салоҳиятини, унинг дунёдаги энг қудратли давлат эканини инобатга олган ҳолда ёндашиш керак.

Мана, ўзингиз ўйланг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарийб 190 та мамлакат аъзо бўлса, уларнинг деярли барчаси Америка Қўшма Штатлари билан манфатли алоқалар ўрнатишга интилади. Бу—ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат учун жуда мұхим мақсад. Нега деганда, Америка Қўшма Штатларининг катта иқтисодий имкониятлари, айтайлик, инвестиция ажратишида, муайян мамлакат салоҳиятини юксалтиришда, умуман, одамларнинг ҳаётини, турмуш даражасини кутаришда, бирон бир давлат, керак бўлса мамлакатнинг тараққиётини таъминлашда мана шундай шериклик, мана шундай алоқалар жуда катта туртки бўлади.

Маълумки, биз ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизни демократик давлат даражасига кутариш, тараққий топган мамлакатлар ва ҳалқларнинг ҳёт дараҷасига етиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз. Мана шу мақсадларга эришишга, ўйлайманки, Америка Қўшма Штатлари билан алоқалар, ўзаро ҳамкорлик ҳар томонлама кўмак беради.

Бир сўз билан айтганда, агар биз мана шундай шароитлар, мана шундай имкониятларга эришсак, эртанги кунимизни, эртанги ҳаётимизни ана шундай кучли, қудратли давлатга суюниб, таяниб, биргаликда тасаввур эта-диган бўлсак, кам бўлмаймиз.

Асосий мақсад шундан иборатки, бизга авваламбор, тинчлик, осойишталик керак, шу билан бирга, янги жамият қуришда кўмак зарур. Кўмак деганимиз — юкни

бутунлай бирорнинг елкасига ортиш ёки текин ёрдам олиш дегани эмас.

Янги ҳаёт қуриш, албатта, катта маблағ, катта куч талаб қиласи. Янги ҳаёт қуриш учун янги иншоотлар барпо этиш зарур бўлади, одамларнинг яшаш ва турмуш дараражасини кутариш лозим бўлади. Биз кўмак деганда ана шу йўлдаги амалий ҳамкорликни назарда тутамиз.

Мана шундай кўмак олишга, иншоллоҳ, албатта, эришамиз.

Бир сўз билан айтганда, бу ташрифдан бизнинг умидимиз жуда катта ва унинг аҳамиятини халқимиз түгри тушунади.

2002 йил 11 марта

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКАЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН БЎЛГАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад мамнунман. Сизларга, мана шу залда тўпланган барча-барчага Ўзбекистоннинг дўстлари сифатида мурожаат этишга ижозат бергайсиз.

Шуни айтмоқчиманки, мен, шубҳасиз, бу учрашувга алоҳида тайёргарлик кўрганман. Аммо бугун бу ерда кўриб турғанларим, умуман ҳис қўйлаётган туйгуларим бутун тайёргарликни, режаларни ўзгартириб юборди. Бугун мен ўзимнинг аввалдан ёзиб қўйилган тезисларимдан фойдаланмоқчи эмасман.

Аввало мана шу минбардан туриб, йигилиш раисига ва учрашув қатнашчиларига ўз миннатдорлигимни билдирамоқчиман. Бу ерда эшитган сўзларим мени баоят тўлқинлантириб юборди, мен учун бутунлай бошқача, янги бир муҳитни вужудга келтирди.

Мен бир инсон, раҳбар, сиёsatчи сифатида биринчи бор нутқ сўзлаётганим йўқ. Айни пайтда, шуни айтмоқчиманки, мен ҳозир ҳақиқатан ҳам ҳаяжондаман ва сизлар менинг бу ҳолатимни тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман.

Албатта, бугун мен Америка — Ўзбекистон савдо палатаси, ишбилармонлик доиралари вакиллари, Американинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашишимни билардим. Аммо мен бу ерда таниқли сенатор Браунбэкни, бошқа конгрессменларни учратишимни кутмаган эдим. Шунингдек, АҚШнинг мен сидқидилдан ҳурмат қиласиган ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларини ҳам бу ерда кўраман деб ўйламаган эдим.

Шунинг учун бугунги учрашувимиз янада муҳим аҳамият касб этаётганидан ғоят мамнун экантигимни яширмайман.

Мен сизларга Ўзбекистонга нисбатан илиқ муносабатнингиз учун, мамлакатимиз билан янгича муносабатлар ўрнатиш мақсадида қилаётган саъй-ҳаракатларингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг мана шу илиқ муносабатнингизни Ўзбекистонга қайтгач, бутун халқимизга, бутун жамиятимизга албатта етказаман. Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, ўзбекистонликлар Қўшма Штатларда мени яхши кутиб олишингизга ишонишган. Аммо бугунги учрашувимиз америкаликларнинг бизга бўлган алоҳида муносабати биз кутгандан ҳам зиёда эканидан далолат бериб турибди. Ўйлайманки, ўзбек халқи бунинг учун сизлардан миннатдор бўлади.

Қадрли дўстлар!

Мен мамлакатнингизга ташрифим мобайнида кўп учрашувларда қатнашдим. Бугун ҳам, жумладан, бир қатор вазирликлар вакиллари билан, қишлоқ хўжалиги вазири Венеман хоним, Молия вазири жаноб О’Нил, давлат де-партаменти раҳбари жаноб Пауэлл билан учрашувлар бўлиб ўғди. Жоунс хоним ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар ўзининг сермазмунлиги, амалий таклифлар, фикр ва мулоҳазаларга бой бўлгани билан менда чўкур таассурот қолдирди. Сизларга АҚШ Президенти жаноб Буш билан учрашувимиздан олган таассуротларимни сўзлаб бермоқчиман. Мен, табиийки, кўп маротаба унинг телевидение орқали чиқишлигини кўрганман, тинглаганман, у ҳақда ўқиганман, аммо Қўшма Штатлар Президенти билан бевосита учрашувдан олган таассуротим кутганимдан зиёда бўлди..

Америка Қўшма Штатлари террорчиликка қарши курашдек масъулиятли вазифани амалга ошираётган бир пайтда унга айнан шундай Президент йўлбошчилик қилиши керак, деб ҳисоблайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб яна бир марта таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатлар 11 сентябрдан кейингина бошланганий ўқ. Бизнинг муносабатларимиз 10 йиллик тарихга эга. Алоқаларимиз йилдан-йил ривожланиб келди. Аммо шуни айтиш лозимки, 11 сентябрь воқеалари ўзаро муносабатларимиз динамикасини танқидий нигоҳ билан қайта кўриб чиқиш учун, Американинг Ўзбекистонга, умуман Марказий Осиёга бошқача нигоҳ билан қараши учун мұхим омил бўлди.

Албатта, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳали кўп ёзишади ва гапиришади, балки кўплаб китоблар битилади, аммо мен бу ўринда бир фикрни қайд этмоқчиман. Бу фикр шундан иборатки, 11 сентябрь воқеалари кўпларнинг ҳақиқий қиёфасини, сўзда эмас амалда кимнинг ким эканини очиқ кўрсатиб берди.

Бу ҳол Афғонистондаги антитеррор операциясининг биринчи, яъни тайёргарлик босқичи якунлангандан сўнг вужудга келди. Кейинроқ коалицияга қўшилиш, Қўшма Штатларнинг ҳамкори ва иттифоқчиси бўлиш ниятида юрганлар кўп бўлди. Лекин ўша пайтда вазият бошқача эди.

Афғонистондаги операция бошланишидан бир ҳафта олдин содир бўлган воқеаларга қайтадиган бўлсан, 4 октябрь куни Давлат котибининг ўринbosари жаноб Болтен билан, 5 октябрь куни эса жаноб Рамсфельд билан учрашдим. Операция бошланишига бир ҳафта қолган эди. Қўшма Штатларни қўллаб-қувватловчилар унчалик кўп эмас эди. Биз антитеррор операцияларини қатъийлик билан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Ўшанда жаноб Рамсфельд билан учрашиб, бу қароримизни билдиргач, халқимизга мурожаат этиб, одамларимизни Америка Қўшма Штатларини қўллаб-қувватлаш энг тўғри йўл эканлигига ишонтира олдим. Шуни қайд этиш лозимки, бу фикримни халқимиз маъқуллади.

Сизга тушунарли бўлиши учун шуни эслатишим керакки, Ўзбекистон аҳолисининг 85 фоизи ислом динига

эътиқод қиласы. Бундай шароитта АҚШнинг операциясини құллаб-кувватлаш бүйіча, мінтақамыздаги вазиятни инобатта олиб фикр юритганды, қатың қарор қабул қилиш осон эмас эди. Айниңса, шуны эътиборга олишингизни истар әдімкі, биз тиљини тушунадиган мамлакатлар телеканаллари, яъни, рус тилидеги каналлар ҳар куни 24 соат мобайнида “Толибон”нинг ўн минг кишилик әнг сара құшини Ўзбекистон чегарасыда турғани ва ҳадемай чегарани бузиб кириши, Ўзбекистонда уруш бошланиши ҳақида тинимсиз гапирап эди. Буларнинг барчаси Афғонистондандағы операция бошланғунға қадар содир бұлған эди. Одамлар Ўзбекистондан қочмоқда, Тошкентта бориши хавфли, дейиларди. Ҳамкасларим ичида менга құнғироқ қилиб: “Нима қиласынан үзи?” дегандар ҳам бұлды...

Бизнинг антитеррор операциясини құллаб-кувватлаш ҳақидағы қароримиз, албатта, катта таваккалчилик эди. Айни пайтда бу операцияга бошқача мұносабатда бұлғанларни ҳам тушуниш мүмкін, чунки ўша пайтда ҳеч ким мазкур операция оқибаттарининг қандай бұлишини билмас эди. Бугун шуны айтмоқчиманки, агар ўша күн яна қайтиб келса, мен яна худди шундай қарор қабул қылған бұлардым. Бунга ишончим комил.

Бугун энді шуны очиқ-ойдин айтиш мүмкінки, орадан үтган вақт ичида содир бұлған воқеалар яна бир бор бизнинг ҳақ эканлигимизни тасдиқлады. Ўзбекистон мана шундай вазиятта ҳақиқий дүст эканлигини, таъбир жоиз бұлса, Құшма Штатларнинг Марказий Осиёдаги таянчи бұла олишини исботлади. Биз бундан бирон-бир конъюнктуравий манфаат құзлаган эмасмиз, ҳеч ким билан савдолашғанимиз ҳам йүқ. Хабарингиз бор, айрим газеталар ва эшиттиришларда Құшма Штатлар гүё бизга 8 миллиард доллар ажратгани түгрисидеги хабарлар тарқатылды. Бу хабарлар түғри бұлса, қаны ўша 8 миллиард доллар? Құшниаримиз мен билан учрашындарында “АҚШ-дан 8 миллиард олибсиз, бир оғиз айтиб ҳам құймайсиз-а”, дея киноя қилишади. Мен уларға шарқона лутф би-

дан “хозирча беришгани йўқ, эҳтимол, Сизларга 8 эмас, 10 миллиард доллар беришар”, дея жавоб қиласман.

Шуни айтмоқчиманки, 11 сентябрь ва ундан кейинги воқеалар дунёни буткул ўзгартириб юборди ва бугунги кунда террорчиликка қарши кураш масаласига жаҳондаги деярли барча етакчи мамлакатларнинг муносабати ўзгарди. Лекин антитеррор операцияси бошланиши арафасида аҳвол ўзгача эди. Шу ўринда биз нима учун бу операцияга қушилганимизнинг асл сабабини ойдинлаштириб утишни истар эдим.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидламоқчиманки, Америка Қўшма Штатлари бошқалар уддай олмаган ишни, яъни халқаро терроризмга зарба бериш, уни таг-томири билан йўқотишга киришган эди ва ҳозир буни амалга оширмоқда. Биз сўнгти 3-5 йил ичидагашаддий террорчилик таҳди迪 остида яшадик. Уларга ёлғиз қарши туриш қийин эди. Сизлардан яширмайман – биз кўпчиликка мурожаат этганимиз. Номларини санаб ўтиришга ҳожат йўқ.

1999 йили Тошкентда портлашлар содир бўлди. Ўша мудҳиш воқеаларни ёдингизга солмоқчиман. Террорчилар бир йил мобайнида Ўзбекистон Президентига суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўришган. Диний ақидапарастлар ва террорчилар гуруҳлари бир неча марта Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа республикалар ҳудудига суқилиб киришди. Бу воқеаларга бутун дунё гувоҳ. Президентни йўқ қилишга мўлжалланган динамит солинган машина портлаганида мен тахминан 150 метр нарида эдим. Вазирлар Маҳкамасининг биноси деярли вайрон бўлди. Буларнинг барчаси – ҳақиқат. Борди-ю мендан “Нима сабабдан Қўшма Штатларни қўллаб-кувватлаяпсиз?”, деб сўрашса, бутун шундай жавоб берган бўлардим: улар бошқалар қилмаган ишни қўлди. Улар бизни ана шундай таҳдиддан халос этди. Бизнинг ҳаракатларимизда ҳеч қандай баразли мақсад йўқ. Зоро, терроризм хавфини бартараф этишда бизнинг манфаатларимиз Америка Қўшма Штатлари манфаатларига тўла мос келади. Шунинг учун биз Америка

Құшма Штатларининг Марказий Осиёда тинчлик ва бар-қарорликнинг таянчи бўлишига тарафдормиз.

1989 йили совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгач, АҚШ нафақат Афғонистонга, балки бутун Марказий Осиё минтақасига деярли қизиқмай қўйди. Фикримча, бугун ҳамма бунинг катта хато бўлганини тушунмоқда. Тарих шуни кўрсатадики, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Қаерда бўшлиқ пайдо бўлгудай бўлса, у вужудга келган вазиятдан фойдаланиб қолишга интилувчи кучлар томонидан түҳдирилади. Афғонистонда ана шундай бўшлиқ пайдо бўлган эди. Оқибатда уни бу мамлакатни терроризм ва наркобизнес полигонига айлантирган экстремистик ақиданастлар тўлдириди. Улар нафақат Америка Құшма Штатларига, балки бутун дунёга таҳдид солди. Шу боис биз АҚШга террорчилликка қарши курашда ёрдам бердик, ҳозир эса бу курашни ниҳоясига етказиши учун ёрдам беришда давом этмоқдамиз. Бугун мен АҚШ Президентига бу курашда охиригача у билан бирга бўлишга ваъда бердим. Ўйлайманки, сўзимни ҳалқим қўллаб-кувватлайди – биз охиригача сиз билан бирга бўламиз.

Сафаримиз давомида қаерда бўлмайн, олдимга одамлар келиб, Құшма Штатларга кўрсатган ёрдамимиз учун миннатдорлик билдиримоқда. Мен эса, ўз навбатида, бутун америкаликларга ўзбек ҳалқига, Ўзбекистонга, Марказий Осиё ҳалқларига кўрсатган ёрдамингиз учун миннатдорлик билдиримоқчиман. Ушбу минбардан туриб айтган сўзларимни америкаликларга етказишингизни сўрайман.

Шуни айтмоқчиманки, Құшма Штатларда вужудга келган вазиятдан оқилона фойдаланмаганимизда, Ўзбекистон Президенти сифатида унинг тақдири учун нотўри йўл тутган бўлар эдим. Яна шуни айтмоқчиманки, буғунги вазиятдан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг буғунги даражасидан демократия, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислоҳотлар йўлида, бизнес ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида фойдаланмасак ҳам тарих олдида кечирилмас иш бўлади.

Бу ўринда шуни назарда тутаманки, Ўзбекистондаги бизнес фаолиятингиз муваффақиятли бўлиши учун биз барча шарт-шароитни яратиб берамиз.

Жоунс хоним Ўзбекистонда бизнес учун барча имкониятлар яратилган, деганда тамомиша ҳақ эди. Лекин, айни нийтда, сизга ваъда бераманки, бу бораада Ўзбекистонда муаммо туғилгудек бўлса, беғараз ёрдам беришга тайёрман.

Ижозатингиз билан Мустақилигимизнинг 10 йили давомида эришган ютуқларимиз ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман. Биз шунга эришдикки, Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёни энди ортга қайтмайди. Бугун бизни ҳатто тўқсонинчи йиллар билан ҳам солиштириб бўлмайди. Биз амалда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосини яратса олдик, давлат мулкини хусусий, тижорат мулкига айлантира олдик. Энг муҳими шундаки, биз ёшлар билан ишламоқдамиз. Фахрланишимизга асос бўладиган ишларимиздан яна бирни шуки, биз лицейлар, коллежлар қуряпмиз, таълим тизимини тубдан ўзгартирдик.

Яна бир бор бугун айтган гапларимни такрорлайман: ҳа, мен шу ёшимда ўз давримнинг маҳсулиман. Лекин сиз коллежлар, олий ўқув юртларини битираётган ёшларимизга боқинг. Америкада, Европада ўқиётган ёшларимизни кўринг. Улар бугун бутунлай ўзгача фикрлайди. Баъзан мени ўринли танқид қилиб, ислоҳотлар ёки демократия хусусидаги камчиликларни кўрсатишар экан, бунга жавобан дейманки, бир оз сабр қилинг. Бу ёшлар сафимизга қўшилмоқда, ўз зиммасига масъулият олмоқда. Улар эса демократия борасида, эркинлик борасида худди сиз каби фикрлайди. Шунинг учун мен ишонч билан айтаманки, мана, кўрасиз, эрта-инцин орамизда ҳозиргидай фарқ қолмайди.

Жаноб Буш билан Ўзбекистон истиқболи хусусида Фикр алмашар эканмиз, у мен билан демократия хусусида ғоят назокатли сухбат қурди, хусусан, замонавий дунёда яшашни истовчи ҳар қандай давлат учун шарт бўлган инсон ҳуқуқлари, демократик қадриятлар, ахборот эркинлигига оид масалаларни қай тариқа ҳал этаётганимиз

билин қизиқди. Унинг ниҳоятда латиф муомаласи мени лол қолдирди. Шунга имоним комилки, мен билан ҳамма шундай сўзлашганда эди, Ўзбекистонда демократия яна-да кенгроқ қарор топган бўларди.

Бизнес истиқболлари га келсак, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидир. Ишончим комилки, Америка бизнеси Ўзбекистонда кенг қулоч ёйишига барча асослар бор.

Имзоланган ҳужжатлар, хусусан, стратегик аҳамиятга молик ҳужжатларга келсак, жаноб Мердок бу хусусда сўзлади, жаноб Росол эса қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ҳақида гапирди. Кўрилган масалалар ниҳоятда ранг-баранг. Уран саноати тараққиёти, қайта ишлаш тармоқтари, қишлоқ ҳўжалигининг ривожи масалалари бўйича ҳам фикрлашдик. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасида АҚШдан умидимиз катта. Биз ўз банкларимизни сиз уларнинг акционерлари бўлишингиз учун очиб беришга тайёрмиз. Биз коммуникатив ресурслар соҳасида ўз имкониятларимизни таклиф этишига тайёрмиз. Шуни айтишим керакки, бу борада Ўзбекистоннинг салоҳияти катта. Ишонаманки, биз Тошкентда қайта учрашганимизда Америка—Ўзбекистон Савдо палатаси сизга Ўзбекистонда барча қулайликларни яратиб берган бўлади. Ўйлайманки, бу ҳам вазифасига киради.

Бугун жаноб Браунбек менга АҚШ бўйлаб сайр қилишни, мен билан кўришиш истагида бўлган америкаликлар билан учрашишни таклиф қилди. Имкони бўлганда эди. бу таклифни мамнуният билан қабул қиласадим. Бу билан нима демоқчиман. Мен бу ерда учратган кўплаб одамлар чехрасида уларнинг Ўзбекистонга самимий муносабатини кўрдим. Ўз навбатида, мен Ўзбекистон вакили, Президенти сифатида халқимнинг фикрини ифодалар эканман, сизларни ҳам бетакрор дигёrimizning бағрикенг одамлари билан сұхбатлашиш, ноёб осори атиқалари билан танишиш, гўзал табиатидан баҳраманд бўлишга даъват этаман.

2002 йил 12 марта, Вашингтон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШНИНГ НУФУЗЛИ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИ МУҲАРРИРЛАРИ ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ

Хурматли жаноблар!

Америка Қўшма Штатларига ташрифим давомида Ўзбекистонимизнинг яқин дўстлари – сизлар билан юзмай суҳбатлашаётганимдан фоят мамнунман. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, дунёдаги етакчи мамлакат матбуотининг дарғалари сифатида сизларга ҳурмат-эҳтиромимиз ниҳоятда юксак.

Аввало, Америка Қўшма Штатларига ушбу расмий ташрифдан кўзда тутилган мақсад-мудда оқида қисқача тўхталиб ўтсам. Маълумки, 11 сентябрь воқеалари бутун инсониятни қаттиқ ғазаблантириди ва қалбларни чуқурларзага солди, башарият XXI аср вабоси деб аталмиш тероризмни таг-томири билан йўқ қилиш, бундай ёвуз кучларни қўллаб-кувватлаётган, уларни маблағ, қурол-ярог билан таъминлаётган ва қўпорувчилик мақсадларида жойларга жўнатаётган марказларни ер юзидан сунуриб ташлаш учун кураш эълон қилди.

Кишилик тарихида кескин бурилиш ясаган мана шувазият, айниқса, Америка Қўшма Штатлари етакчилигига антитеррор ҳаракатлари бошлангач, халқаро муносабатларга ҳаётнинг ўзи жиддий ислоҳ киритгани барчамизга аён ҳақиқатdir.

Ўзбекистон мана шундай мураккаб синов дамларида Америка халқи билан доимо бирдам бўлди ва, айни пайтда, антитеррор ҳаракатларини ҳам биринчи кундан бошлаб дадил ва астойдил қўллаб-кувватлаб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари муносабатлари танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чи-

қилаётган экан, бу – икки мамлакат ҳамкорлигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга ва ўзаро манфаатли муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат этади, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Сизларга шуни айтмоқчиманки, ташриф давомида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўргасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядрорий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик ҳамда молия соҳасига оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар орасида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклиги, ўзаро ҳамкорлиги асослари белгиланган декларация, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда мен сизларнинг эътиборингизни яқин ўтмишга қаратмоқчиман. 11 сентябрда содир этилган ваҳшиёна, мудҳиш террорчилик тажовузидан кейин инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарни бартараф этиш учун биринчи навбатда халқаро террорчилар тайёрлаб келинаётган лагер ва базаларни, марказларни йўқ қилиш ҳаётий заруратга айланди. Нега деганда, Вашингтон ва Нью-Йоркда содир этилган, ҳатто ақлга сифдириб бўлмайдиган ёвуз ваҳшийлик айнан шундай марказларнинг кирдикори экани, бу хатар ҳеч бир инсон ҳаётини четлаб ўтмаслиги аён ҳақиқат эди.

Башарият террорчилик деган ёвуз бало ўз бошига мислсиз кулфат келтирувчи кучга айланиб кетганини ўз ҳаётида кўриб, унинг мудҳиш ҳамласини ҳис эттач, унга қарши биргаликда курашиб вақти-соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди. Шу тариқа 8 октябрдан 9 октябрга ўтар кечаси Афғонистон ҳудудида жойлашиб олган террорчиларнинг база ва лагерларига дастлабки зарбалар берилди, содда қилиб айтганда, антитеррор ҳаракатлари бошланди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг антитеррор ҳаракатлари бошлангунга қадар ўтган қарийб бир ой мобайнида дунё мамлакатлари орасида ажабтовур бир вазият хукм

суріб турди. Демоқчиманки, кимдир халқаро коалицияда иштирок этишга астайдыл бел боғлаганлигини ошкора намоён этса, яна кимдир үзини тұрт томонға ташлади, бошқа бирорлар олдиндан айтиш қийин бұлған ва келиб чиқиши әхтимолдан холи бұлмаган турли хатар ва оқибаттардан чүчиб, үйтаниб қолди, яъни умумқарақатдан үзини четға тортди. Бу — инкор этиб бұлмайдыган тарихий ҳақиқатдир.

Хуллас, антитеррор ҳаракатлари бошланиши арағасыда, аниқроғи, 3 октябрь куни Америка Құшма Штатлари Давлат котибининг ўринбосари жаноб Жон Болтон Ўзбекистонға ташриф буюриб, икки томонлама музокара олиб борди. Эртаси куни Тошкенттегі Пентагон раҳбари жаноб Дональд Рамсфельд келди ва биз жаноб Рамсфельд билан кенг күламлы масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олдик.

Үша куни мен халқымизга мурожаат этиб, бугунги кунда миллионлаб бегуноқ инсонтарнинг бошига күлфат солаётгандың террор балосини жамият ҳәётидан, дунё халқлари ҳәётидан йўқ қилиб ташлаш учун кураш бошланған бир пайтда Ўзбекистон учун ўз истиқболини күзлаб ҳаракат қиласидын бирдан-бир йўл — антитеррор ҳаракатларини қўллаб-куватлаш, бу жараён давомида ўз ҳаво ҳудудини Америка Құшма Штатларининг ҳарбий ҳаво күчлари учун очиб бериш, шунингдек, айрим база ва аэродромлардан фойдаланишга шарт-шароит яратиш эканини маълум қилдим.

Биз террорчиллик деган разил күннинг даҳшатли башараси билан ўз ҳәётизда олдинроқ дуч келған халқмиз. Бу қабиҳ жиноят ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳәётдан орзу-умиди кўп бұлған не-не фарзандларимизнинг умрига зомин бўлганини элимиз, юртимиз ҳеч қачон унугмайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқы менинг Баёномитмни тұла қўллаб-куватлади ва биз бирдамлик билан Қарор қабул қиласидик. Антитеррор ҳаракатлари учун бу Қарор муҳим аҳамиятта молик эди, албатта.

Биз Америка Құшма Штатларининг транспорт самолётлари ҳамда вертолётлари құниши, уларға хизмат күрсатдиган америкалык мугахассислар, техник ходимлар фәoliят юритиши учун Хонобод аэроромини ажратыб, тегишли шарт-шароит яратып бердик. Бу аэрором, гарчи Тошкент шаҳридан 300 километрча узоқда бұлса-да, Афғонистон сарқашларига жуда яқын ҳудудда жойлашган.

Бу масалалар икки томонлама келишув асосида ҳал этилган. Биз, үша вақтда ушбу аэроромнинг қаерда жойлашганини маълум қилиш мақсадға мувофиқ эмас, деб тоңдик.

Бугунги мuloқотимизда, сизлар тұғри таъкидлаганингиздек, ҳақиқатан ҳам антитеррор ҳаракатлари бошлиниши арафасида күпдан-күп мамлакатлар түрли баёнотлар тарқатиши. Уларнинг орасида, айниқса, Россия Федерацияси сиёсатчилари, жумладан, бу мамлакат қуролли күчлари вакиллари томонидан берилген баёнотлар алохыда ажралиб туради. Нимага деганда, улар Ўзбекистоннинг тутган йұліга фақат таажжуб билдириш билан чекланған ийүқ, ҳатто, Ўзбекистон Америка Құшма Штатлари ва гарб давлатларининг қуролли күчларига үз ҳудудидан жой берди, әртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб. Афғонистонга ҳужум қиласы, деган фикрларни ҳам кенг ейиши.

Мен сизларга яна шуни ҳам айтишим мүмкінки, антитеррор ҳаракатлари бошланишидан уч-түрт кун аввал Россия Федерацияси Президенти жаноб Путин билан телефон орқали батағсил сұхбатлашды. Қисқа қилиб айтганда, Америка Құшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари құниши учун аэрором ажратганимиз уларға маълум ҳақиқат эди. Айтиш керакки, Россия Федерацияси Президенти, бу — Ўзбекистоннинг ички иши бўлиб, уни қандай ҳал этиш ўзимизнинг хоҳиши-иродамизга боғлиқ эканини таъкидлади.

Шу үринда, нега Ўзбекистон айнан шу йўлни тутди, нима сабабга қўра сиз шундай қарор қабул қилдингиз, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Очиқ айтиш керак, биз кундан-кунга даҳшатли тус олаётган халқаро террорчиллик ва диний экстремизм тинчлик ва осойишталигимизга хавф-хатар солиб турган бир шароитда, ана шу бало билан деярли ёнма-ён яшаб келдик. Айниқса, кейинги түрт-беш йил давомида бу ёвуз күч Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларига муттасил таҳдид солиб қолмай, кўпдан-кўп қўпорувчилик ҳаракатлари ҳам содир этди. Террорчиларнинг қонли тажовузи 1999 йилда ҳам, 2000 ва 2001 йилда ҳам давом этди. Разил босқинчилар халқимизнинг тинчлигини, осойишталигини бузиш билан бирга қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлди.

Бунга қадар эса, аввал ваҳҳобийлар, сўнг “ҳизбут-таҳрир”чилар маблағ аямасдан юзлаб ёшларимизни йўлдан уришга, ўзлари томонга оғдириб олишга узлуксиз ҳараткат қилишди. Уларнинг тузогига илинган ёшлар наинки Афғонистонда, балки Покистонда ҳам жангарилик “илм”идан сабоқ олишди.

Айтиш керакки, бузғунчилар алданган ёшларни диний сабоқ олишга даъват этиб, жангарилар тайёрловчи лагерларда қисқа муддат шундай таълим беришгач, сўнг олти ой мобайнида қўпорувчилик ва террорчилликка ўргатишган.

Бир вақтнинг ўзида худди шундай юзлаб лагерлар фалият кўрсатганини иnobатга олсак, мавжуд хатар нечоғли тез кучайиб борганини тасаввур этиш қийин эмас, албатта.

Ўша даврда Ўзбекистон қандай жиддий хавф билан юзма-юз турганини энди анлаган бўлсангиз керак? Шунинг учун ҳам биз Америка Кўшма Штатларини, биринчи навбатда, халқаро террорчилликка қарши курашни foят Қатъий тарзда қўллаб-қувватладик. Шахсан мен Президент сифатида шундай йўл тутдим, чунки бу кураш менинг манфаатларимга, бутун халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг манфаатларига мос, интилишларимизга уйғун ва ҳамоҳанг эди.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни очиқ айтиш керак, биз қатъият билан шу йўлни тутар эканмиз, ўзга бир мақсадни кўзлаган эмасмиз. Қандайдир манфаат ёки бирон бир наф кўришни ўйлаб, мана шундай қатъият кўрсатганимиз йўқ.

Мана шу вазиятда, Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошлангунча ва ҳатто ундан кейин ҳам Россия Федерацияси телеканаллари 24 соат мобайнида фақат бир мавзуда ўйдирма ёйиши, гўёки мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида, Термиз яқинида толибларнинг ўн минг жангаридан иборат қўшини юргимизга бостириб кириш учун тайёр бўлиб туришибди. Гўёки толибларнинг раҳбари мулла Умар Ўзбекистонга жиҳод эълон қилган эмиш.

Шу фактларнинг ўзи ҳам аҳвол нечоғлик мураккаб булганини яққол намоён этади.

Мана шу вазиятда сувни атайлаб лойқалатишдан мақсад — халқимизни саросимага солиб қўйишдан иборат эканини ўзларингиз ҳам англаб турган бўлсангиз керак.

Ўша кезлари менга аксарият Европа мамлакатларидан телефон қилиб, Ўзбекистонга бормоқчи эдик, тинчлими ўзи, юрtingизда уруш бўлмаяптими, деб сўрашгани ҳамон ёдимда. Хуллас, биз мана шу вазиятда қатъий қарор қабул қилдик ва танлаган йўлини издан қайтмадик. Нега деганда, яна таъкидлайман, бу йўл бизнинг манфаатларимизга мос ва уйғун эди.

Хозир қаерга бормайлик, америкаликлар ўша оғир дамларда беғараз қўллаб-кувватлаганимиз учун бизга ташаккур дейишмоқда. Куни кеча Америка Кўшма Штатлари Президенти Буш жанобларига, бир неча йил мобайнида Ўзбекистонга доимий равишда таҳдид солиб келган хавфу хатардан холос этгани учун АҚШдан миннатдор эканимизни маълум қилдим.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, яна бир маротаба ўзимнинг, кўп миллатли халқиминг номидан шуни айтмоқчиманки, бизни, Марказий Осиёда истиқомат қилаётган инсонларни, бир сўз билан айтганда, башариятни

аср вабосига айланган ёвуз офат балосидан халос этганингиз учун сизлардан бағоят миннатдормиз.

Истиқболдаги муносабатлар ҳақидағи саволға келсак, шуни рўй-рост айтиш керакки, Америка Кўшма Штатлари вакиллари Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиё мамлакатларида мунтазам базалари бўлмаслигини алла-қачон маълум қилишган.

Америка Кўшма Штатларининг ушбу минтақадаги фаолияти, биринчи навбатда, антитеррор ҳаракатлари қачон якун топишига боғлиқ, албатта. Масалага шу нуқтани назардан қарайдиган бўлсак, маълумки, антитеррор ҳаракатларидан кўзда тутгилган мақсад – даҳшатли террор машинасини бутунлай йўқ этишдан иборат. Бунинг учун қанча фурсат талаб қилинса, Америка Кўшма Штатлари шунча вақт Ўзбекистонда қолиши мумкин.

Бугунги кунга келиб, вазият шундай тус олдики, бизнинг Америка Кўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун аэродром ажратишимиш ҳам ёки бўлмаса, антитеррор ҳаракатларига бош қўшишимиз ҳам Россия Федерацияси билан ўзаро келишув асосида амалга ошган, десак бўлаверади.

Умуман, Россия Федерациясида бу масалаларга турли-ча қараш ва турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида Америка Кўшма Штатлари бизнинг сарҳадларимизга туташ ҳудуддаги халқаро террорчиларга қақшатгич зарба берганини тўғри тушунадиганлар ҳам оз эмас. Нега деганда, толиблар ва террорчилар Россия Федерациясига ҳам доимий равишда хавф солиб келган, мамлакатнинг жанубий сарҳадларида нотинчлик келтириб чиқариш хатари узлуксиз ташвиш уйғотиб келарди. Мана шу вазиятда бу тадбир уларнинг ўзига ҳам катта амалий ёрдам бўлди, ҳозир аксарият кўпчилик буни тўғри англаб, антитеррор ҳаракатларини маъқулламоқда. Қолаверса, Россия Федерацияси антитеррор коалициясининг фаол аъзосидир. Шу маънода, айтиш жоизки, бу мамлакатда ҳам Америка Кўшма Штатлари билан Россия Федерациясини бир-биридан узоқлаштирадиган муаммоларга нисбатан

уларни яқынлаштирадиган муштарап масалалар ғоят бе-
хисоб, деган фикр шаклланиб бормоқда. Ўйлайманки,
Россия Федерацияси Президенти жаноб Путин ҳам худ-
ди шундай фикрнинг тарафдоридир.

Шахсан мен, муносабатларнинг мана шундай соғлом
ривож топиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

— Жаноб Президент, Сиз Афғонистонга ниҳоятда яқин
жойда, унга қўшни мамлакатда истиқомат қиласиз. Шу
маънода, Сизнинг ўз минтақангиз ҳақидаги билим ва таж-
рибангиз ғоят қимматлидир. Мен шундан келиб чиқиб, сиз-
дан бир масалада фикр сўрамоқчиман. Айтинг-чи, Афғонис-
тонда ҳалқаро тинчликпарвар кучларни жсалб этмасдан бар-
қарорлик ўрнатиш мумкинми?

Шундан келиб чиқадиган иккинчи саволим — АҚШ
қуролли кучлари иштирок этмаган тақдирда, тинчлик-
парвар кучлар ҳаракати кутилган даражада самара бе-
радими?

— Антитеррор ҳаракатларининг биринчи босқичи
муваффақиятли якун топганига бугун барчамиз гувоҳ
булиб турибмиз.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳаракат юксак даражада
ниҳоясига етказилди. Мукаммал ишлаб чиқилган страте-
гик режанинг тўлиқ рӯёбга чиқарилиши ушбу босқичда
кatta талафотларнинг олдини олди. Буни ҳеч ким инкор
эта олмайди, албатта.

Маълумки, ҳозир нисбатан оғир бўлган навбатдаги
bosқич бошланди. Таъкидлаб айтаман, бу босқичнинг
ўзига хос қийинчилклари булиб, у Афғонистоннинг
доимий ҳукуматини шакллантириш ҳамда давлатчилик-
ни тикишни тақозо этади.

Афғонистонда қандай куч ҳокимият тепасига келади?
Бу мамлакатдан яна бизга хавфу хатар таҳдиц соладими
ёки йўқми? Албатта, бу масалалар бизни лоқайд қолдир-
майди.

Шу маънода, айтиш керакки, антитеррор ҳаракатла-
рининг биринчи босқичи якун топганидан, яъни толиб-
лар ва “Ал-Қоида”нинг террор машинаси яксон этилга-

нидан кейин юзага келгандын нозик вазияттан бошқа ҳеч бир күч ўз манфаати учун фойдаланишига йўл қўймаслик даркор.

Афғонистонда шундай омиллар мавжудки, улар бизни доимо жиддий хавотир ва ташвишга солиб келган. Турли қабилалар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар мана шуларнинг биридир.

Бугунги кунда ҳокимият марказий мұваққат ҳукумат томонидан тұлғык бошқарылаётганий йўқ, балки у жойлардаги дала қўмондоңлари ва жангари гуруҳлар қўлида, десак, ўйлайманки, бу ҳам хато бўлмайди.

Яна бир омил шундан иборатки, уруш ва нотинчликлар оқибатида мамлакатда жуда катта миқдорда қурол-ярог йигилиб қолган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда афғон фуқаролари, шунингдек, турли гуруҳлар қўлида 10 миллион дона ўқотар қурол мавжуд.

Ҳозир бу қурол-аслаҳалар яшириб қўйилаётганини тасаввур этиш қўйин эмас, лекин эрта бир кун улар яна қўлга олинмаслигига ким кафолот беради?

Ҳар биримизни ўйлантираётган яна бир масала — толиблар ва “Ал-Қоида” жангарилари қаёққа ғойиб бўлиши? Улар қаерга сингиб кетиши? Эрга бир кун қаерда ва кимнинг остонасида ҳозир нозир бўлишади?

Яна бир муҳим масала — Афғонистоннинг қуролли кучларини тузиш билан боғлиқ, албатта. Хўш, бу қандай армия бўлади? Кимга итоат этади, кимнинг йўриғига юради?

Табиийки, бу муаммоларнинг энг муҳими — тинчлик ва барқарорликни сақлашдан, Афғонистонни қайта тиклашдан иборатдир.

Ҳозир мамлакатга инсонпарварлик ёрдамлари келиб турибди, бу — яхши, лекин у қачонгача давом этади?

Шунинг учун яқин келажакка ҳозирлик кўриш, мамлакатнинг ўзида моддий неъматлар асосини яратиш, одамларни қурол-ярогни ташлаб, ҳалол меҳнат қилиш, ризқнасиба топнишга йўналтирадиган ва шунга яраша шарт-

шароит яратиб берадиган мутасадди ташкилот ва корхоналар барпо этиш лозим, албатта.

Афғонистоннинг келажаги билан боғлиқ бўлган яна бир долзарб масала мавжуд, у ҳам бўлса, шу йил июнда Лойя Жирға, яъни, оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳукумат аъзоларининг сайланишидир.

Янги ҳукуматнинг қандай сиёсий қарашларга эга бўлиши, ўйлайманки, ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала.

Агар биз мана шу омилларни инобатга оладиган бўлсак, Афғонистонда эртага ҳам барча ишлар рисоладагидек бўлади, дейиш қийин. Хотиржамликка берилишга асос йўқ.

Сизнинг иккинчи саволингизга келсак, тинчликпарвар кучларнинг, айниқса, Афғонистондаги дала қўмондонлари, турли қабилалар ва этник гуруҳларнинг ўзаро ички низоларига аралашиб қолмаслиги фоят муҳим, деб биламан. Чунки мана шундай низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай вазиятда унга аралашиб қолиш хунук салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Халқда шундай ҳикмат бор: икки кимса уруш-жанжал қилганида, кимда-ким унга аралашса, икковлон адоватни унутиб учинчи одамга ҳужум қиласади.

— Сиз Америка Қўшма Штатларига бетараф туришини маслаҳат берасизми?

— Йўқ, мен бу ҳикматни сиз англаган маънода айтганим йўқ. Демоқризманики, Америка Қўшма Штатлари бекиёс саъи-ҳаракатлар билан “Ал-Қоида” ва талибларнинг террор машинасини яксон этди, энди мана шу муваффақиятни арзимаган хатолар туфайли бой бериб қўймаслик лозим.

Америка Қўшма Штатлари ҳеч вақт назоратни қўлдан чиқармаслиги даркор. Лекин, ҳарбий куч ишлатиш, Афғонистон худудида қуруқликдаги қўшинлардан фойдаланиш тамомила бошқа масала эканини ҳам унутмаслик лозим. Бу кучлар, менинг назаримда, ҳозир афғон воқеаларининг фақат маҳсус операциялардан иборат қисмida иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

— Сизнинг ажойиб мамлакатингизга икки маротаба бориш менга насиб этди. Ўзбекистонда мен журналист сифатида айрим муаммоларга дуч келдим. Демоқчиманки, журналистларнинг Хонобод аэроромини бориб кўришига қачон ижозат берилади?

— Агар, ўз мамлакатингиз, яъни Америка Қўшма Штатлари томонидан эътиroz бўлмаса, биз ҳам сизнинг американлик ҳарбийлар жойлашган Хонобод аэроромига боришингизга мутлақо қарши эмасмиз.

Ўзбекистонда хорижий журналист, агар, аккредитация қилинган бўлса, унинг қаергадир кириш ё кирмаслиги борасида муаммо бўлиши мумкин эмас. Ўз таъбирингиз билан айтганда, “ноу проблем”.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида антитеррор ҳаракатини амалга ошириш даврида бизнинг мамлакат ҳудудидан, аниқроғи, Хонобод аэроромидан фойдаланиш тартиблари тўғрисида маҳсус ҳужжат имзоланган. Биз ўз ҳамкорлигимизга доир масалаларни мана шу ҳужжатдаги ҳуқуқий-меъёрий мезонлар доирасида ҳал этамиз. Шу маънода, Хонобод аэроромига кириш-кирмаслик масаласи Президент томонидан рухсат бериш ёки бермаслик билан боғлиқ эмас, албатта.

Ўзбекистонда ҳар қандай муаммо ечимини таъмин этадиган меъёрий ҳужжат мавжуд бўлиб, унга амал қилинади. Агар Америка Қўшма Штатлари қўшимча хоҳиш истак билдиrsa, биз бу таклифни ҳам алоҳида кўриб чиқишимиз мумкин.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сизларга яна шуни айтмоқчиманки, Америка Қўшма Штатларининг анти-террор ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон ҳудудида, хусусан, Хонобод аэроромида жойлашган қарийб минг кишилик қўшинига шахсан менинг, халқимизнинг муносабати илиқ ва самимий, десам, асло хато бўлмайди.

Шу пайтга қадар бирон-бир ҳолатда тартибсизлик ёки узаро келишувнга номувофиқ хатти-ҳаракатлар содир этилган эмас. Сизларнинг нашрларингиз орқали мана шундай ажойиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-

оналарга, ҳар жиҳатдан ўрнак бўлгулик интизомли ас-карларнинг тарбиячиларига, умуман, Америка халқига Ўзбекистон Президенти сифатида ўз миннатдорчилигими-ни билдиришга ижозат бергайсизлар.

— Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб Буш Афғонистондаги антитеррор ҳаракатига қўшган муносаб ҳиссангиз учун Сизга миннатдорчилик билдириди. Америка Қўшма Штатларининг мамлакатингиздаги ички муаммоларни ечиш ва ички терроризмга қарши курашдаги ёрдамидан қони-қиши ҳосил этасизми?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, кечаги суҳбат давомида Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари бизнинг холисона ёрдамимиз, антитеррор ҳаракатларидаги иштирокимиз ва ўз вақтида қатъият билан қарор қабул қилганимиз учун Ўзбекистонга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Энди, ёрдам масаласига келсак, биз унга муҳтоҷ эмас-миз, десам, унчалик тўғри бўлмайди, агар, очиқ айтади-ган бўлсак, биринчи навбатда сиёсий жиҳатдан қўллаб-кувватлашга ҳамда техниковий мададга эҳтиёжимиз мав-жууд.

Шуни ҳам рўй-рост айтиш керакки, антитеррор ҳара-катларида иштирок этишга қарор қилганимиздан сўнг, айрим хорижий нашрларда мана шунинг эвазига Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон учун 8 миллиард доллар ажратгани ҳақида ғалати хабарлар пайдо бўлди. Бундан ҳатто бизнинг ўзимиз ҳам ҳайрон қолдик.

Куни кеча эса, Америка Қўшма Штатлари Давлат ко-тибининг ўринбосари Элизабет Жоунс 2002 йилда Ўзбе-кистонга молиявий ёрдам тариқасида 160 миллион дол-лар ажратилишини маълум қилди.

Сизлар билан ҳамсуҳбат бўлиб турганимдан фойдала-ниб, шуни айтмоқчиманки, биз ўзимизга берилаётган ёрдамни рақамлар ёки ажратилиши кўзда тутилган маб-лаф ва унинг миқдори билан ўлчамаймиз, албатта.

Биз эҳтиёж сезаётган асосий ёрдам шундан иборатки, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳаларда бизга ўзи-

миз бошлаган кенг кўламли ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва изчил давом эттиришда сизларнинг кўмабингиз ниҳоятда зарур.

Сиз билан бизнинг ҳамкорлигимиз Ўзбекистонда ўзечимиини кутаётган кўпгина масалалар билан бевосита боғлиқ бўлиши даркор, деб ўйтайман.

Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтмоқчиманки, биз Ўзбекистонда ички терроризмга қарши курашга қаратилган бирон-бир амалий ёрдам олганимиз йўқ. Ўйтайманки, бундай эҳтиёж туғилмаса керак.

Мен мамлакатимиздаги ҳаётни яхши билганим учун шундай деяпман.

Айни шайтда, ҳар икки давлат хавфсизлик хизматлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётганини яшириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Лекин қандайдир ички қарши кучлар ёхуд мамлакат ҳудудидаги террорчилар билан курашиш учун бизга ҳеч қандай ёрдам зарур эмас. Демоқчиманки, бизни сиёсий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш лозим, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон бирдек манфаатдор бўлган соҳаларда амалий ҳамкорлик даркор.

Шуни таъкидлаб айтаманки, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган барча демократик дастурларни тўлиқ рӯёбга чиқарамиз, шу билан бирга демократик қадриятларни бекаму кўст ўрнатамиз. Лекин биз бу ишларни Америка Қўшма Штатларида ўзимизга нисбатан хайриҳоҳлик туйғусини уйғотиш учун қилмаймиз, албатта. Биринчи навбатда, бу — ўз манфаатларимизга, Ўзбекистон манфаатларига мос ва уйғун бўлгани учун уларни амалга оширамиз. Биз ўз Ватанимизда ўзимиз, халқимиз, келажак авлодларимиз учун янги давлат барпо этаямиз. Бу — демократик давлат бўлиб, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Европа мамлакатлари сингари унда барча шартшароитлар, эркинликлар устувор бўлишидан, биринчи галда, бизнинг ўзимиз манфаатдормиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЛИДЕР" МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Гроус жаноблари,
Директорлар кенгаши аъзолари,
Хонимлар ва жаноблар,

Авваламбор, сизларга ўз халқимнинг илиқ ва самимий саломини етказар эканман, менга кўрсатилган юксак эҳтиром — “Халқаро миқёсдаги лидер” деб аталган нуфузли мукофотнинг топширилиши муносабати билан ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Бу юксак мукофотнинг айнан шу ерда — бутун дунёда тан олинган ва ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган АҚШ яхудийларининг миллий марказида, Холокост фожиаси, ирқий камситиш ва антисемитизм даҳшати, геноцид ва террорчилик каби бало-қазоларнинг ваҳший қиёфаси нима эканини ўз ҳаёти мисолида яхши биладиган одамларни бирлаштирган жойда топширилиши ҳам мен учун, менинг мамлакатим, Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, бу мукофотни топшириш маросими Нью-Йоркда — 2001 йилнинг 11 сентябрида содир этилган, инсоният тарихидаги ўта шафқатсизлик ва сурбетлик, файриинсонийлик ва ақидапарастлик интилишларининг энг ёвуз кўринишларидан бири бўлган, бутун дунёни ларзага солган террорчилик хуружининг нишонига айланган шаҳарда ўтаётгани ҳам алоҳида маъно-мазмунга эга, деб ўйтайман.

Чунки биз, 11 сентябрь воқеаларини нафақат Нью-Йорк шаҳри аҳолиси, нафақат барча Америка фуқарола-

ри, балки бутун инсоният бошига түшгән фожиа эканини яхши англаймиз. Агар кимда-ким ирқчилік, диний ақидапарастлик ва экстремизм мағұраси билан үзаро чатишиб, томир отиб кетгән террорчилік хавфи нечоғли даҳшатли оғат эканини мана шу воқеа содир бұлгунича түшүнмаган бұлса, үйлайманки, 11 сентябрь воқеалари күпчilikтің күзини очди ва бу таҳдид жақон ҳамжамияти учун қанчалик хавфли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу оғат, бу бало-қазо ҳар бир мамлакат, ҳар бир хонадонга кириб бориши мүмкінлегини ва ундан фақат халқаро ҳамжамияттің саъй-харакат ва имкониятларының бирлаштырган қолдагина ҳимояланиш мүмкінлегини ҳам бүтүн дүнё түшүниб етди. Бундай ёвуздык билан асло келишиб бұлмаслиги, ҳозирғи пайтада ҳеч бир мамлакат XXI аср вабоси бўлмиш бу иллатга қарши курашдан четда тура олмаслигини англаган қолдагина унга бас келиш мүмкінлеги ҳам бугунги кунда айни ҳақиқат бўлиб турибди.

Мен яна бир бор тақрорламоқчиман — инсоннинг эркін яшаш ҳуқуқи ва баҳтли ҳаётга бўлган интилишини, унинг фарзанд тарбиялаш, ўзи ёқтирган иш билан шүгүлланиш ҳуқуқини, қолаверса, одамзоттің энг муқаддас бойлиги — яшаш ҳуқуқини инкор этувчи бу ёвуз куч билан келишиш, муроса қилиш асло мүмкін эмас.

Нега деганда, бундай ақидапараст кимсалар раҳм-шафқат ва ачиниш ҳиссисидан мутлақо бегона эканини, улар учун инсон ҳаёти ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмаслигини кейинги йилларда дүнёнинг түрли бурчакларыда содир этилаётган террорчилік ҳаракатлари мисолида кўриб-билиб турибмиз. Бу ёвуз кимсаларнинг атоқли бир ёзувчи айтган "бутун жақоннинг бойлиги ноҳақ рањитилган гўдакнинг бир томчи кўз ёшига арзимайди" деган фикрни тушуниши мүмкінлеги ҳақида ганириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Мана шу Нью-Йорк шаҳрида бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотираси олдида ҳурмат бажо этган ҳолда, шунни

айтмоқчиманки, биз, Ўзбекистон халқи америкаликларнинг ватанпарварлигига таҳсинлар айтмоқдамиз. Мен асл моҳияти ва манбаи ҳақида ҳали кўп ёзиладиган, гапириладиган, ўрганиладиган бу олижаноб фазилатни ўзига хос ноёб маънавий ҳодиса, деб атаган бўлар эдим. Чунки айнан шу ватанпарварлик туфайли бутун Америка халқи умумий хавф қаршисида бирлашди ва бу туйғу Америка жамиятининг деярли барча бўғинларида яққол намоён бўлди.

Биз айниқса Нью-Йорк шаҳри аҳолисининг қаҳрамонлиги ва жасоратига қойил қолдик, десам, асло муболага бўлмайди. Улар ўша фожиали кунларда ўзини йуқотиб қўймади, таҳлиқага тушмади, аксинча, ҳайратланарли даражада ўzlарининг бирдамлигини ва инсоний матонатини намойиш этди. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, энг юксак эҳтиромга муносаб ва ибратлидир.

Мен бугун, аввалимбор, Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарлари ҳокимиётларига, жамоат ва давлат муассасалари ва, албатта, АҚШ Конгрессига ўзимнинг чукур хурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Америка Конгресси ўша кунлари деярли узлуксиз ўтказилган мажлислирида террорчиликка қарши изчили ва кенг миқёсда кураш бошлаш учун зарур бўлган барча қонун ҳужжатлари ва қарорларни қабул қилди. Бу ҳужжатлар мавжуд куч, маблағ ва имкониятларни қисқа муддатда ана шу мақсад йўлида сафарбар этиш имконини берди.

Ўз навбатида содир этилган фожнанинг айборлари ни топиш ва уларни қилмишларига яраша жазолаш учун АҚШ бошчилигидаги халқаро коалицияни шакллантириш борасида етарли ҳукуқий асос яратилди.

Мен АҚШ Президентига, унинг жасорати, матонати ва юксак иродасига қойил қолганимни очиқ айтишим керак. Шу нарсани қатъий таъкидламоқчиманки, айнан ана шу — Америка учун оғир синов кунларида жаноб Буш ўзининг ҳақиқий етакчи эканини кўрсатди ва нафақат Америка Қўшма Штатларида, балки бошқа олис давлатларда ҳам юксак хурмат ва эътибор қозонди.

Ўзбекистон, жуғрофий жиҳатдан, Нью-Йоркдан анча узоқда жойлашган бўлса-да, террорчилик жиноятлари содир этилган ўша кунларда биз ўзимизни сизлар билан бирга, бамисоли ёнма-ён тургандек ҳис этдик. Бу ерда рўй берган даҳшатли воқеаларни телевизор орқали кўриб, ўз муносабатимизни билдириб турдик. Ҳатто инглиз тилини билмайдиган фуқароларимиз ҳам “Си-Эн-Эн”, “Си-Би-Эс”, “Эн-Би-Си Ньюс”, “Би-Би-Си” каби ахборот агентликлари узатган лавҳа ва хабарларни мунтазам кузатиб борди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ахборот агентликлари бир зумда умуминсоний фожиага айланиб кетган бу воқеалардан дунёning турли бурчакларида яшаётган кўп-кўп одамларни вақтида хабардор қила олди. Барчамиз газета хабарлари орқали ҳам бу воқеаларни диққат ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

Мен яна ва яна бир бор таъкидламоқчиман: биз америкаликларнинг, аввалимбор, журналистларнинг жасоратига чин юракдан таҳсинлар айтамиз. Улар нафақат маҳорат ва ўзларининг профессионал малакаларини, балки юксак инсоний ва фуқаролик фазилатларини ҳам намоён этдилар, бегуноҳ қурбон бўлганлар ва уларнинг оиласларига ўзларининг ҳамдардликларини етказа олдилар.

Энди амалга оширилаётган антитеррор операциясида Ўзбекистоннинг тутган позицияси ҳақида қисқача тұхталыб ўтмоқчиман.

Аввало, шу фикрни алоҳида таъкидлашни истардим-ки, Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси бошданоқ аниқ ва қатый бўлди. АҚШ учун мусибатли бўлган ўша дамларда биз ўз позициямизнинг түгри экани ҳақида бир дақиқа бўлсин иккиланганимиз йўқ ва ҳеч шубҳасиз, ўзимизни сизлар билан бирга деб билдик. Биз кимнинг ким экани айнан мана шундай синов дамларида яққол намоён бўлишини яхши тушунамиз.

Бугун, мен сизларнинг очиқ чехрангизга қараб, юқорида айтилган фикрни яна бир бор такрорламоқчиман: биз

бу йўлни онгли равищда танладик. Агар бу борада яна бир марта қарор қабул қилишга тўғри келса, биз ҳеч иккиланмай айни шундай йўл тутган бўлар эдик. Чунки, бизнинг позициямиз ўзгармасдир.

Бизнинг нечоғли қийин ва мураккаб бир шароитда мана шундай қарорга келганимизни ўзингиз бир тасаввур қилиб қўринг. Ўша пайтда Ўзбекистонга қарши ҳақиқий ахборот уруши эълон қилинганди. Баъзи мамлакатларнинг деярли барча телеканаллари ва оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ва унинг Президентига қарши жиҳод эълон қилингани тўғрисида тинимсиз гапирилаётган, ўзбек-афғон чегарасида толибларнинг минглаб яхши тайёргарликдан ўтган аскарлари тўплангани, улар тез орада чегарадан ўтиб, Ўзбекистонга бостириб кириши ҳақида ҳар соатда хабарлар тарқатилаётган, газеталар саҳифаларида “Толибон” жангариларининг эртага Бухоро, Самарқанд, Тошкент вайроналарида намоз ўқиши тўғрисидаги баёнотлари чоп этилаётган, гўёки одамларнинг ваҳимага тушиб, Ўзбекистондан қочиб кетаётгани, мамлакатда тартибсизлик ҳукм суроётгани тўғрисидаги қип-қизил ёлғондан иборат ахборотлар тарқатилган, мамлакат аҳолиси ўртасида кўркув ва саросима кайфиятини туғдириш мақсадида тарғиботнинг бошқа, янада маккор усулларидан фойдаланилаётган бир шароитда бундай қарорга келиш осон бўлганий йўқ, албатта.

Буларнинг барчаси Афғонистонда антитеррор операцияси бошланишидан бир ҳафта олдин рўй берган эди. У вақтда нафақат ушбу операциянинг натижасини олдиндан кўра билиш, балки унинг қачон бошланиши ва нима билан тугашини айтиш ҳам мушкул эди. Бу операция оқибатлари қандай бўлиши, улар Ўзбекистонга қандай таъсир ўтказиши ҳали мутлақо номаълум бўлган бундай мураккаб, хатарли вазиятда қатъий, аниқ ва равшан позицияни эгаллаш мен учун осон бўлмаганини ўзингиз яхши тасаввур қиласиз, деб ўйлайман.

Бугун, операциянинг биринчи босқичи якунлангач, толибларнинг ҳарбий машинаси асосан яксон этилгач, ёв

кочса, ботир күпаяди, деганларидек, күнгина “оташин” курашчилар пайдо бўлди, улар антитеррор операциясими мислсиз қатъият билан қўллаб-кувватламоқда ва ҳатто унда иштирок этиш истагини билдиromoқда. Бироқ ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан олдинги вазият бутунлай бошқача эди. Ўшанда менга ҳатто баъзи қўшниларимиз қўнғироқ қилиб, “Нима қиляпсиз? Қўрқмайсизми?” деб сўрашган эди.

Яна бир бор айтмоқчиман, ўша таҳликали кунларда биз ким нимага эга бўлиши хусусида савдолашмадик ва ўзимиз учун бирон-бир фойдани кўзламай, фақат умумий хатарни бартараф этишни ўйлаб қатъият билан ҳаракат қилдик.

Эътиборингизни иккинчи бир фикрга қаратмоқчиман.

Ҳа, бугун антитеррор операциясининг биринчи босқичи поёнига етмоқда, лекин биз яхши тушунамизки, террорчилик ва унинг кўринишларига қарши кураш ҳали узоқ давом этади. Бу курашда биз АҚШ давлатининг, Президент Буш жанобларининг террорчилик машинасими таг-томири билан йўқотишга қаратилган операцияни охиринга етказиш борасидаги қатъиятини қўллаб-кувватлаймиз.

Аммо, шуни афсус билан қайд этишга тўғри келадики, вақт бизни 11 сентябрь фожиаларидан узоқлаштиргани сари айрим мамлакатларнинг бир қатор сиёsat ва давлат арбоблари халқаро террорчиликнинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайдиган улкан хавфини унугиб қўйишмоқда. Афғонистон худудида олиб борилаётган антитеррор операцијаси муваффақиятли амалга оширилаётганига қарамай, терроризм ҳали батамом йўқотилгани йўқ ва у ҳар қандай дақиқада, ҳар қандай вазиятда яна ўзининг ваҳший башарасини кўрсатиши мумкин.

Бу арбобларни халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги бирдамликни янада мустаҳкамлаш, бу йўлдаги саъи-ҳаракатларни қўллаб-кувватлаш ва, ҳатто, АҚШ томонидан буғунги кунда халқаро террорчиликка қарши

кураш йўлида сарфланаётган катта-катта маблағлар эмас, балки у ёки бу минтақада сиёсий ва ҳарбий-сиёсий кучлар нисбати қанчалик үзгариши, кимнинг мавқеи кучайиши ва кимники сусайиши каби масалалар кўпроқ ташвишга солмоқда.

Ўйлайманки, бу ўринда бизнинг халқимизнинг, тўйдан олдин ноғора чалишнинг нима кераги бор, деган иборасини эслаш ўринли бўлади.

Энг ёмони шундаки, бундай ёндашув ва бундай асосдаги сиёсат халқаро антитеррорчилик коалициясининг бирдамлиги ва жинслигига салбий таъсир этиши мумкин.

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий: Ўзбекистоннинг халқаро террорчилик, ашаддий экстремизм ва ақидапарастлик кўринишларига қарши курашда тутган муросасиз ва изчил позицияси нималар билан изоҳланади?

Гап шундаки, Ўзбекистон террорчиликнинг жиддий ва хавфли кўринишларига, радикализм ва диний экстремизм хуружига, мамлакатимизни ўзи танлаб олган демократик ривожланиш йўлидан оғдиришга қаратилган ёвуз уринишларга 11 сентябрдан анча олдин дуч келган. Айтиш керакки, биз мамлакатимизнинг ўн йиллик мустақил тараққиёти давомида бундай хавф-хатарлар таъсирини мутгасил ҳис этиб яшадик.

Ўзбекистон Президенти сифатида менинг ўзим диний экстремизм ва ашаддий ақидапарастлик кўринишидаги, ваҳший қиёфадаги бундай ёвуз кучга неча бор дуч келганман.

Шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидламоқчиман.

Биз ота-боболаримиз дини бўлган ислом динини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни вақтда биз ислом foялари билан ниқобланиб олган жангари, ашаддий ақидапарастлик руҳидаги диний оқимларга мутлақо қаршимиз ва улар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Биз исломнинг дин сифатида сиёсийлаштирилишини ҳам қабул қила олмаймиз.

Биз, одамларни осойишталик ва яратувчиликка, турли милят ва дин вакилларини ўзаро муроса, бағрикенгликтекеси ҳамжиҳатлик асосида яшашга даъват этадиган анъанавий, тинчликиларвар мұқаддас ислом тарафдоримиз.

Ўзбекистоннинг күп асрлик тарихи давомида антисемитизм, ирқий ва диний камситиш ҳоллари бизнинг заминимизда ҳеч қачон намоён бўлган эмас. Мен Ватанимиз тарихидан одамлар ўртасида миллий ва диний асосида низо чиқсан бирон-бир воқеани мисол келтира олмайман. Биз Ўзбекистон тарихида, ушбу заминда юзлаб ва минглаб йиллар мобайнида ислом дини билан бошқа динлар, жумладан, яхудо дини яшаб келгани билан фахрланамиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм даҳшатларидан қочган 250 мингдан зиёд яхудий миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистондан паноҳ топгани халқимизга хос ана шундай бағрикенгликдан далолат беради.

Ўша оғир синов йилларида Ўзбекистон үлкамизга кўчириб келтирилган ўнлаб милят вакиллари қатори яхудийлар учун ҳам қадрдан Ватанга айланди. Бизнинг буюк шоиримиз Faфур Гулом фашизм томонидан кувгин ва қирғинга учраган халқ билан бирдамлик туйгусини ифода этиб, “Мен – яхудийман” шеърини ёзган. Унда яхудий халқининг ажойиб инсоний фазилатлари ва айниқса меҳнаткашлыги ва донишмандлиги тараннум этилган.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган яхудий халқи ушбу заминда ўзининг 2500 йиллик тарихига эга. Ўзбек ва яхудий халқлари ўзларининг күп асрлик муносабатлари давомида ўзаро нифоқ ва айирмачилик нима эканини билмаган. Бухоро яхудийлари каби ноёб этник-маданий жамоа минг йиллар давомида айнан бизнинг заминимизда шаклланган. Бу халқнинг маданияти, бир томондан, ниҳоятда бой бўлган яхудий маънавий анъана-налирига асосланган, бошқа томондан эса, Марказий Осиё халқлари қадимий меросидан ҳар томонлама ижобий озиқланган.

Бизнинг бой ва қадимий тарихимиз ана шундай ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Ва биз бу тарих билан ҳақли равишда фаҳрланамиз.

Мен юртимизнинг бугунги тараққиёти ҳақида ганирар эканман, биз учун, миңтақамизда яшаётган барча ҳалқлар учун ўзимиз қатъий танлаб олган очиқ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидан оғдиришга қаратилган турли хавф-хатар ва уринишлар ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганини таъкидламоқчиман.

Биз Ватанимизнинг жанубий чегаралари орқали мамлакатимизга суқилиб киришга уринаётган ашаддий диний экстремизм ва ақидапарастлик нақадар хавфли эканни яхши биламиз.

Бундай хавф-хатарларнинг юзага чиқиши бизни ўнлаб, юзлаб йиллар орқага, ўрга асрларга хос зулмат ва жаҳолат даврига улоқтириб юбориши мумкинлигини ҳам тушумамиз.

Ана шундай қалтис шароитда барча зарур чораларни, айтиш керакки, бундай хавф-хатарларнинг йўлини тўсишга қаратилган тадбирларни кўрмаслик хайқимиз олдида, аввало эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз, янги авлод олдида жиноят эканини яхши англаймиз.

Шундан келиб чиқиб, жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, демократик қадриятларни одамларимиз онгига теранроқ сингдириш, Ўзбекистоннинг тараққий тоиган дунё билан интеграциялашувини таъминлашни ўзимиз учун энг муҳим вазифа, деб биламиз. Айнан шу боис биз Кадрлар тайёрлаш мислий дастурини қабул қилдик. Уни амалга оширишга устувор вазифа сифатида аҳамият бермоқдамиз.

Бугун юзлаб ва минглаб ёшлиаримиз Америка, Европа, Япониянинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Юртимизда олий ва умумий ўрта таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Айни пайтда биз замонавий талабларга жавоб берадиган юзлаб лицейлар, минглаб коллежлар барпо этмоқдамиз. Бизнинг ишончимиз комилки, бу ўкув муасасаларида таълим олаётган фарзандларимиз нафақат Ватанимиз равнақи, иқтисодиётимиз тараққиётини, балки биз бугун барпо этаёғган янги жамиятнинг демократик қиёфасини белгилаб берадиган бунёдкор авлодга айланади. Чунки бугун бизнинг мамлакатимизда бутунлай янгича фикрлайдиган, юртимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод шаклланмоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси, биринчи навбатда, катта маблағ, кўп вақт талаб этади. Бироқ, мен аминманки, биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни охирига етказамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида сизларга менга берилган юксак мукофот учун яна бир бор ўз миннатдорлигимни изҳор этиб, барчангизга ўз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан энг эзгу ва олижаноб тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Мен бу мукофотни бутун ўзбек халқининг халқаро террорчиликка қарши курашга, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишдек хайрли ишга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳо, деб қабул қиласман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2002 йил 13 марта, Нью-Йорк

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ НИХОЯСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Бугун Ўзбекистон делегациясининг Америка Құшма Штатларига сафари давомида бұлиб үтган учрашув ва музокаралар, имзоланған ҳужжатларни, умуман, ушбу расмий ташрифта доир барча маълумотларни яна бир бор күз үнгімиздан үтказиб, бу натижаларга холисона баҳо бериш зарур.

Аввало, шуны айтмоқчиманки, албатта, ҳар қандай ташрифдан құзланған үзига хос ва үзига мос аниқ мақсадлар бұлади. Жұмладан, дунёдаги әнг күчли давлат деб тан оли наётган Америка Құшма Штатларига ташриф буюрышдан бизнинг аниқ мақсадимиз бор эди. Ташрифта тайёргарлик ана шу аниқ мақсашларга қарата олиб боришишини, үйлайманки, жамоатчилегимиз яхши тушунади.

Шу нүктәи назардан қараганда, Америка Құшма Штатларига бұлған бу ташрифта тахминан уч ой давомида тайёргарлық курилди. Биз мана шу вақт мобайнида белгіланған мақсадимизга әришиш йүлида үз режаларимизни тузғанмиз.

Бугун табиий бир савол пайдо бўлиши мумкинки, биз мана шу қўйилған мақсад-муддаоларимизга етдиқми, йўқми? Мен ташриф натижаларига мана шундай кўз билан қараб баҳо беришни таклиф қўлмоқчиман.

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мазкур ташриф натижаларидан мамнун булишга ва у муваффақиятли амалга оширилди, деб баҳо беришга барча асосларимиз бор. Бу баҳо, аввалимбор, нималарда кўринади?

Биринчидан, бу Ўзбекистон вакилларини қабул қилишдаги ҳурмат-эҳтиромда, илиқлиқда, дұстона муносабатда яққол намоён бўлади. Биз бундай муносабатта ало-

ҳида эътибор қаратишими, унга юқори баҳо беришимиз зарур, деб ўйлайман.

Делегация раҳбари сифатида ташриф якунлари ҳақида ганирадиган бўлсам, авваламбор “Белгиланган учрашувлар қандай ўғди ва уларнинг натижалари Ўзбекистон учун манфаатли бўлдими, Ватанимиз обрусига обру ќўшиди-ми?” — деган саволга жавоб беришим, халқимизга бу борадаги ўз фикримни шахсан етказишим зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аввало, Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб Буш Ўзбекистон делегацийасини ғоят самимий қабул қилганини, қабул маросими-нинг юқори даражада бўлганини, бизга зўр хурмат-эътибор билдирилганини таъкидлаш лозим.

Мен Америка Қўшма Штатларига биринчи маротаба келганим йўқ, олдинги Президент — жаноб Клинтон билан ҳам, ҳозирги Президентнинг отаси —жаноб Буш билан ҳам илгари учрашганман. Америка Қўшма Штатларига қилган сафарларимда кўп-кўп сиёsat, давлат арбоблари билан сұхбатлашганман. Демак, бу галги ташриф натижаларини аввалигилиари билан қандайдир солишиб-ришга, қиёслашга асосим бор. Бу сафарги ташрифимиз ҳақида тўларок тасаввур ҳосил қилиш учун баъзи ҳолатларни мисол келтирмоқчиман.

Президент Жорж Буш қабулида бўлганимизда, бизга маълум бўлдики, у мана шундай катта делегациялар, давлатларнинг раҳбарларини қабул қилиш маросимига ҳеч қачон ўзининг ёрдамчиларини, давлат арбоблари, сиёsatчилар ёки, айтайлик, вазирларини таклиф қилимас экан. Бизни қабул қилиш маросими ўта юксак даражада ташкил этилгани, бизга билдирилган муносабат мутлақо бошқача бўлганини катта мамнуният билан халқимизга етказишимиз керак.

Бизга нисбатан бундай катта ҳурмат ва эҳтиром сабабини жаноб Бушнинг ўзи шундай тушунтириб берди: “Бугун биз томонимиздан, яъни Америка Қўшма Штатлари томонидан ташкил этилган бу учрашувда қатнашаётган шахсларга эътибор беринг. Мисол учун, мен би-

пор-бир юксак мартабали шахсни қабул қилаётганимда, яқин ёрдамчиларим, аппаратимдан зарур ходимлар, тегишли бәзін вазирлар қатнашади, холос. Мен, шуни била туриб, бир ҳолатга сизнинг эътиборингизни жалб қилмоқчиманки, аввалимбор, бугунги учрашивимизда Давлат котиби жаноб Колин Пауэлл қатнашди. Мудофаа вазири Рамсфельд, Хавфисзлик Кенгашининг котиби Райс хоним, Президентнинг бир қатор бошқа энг яқин ходимлари ҳам иштирок этяпти. Молия, иқтисод масалалари бўйича юқори мартабали раҳбарлар ҳам қабул пайтида ҳозир бўлишди. Мана шундай таркибдаги ходимларни камдан-кам ҳолларда қабул маросимиға таклиф этамиз. Шунинг ўзиданоқ билингки, сизларни қабул қилишга биз алоҳида тайёргарлик курганмиз. Буни Сизга бўлган ҳурматимизиз, Ўзбекистонга бўлган ҳурматимизнинг, яхши муносабатимизнинг бир тасдиғи, деб қабул қилгайсиз”.

Америка Қўшма Штатлари Президенти билан бўлган сұхбат ҳақида гапирадиган бўлсам, бошқа учрашивларга қиёслаб айтишим мумкинки, унга жуда пухта тайёргарлик кўрилгани боис, учрашув тахминан эллик дақиқага мўлжалланган бўлса-да, амалда шу вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бәзі учрашивларда одам, мен яна нимани гапиришим керак, пайдо бўлган саволларга қандай жавоб беришим лозим дея, қандайдир ҳаяжонга тушади, қийналади. Баъзи жойларда эса учрашув қачон тугар экан, деб кутиб ўтирасан. Учрашивлар яхши ўтади-ю, лекин гоҳо кутилмаган ҳодисалар, масалан, мураккаб саволлар, уларга мураккаб жавоблар ҳам бўлади.

Лекин жаноб Буш билан бўлган учрашивимизда, шуни яна бир бор таъкидлаб айтишим керакки, сұхбат жиддий масалалар ҳақида борди. Учрашувда бизлар томондан мудофаа вазиримиз Қодир Фуломов ва бошқа расмий кишилар ҳам қатнашди. Мулоқотимиз қизиқарли бўлганидан вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолдик. Мана шу хайриҳоҳлик муҳити, ўртада келиб чиққан савол-жавоб-

ларнинг енгиллик билан ҳал этилиши бизга бўлган муносабатнинг самимийлигини яққол кўрсатиб туриди.

Энди суҳбат чоғида қандай масалалар кўрилгани ҳақида.

Биринчидан, жаноб Буш суҳбатимиз бошланишидаёқ “Ўзбекистоннинг 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда содир бўлган воқеаларга нисбатан муносабатини, Ўзбекистон давлатининг Америка Кўшма Штатларини мана шундай нозик, ўта мураккаб пайтда ҳеч иккиласида мақсадан қўллаганини, бу борадаги ўзининг қатъий фикрини билдирганини биз жуда юксак баҳолаймиз. Шуни билинг ва албатта халқингизга етказинг: мен шахсан АҚШ Президенти сифатида буни ҳеч қачон унутмайман ва Америка Кўшма Штатлари номидан яна бир бор сизларга, ўзбек халқига ўзимнинг ташаккуримни изҳор қиламан”, деган фикрни баён этди.

Жаноб Буш бизнинг ҳурмат-эътиборимиз, қатъий позициямизни жуда юқори баҳолади ва мана шундай оғир бир пайтда Ўзбекистон бизга елкадош бўлгани учун Америка Кўшма Штатлари жамоатчилиги нафақат ўз миннатдорчилигини билдириб қолади, балки келажакда бунга жавобан Ўзбекистон билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришга чин дилдан интилади, деб таъкидлади.

Агар биз шу фикрни давом этказмоқчи бўлсак, Америка Президентининг билинг, ва керак бўлса, халқингизга шуни етказинг, деган сўзларида катта маъно бор. Бу — биз Ўзбекистонни стратегик шерик, деб биламиз, Америка Кўшма Штатлари доим сизлар билан бирга бўлади, деган фикрни англатади. Биз учун энг юксак баҳо мана шу, десак, тўғри бўлади. Келажакда биз стратегик шеригимиз тариқасида Америка Кўшма Штатлари давлатига, унинг қудратига суюниб ва таяниб иш кўришимиз мумкин, деб айта оламиз ва бундан мамнунмиз. Шу боис, келажагимизга қандайдир ёруғ ниятлар билан қарашга асос бор, демоқчиман.

Яна битта масала шу бўлдики, мезбон Ўзбекистондаги бугунги аҳвол, унинг олиб бораётган сиёсати, Ўрта Оси-

ёда жойлашган давлатлар билан алоқалари, бир-бирига муносабати ҳақида, ҳозирги кунда иқтисодий ҳаётда, тараққиёт, ривожланиш йўлида қандай қийинчиликлар борлиги тұғрисида алоҳида сўради. Бу гаплар шунчаки айтилгани йўқ. Шу қизиқишининг ўзи, бизнинг аҳволимиздан хабардор бўлишга интилишнинг ўзи, ўйлайманки, бизларга нисбатан эътиборли муносабатдан дарак беради.

Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб кўп нарсани тушунириб беришга ҳаракат қилдим. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга бераётган ёрдам иккى йил давомида ривожланишимиз учун жуда керакли замин бўлиб хизмат қилишини айтдим ва 2002 йилда бизга 160 миллион доллар ёрдам берилгани учун миннатдорчилик билдирам.

Жаноб Буш менинг мана шу даражадаги ёрдам кейинги йилларда ҳам сақданиб қолса, ёмон бўлмасди, деган илтимосимни тўғри тушуниб, ҳозир биз 2003 йил режаларини белгиланган тартибда кўриб чиқаяпмиз, бюджет харажатларида сиз кутарган масалани сақлаб қолишга ҳаракат қиласмиз, деган фикрни айтди.

Сұхбат чоғида муҳокама этилган яна бир масала, буюуман атрофдаги давлатлар билан муносабатларимиз ҳақида бўлди. Бу тўғрида ҳам фикр алмашиб олдик. Жаноб Президентнинг фикри шундай бўлдики, энди тегишли давлатлар ҳам Ўзбекистоннинг АҚШ билан стратегик шерик бўлганини инобатта олсин ва шунга қараб фикр юритсин. Президентнинг айнан шунга алоҳида эътибор бериб, шуни таъкидлаб, сизга етказмоқчиман, бошқалар ҳам эшигсин, энди бизга муносабат бошқача бўлиши керак, бизларнинг шериклигимизни инобатга олишлари керак, деган гапларни айтгани мени жуда қувонтирди.

Нега деганда, хавфсизлик масаласи, бизларнинг чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлигини, осойишталигини сақлаш масаласида Марказий Осиёдаги мана шундай мураккаб шароитда шундай кафолат олиш,

бизга катта ишонч билдирилиши, айтиш жоизки, жуда муҳим күмакдир.

Яна шуни айтиш зарурки, жаноб Бушнинг, мен Президентлик лавозимида қанча бўлсам, мана шу маъмурият қанча вақт Америкага раҳбарлик қилса, билиб қўйингки, бизларнинг Ўзбекистонга нисбатан муносабатимиз ўзгармайди, деган қатъий фикрни билдириши ҳам катта аҳамиятга эга.

Шундай фикрларнинг айтилиши, шундай кафолатларнинг берилиши, ўйлайманки, халқимиз bemalol қаддини ростлаб юришига асос бўлади.

Мен кўп бор айтганман — Ўзбекистонга тинчлик керак. Бизга кўз олайтириб қарайдиган баъзи ёвуз кучларни огоҳлантириб, билиб қўйинглар, бизлар ёлғиз эмасмиз, энди бизга нисбатан бўладиган хавф-хатарларни енгишга, уларни оstonamizdan сурин ташлашга мадад берадиган, бизга стратегик шерик бўлган мана шундай қурдатли давлат бор, деган фикрни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман. Бизни кўпдан бери ташвишлантириб юрган масаланинг бундай ойдинлашуви, ҳаммамизга ҳам ишонч ва кутаринкилик бахш этади, албатта.

Сафар давомидаги бошқа учрашувлар ҳақида гапирадиган бўлсанк, қишлоқ хўжалиги вазири, молия вазири, банк ходимлари билан учрашувлар ҳам аҳамиятли бўлди.

АҚШ Молия вазири Пол О’Нил жаноблари нафақат Кўшма Штатлар, балки бутун молиявий дунёда жуда катта обруға эга бўлган нуфузли шахс. У биздаги вазиятни яхши тушунади. Ўзбекистонга бўлган ҳурмати ҳар томонлама ҳамкорлик масаласида бизни қўллаб-куватлашдан кўриниб туриби.

Халқаро валюта фонди, Япония Банки, Жаҳон банки билан муносабатларда Америка Кўшма Штатлари Молия вазирлигининг таъсир кучи жуда баланд. Жаҳон Молия фондида ва Жаҳон банкида ҳам, асосий маблагни киргиздиган давлат сифатида улуши жуда катта бўлгани сабабли АҚШнинг таъсири foят кучли. Буларнинг ҳамма-

сини инобатга олиб, биз ана шундай яқын алоқалар болғаганмиз.

Молиявий сиёсатда, ислоҳотларимизни янги босқичга күтаришда, Ҳалқаро Валюта фонди билан Меморандумни бажаришда, керак бўлса, ўзимизнинг миллӣй сўмиимиз кучига куч қушишда, унинг эркин алмаштиришишига эришишда, албатта, Америка Қўшма Штатлари Молия вазирлигининг ўйнайдиган роли жуда катта бўлади ва биз унга суюнишимиз керак. Бу ҳолатни тўғри баҳолаб, улар билан алоқани мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Энди, давлат котиби жаноб Колин Пауэлл билан учрашувга келсак, у Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментида бизни ниҳоят самимий тарзда қабул қилди. Олтида хужжатга имзо чекилди. Улардан энг муҳими — бу ҳалқаро алоқаларни, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўсига обрў қўшадиган Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги шерилик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияни имзолаганимиз бўлди. Чунки бу хужжат нафақат икки давлат орасидаги алоқаларни белгилайди, балки ҳалқаро жамоатчиликнинг, бошқа тараққий тонгган давлатларнинг Ўзбекистонга эътиборини янада оширади, керак бўлса, уларнинг кўз ўнгига мамлакатимиз обрўси ошиб бораётганини тан олишга замин яратади, деган фикрни айтсан, ўйлайманки, масаланинг моҳиятини чуқурроқ тушунасизлар.

Негаки, бугунги дунёда, сир эмас, Америка Қўшма Штатлари қандай иш тутса, воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдиrsa, энг кучли давлатлар ҳам ўз сиёсатини шунга қараб ўзгартиради. Биз жаноб Пауэлл билан кўп масалаларни муҳокама қилдик ва келажак алоқаларимизни янги босқичга күтариш юзасидан фикрлашиб олдик.

АҚШ Мудофаа вазири жаноб Дональд Рамсфельд билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бизнинг армиямизни, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, унинг

жанговар қудратини янги, юқори даражага күтариш жуда мураккаб, оғир, бир йилда битадиган иш эмас. Мен армиямизни, Қуролли Кучларимизни мутлақо янги тарзда ташкил этиш ҳақида күп гапирғанман ва бугун, шу фурсадан фойдаланиб, яна айтмоқчиман, бизга шундай армия, шундай Қуролли Кучлар керакки, у ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқимиз тинчлигини таъминлай оладиган бўлсин. Кимки бизга бошқача кўз билан қарайдиган бўлса, чегараларимизни бузишга уринмоқчи бўлса, бизнинг Қуролли Кучларимиз қандай куч ва қудратга эга эканини билсин, бальзи ёвуз ниятларидан қайтсан, деб ўз вақтида огоҳлантириб қўйяпмиз.

Биз уч йилдан бери мана шундай ислоҳотни олиб боряпмиз, Америка Қўшма Штатлари бу оғир масалани ечишда бизга ёрдам беряпти. Керак бўлса, Америка Мудофаа вазирлиги эртага бу кўмакларни янаца кучайтириши ҳам мумкин. 2002 йилда Америка Қўшма Штатлари армиямизни ислоҳ қилишда, унинг ихчам, лекин жанговар бўлиб, энг замонавий қурол-яроғлар билан таъминланишида, йигитларимизга энг замонавий билим бериш, уларнинг интеллектуал савиёсини оширишда ёрдам кўрсатишга тайёр. Менинг мақсадим—бизнинг армиямиз фақат қурол билан, фақат жисмоний куч билан эмас, балки маънавий, ақлий етуклик билан кучли бўлсин, ватаниарварлик мактаби, йигитларнинг камолотга эришиш учоги бўлсин. Токи болаларимиз армияда ҳавас билан хизмат қиладиган бўлсин. Агар ёшларимиз комилликка интилиб, ҳарбий бўлиш — менинг касбим деб ҳисобласа, бу энг обрўли, энг фахрли касб деб қараса, ўзини фидойилик билан Ватанга багишласа, йигитларнинг сараси бўлиб етишса, мен энг катта орзуимга эришган бўламан.

Армия қачон кучли бўлади? Армия замонавий қуролланган бўлиш билан бирга, ўзининг кучига ишонган, нима учун хизмат қилаётганини англаған аскарлари билан ҳам кучли бўлади. Ҳар бир аскар ва офицер мен нима учун хизмат қиёяпман, мақсадим, муддаоим нима деб, ўзига савол берса, ватаниарварликни сўзда эмас, амалда кўрсатса,

бутун ҳаракатини, бутун вужудини шунга қаратса, Ватанимни ҳимоя қилишга, Ватанимнинг озодлиги, эркинлиги, дахлсизлигини ҳимоя этишга ҳаётимни бағишиладим, бу йўлда ҳамма нарсага тайёрман, деган ишонч билан ҳаракат қиласигина, бу ҳақиқий замонавий армия бўлади. Мана шу ҳақиқий чиниқишиш ва мардлик мактаби бўлади.

Мана, сержантлар мактабларига катта аҳамият беряпмиз. Чунки, биз сержант деганда, энди погонининг устидা учта-тўртта белгилари бўлган кичик командирни эмас, ҳамма жиҳатдан етук бўлган шахсни тушунамиз. Сержант бугунги кунда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиласиган ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак. Унинг интеллектуал даражаси, ақлий савијаси, билими шунчалик юқори бўлиши керакки, у олдимизга қўйган янги-янги мақсадларимизга эришишда асосий таянч, асосий суюнч бўлиши керак. Яъни кечаги сержант билан бугунги сержантимиз бир-биридан мутлақо фарқ қилиши лозим.

Биз яқинда бешта сержантлар мактабини ташкил қиласик. Бизни қувонтирган нарса шу бўлдики, бу мактабларга олий даражада тайёргарлик кўрган, ҳатто олий ўкув юртларини битирган ёшлар киряпти экан.

Аллоҳ таолога минг қатла шукрки, бизнинг имкониятларимизни, йўлимизни очиб беряпти. Мана энди армиямиз мутлақо бошқача бўлади. Сержант бўлиш учун олий ўкув юртини битирувчилар ҳам ўқишига кираётган экан, демак, улар ўзининг келажак касбини танлаяпти, ўзини шу касбга бағишиламоқчи.

Яна такрор айтаман, бизнинг армиямиз шундай шароитга эга бўлиши керакки, болалар ҳавас билан хизмат қиласиган бўлсин, улар ҳордик чиқарадими, овқатланадими, кино кўрадими, китоб ўқиёдими, хуллас, уларнинг барча интилишлари учун зарур шароит яратиб беришимиш керак, шунга эришишимиз керак. Бунга қанча

вақт кераклигини мен ҳозир аниқ айттолмайман. Лекин биз шу мэрраларга етиб борамиз, албатта.

Мен битта рақамни айтмоқчиман, 2002 йилда биз шу ислоҳотларни амалга ошириш, армиямиз учун зарур шароит яратиб бериш мақсадида 43 миљион АҚШ доллари миқдорида ёрдам оляпмиз. Бу, айттайлик, расмий молиявий ёрдам. Бундан ташқари, болаларимизнинг ўкув юртларида тайёргарлик кўриши, маҳоратини оширишига ҳам ёрдам беришди. Масалан, Қуролли Кучлар академиясида янги-янги турдаги билимларни ўргатиш, курсантларимизга замонавий услубда тарбия бериш масалаларига кўмаклашиш ҳам биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Жаноб Дональд Рамсфельд билан учрашганимизда мана шу масалалар кўриб чиқилди ва, ўйлайманки, биз тўғри йўл тутдик. Бизларга мана шундай армия керак ва шундай армияни биз албатта тузамиз.

Америка—Ўзбекистон савдо палатасида ҳам бизни қандай ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олганларига сиз, журналистлар гувоҳ бўлдингиз.

АҚШ Конгрессига борганимизда, делегациямизни вакиллар палатаси раиси Деннис Хастр қарши олди. Бу ерда конгресс аъзолари ва сенаторлар билан учрашдик. Америка Қўшма Штатлари парламентининг қўйи палатасида ҳам, юқори палатасида ҳам Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига оид муҳокаралар олиб бордик. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки палата вакиллари ҳам бизга зўр илтифот кўрсатишди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўзларининг самимий ва хайриҳоҳлик муносабатларини билдиришди, муҳим фикрларни айтишди. Уларнинг замидрида, Ўзбекистонга нима ёрдам керак, деган савол ётарди. Турган гап, бундай муносабатнинг ўзи бизга қанот бағишлийди. Мисол тариқасида бизни қабул қилган сенатор Сэм Браунбекнинг Ўзбекистонга том маънодаги хайриҳоҳлигини айтмоқчиман. Бу ажойиб инсон биз билан икки соат банд бўлди. Ўзбекистон билан алоқани янада мустаҳкамлашга, зарурият туғилса, бизга янада

күпроқ күмак беришга бел боғлаганини қайта-қайта таъкидлади.

Бир қизиқарли воқеани айтиб беришим керак. Шундай бўлдики, Сенат аъзоларининг иши кўп, вақти тифиз экан, уларнинг ўзлари алоҳида-алоҳида кириб сизлар билан сұхбатлашишади, дейишди. Бу жаноб Браунбекга ёқмади. Сиз ҳаққингизда, Сенатга келганингиз ҳақида айтиб, сизни танишириб қўйишим керак, деб мени юқорига олиб чиқди.

Катта хона, 60-70 чамаси одам катта стол атрофида ўтириб овқат пайтида ҳам музокаралар олиб боришаётпти. Баҳс-мунозара орасида бир пайтни тошиб, жаноб Браунбек уларга мурожаат қилиб, “Кечиравасизлар, бир дақиқа вақтингизни оламан. Мана бугун бизга меҳмон бўлиб келган Ўзбекистон Президентини сизларга таништирмоқчиман,” деган эди, гапи охирига етмасдан ҳаммалари ўрнидан туриб қарсак чалиб, қаршилашди. Менга бир оғиз гапиришга ҳам имконият бўлмади. Яъни, шундай бир таъсирчан вазият юзага келдики, уни таърифлаш қийин.

Шу ўринда 60-70 нафар нуфузли Америка арбобларининг, Ўзбекистонга офарин, дея янграган қарсакларини ҳалқимиз ўз кўзи билан кўрса эди, деган ҳаяжонли фикр хаёлимни эгаллади. Чунки бундай дақиқалар тарихда бир ёки икки маротаба бўлади.

Яна бир бор айтаман, узоқда яшаётган меҳнаткашларимиз шу ерда бўлган олқишиларни бир кўрганда бошқача бўлар эди. Қандайдир маъруза бўлса, кўзга ташланадиган ишлар бўлса ёки одамнинг диққатини тортадиган сўз ёки ахборот тингланса — бу бошқа гап. Лекин мана, Ўзбекистон Президенти келибди, дейилишининг ўзидаёқ ҳамма ўрнидан туриб кетса, мана шу ҳолатнинг ўзи кўп нарсани тасдиқлайди, кўп нарсани, хусусан, ҳалқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни ифодалайди, деб ўйлайман.

Менинг хурсанд бўлганимга яна бир сабаб шундаки, биз ўз орзуларимизга, интилишларимизга эришганимизга, қилган саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаганига мана

шундай дақиқаларда ишонч ҳосил қилиб, гуурланасан киши. Ўзбек халқи, Ўзбекистонимиз, она юргимиз Америка Құшма Штатларидек буюк давлатда мана шундай ҳурмат-әхтиромга сазовор бўлиб, шу давлатнинг мана-ман деган сенаторлари бизни олқишлиб қабул қылганинг ўзи, ўйлайманки, ортиқча изоҳ талаб қилмайдиган воқеа. Чунки улар мустақил одамлар, ҳар қайсиси ўзига хон, ўзига бек. Фақат шунчалик ҳурматта эришганимизнинг қадрига етиш керак, кўрганларимиздан холис хуло-са чиқариш керак.

Бизнинг ўзимизга яраша дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам бор. Бу табиий ҳол. Мен истардимки, бизларга кўрсатилган бундай ҳурматни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам кўрсин. Ҳаммага ҳам бундай муносабат билдирилавермайди. Шундан мен баҳтиёрман. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга бўлган әхтиромнинг яна бир на-мойишидир.

Бир нарсага эътибор беринглар. Америка Құшма Штатларининг собиқ Давлат котиби, бутун дунёда, жаҳон ҳамжамиятида машҳур бўлган Генри Киссенжердек давлат ва жамоат арбобининг фақатгина Ўзбекистон вакиллари билан учрашиш, Ўзбекистон Президентига “Халқаро миқёсдаги лидер” деб аталган юксак мукофотни ўз қўли билан топшириш учун қанча йўл босиб келгани ва шу тақдимот маросимида қатнашганининг ўзи ҳам бизга билдирилган ҳурмат-әхтиромнинг яна бир белгиси, десак, муболага бўлмайди.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг олдида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва фаровон ҳаётга эришиш, тарақ-қиёт йўлида қадам қўяётган давлатлар билан ҳамкор бўлиб, дўст-биродар бўлиб яшашдек жуда юксак вазифалар турибди. Бунга бир кунда эришиб бўлмайди, албатта, балки бир неча йилда ҳам эришиш қийиндир. Лекин мақсад, олдинга қўйилган муддао бор. Биз ўн йилдан бери мана шу йўлда қадам ташлаб кетаётганимиз ва унинг бу-гунги босқичида, бугунги погонасида шундай ҳурматта сазовор бўлишимизни мен бизни Америка Құшма Штат-

лари тан олиши, дунё тан олиши, деб биламан. Шу нүктай назардан қараганда, бундан мамнун бўлиш керак. Келажагимизнинг ёруғ бўлишини мана шундай ҳамкорлик мисолида кўриб турибмиз. Бизлар, албатта, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётни қурамиз.

Яна бир бор айтаман—бу йўлда Европа бўладими, Америка бўладими, одамлар яхши яшайдиган, тинч ҳаёт кечирадиган мамлакатлар бизга андоза бўлади. Мана, Нью-Йорк, Вашингтоннинг қўчаларини, одамларининг юришини олинг. Шундай ҳаётга биз ҳам эришамиз, бунга ишончим комил.

Биз Нью-Йоркни, 11 сентябрдаги тўрт мингга яқин бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ваҳшийликдан сўнг пайдо бўлган вайроналарни кўрдик. Ўнг-чап томонларга, шу бегуноҳ кимсаларнинг, ёшларнинг кийимларини осиб қўйишибди, одамларнинг топилган нарсаларини териб қўйишибди. Буни кўрган киши, албатта, кўп нарсани, айниқса тинчликнинг, ҳаётнинг қадрини тушуниб олади.

Биз олдимизга мақсад қилиб қўйган йўлларда ҳам қанча-қанча қийинчиликлар бор. Қанча-қанча ёвуз кучларга дуч келишимиз мумкин. Кўрганларимиздан шундай хуласа чиқаришимиз керакки, бизлар ингилаётган, бизлар қадам қўяётган тараққиётга эришиш осон бўлмайди, албатта.

Лекин, қаранг, мана шундай талофатлардан кейин ҳам Нью-Йорк үзини яна тутиб олган, одамлар ҳаракатда, ҳаёт кетяиги, қурилишлар давом этяпти. Ҳар жихатдан Нью-Йорк ҳаёти үзининг эски ҳолатига қайтяпти. Нью-Йорк шаҳрининг бугунги янги ҳокими—мэри жаноб Майкл Блумберг билан учрашганимизда бу шаҳар бизнинг Америка билан иқтисодий ҳамкорлигимизга салмоқли ҳисса қўшмоқчи эканини айтди. Маълум бўлдики, Нью-Йорк шаҳрининг аҳолиси мана шундай қора кунжаларни бошидан кечирганида улар билан ҳамдард бўлганимизни, улар билан бирга бўлганимизни ҳеч қачон унтишмайди. Буни биз шаҳар мэри билан бўлган суҳбатимизда яна бир бор сездик.

Биз мана шундай бағрикенг, оғир пайтларда бизга кимки ҳамдард бұлса, биз ҳам улар билан бирга бўлишга тайёр, оқибатли халқ бўлганимиз учун ҳам хурматимиз баланд, бизга ишонч катта, шунинг учун ҳам келажагимизни ёруғ тарзда тасаввур қила оламиз.

Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифимиз давомида кўрганларимиз, бизга бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган хуносаларни ҳалқимизга етказар эканман, мен яна бир бор айтмоқчиман, бизлар жуда муракқаб бир даврда яшаяпмиз. Лекин келажагимиз ёруғ. Ҳалқимиз бунга ишониши керак ва бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимиз керак. Яна бир бор айтаман: бизнинг ҳаракатларимизнинг ҳаммаси битта мақсадга қаратилган—у ҳам бўлса, ёрқин келажак, фаровон ҳаёт қуришдир. Умум ишимизда шундай натижаларга, мақсадларга эришишни ҳаммамиз хоҳдаймиз.

Шу кунлар тезроқ келсин!

2002 йил 14 марта

ЭНГ ҚАДИМИЙ, АСЛ МИЛЛИЙ, ФОЯТ АРДОҚЛИ БАЙРАМ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Мұхтарам мәҳмоналар!

Аввалимбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги әзгулик ва нафосат айёми — юртимизга кириб келган Наврӯзи олам билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хурматли дүстлар!

Дүнёда нишонланадиган ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқдар ва мамлекатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин ана шу гүзал ва бетакрор байрамлар орасыда Наврӯз айёми ўзининг күркү таровати, маъно-мазмуну билан алоҳида ажralиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қутлуғ ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин.

Наврӯз — биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, фоят ардоқли байрамимиздир.

Наврӯз — биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, мәҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврӯз — биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, рухиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврӯз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.

Мана шундай шукухли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалби-

даги эңг эзгү түйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дұсту биродарларига бұлған мәхру мұхаббатини изҳор этишга интилади.

Бугун мен ҳам күпчилик қаторида сиз азизларға, бар-ча юртдошларимга үзимнинг тилак-даъватларимни, қал-бимдаги самимий истакларимни билдиримоқчiman.

Аввало, табиат үйфонаётган, юртимизда Наврұз руҳи, Наврұз мұжизаси намоён бұлаётган шу ёруғ күнларға эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гүзәл ва бетакрор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо неъмат, улуғ баҳт эканини ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдір.

Үз яқынларимизнинг қадрига етиш, ён-атрофимиздағи одамлар, маҳалла-күй, әлу юрт билан баҳамжиҳат, мәхр-оқибатли бұлиб, бир-бирига қалб құрини бағишилаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ғанимат эканини яна бир карра англашга даъват этмоқчiman.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бұлиш, ҳар қандай вазиятта ҳам ёруғ күнлар умиди билан, әртанды күнга ишонч билан яшаш — Наврұзи оламнинг үзи бизларни чорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бұлмайди.

Яхшиликка интилиш, бизга ато этилған умрнинг ҳар лақзасини эзгулик йүлида сарфлаш, бир-бириմиздан мәхр-оқибатимизни аяmasлик — бу ҳам инсондан катта мардлик, бағрикенглик ва олижаноблик талаб қиласы.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларға эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга мөхрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишими, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, деган шиоримизни мана шу күнларда янада күнроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча довонлардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгуб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дусту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик. Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чукур англаб олишимиизни истардим. Яъни инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдери, бугунги ва эртанги баҳту соадати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимиизда.

Ва бу олисканоб мақсадларга этиш бизнинг ҳаракатимиз, шиҷоатимиз, куч-кудратимиз, ахиллигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қаҷон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

Наврӯзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоён булади.

Ўзингиз бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакилий йўқ?

Шу кунларда барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Наврӯзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонланиши бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланиб қолганинг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Келинг, дўстлар, бугун ушбу шодиёнамиизга ташриф буюриб, унда иштирок этаётган барча чет эллик мәҳмонларимизни, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини бутун халқимиз номидан Наврӯз айёми билан яна бир бор самимий табрик этайлик ва уларга ўз хурмат-эҳтиромимизни билдирайлик.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимнинг байрамона очиқ чеҳрангизга боқиб, узоқ ва яқин

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

худудлардан барчангизга йўлланган самимий тилак ва қизғин саломларни, жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан билдираётган, тобора ортиб бораётган ҳурмат-эҳтироми, эътироф ва ишончини етказмоқчиман.

Ва сиз, қадрли ватандошларимга, сиз орқали бутун ҳалқимизга яна бир бор таъзим қўймоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу мусаффо Наврӯз тонгидаги, Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи билан аталган мана шу гўзал боғда туриб, айтмоқчиман:

Аввало, юртимиз тинч, ҳалқимиз омон бўлсин.

Йилимиз қутлуг келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин.

Оиласи, эл-юртининг ризқини ўйлаб, белни маҳкам боғлаб, қадрдон даласига йўл олаётган заҳматкаш деҳ-қонларимизнинг омадини берсин.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимизни, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин.

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Наврӯз байрамига бағишланган тантанали
маросимдаги табриқ сўз,
2002 йил 21 марта*

БЕТАКРОР МУСИҚА САРОЙИ

Ассалому алайкум, азиз дүстлар!
Мұхтарам мәхмөнлар!
Қадрли санъаткорлар!
Бугун Наврұз нафаси кезиб юрган гүзал ва бетакрор
юртимизда яна бир катта байрам, катта шодиёна.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган
консерваториямиз янги биносининг очилиши нафақат
санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон
учун чексиз ғуур ва ифтихор баҳш этадиган қувончли
воқеадир.

Шу муносабат билан мен, аввало, сиз, мұхтарам мада-
ният ва санъатимиз намояндадарини, ижодкор зиёлила-
римиз, талаба ёшларимизни, узоқ-яқындан ташриф бу-
юрган азиз мәхмөнларимизни, барча-барчангизни чин
қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хурматли дүстлар!

Мана шундай улуғвор, ҳар қандай инсоннинг ҳаваси-
ни тортадиган муazzам санъат даргоҳи остонасига қадам
қўяр экан, одам беихтиёр санъатнинг башарият ҳаётидаги
ўрни, мусиқанинг инсон руҳиятига бекиёс таъсири
ҳақида ўйлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки,
дунёда мусиқани севмайдиган, ундан таъсиранланмайдиган
одамнинг ўзи йўқ.

Одамзот ёзиш-чизишни, ўқиши билмаслиги мумкин,
лекин, шубҳа йўқки, гүзал куй, оҳанг ва тароналарнинг
ҳаётбаҳш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади. Таъ-
бир жоиз бўлса, мусиқа инсоннинг юрагида, албатта, акс-
садо беради.

Мусиқанинг беқиёс таъсир кучи фақат хурсандчиллик кунларда эмас, балки инсоннинг бошига турли синовлар тушган, юраги ғам-ғүссага тұлған оғир дамларда ҳам намоён бўлиб, унга куч-қувват, руҳий мадад беради.

Одам ўз Ватанидан олис жойларда, бегона ўлкаларда юрган чоғида, дилига яқин бўлган бирон миллий оҳангни эшитганида, аввало, эл-юртини эслайди, соғинч тұла күнглига малҳам топади.

Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мұжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ.

Шу сабабдан ҳам Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович каби буюк даҳолар яратган дурдона асарлар билан дунёдаги барча миллият ва халқлар фахрланади, уларни ҳақли равишда бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги, деб билади.

Қадрли юртдошлар!

Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган.

Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳалтани топиш қийин.

Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дугор ёки танбур каби бирон-бир ҷолғунинг доимо осиғелиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатига чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради.

Айтиш мумкинки, мусиқа одамларимизнинг юрак туйғулари, руҳий кечинмалари билан чамбарчас пайванд бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий бир қисмига айланаб кетган.

Барчамизга маълумки, бизнинг қўхна заминимизда қадим-қадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ёнмаён яшаб, аждодларимиз бошқа халқларнинг санъатидан ҳам баҳраманд бўлиб келган.

Ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида миллий санъатимиз билан бир қаторда жаҳон маданиятининг энг ил-

гор намуналарини ижодий ўзлаштириб, янада ривожлантиргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Шу маънода, ўтган асрнинг 20-йилларида Европа мусиқасининг маънавий ҳаётимизга кириб келгани, Тошкент ва Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларида дастлабки профессионал мусиқа мактабларининг пайдо бўлгани санъатимиз ва маданиятимиз ривожига ёрқин саҳифалар бўлиб қўшилганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу борада Ўрта Осиё ва Қозогистон республикаларида биринчи бўлиб ташкил этилган Тошкент давлат консерваториясининг тутган улкан ўрни ҳақида алоҳида айтиб ўтишимиз зарур.

Бугунги кунда мамлакатимиз мусиқа санъати соҳасида қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида олтмиш беш йиллик тарихга эга бўлган консерваториямизнинг ҳиссаси чексиз эканини, аввало, унинг опера ва балет, хор ва симфоник асарларни яратиш, замонавий эстрада ривожига кўрсатган таъсирини жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, мана шу билим масканида таҳсил олган ўнлаб санъаткорларимизнинг ўз истеъоди билан жаҳон саҳналарини забт этаётганида, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли ҳалқаро танловлардағолиб чиқиб, Ўзбекистон довруғини бутун дунёга таратаётганида, юртимизда ўтказилаётган турли мусиқа фестиваларига кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш ортиб бораётганида консерватория ижодий жамоасининг хизмати катта эканлиги ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Бугун биз ўзининг бетакрор санъати ва бой мероси билан ўзбек мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган бастакор ва ижрочиларни, бутун илмий-ижодий фаолиятини консерватория ҳаёти билан чамбарчас боғлаган заҳматкаш педагог-мураббийларнинг хотираси ва номларини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз ва тилга оламиз.

Шу билан бирга, эски тузум даврида бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўта мафкуравий асосда, бирёзлама ташкил этилганини бутун таассуф билан эслаймиз.

Узоқ йиллар давомида бу ерда миллий мусиқа санъатига эътибор берилмагани, ҳатто жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан бўлмиш мақом санъатига ҳам беписандлик билан қарабалгани, уни ўрганиш ва тарғиб этиш масаласи 70-йиллардагина, шунда ҳам, халқаро мусиқа жамоатчилигининг таъсири остида йўлга қўйилгани, уйлайманки, кўп нарсани англатади.

Мана шундай нотуғри ёндашувни биз эллигинчи йилларда рўй берган, мусиқа ижрочилигида ўзбек миллий чолғу асбобларидан воз кечишга бўлган бемаъни уринишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, Турғун Алиматовдек буюк санъаткорлар қўлида тенгсиз мўъжизага айланадиган танбур навосидан завқ олмайдиган, ҳайратга тушмайдиган, унга қойил қолмайдиган одам борми? Бундай ноёб, нодир санъатни халқ хотирасидан ўчириш, йўқ қилиш мумкинми?

Ўша мустабид замонларни кўрмаган ҳозирги ёшларимиз учун миллий мусиқага бўлган бундай муносабат мантиқсиз ва кулгили бўлиб туюлади, албатта.

Лекин шу ерда ўтирган ёши улуғ санъаткорларимиз ана шундай носоғлом қарашлар туфайли ижод аҳли қанча жабр чекканини, не-не инсонларнинг наинки истеъоди, балки ҳаёти ҳам барбод бўлиб кетганини яхши биладилар, деб ўйлайман.

Бугун яқин ўтмишимизга мос бўлган, халқимизни ўз миллий табиатидан жудо қилишга қаратилган бу каби воқеа-ҳодисаларга биз файритабии ҳаракатлар, деб баҳо беришимиз, энг муҳими, улардан керакли сабоқ ва хуласалар чиқариб, консерватория фаолиятини биз учун устувор тамойил бўлган миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришимиз даркор.

Муҳтарам санъат намояндалари!

Бугун сизларнинг, барча мусиқа ихлосмандларининг ихтиёрига топширилаётган, энг нозик дид ва юксак замонавий талабларга жавоб берадиган бу муҳташам кошона, ҳеч шубҳасиз, ҳаётини санъат йўлига бахшида этган

фарзандларимизнинг истеъодини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадга хизмат қиласди.

Бундай олижаноб, эзгу ниятларни, орзу-умидларимизни, қолаверса, ишончимизни рўёбга чиқариш учун, албатта, кўнгина масалаларга алоҳида эътибор билан қарашмиз зарур.

Бугунги мавжуд муаммоларга, бу соҳага бўлган муносабатимизга, барча ишларимиз ва фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, баҳо беришимиз шарт.

Хозирги кун таълаблари бутун мусиқа таълимини янги, юқори босқичга кўтаришни, шу жумладан, консерваториямиз имкониятларига янгича нуқтаи назардан ёндашиб, янги ихтисослик йўналишлари, факультет ва бўлимлар очишни тақозо этади.

Ўйлайманки, консерватория қошида санъатимиз ниҳолларини тарбиялаб, парвариш қиласидиган академик лицей ташкил қилиш, мусиқа илмий-тадқиқот марказини тузиш, дунёдаги энг нуғузли ўқув даргоҳларидан машхур санъаткор ва педагогларни ишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айниқса, асрлар давомида мисқоллаб тўплланган, аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий меросимиз қаторида мусиқа жавоҳирларини ҳам асрлаб авайлаб, янада бойитиб, келгуси авлодларга етказиш барчамизning муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Шу ўринда мен санъаткорларимиз, ижодкор зиёлилар, жамоатчилигимиз вакиллари томонидан билдирилаётган бир таклифни сизларга ҳавола қилмоқчиман.

Яъни, бу олий мусиқа даргоҳининг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни ва мавқенини инобатга олиб, уни бундан бўён Ўзбекистон давлат консерваторияси, деб атасак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қиласган бўлур эдик.

Бу ном, аввало, консерваториямиз олдида турган улкан вазифаларга, унинг мана шу ҳашаматли, муazzам биносига ҳам, обру-эътиборига ҳам фоятда мос тушади, деб ўйлайман.

Хурматли дүстлар!

Бугун биз дүнёдаги ривожланган давлатлар билан мус-
тахкам алоқа ўрнатыб, юртимизда эркин ва фаровон жа-
мият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани үзи-
мизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантирмасдан туриб,
ана шу ўксак мэрраларга эришишимиз, ҳәётимизни яна-
да мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қили-
шимиз мумкин эмас, албатта.

Бундай олижаноб мақсадларга етиш учун биз мусиқа
санъатини фақат марказда эмас, балки олис шаҳар ва
қишлоқтаримизда ҳам ривожлантиришимиз, бу соҳанинг
фаоллари, фидойиларини доимо қўллаб-қувватлашимиз
ва мана шу гузал даргоҳда улар билан тез-тез учрашиб
туришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳәётбахш мусиқа садолари-
нинг юртимиз бўйлаб ҳамиша янграб туриши ҳәётимиз
қоидаси бўлиб қолиши даркор.

Бу вазифаларни бажаришда консерваториямиз барча
ишлиарни мувофиқлаштириб, уларга бош-қош бўладиган
нуфузли марказга айланиши зарур.

Ишонаманки, бу даргоҳда таълим-тарбия оладиган
ўғил-қизларимиз келажакда буюк созанда, хонанда ва
бастакорлар бўлиб етишади, Ўзбекистон санъатини янги
чўққиларга олиб чиқади.

Бу муҳим ва масъулиятли ишда биз, биринчи галда,
ҳәётини шу соҳага бағишилаган сиз, муҳтарам устоз-му-
раббийларга, ижодкор зиёлиларга, барча маданият намо-
яндаларига таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу бетакрор санъат қас-
рини барпо этишда сидқидилдан меҳнат қилган лойиҳачи
ва муҳандисларга, қўли гул уста ва қурувчиларга, бу хайрли
ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номидан, бутун
халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган ушбу
муҳташам бинонинг ишга туширилишини биз мусиқа
санъатига нисбатан меҳр-муҳаббатимизнинг ёрқин на-
моёни, деб қабул қилишимиз керак.

Мана шу улуғвор саройнинг эгалари бўлган санъат аҳлига, талаба ўғил-қизларимизга қарата шуни айтмоқчиманки, бу гўзал кошона сизларга, бутун халқимизга муборак бўлсин, санъатимизни янада юксалтириш йўлида хизмат қиласин, янги ютуқ ва омадлар келтирсин!

Бу маърифат ва нафосат масканидан ҳамиша эзгулик ёғдуси, ҳаётга муҳаббат, баҳт ва қувонч садолари таралиб турсин!

Барчангизни қутлуг Наврӯз айёми билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда мувваффақиятлар ёр булишини тилайман.

Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биноси очилишига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи,
2002 йил 22 марта

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мұхтарам мәҳмонар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан ҳалқимиз ҳаётидаги яна бир унүтилмас воқеа — қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик түйи муносабати билан шу қутлуг заминда дийдор күришиб турғанимдан беҳад баҳтиёрман.

Гузал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли күнларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқындан ташриф буюрган юртдошларимизни, мұхтарам мәҳмонаримизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барчабарчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан саимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этажтан ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корнус намояндадарага, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номидан, бугун ҳалқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроги дунёдаги энг кўхна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилимайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт низомоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда тошиш, шу орқали бу ерларда қандай

буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фаргона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқандаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир "Авесто" китоби, Бухородаги зардустийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мұтабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чумиб ётган шахристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвиirlар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлади.

Шу маънода, улуг аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қиломайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечиган давр туғонлари, уруш-қирғинлар, табиий оғатлар оқибатида бу бекиёс тарихий маданият тасвиirlарининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболага бўлмайди.

Агар ўша — энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни — барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккilonмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яша-

ган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта гуур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўхна ўлқадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайхун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимиз тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиз.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвоnlари ўтадиган Буюк ипак йули чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардустийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсан, бу заминнинг тарихи нақадар кўхна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудсиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалгарошлиқ санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзгор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўхна ва бекнёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далишларни курганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шуро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида хукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгааридан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихийadolatsizлик, асрлар давомида бизнинг ҳалқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган баразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, аввалиари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари булиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилгаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳни тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бугун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб тошиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-кувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввалио, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин — Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими — Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

"Авесто"да "байроби — туғи баланд эрлар юрти" деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган?

Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, "Алпомиш"дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жанг жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, "Термиз" сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз "Авесто"да у "Тармид" деб аталса, араб манбаларида "Тармиз", яъни "дарё бўйидаги шаҳар" маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда — "Тирмиз" деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру гуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва оғатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон ҳалқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ироди ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур "Зафарнома" асарида Термиз аҳолисининг мӯғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвиirlар экан, бу шаҳарни "Мадинат ур-рижол", яъни "Мардлар шаҳри" деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қатъа-қўрғон бўлиш-дек оғир ва маъсүлиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Мұхтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, бекиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта.

Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамлариdir.

Бу қадими диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк мұхаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуг аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўтабар номларини халқимиз хурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Сайийд Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ногорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни улуғлаб, куёш жазирамаси, гармсөл шамолларига бардош бериб, қиинчиликларни енгib меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг

жанубий сарҳадларида афғон мажароси туфайли йигирма йилдан зиёд давом этган нотинч ва таҳникали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намоён этиб, том маънода шу юртнинг фидойиси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон ҳалқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда ғоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг хосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанада яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсақ, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ ҳўжалик экинларини — паҳтадан тортиб субтропик меваларгача, ғалладан тортиб сабзавот ва полиз маҳсулотларигача — барча-барчасини ўстириш мумкин.

Айниқса, бу заминнинг сўлим табиати, Вахшивор ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мағфун этади.

Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларни, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шартшароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакор табиат, шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб ҳалиқ бўлса, бу юртнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар баҳтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун ҳалқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади.

Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор.

Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборак пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа күмилган.

Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз ва мустаҳкам.

Бугун биз янги жамият қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечираётган бўлсак, қандай қийинчилик, ғов-тусиқиарни енгигиб, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга этиш, буюк келажагимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам файрат ва шижаоти, мардлик-матонати, фидойилиги мужассам экани шубҳасиз.

Хурматли дўстлар!

Биз бугун шоду хуррамлик билан нишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, авваламбор, тарихимиз ва буюк аждодларимиз хотирасига нисбатан қалбларимиздаги ҳурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намоён булиши билан ибратлидир.

Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, униб-усиб келаётган ёшлиrimizni бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан чин юракдан ифтихор қилишга ўргатади.

Энг муҳими, бизларнинг қандай қадими тарих, қандай ўлмас маданиятга эга эканимизни, кимларнинг авлодлари, қандай улуғ зотларнинг ворислари эканимизни англашга даъват этади.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда, шу майдонда туриб атрофимизга, Термизнинг бугунги гўзал қиёфасига бир назар ташлайлик.

Бу қадими шаҳарда кейинги йилларда барпо этилган муҳташам бинолар, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, обод ва равон йўллар, сўлим боғ-роғлар, кўркам фавворалар — буларнинг барчаси бунёдкор элимизга хос юксак фазилатларнинг, мус-

тақиличик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намёни эмасми?

Айниқса, мана шу улуғ түй шарофати билан кўхна Термизнинг ҳар томонлама яшнаб-яшариб, навқирон бир шаҳарга айланиб кетганини кўриб қувонмайдиган одам борми?

Ишончим комилки, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирққиз ёдгорлик мажмуаларининг тубдан қайта таъмирлангани, Темир йўл бекати, Биржа маркази, Археология музейи, амфитеатр, янги стадионлар ва сузиш ҳавзалари, бошқа ўнлаб иншоотлар нафақат Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳасининг чиройига чирой кўшиб турибди, десам, бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-кувватлайсизлар.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, мана шу савобли ишларни амалга оширган моҳир қурувчи ва усталаримизга, муҳандис ва меъморларга, Термизнинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қадрли дўстларим, ватандошларим!

Сўзимнинг охирида илгари ҳам айтган бир гапимни такрорламоқчиман: мен гўзал Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғларини, яшил арчазорлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутун Сурхон аҳлини яхши кўраман, сизларга ўзимнинг энг эзгу туйгуларимни изҳор этишдан ҳамиша баҳтиёрман.

Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёри бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин.

Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз дунё тургунча турсин.

Термиз шаҳрининг
2500 йилигига бағишланган тантанали
маросимда сўзланган нутқ,
2002 йил 2 апрель

ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дұстлар!

Олий Мажлисизнинг бугунги сессияси мұхокамасига киритилган мұхим масалалардан бири — бу жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир.

Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, бу борада фикр алмашиш ва холосалар чиқаришдан олдин:

Биринчидан, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай мақсадда ўtkазилди;

иккинчидан, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди;

ва, шулардан келиб чиқсан ҳолда,

учинчи масала — референдум яқунлари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларни инобатга олмасдан туриб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ҳаётга татбиқ этишдек мураккаб ва

масъулиятли вазифани тұлық амалға оширишимиз қи-йин бұлади.

Шуни алоқыда таъқидлаш керакки, референдумда умумхалқ муҳокамасига құйилған иккита масала, яғни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни иккі палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикасы Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йылдан етти йилга ўзгартириш масалалары мамлакатимиз тараққиети учун муҳимлигини, уларни ҳәётимизнинг барча жабжаларига күрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди.

Лекин, шу билан бирга, ұтказилған референдумнинг мөһияти ва унинг келгуси ҳәётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чекланиб қолмайди, десам, үйлайманки, күпчилик бу фикрга қүшилади.

Барчамизга аён булиши керакки, ҳар қандай демократик давлатда ұтказиладиган мана шундай умумхалқ тадбирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ұтган референдум сайловчиларимизнинг олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг келажагига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фикрини олиш минбари бўлди.

Бугун ҳеч иккимасдан айтиш мүмкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фаол иштироки ва билдиригтан ишончи том маънода халқимизнинг ҳәётимизда рўй берәётган ўзгаришларни, янгиланиш, янги жамият қуриш жараёнларини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-куvvватлаётганини яққол намоён этди.

Ва шу тариқа халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичта кутаришга ўз розилигини берди.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим хулоса келиб чиқади.

Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлиминизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очик демократик давлат қуриш, ўзини оқламаган, буйруқбоздик тизимиға асосланган, ўта марказлашган иқтисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барни этишдек саъй-ҳаракатларимизни халқимиз кўллаб-куватламоқда.

Референдумдан келиб чиқадиган иккинчи хулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мэрраларга этиш учун бошлаган ислоҳотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мұхтарам дўстлар!

Энди референдум якунлари ҳаётимизда қандай акс этади, деган учинчи саволга тўхталасак. Яни, бу якунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда татбиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади?

Ўз-ўзидан аёнки, агар референдум натижалари, биринчидан галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қолиши мумкин.

Юридик луғатларга киритилган “имплементация”, деган бир сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокамангизга “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда.

Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис таркиби-ни ўзгариши, яъни қуи палата — Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталағиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгариши ва мана шу ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсанк, бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлади.

Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз мөҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олдига принципиал талаблар қўяди.

Мана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида, авваламбор, лойиҳада кўрсатилган ўта муҳим масалаларга, яъни келгуси чақириқ Олий Мажлиснинг янги таркибига, парламент қуи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палаталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатларини белгилаш принципиаларига депутатлар томонидан алоҳида эътибор берилади, деб ўйлайман.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда қуи — қонун чиқарувчи палата ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ягона муддати белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Биринчидан, кўпгина демократик давлатларда ўрнатилган мана шундай тартиб, яъни сайлов ўтказиш муддатининг аниқ-равшан белгилаб қўйилиши бу соҳада қандайдир ўзбошимчалик бўлиши, кимдир бу муддатларни ўз манфаати учун ишлатишнинг, яъни, шу каби субъектив ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади.

Шу билан бирга, фуқаролар, халқимиз шуни ўзига яққол тасаввур қилиб оладики, сайловлар фақатгина йилнинг охирида, йил давомида мўлжалланган барча режа ва юмушлар ниҳоясига етказиб олингандан кейин, бафуржа, хотиржамлик ва осудалик вазиятида ўтказилади.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиётлари ўртасида мувозанат ва уйғунликни таъминлашга, бир-бирининг фоалиятини тақрорламасликка, бу органларнинг ҳар бири ўз вазифасини, ўз бурчини аниқ бажаришига шароит яратади.

Юқори палата — Сенат ҳақида ганирадиган бўлсак, бу палата аъзолари декабрь ойининг охирида Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига бўладиган сайловлардан кейин бир ой ўтмасдан, қонунда белгиланган тартибда сайланади.

Яъни, бу масалада ҳам узил-кесил аниқлик киритилган ва у халқимиз томонидан тўғри қабул қилинади, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, Қонунчилик палатаси, деб ном олган қуий палата биз учун мутлақо янги тартибда, яъни, доимий, профессионал асосда иш олиб боради.

Албатта, шу йусинда ишлайдиган қуий палатани сайлаш тартиби ҳам табиий равишда ўзгаради.

Шу муносабат билан, бугун бир нарсани айтишимиз мумкин: бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади.

Яъни, қуий палатага касб-кори, профессионал нуқтаи назардан мана шу ишга етарлича тайёргарлиги ва интилиши бўлган шахсларнинг ўз номзодларини қўйиб, депутат бўлиб сайланишга ҳаракат қилишлари муқаррар.

Юқори палатанинг қуи палатадан фарқига келсак, у шундан иборат бўладики, сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан бу палатага территориал субъектлардан, Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланади.

Улар қаторида Президент томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган, кўзга куринган киши ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор бўлиб, уларни сайланган кенгашлар билан узвий алоқа боғлаб турди, кўпроқ минтақалар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият курсатади.

Юқори палатанинг шаклланиш тартибида келсак, бу палата аъзолари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар орасидан уларнинг қўшма йигилишида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўйлайманки, сайловнинг бундай тартиби демократиянинг ҳар қандай талабларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сенат қуи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шугулланмаслиги лозим.

Сенат аъзолари қуи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад қилиш орқали, аввали, мамлакатимиз, шу билан бирга, тегишли минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги соҳасида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, юқори палатанинг ваколатларини белгилаш чоғида бугун Президент бажараётган баъзи бир вазифалар, бошқа бир қанча муҳим масалалар қаторида мана шу палата, яъни Сенат зиммасига юклатилади.

Юқори палата — Сенатнинг қуи палатадан яна бир фарқи шундан иборатки, агар қуи палата доимий асосда иш олиб борадиган бўлса, юқори палата — Сенат сесси-

яларда түшланиб, қуи палата томонидан тайёрланган қонунларни мұхокама қылади ва ўз қарорини чиқаради.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бугун мұхокамага қўйилған Конституциявий қонун лойиҳасида парламентимизнинг янги таркибиға ва вазифасига доир фақатгина асосий белгилар кўрсатилган.

Ўз-ўзидан барчамизга аён бўлиши зарурки, Олий Мажлис ва унинг қуи ва юқори палаталари фаолияти билан боғлиқ бўлган кўптина мураккаб масалалар бўйича атрофлича фикр юритиб, алоҳида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдимизда турибди.

Ҳеч муболагасиз, бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида тўплаган ўз тажрибамизга таяниб, қадриятларимиз ва тафаккуримизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётта татбиқ қилишимиз мұхим аҳамият касб этади.

Ҳурматли депутатлар!

Ҳаммамиз шуни тушуниб олишимиз керакки, биз танлаган мэрраларга эришиш йўлида, демократик ислотларни чукурлаштириш ва пировардига етказиш борасида янги қонунлар қабул қилишимиз, амалдаги қонунларни эса танқидий кўз билан баҳолаб, уларга замон талаб қилаётган ўзгаришларни киритиш мақсадида ҳали жуда катта ишларни амалига оширишимиз лозим.

Мана шу вазифаларни бажаришда, янги ҳаётимизни куришда асосий принциплар даражасига кўтарилиган қоидаларга риоя қилиш ўта мұхим аҳамият касб этади.

Бу принциплар нималардан иборат?

Биринчидан. Давлат бошқаруви ва жамият қурилишида демократик андозалар ва тамойилларни янада чукурроқ татбиқ этиш, ҳокимият — яъни, қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносибликини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифалар қаторида сайлов тизими-ни янада такомиллаштириш, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини, айни пайтда, сиёсий фаолигини ошириш вазифалари энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Бу масалаларнинг моҳияти ҳақида ганирар эканмиз, шуни чуқур англаб олишимиз керакки, агар қайси бир мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасида Конституция ва қонунлар билан белгиланган демократик баланс, яъни мувозанат амалда таъминланмаса ва ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юқлатилган ваколат ва вазифаларни тұлиқ ва холисона бажармаса, бу ҳолат, ҳеч шубҳасиз, шу мамлакатда авторитар бошқарув усули юзага келишига ва шу руҳдаги қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Натижада давлат ва жамият бошқаруви бўладими, иқти-
садиёт ёки ижтимоий-маънавий соҳа бўладими, булар-
нинг барчасида салбий оқибатлар, халқнинг норозили-
гига сабаб бўладиган нохуш вазиятлар вужудга келиши
мумкин.

Биз ўтиш даврида ўз бошимиздан кечирган турли
объектив сабаб ва қийинчиликлар туфайли юқорида зикр
этилган муҳим вазифанинг ижросини таъмин қилишда
кўпгина муаммоларга дуч келганимизни очиқ айтиш ло-
зим.

Бунда маълакали кадрлар ва мутахассисларнинг этиш-
маслиги, керак бўлса, тафаккуримизнинг оқсоқлиги, вазиятнинг мураккаблиги, энг муҳими, қонунчилик соҳа-
сида етарли тажрибага эга бўлмаганимиз ишимизга ҳар
қадамда тўғаноқ бўлиб турганини ҳам холисона тан оли-
шимиз даркор.

Айни пайтда, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мус-
тақишлик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарувин-
нинг кенг кўламли қонунчилик асоси ва ривожланган
тизими қарор топди, зарур кадрлар таркиби тайёрланди.

Фуқароларнинг ижтимоий тафаккури, сиёсий маданийи-
ти сезиларли даражада ўсади. Демоқчиманки, энди

авторитар бошқарув усулларини ҳеч қандай шароит ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан оқлаб бўлмайди.

Мана шу талабларни бажарган ҳолдагина биз ҳәётимизда қонун устуворлигини амалда таъминлашга ва мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуришга эриша оламиз.

Иккинчи масала. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ни ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳәётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фоалиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бу муаммолар билан узвий боғлиқ бўлган сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масалалари ҳам ана шу долзарб вазифалар қаторида туради.

Тан олишимиз керак — биз очиқ, ҳуқуқий-демократик давлат курмоқчи эканмиз, бу муаммоларни ечиш йўлида ҳали қиласидиган ишларимиз жуда кўп.

Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли ҳалқаро ташкилот ва марказлар билан бирга қонунчилигимизни такомиллаштириш устида ишланишини, аввало ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Учинчидан. Иқтисодиётимизни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қатъий чоралар кўриш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесга, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларига янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, улар учун барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, бу тармоқларни уларнинг қўл-оёгини бօглаб турган занжир ва арқонлардан ҳалос этиш — бу масалалар устида қонунчилик соҳаси ва амалиётимизда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш лозимлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак.

Бу масалада биз тарақкій топган давлатларнинг ўта мұхим бир тажрибасига эътибор беришімиз лозим.

У ҳам бұлса, әркін иқтисод ривожланиши учун қонундар билан кафолатланған шароит ташкил қилиб беришдір.

Бу мамлакатларда давлат ҳокимияти, унинг назорат ва текширув органлари иқтисодиёт ва хұжалик субъектларининг ишига аралашмоқчи бұлса, уларға фақат қонун устуворлиги ва унинг бажарылышини таъминлаш нүқтаи назаридангина таъсир үтказиши мүмкін.

Бу субъектларга бошқача таъсир үтказиш қатыяң ман этилади.

Тұртнчидан. Бизнинг олдымизда турған яна бир мұхим ва долзарб вазифа — у ҳам бұлса, “Кучли давлатдан кучли жамиятта үтиш” деган шиорни амалда рүёбга чиқарышдір.

Бу мақсадға эришиш учун, **биринчидан**, давлатимиздинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколаттарини босқичма-босқич қуи тизимга, шу жумладан, үзини үзи бошқариш тузилмаларига үтказиш талаб қилинади.

Булар қаторида биз, бириңчи навбатда, үзини ҳар томонлама оқлаган маңалла тузилмасини күзда тутамиз.

Иккінчидан — жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкілотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга күмак ва ёрдам курсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни хаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларға қанчалик жавоб бермасин — барибир үз кучини, қолаверса, үз зұра-вонлигини үтказишга ҳаракат қыладыған тизим бұлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкілотлари устидан жамият

ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонун-бузарликка, берилган ваколат ва вазифасини сунистеъмол қилишга, корруицияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, дебтан олинади.

Бундай тушунчани кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш ва бу йўналишда ўзимизга мос, ўзимизга хос тегишли қонун ва нормаларни ишлаб чиқиш, унинг амалда бажарилишини таъминлаш — бу масала ҳам биз қураётган демократик жамиятнинг асосий бир аломати ва қоидасига айланиши зарур.

Мана шундай эзгу ва амалий мақсадларимизга эришиш ва бу борада керакли ҳуқуқий шароит туғдириб бериш учун, ўйлайманки, “Нодавлат, жамоат тузилмалари ва ўюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш пайти келди.

Бу ҳуқуқий ҳужжатда, хусусан, нодавлат тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун қонун асосида маҳсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларнинг шакллантириш тартибини ҳам кўзда тутиш лозим.

Ва, айни пайтда, нодавлат, жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришига оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизmlарни ҳам ишлаб чиқишимиз зарур.

Бундай тадбирларнинг асосий мақсади, аввало, жамоатчилигимиз, кенг омманинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва шу билан бирга уларнинг давлатимиз ва жамиятимизни бошқариш масаласига кўпроқ жалб қилишдир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимиизда ўта муҳим воқеа бўлган референдум, яъни ҳалқ иродасининг олий ифодаси сифатида ўtkазилган умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда, ҳаётимиизнинг барча жабҳаларида жорий этиш ҳақида гапирав эканмиз, барчамиз яхши

тушунамизки, бу вазифани, унинг турли оқибатларини бир қарашда, бир чиқиш ёки бир маърузада ўзимизга тўлиқ тасаввур қилишимиз, албатта, бу жуда мураккаб масала.

Ба, ўйлайманки, бундай вазифани охиригача ҳал қилиш учун ҳали кўп ишлашга, мана шу минбарда, парламентимизда бунга тегишли кўп масалаларни муҳокама этиб, аввало, ўз имкониятларимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида, шу билан бирга жаҳон тажрибаси ва тавсияларини инобатга олган ҳолда, пухта ўйланган қўпгина қонун ва қарорларни қабул қилишга тўғри келади.

Хурматли ҳалқ ноиблари!

Бугун олдимиздаги долзарб вазифалар, келажак режалари ҳақида фикр юритар эканмиз, бундан ўн йил муқаддам шу йўлнинг бошида туриб, ҳалқимиз турмушини ҳавас қиласиган даражага кутаришга азму қарор қилганимиз, эзгу орзу-мақсадларимизни мураккаб вазиятларда белгилаб олганимиз, қандай оғир ва қийин шароитда иш бошлаганимиз беихтиёр хаёлимизга келади.

Очиқ тан олишимиз керак, ўша вақтда қандайдир иккиланиб турган, керак бўлса, бу йўлга шубҳа билан қараган одамлар ҳам йўқ эмас эди. Буни ҳам тушуниш мумкин.

Чунки, биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этиш йўллари, бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецепентлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиланиш ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.

Бугун бошимиздан кўп мاشаққатли синов ва оғир кунларни кечириб, босиб ўтган йўлимишни танқидий баҳолаб, биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, шиоримизга айланиб кетган “Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун” ва “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган принципларимиз ҳаётимизда ўзининг амалий тасдигини топмоқда.

Агарки, бугун мендан, ўтган шу ўн йил давомида, Ўзбекистон ва унинг ҳалқи ҳаётида рўй берган энг муҳим ва

ҳал қилувчи ўзгариш нимадан иборат, деб сўраса, мен шундай жавоб берган бўлар эдим.

Бугунги Ўзбекистон фуқаролари, ҳалқимиз ўн йил мобайнида жуда катта, асрларга тенг йўлни босиб ўтди ва бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Энг муҳими, бугун ҳалқимизнинг онгу тафаккурини ўн йил аввалги қарашлар билан солиштирганда, ўртада ер билан осмонча фарқ бор, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Узоққа бормасдан, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу муҳташам, ҳамманинг ҳавасини тортадиган Олий Мажлис залида ўтирган депутатларга, ўзимизга боққанда ҳам мана шу ҳақиқатнинг тасдиғини кўриш мумкин.

Биз ўн йил олдин ким эдик ва бутун киммиз?

Биз бугун ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, ўз меҳнати, файрат-шижоати билан ҳалқаро майдонда обрў-эътибор қозонган, эртанги кунга гурур ва ифтихор, катта ишонч билан қараётган ҳалқнинг вакиллари, шундай мард ва танти ҳалқнинг фарзандларимиз.

Мана шундай олижаноб туйғулар билан, тарих олдида, ҳалқимиз олдида ҳамица катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олишини истардим.

Бизнинг эндиғи вазифамиз — мана шу йўлдан оғишмай, бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, пировард натижага етказиш ва “Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!” деган шиорни амалда рӯёбга чиқаришдан иборат.

Бугун мана шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, яна бир масалага алоҳида эътиборингизни тортмоқчиман.

Яъни, кўп-кўп хорижий давлатларнинг раҳбарлари билан, бизнинг баъзи бир танқидчиларимиз билан учрашувларда айтадиган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман.

Биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши куриш, кимларнингдир ҳомийлигига эришиш, шу тариқа кимлардандир садақа ундириш учун эмас, балки бу ишларни, аввало халқимиз манфаатларига тұла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз ва келажакда ҳам бундай қараш ва интилишлардан қайтмаймиз.

Биз демократик янгиланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қанча-қанча қийинчилек ва машаққатлар эвазига қандай ютуқларни кўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасини аввало ўзимиз учун, юртимиз учун, фарзандларимизнинг келажаги, уларнинг баҳт-саодати учун, деб билмоғимиз даркор.

Барчамиз учун, бугунги ва келажак авлодлар учун мана шундай қарашлар, юрт ва халқ манфаатларига содик бўлиш бизнинг доимий шиоримизга айланиб қолади, иншооллоҳ.

Сўзимнинг охирида ана шу мэрралар, ана шу эркин ва фаровон ҳаётга этиш, қилган меҳнатларимизнинг роҳатини кўриш барча ватандошларимизга, шулар қаторида сиз муҳтарам депутатларга ҳам насиб этсин, деб тилак билдиришга ижозат бергайсизлар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
VIII сессиясидаги маъруза,
2002 йил 4 апрель

БИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 8-сессияси
танаффус пойтида маҳаллий ва хорижий мухбирларнинг
саволларига берган жавоблари

Ўзбекистон телевидениеси (М. Асқарова):

— Мұхтарам Президент, сиз ҳозиргина ўз маърузан-
гизда мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш соҳаси-
даги вазифалар ҳақида тұхтағынгиз. Бу соҳада қонунчи-
ликнинг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз.

Ислом Каримов:

— Эркинлаштириш тұғрисида гапирадиган бұлсак, бу
ишни амалга ошириш учун аввало қонуний асос, ҳуқуқий
замин керак. Яңни, иқтисодни ташкил қилиш масаласи-
да ҳам ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирадиган, улар-
га имтиёз берадиган ва бальзи жойларда, керак бұлса, че-
гаралайдиган қонуналар бўлиши даркор. Масалага шу нуқ-
таи назардан қараб, бугунги кунда қонунларимиз мана
шу масалага тұлық жавоб берадими, йўқми десандыз, мен
айтардимки, йўқ, улар ҳозирча бу талабларга тұлық жа-
воб бермайды.

Нега деганда, қонун қабул қилишда олдинни күра-
билиш керак, уни бажарыш шароитини, мавжуд ижти-
моий иқлимини, жамиятнинг савиясини ҳисобга олиш
керак.

Бир ўйлаб кўрайлик, бизлар 1990 йилда ким эдик? У
даврда биз тоталитар тузумда, бошқарув бутунлай чега-
раланган, буйруқбозлик, маъмуриятчилик ҳукм сурган
бир шароитда яшар эдик. Бизнинг тафаккуримиз ҳам,
онгимиз ҳам шу руҳда тарбияланган, давлат арбоблари у
ёқда турсин, оддий фуқаролар ҳам шундай фикрлайди-
ганд одалар эди. Мисол утун, хусусий бир дүкон ҳақида

гапирадиган бұлсак, үзингизга фараз қилинглар, 90-йилларда кимдир мана шу Эски Жұвада хусусий магазин очса, унинг ақволи нима буларди? Шу нүктай назардан қараганда, мана үзингиз күриб турибсизлар, орадан 10 йил үтгандан кейин савдо қыладиган магазиндернің деярли ҳаммаси — 98 фоизи хусусий бўлиб кетди.

Мана шу янгилашилар натижасида одамларнинг тушунчаси, тафаккури ҳам үзгариб боряпти. Демоқчиманки, қонунлар ҳам шу тафаккурни, шу шароитни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Шуни айтиб үтишим керакки, дунёда бозор иқтисодиети қандай қонунларга асосан ривож топаётган бўлса, бизлар ҳам улардан кам бўлмаган ҳуқуқий иойдеворни қурдик. Энди ана шу қонунларни ҳаётга изчил татбиқ қилишимиз керак. Бу масалада ҳали қыладиган ишларимиз кўп. Ва, яна бир бор айтаман, биз яқин келажакка мўлжалланган режаларимизни амалга оширишда шу масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.

Би-Би-Си, Буюк Британия (У.Аскаров):

— Маълумки, қимматбаҳо қофозлар, хусусан, 1991 йилги майиший техника ва автомашина билан тұланиши күзда тутылган фоизсиз заёмлар ҳамда 1993 йилги заёмларга тұловлар тұхтатиб қўйилған. Ҳукумат бу йұналишда нимани режалаштироқда: аҳолига маблағлар қайтарыладими ёки давлат томонидан кафолатланған бу қимматбаҳо қофозлар бўйича тұловлар амалга ошириладими?

Ислом Каримов:

— Бу савол ҳукуматтаға тегишли бўлиб, унга бевосита шу масала билан шуғулланадиган кишилардан жавоб олсангиз яхши бўларди. Фақат мен бир нарсани айтиб үтмоқчиман. Ўзбекистондан бошқа барча мамлакатларда қимматбаҳо қофозлар бўйича тұловлар тұхтатиб қўйилған. Ўзбекистон қабул қилған қарорга кўра, аҳолининг барча омонатлари, депозитлари ўн йил ичидә тұланиши керак эди. Орадан ўн йил үтди. Эндиликда совет

даврида банкларга қўйган омонатларини мавжуд қонун ва унинг шартларига мувофиқ қайтариб олмаган бирорта ҳам омонатчи қолмади. Яъни, амалда аҳолининг бу масаладаги талаби қондирилган. Қандайдир қимматбаҳо қофозлар ишламаётган бўлса ёки уларнинг пуллари қайтарилимаган бўлса, бу бошقا масала. Бу масалалар ўзига хос характерга эга, агар сиз бу саволни ана шу иш билан шуғулланадиган банкларга берсангиз, яхши бўларди.

Би-Би-Си (У.Аскаров):

— Яна бир савол: 2004 йилда бўладиган келгуси президентлик сайловларида сиз ўз номзодингизни қўйишини мўлжаллаяпсизми?

Ислом Каримов:

— Сизга маълумки, бизда президентлик сайловлари 2000 йилда бўлган эди. Президент 5 йил муддатга сайланисини ҳисобга олсанк, навбатдаги президентлик сайловлари 2005 йилда бўлиши керак. Келинг, бундан кейинги ишлар ҳақида бир оз кейинроқ фикр алмашсанк, менимча яхши бўлар эди.

“Ле Суар,” Швейцария (И.Брюнеро):

— Бу йил баҳорда ислом ақидапарастларининг яна хужум қилиш хавфи қай даражада сақланиб қолмоқда?

Ислом Каримов:

— Бу масала анча мураккаб. Аввало шуни айтишим керакки, Узбекистон антитеррористик операциянинг илк кунларидан бошлаб Америка Қўшма Штатлари ва, умуман Афғонистон ҳудудидаги террорчиларнинг база ва лагерларини йўқотиш бўйича коалицияни қўллаб-куватлаганилиги бежиз эмас. Биз бу ҳаракатни қўллашимиз шарт эди.

Бу ҳақда мен Америка Қўшма Штатларига ташриф мобайнида ҳам, ташрифдан кейин ҳам гапирган эдим. Чунки Афғонистон ҳудудидаги терроризм машинасини йўқ қилиб ташлаш бўйича коалиция ва АҚШнинг манфаатлари Узбекистон манфаатларига тўла мос келади. Агар

шу нүктай назардан гапирадиган бўлсак, биз Америка Қўшма Штатларидан миннатдормиз. Улар бошқалар қўйолмаган ишни уddyалади. Бу ҳақда АҚШда ҳам гапирган эдим, ҳозир ҳам тақорламоқчиман.

Ахир, Ўзбекистон жамоатчилиги, бутун ҳалқ уч йил давомида, амалда эса беш йил мобайнинда террорчилик гуруҳларининг жиддий, реал хавфи остида яшади. Террорчилар 1999 йилдан бошлаб уч йил давомида Ўзбекистон ва Қўшни давлатлар, жумъатдан, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирдилар. Улар Афғонистон ва Тожикистон орқали ўтишди. МДҲ доирасидаги бу масала билан боғлиқ барча муҳокамалар амалда қуруқ баёнотлар билан, очиғи, баъзи беписанд гап-сўзлар билан чекланиб қолди.

Хусусан, 1999 ва 2000 йилда жанубий чегараларимизда бундай гуруҳларнинг ёриб кириши жиддий хавф бўлиб турганида бундан қандайдир қониқиши ҳосил қўлган ҳам-касларимнинг номини айтиб ўтирамайман. Улар “қани кўрайлик-чи, Ислом Каримов энди Коллектив Хавфсизлик Шартномасига қўшиладими ёки йўқми”, дейишди. Гап МДҲнинг Коллектив Хавфсизлик Шартномаси ҳақида кетмоқда. Бундай гапларни ким айтганлиги, ўнгу сўлга қараб тарқатганлиги бизга маълум.

Бу ҳам МДҲ доирасида биз кўпроқ қуруқ гап билан банд бўлганимизни курсатиб турибди. Турли хил тезкор ҳаракат корпуслари туздик, шартномалар, юзлаб хужжатлар имзоладик. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Амалда эса террорчиларнинг базаларига энг жиддий зарбани Америка Қўшма Штатлари ва уларнинг иттифоқчилари, яъни коалиция берди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бугун эса баъзи бирорлар оғиз кўпиртириб, ким бу ишга қанча ҳисса қўшди, ким ҳал қилувчи роль ўйнади, деб фол очмоқда.

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, бу курашда АҚШ, бу мамлакат раҳбарларининг қатъияти, уларнинг Куролли Кучлари, бошқача қилиб айтганда, уларнинг ихтиёридаги кудратли замонавий куроллар ҳал қилувчи

роль ўйнади. Бошқалар эса фақат шерик, ёрдамчилик ролини ўйнади. Биринчи босқичи амалда тугалланган мазкур операция натижаларини мен шундай баҳолайман.

Ҳар йил июль-августидаги террорчиларнинг хуруж қилишидан хабардор бўлганлар бу йил баҳор ва ёзида ҳам шундай вазият юз бермайдими, деб сўрайдилар. Бундай хавотирга, ўйлайманки, ҳеч қандай асос йўқ. Бизнинг қўлимиздаги маълумотларга кўра, Афғонистон ҳудудида ҳали “Толибон” ва “Ал-Қоида” тузилмаларининг турли хил қолдиқлари бор. Аммо улар Марказий Осиё ҳудудига ёриб кириш учун, менинг назаримда, кечаги имкониятларга эга эмаслар. Албатта, турли қўпорувчилик ҳаракатлари, ташвиқот ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Аммо бу йил, 2002 йилда, олдинги 3 йил давомида бўлганидек уюшган ҳолда ёриб киришга уриниш рўй бермайди.

“Новый день” минтақавий газетаси, Тошкент, (М. Назаров):

— Сиз Олмаотадаги матбуот конференциясида “Толибон”нинг қандайдир режалари бўлганлиги ҳақида айтган эдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб беролмайсизми?

Ислом Каримов:

— “Толибон”нинг турли режалари ҳақида ҳали кўнг ёзишади. Биздаги маълумотларга кўра, Қундуз шахри атрофида кучли “Толибон” гуруҳи тўпланган эди. Эсингизда бўлса, ўшанда Россия телевидениеси толибларнинг энг уюшган, тиш-тироғигача қуролланган 10 минг кишилик гуруҳи Термиз остонасида турганлиги ва эртагиндин Узбекистонга бостириб кириши ҳақида шов-шув куттарган эди. Ҳатто Термиз ва Тошкентдан одамлар қочиб кетаётганлиги ҳақида ҳам хабарлар тарқатилганди. Хориждан келадиган меҳмонларга Москвадан телефон қилиб, “Ўзбекистонга бориб нима қиласиз, эртага у ерда уруш бошланади”, деганлар ҳам бўлди.

Шундай фактларни эслайман: ўша пайтда Лондон ва Токиодан келган меҳмонлар Термизга боришга рухсат

беришимизни, у ердаги вазиятни ўз ^{шунда} барча күрмөкчи эканликларини айтдилар. Бар ^{вазиятни ўз} журналистларни ўша ёққа олиб бордик. Улар, дедик. күзлари билан күриб, ишонч ҳосил қынлар, дедик. Япония, Буюк Британия, Франция, Германиянг та- никли сиёсат ва давлат арбоблари ҳам ^{шунда} ерга бориб, одамларнинг тинч ҳаёт кечираётганини ўн ва гапирила- күрдилар. Улар Россия матбуотида ёзилганинг чинакам ахбо- ётган хабарлардан ҳайрон қолдилар — бу рот уруши эди.

Шу нуқтаи назардан, реал хавф ҳақида гапирадиган бўлсак, “Талибон”нинг энг кучли гурӯҳи Кундуз атро- фида, Тожикистондан 20-30 километр иккита жойлаш- ган эди. Ёдингизда бўлса, бу гурӯҳ узок мобайнида қаршилик кўрсатди. Уни тор-мор қилиш мундеярли бир ой жанг олиб борилди. Бу гурӯҳ таркиби тарзида “Талибон”-нинг камида 15 минг энг сара, яхши қурланган кучла- дига ёриб ки- ришига ҳозирланаётган эдилар. Агар улар худудида амалга оширганларида МДҲнинг жануби- шумладан, бизнинг худудимида, Тожикстанда ҳудудида жумладан, кескин вазият юзага келар, бунинг оқиби нима бўли- шини олдиндан айтиш қийин эди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида 11 сентябрь воқеалари рўйнди берди. Бахт йўқ шаҳарларида берди. Натижада биз чиндан ҳам Кундуз атрофида бежиз эмас. Натижада биз чиндан ҳам Кундуз атрофидан катта куч: ченялар ҳам, Ўрта Осиё республикаларида шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам қочиб борган жангари тўпланган- лигини аниқладик. Биз ҳозиргача бундай маълумотларни олиб турибмиз. Улар Ўрта Осиё республиклари худудига, жумладан, Тожикистонга, Ўзбекистонга боғтириб киришга тайёргарлик кўраётган эдилар. Бу реал ха-

“Озодлик” радиоси (А.Кўлдошев):

— Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш тўғрисида чет эллардаги ҳам икки оғиз тұхталсангиз. Яна бир савол

мухолифатчилар ватанга чақирилғанми, мана шу жараёнга құшила оладими?

Ислом Каримов:

— Бу саволингизга мен шундай жавоб беришім мүмкін: ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон 10 йил давоміда ислохтілар бүйіча маълум бир даражага ерішди. Бугунғи Ўзбекистонни 10 йил олдинги Ўзбекистон билан солишириб бұлмайды. Мен бугун ишлаттан иборамни яна бир бор қайташым мүмкін. Яғни, солишириб қиёсласак, уларнинг ўртасыда ер билан осмонча фарқ бор. Гап фақат курилған объектлар, иншоотлар, янги корхоналарда ҳам әмас, ўйлайманки, энг катта ютуғимиз, аввалимбор, одамларимизнинг тафаккурида, қарашларида, уларнинг тушунчаларыда рүй берған үзгаришдір. Ва шу нұқтаи назардан қараганда, биз жуда мустаҳкам пойде-ворт қурдик.

Мен агар “биз ҳозир фаровон ҳәёттә еришдік” десам, үзимга ҳам бошқача туюлади ва буни гапиришга анча қовун пишиғи бор. Биз ҳозирча келажак тараққиётимизнінг, үзимиз орзу қылаёттан фаровон ҳәёттінінг пойдеворини қурдик. Лекін одамларимизнинг қарашлари, интилишлари, белни қаттық боялаганлиғи, яқдилілігі мени қувонтиради. Ўйлайманки, одамларнинг фикри-зикри мана шу янги ҳәётни, янги жамиятни куриш учун, ҳеч кімдан кам бұлмайдиган, тараққий топған давлатлардағидек турмуш даражасыға етиш учун курашга үз ҳиссасыни құшишдан иборат. Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ти-зимни такомиллаштириш, шу даражага құтарилиш учун халқимиз тайёр. Яғни, шунға катта интилиш билан, орзу билан қарайшы.

Бу — менинг назаримда энг катта салоҳият. Мен учун энг катта күч-қувват. Шу нұқтаи назардан қараганда, бугунғи Ўзбекистоннинг энг күзға ташланадиган хусусијати, аломати нимада деб сұрасанғиз, бу — одамларнинг ана шу хоҳиши-иродаси тобора тұла намоён бұлаёттанида деган бұлар әдім.

Бизни танқид қилувчилар, айтайтын, ғаразли танқидчи-лар Ўзбекистонни бир айланиб, одамларнинг кайфиятини кўрса, гарчи бизлар ҳали ўзимиз орзу қилган ҳаётни таш-кил қилишга эришган бўлмасак-да, шунга интилаётгани-мизга, шунга тайёр эканлигимизга ишонч ҳосил қиласди.

Мухолифат ҳақида гапиргандада, шуни айтиш лозимки, уларнинг барчасига ҳам бир кўз билан қараб бўлмайди. Ҳақиқий мухолифат деб, юртини ўзининг ҳаётидан ҳам яхши кўрган, она Ватанининг келажагига ҳисса қушиш ниятида бўлганларни тушунаман. Агар уларнинг сиёсий қарашлари ёки мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича таклифларини биз қабул қилмасдан, танқидий кўз билан қараган бўлсак, ана шу ислоҳотларни янги поғонага кўтариш учун уларнинг фикрларини инобатга олишга, жорий қилишга ҳам тайёрмиз. Улар очиқ юз билан, очиқ кўз билан, очиқ чехра билан бу ёққа келсин, қани ўтирайлик, бундай дўпини ёнга кўйиб маслаҳатлашайлик, яна нима қилишимиз керак, қандай ишларни бажаришимиз керак, шу ҳақда фикрлашайлик. Шундай ниятда келса, бош устига, мен ўзим қабул қилишга тайёрман.

Лекин Ўзбекистон пойтахтида 1999 йил февраль ойида амалга оширилган қўпорувчиликда иштирок этган, халифалик қурамиз ёки Ўзбекистоннинг демократик тузуми бизга номаъкул, бизлар Афғонистонда ёки бошқа ислом давлатларида бўлганидек тузум қурамиз, деган қарашларга эга кимсаларни мухолифат деяётган бўлсангиз, уларни мухолифат дейишга менинг тилим бормайди. Уларни мухолифатчи эмас, жангарилар, тажовузкорлар дейиш керак. Улар билан биз қандай биргалашиб ўтиришимиз мумкин? Шунинг учун мен сиздан илтимос қўлмоқчи эдим, мана шу масалага алоҳида ургу бериб, тингловчиларингизга тўғри тушунтирсангиз.

“Озодлик” радиоси (М. Ахроров):

— Маълумки, яқинда Афғонистонда зилзилга юз берди, унга қандай ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган? Иккин-
22—И. Каримов — т. 10 337

чи саволим Сұх йұли ҳақида. Бу масала бүйіча олдинга силжишлар борми?

Ислом Каримов:

— Афғонистонда күчли зилзила содир бұлғани ва унинг оқибатида құп инсонлар ҳаётдан күз юмгани ҳақида бутун дүнё билади. Биз ҳам зилзила оқибатларини барта-раф этишга үзимизнинг муносиб ҳиссамизни қүшишга ҳаракат қылағыз. Бугунғи Афғонистон хукумати билан музокаралар, яқын маслағатлашувлар олиб боряғыз. Мозори Шарифға электр құватини етказиб беряғыз. Моддий жиҳатдан, керак бұлса, одамлар билан, мутахасислар билан ёрдам бериш, янги йұлдарни қуриш ва вайроналарни тиклашда иштирок этиш борасида лойиҳалар қылдик. Биз бу ишшардан четда қолмаймыз.

Энди Сұх тұғрисида гапирадиган бұлсак, бу — Қирғизистон билан үргацаги чегарамиз билан боғылқ. Қирғизистон билан 1 минг 400 кілометр чегарамиз бор. Шуннинг таҳминан 1000 кілометрлик қисми ҳозирги кунда делимитация қилинганд. Бу масала бүйіча Құшма комиссия барча масалаларни аниқлад, хариталарда белгилаб чиққан. Лекин бизнинг Сұхга үшшаган, яғни Қирғизистон худуди ичіда қолған жойларымиз бор. Қирғизистоннинг ҳам шундай худудлари бор. Наманган вилоятидан үтадиган чегарамизни оладиган бұлсак, у ерда еттіта, Фарғонада эса иккита шундай жойлар бор. Бу жойларға Қирғизистон фуқаролари үтмоқчи бұлса, бизнинг ҳудуддан үтишга мажбур. Хүш, бундай масала қандай ҳал қилиниши мүмкін? Аввало, босиқлик билан иш қуриш көрек. Баъзи бир сиёсатчилар шу орқали үзларига сохта обрұ қидиришади. Қирғизистоннинг бир қарич ҳам ерини бермаймыз, деб шовқын күтариб юрган одамлар бор. Ҳолбуки, уларнинг ери ҳеч кимга керак әмас. Бу масала музокара орқали, бир жойға үтириб, сиз бу томонни ечсангиз, биз бу томонни ҳал қыламыз, агар Сұх масаласи ни ечмоқчи бўлсангиз, биз ҳам сизнинг шунга үшаш масалаларингизни ечишга тайёрмиз, деган шаклда ҳал

этимиши мүмкін. Бу масалада одамларни چалгитиши, қандайдир бұлар-бұлмас муаммоларни үйлаб чиқаришдан ҳаммамиз олис бўлишимиз керак. Ўзбек ва қирғиз халқи бир-бири билан асрлар давомида ёнма-ён яшаган. Ва ҳеч ким уларни ажратолмайди. Улар келажакда ҳам ёнма-ён бўлиб, дўст бўлиб, биродар бўлиб яшайди. Раҳбарлар, сиёсатчилар келиб-кетади. Лекин халқ қолади. Фақат вазмин бўлиш керак, узоқни кўзлаб иш тутиш керак.

ЮПИ агентлиги, АҚШ (М.Козлова):

— Ислом Абдуғаниевич, Афғонистондаги ҳозирги вазиятни қандай баҳолайсиз ва янги ҳукуматга толибларнинг ҳам киришига қандай қарайсиз?

Ислом Каримов:

— Биринчидан, Афғонистондаги ҳозирги вазиятни анча мураккаб деб ҳисоблайман. Операциянинг ҳарбий босқичи амалда тугалланди, “Толибон” ва “Ал-қоида”-нинг лагер ва базалари асосан тор-мор қилинди. Аммо биз ҳозирча жавоб топмаган кўпгина саволлар бор. Жавоб топиш қийин бўлган энг мураккаб савол — бугунги кунда толиблар, уларнинг тарафдорлари ва қуролли гурӯҳлари қаерда эканлигидир. Уларнинг маълум қисми йўқ қилинди, қолганлари қаерга кетди ва эртага қаерда пайдо бўлиши мүмкін? Ҳаммани ташвишлантериб турган биринчи даражали савол ана шу. Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмаяпти. Толиблар қаерга яширинди ва эртага улар қандай мақсад-вазифалар билан юзага чиқадилар?

Иккинчи савол Афғонистондаги муайян миллатлараро келишмовчиликлар билан боғлиқ. Улар олдин ҳам бор эди, ҳозир ҳам бор ва давом этмоқда. Бу келишмовчиликлар ҳозирча очиқ қарама-қаршилик шаклига ўтгани йўқ. Аммо зимдан давом этаётган кураш эртага очиқ шаклига ўтиши мүмкін. Бу зиддият бошқаларга қўл келади. Фақатгина ички кучлар эмас, балки биринчи навбатда ташқи кучлар бундан фойдаланадилар. Улар бугун усталик билан, энг аввало, ўз таъсир доирасидаги гурӯҳларга

ёрдам бермокдалар. Бир құшни давлат бир гурухға ёрдам берса, бошқаси бошқа бир гурухни құллаб-кувватлайди. Қандайдыр шарт-шароитларни яратып бақонасиса үз таъсир доираларини ёйишга интиладилар.

Яна бир мұраккаб масала — армияни шаклантириш мұаммоси, деб ҳисоблайман. Ҳозир бу борада иш олиб бориляпты. Айрим гурух ва бирлашмалар амалда шаклантириляпти. Аммо, үйлайманки, бу жуда жиддий масала. Афғонистон миңжий армияси келгусида қандай йұналишда шакланади, кимдан андоза олади, қандай тизим асосида қурилади ёки қандай күчлар унға таъсир күрсатади — күп нарса, энг аввало Афғонистондаги барқарорлық тинчлик ана шунга боғлиқ.

Чунки Афғонистон шароиттада бугун ҳарбий күчлар фақаттана турлы хавф-хатарларни бартараф этишда эмас, балки барқарорлыкни таъминлашда ҳам ҳал құлувчи роль үйнамоқда.

Яна бир оғир мұаммо — янги ҳукумат қандай бўлиши, эртага у қандай йұналишда тузилиши, бу ҳукуматда қандай күчлар иштирок этиши масаласидир. Бонн конференцияси қарорларига кўра, июнь ойида Лойя Жирға тўпланиши ва янги ҳукуматни тузиши керак. Бу ҳукуматни ким бошқаради, у қандай күчлардан ташкил топади — Афғонистоннинг келажаги ҳам, 11 сентябрдан кейин бошланган операциянинг давом этиши ёки якунланиши ҳам ана шунга боғлиқ. Табиийки, ҳалқаро тинчликни таъминлаш күчлари у ерда жуда узоқ туролмайдилар. Ҳар қандай шароитта ҳам улар қачондир чиқиб кетишилари керак. Ҳуш, у ерда ким қолади, ҳукумат қандай йұналишда бўлади, у биз кутган ҳукумат бўладими?

Албатта, биз бу ҳукумат демократик йұналишда бўлади, деб умид қиласиз. Биз бундан кейин Афғонистон ҳудудидан қуролли бостириб кириш, биз учун катта хатарга айланган ашаддий ақидапараст оқимларнинг ёилиши барҳам топишидан умидвормиз. Биз ана шундай натижаларни кутмоқдамиз.

Афсуски, толибларнинг янги хукуматдаги иштироки ва бизнинг бунга муносабатимиз ҳақида ҳеч ким сұраб үтирилди. У ерда барча масалаларни бошқа күчлар ҳал қилади. Бизнинг бунга муносабатимиз эса аниқ ва равшан: биз толибларнинг мағкураси билан келиша олмаймиз, мен бу мағкурунан жангари фанатизм деб атайды, у бизнинг қарашларимизга мутлақо зиддир. Хукуматда қандай күчлар бўлишини Афғонистон ҳалқининг ўзи ҳал қилиши керак, деб ўйлайман. Аммо бугунги вазият шуни кўрсатмоқдаки, толиблар мағкураси ҳам, ўзлари ҳам олдинги шаклда сиёсий саҳнада энди қайта тиклана олмайдилар. Агар пайдо бўлсалар ҳам янгича кўриниш ёки янги қиёфада намоён бўладилар. Менинг фикримча, жаҳон жамоатчилиги толибларнинг хатти-ҳаракатларидан яхши хабардор. Энди улар ҳеч қаҷон сиёсий саҳнага қайтиб келолмайдилар.

Ўзбекистон телевидениеси (У.Султонов):

— Мұхтарам Президент, Сиз яқында Америка Қўшма Штатларида сафарда бўлиб қайтдингиз. Бу давлат билан Ўзбекистон ўртасида қарор топаётган стратегик ҳамкорлик минтақамизда, умуман, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қандай таъсир кўрсатади?

Ислом Каримов:

— Авваламбор, бу масаланинг моҳиятига етиб бориш учун АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида мазкур масала бўйича имзоланган шартномани яқиндан билиш, у билан чуқур танишиш керак. Шартномада иккита асосий масала борки, уларни алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи масала — бу хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, шу борадаги ҳамкорлик масаласи. Иккинчи масала — иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга кўтариш. Ва, шу билан бирга, сиёсий ислоҳотларни, авваламбор демократик ислоҳотларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш масаласида ҳамкорлик қилиш. АҚШ бу масалада ҳам Ўзбекистонга яқиндан ёрдам бериш, унга кўмаклашиш, у билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга ўзининг тайёрлигини билдириди.

Учинчи масала — янги жамият қуришда турли масалаларни ечиш ва икки томонлама алоқаларни янги босқичга күтариш. Иқтисодий, савдо алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистонга инвестициялар олиб кириш. Бозор иқтисодиёти тузилмаларини ташкил қилишда Ўзбекистонга ёрдам бериш.

Шу нүктай назардан қараганда, ушбу Декларациянинг номи Стратегик шериклик ва ҳамкорликнинг асослари деб ном олгани дикқатга сазовор. Бу масалалар бўйича унда тегишли моддалар мавжуд бўлиб, бундай ҳамкорликнинг ҳал қилувчи жиҳатлари қайд этилган.

Стратегик шериклик масаласини оладиган бўлсак, АҚШ дунёдаги энг буюк, энг кучли-кудратли давлат. Бу мамлакат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича, демократик қадриятларни қарор топтириш бўйича катта ютуқларга эришган. Бу ғояларни ўз Конституциясида ифодалаган. Шу масалалар бўйича бу давлат бизга қўл узатиб, ёрдам берадиган бўлса, стратегик алоқаларни боғлашга тайёр бўлса, мен ўйлайманки, Ўзбекистоннинг ўз мақсад-муродига етиши йулида жуда катта таянч ва суюнч бўлади. Биз Америкада булганимизда айтдик, бугун ҳам очик айтмоқчиман: Бизлар АҚШнинг барча ижобий интилишларида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз буни яхши тушунади.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган бা�ъзи давлатларнинг оммавий ахборот воситалари турли асоссиз гапларни тарқатишдан ҳам таан тортмайди. Мисол учун, биз АҚШ билан алоқа боғлаётган вақтда, антитеррористик операцияларга қўшилганимизда, бигта аэроромимизни уларнинг ихтиёрига берганимизда ҳар хил бўхтон гаплар пайдо бўлди. Гуё бунинг учун АҚШ бизга 8 млрд. доллар ажратган эмиш. Нима учун айнан 8, нега 10 млрд. эмас, мен билмадим.

Конкрет ёрдам ҳақида гапирадиган бўлсак, бизларни кўпроқ маблағ эмас, мана шу уч йўналишдаги қўмак, яъни узоқ муддатли ҳамкорлик кўпроқ қизиқтиради. Бизга

садақа керак эмас. Узок муддатли ишончلى ҳамкорлик керак. У юртда осойишталиктин таъминлаїди, келажакка катта ишонч уйготади.

Ўзбекистон телевидениеси (К.Шамсуддинов):

— Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнингча сиёсий партиялар бұлғуси қуи палатадан жой олиш учун курашни ҳозирдан бошлаши керак эмасми? Умуман олганда, ҳозирги сиёсий партияларимиз фаоллігини қандай ошириш мүмкін, деб ўйлайсиз?

Ислом Каримов:

— Сиёсий партиялар фаолияти ҳақида гапирганды, уларнинг ишини такомиллаштириш ёки фаоллаштириш масаласида буйруқ билан иш тутиш мүмкін эмас. Энг аввало, Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларни барча бажариши керак, бу биринчидан. Иккинчидан, бу партиялар фаолиятига эхтиёж бұлиши керак. Биз бу масалага бошқача күз билан қарашимиз ва, керак бўлса, ривожланган давлатларда — бу Буюк Британия бўладими, Франция бўладими, Германия бўладими, Америка менинди, Хиндистонми — кўзга кўринган партиялар ўз фаолиятини қандай бошлаган, уларнинг фаолияти қандай мезонларга, қандай талабларга жавоб беради, уларнинг интилишлари нималарда намоён бўлади, фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида қандай манба, талаб, принциплар мавжуд эканлигини ўрганишимиз керак.

Ўзбекистонда партияларнинг демократик талабларга жавоб берадиган давлатлардагига ўхшамаганлиги ёки шу даражага етиб бормаганлиги учун ҳайрон бўлиш керак эмас. Мисол учун, Россия ёки Украина олсангиз, қўшини давлатларни олсангиз, уларнинг раҳбарлари ҳам ўзларида бўлган бундай ҳолатни очиқ эътироф этяпти. Хусусан, В. Путин Россиядаги партиялар тўғрисида гапириб, бугунги кунда уларда ҳам сиёсий партия талабларига тўла жавоб берадиган партия йўқлигини, фақат уларга ўхшашиб учун ҳаракат борлигини қайд этяпти. Чунки бундай партиялар шаклланиши учун вақт керақ, шароит ке-

рак. Шароит тұғрисида гапирганда, мен бугун айтған гапимни яна бир бор изоҳлаб, керак бўлса, исботлаб беришга тайёрман. Партиялар ўзининг кучини сезиши ва ўзининг жамиятга кераклигини ҳис этиши учун биз шароит туғдириб беришимиз керак. Курашиш учун шароит туғдириб беришимиз лозим. Улар бир-бири билан тортишув ва баҳсга киришиб, келажак мақсадларимизга этишиш учун ҳар қайси ўзига хос, ўзига мос йўлларни исботлаб, таърифлаб бериши, ўз йўлини тарғиб қилиши учун шароит бўлиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, биз қабул қилған қонун, сайловлар партияларга калттароқ имконият берса, кураш учун майдон очилса, такрорлаб айтаман, кураш учун майдон очилса, асли сиёсатдан узоқ, лекин партияга аъзо булиб ёки раҳбар бўлиб юрганлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Яъни, партияга ёки ҳақиқий раҳбар бўлади, фаол бўлади, етакчи бўлади ёки сиёсий минбардан бутунлай тушиб кетади. Демоқчиманки, партияларни фаоллаштириш учун сунъий йўл билан замин яратиш мумкин эмас.

Масалан, биз қўшниларимизга қараб, уларга ўзимизни қиёсласак, уларнинг партияларидан нусха олсак бўладими? Мисол учун, Украинада тахминан 500 та партия бор экан. Бизлар ҳам шу йўлга ўтадиган бўлсак, бу нимага олиб келиши мумкин? Америкада асосан иккита партия бор. Сайлов пайтида баъзан учинчи партия ташкил бўлади. Буюк Британияда ҳам кўзга кўринган иккита, Германияда эса 3 та партия бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бизлар ҳам ана шундай даражага етиб боришимиз учун, биринчидан, вақт керак, иккинчидан, шароит туғдириб беришимиз керак. Мана шундай сиёсий интилиш, сиёсий қараашлар хилма-хил бўлиши керак. Сиёсий қараашларга бизлар эркинлик беришимиз керак. Агар битта шу фикр тўғри, шунга амал қилиб яшашимиз керак, деган қоидани ўрнатишга ҳаракат қиласидиган бўлсак, президент ёки ҳукумат, ёки бугунги мансабдорлар шунга интилиб яшайдиган бўлса, бизда

ҳақиқий сиёсий партия пайдо бўлмайди. Сиёсий ҳаётимизнинг эски замондан ҳеч қандай фарқи қолмайди.

Яна бир бор айтмоқчиман, бу партияларнинг фаолият юритиши учун шароит түғдириб бериш керак ва фикрлар хилма-хиллигига имкон яратиб бериш керак. Мана, мисол учун, бугун айтилган битта фикр. Нодавлат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятлари институтларини, уларнинг муассасаларини таъсис этишга бизлар шароит түғдириб беришимиз керак. Бизларда жуда кўп нодавлат ташкилотлар бор, лекин буларнинг фаолияти деярли кўринмайди. Телевидение, матбуотимиз бу масалага етарли эътибор бермайди. Бугунги суҳбатимиздан фойдаланиб айтмоқчиманки, шу ташкилотларга кўпроқ эътибор бериш керак. Бу ташкилотлар асосида янги партиялар пайдо бўлиши мумкин. Партия ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бир ҳаракат бўлади, бир интилиш бўлади. Бир хил қарашлар бўлади. Натижада, жамиятимизда хилма-хил қарашлар шакланади.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар ўз кучини намойиш қилиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Бунда матбуотимизнинг тарбиявий ҳиссаси ва танқидий қарашлари биз учун жуда керак.

Биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган юрт қурамиз, жамият қурамиз, деб олдимизга катта мақсад қўйган эканмиз, сиёсий қиёфамиз, ҳаётимизда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мана шундай партиялар, ҳаракатларни, нодавлат ташкилотларни ташкил қилишимиз лозим.

Бу ҳаёт ҳаммага ҳам азиз. Ҳамма ҳам шу ҳаётда яшайди. Ҳаёт тез ўтади. Лекин гап шундаки, биз яшайдиган мана шу Ватан ҳақиқатан ҳам барчамизники. Одам нима учун туғилади? Яхшилик учун, яхши ҳаёт кечириш учун, яқинларига яхшилик қилиш учун, Ватани, юрти учун, ўзидан бирон бир ижобий из қолдириш учун яшайди. Оллоҳ таоло бизларга мана шундай интилиш билан яшаш учун ҳаёт ато этган.

Ҳаммамиз келажагимизга бир нигоҳ билан қарашмиз керак. Ҳилма-хил қарашлар бўлиши мумкин. Лекин юргимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, ҳалқимизнинг фаровонлиги йўлидаги интилиш барча-барча қарашларни бир-бирига қовуштириб, бир-бирига яқинлаштириб, бирлаштириб туриши керак. Мана шу ғоядан қайтмасак, шу ғоя барчамизга раҳнамо бўлса, менинг бошқа ҳеч қандай эътиrozим йўқ.

“Коммерсант” газетаси, Россия (Ю.Черногаев):

— Ислом Абдуғаниевич, шартномага кўра америкаликлар Хонободдаги ўз ҳаракатларини Ўзбекистон томони билан қай даражада келишган ҳолда олиб боришлари зарур? Гап шундаки, бу ерда муайян фаоллик кузатилмоқда.

Ислом Каримов:

— Ўзбекистон, хусусан, Қашқадарё вилояти худудида жойлашган Хонободдаги Америка ҳарбийларининг фаоллиги ошганлиги ҳақида шуни айтишим мумкинки, уларнинг миқдори зарра ҳам орттани йўқ. Уларнинг сони 1500 кишигача бўлиши мумкинлиги келишиб олинган. Агар куролли күчларнинг сони ортмаса, инфраструктураси кенгаймаса, қандай фаол ҳаракатлар ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Бошқа жиҳатдан қараганда, Хонободда чиндан ҳам фаоллик бор. Чунки ундан фақат Америка самолётлари эмас, балки антитеррористик коалицияга кирган бошқа давлатлар, жумладан, Дания, Голландия сингари мамлакатларнинг самолётлари ҳам фойдаланмоқда. Австралияликларнинг ҳам келиши кутилмоқда. Афғонистон худудига учисда улар Хонободга қўнишлари, техник хизматдан фойдаланишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан, фаоллик бор. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган битим доирасида амалга оширилмоқда. Битимда американликларга шундай ваколатлар берилган.

Сизларни энг кўп қизиқтираётган масала, яъни улар қай даражада назорат қўлинаётганлигига келсақ, мен Ўзбекистон Президенти сифатида қатъий айтаманки, бугунги кунда американликларга ҳеч қандай эътиrozим йўқ. Чун-

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

ки Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган битимларга тұла риоя қилинмоқда. Хонобод ҳудудига қандай самолётлар келиб құнади, қандай мақсацлар билан құнади — ҳаммаси ҳақида бизге олдиндан хабар беришади. Шуни ҳам эътибордан соқыт қылмаслик керакки, Хонобод аэророми ҳудудида бизнинг самолётларимиз ва уларга хизмат күрсатадиган ходимларимиз ҳам бор. Бу аэрором айни вақтда Ўзбекистон Куролли Кучларининг ҳаракатдаги аэророми ҳам бұлыб қолмоқда.

2002 йил 4 апрель

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Хурматли депутатлар!

Аввалимбон, бепоён қорақалпоқ диёрига баҳор кириб келган мана шу кунларда барчангизни соғ-омон кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни айтиб, сизларга яна бир бор ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдиримоқчиман.

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, ижозатингиз билан, баъзи бир муҳим масалалар ҳақида, аввало, Қорақалпогистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизида турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Шу масалалар бўйича мен ҳам ўзимнинг баъзи фикрмуюҳазаларимни билдирам, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бугун биз ўз фаолиятимизга, қилган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, биринчи галда, шу заминда истиқомат қилаётган одамларнинг турмушини нима ҳисобидан яхшилаш, катта орзу-умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг қалбида эртанги кунга ишонч, ўз юртига меҳр туйғуларини кучайтириш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Айниқса, бутун умр ҳалол меҳнат қилиб келган отабоболаримиз, момоларимизни эъзозлаш, уларнинг оғири-

ни енгил қилиш, юртимизда “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилинган ушбу йилда уларга бўйган ҳурмат-эътиборимизни ва бериладиган амалий ёрдамни янада кучайтириш чораларини кўришимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, ўз тақдирини шу юрт билан боғлаган одамларнинг ташвишлари, ўй-фикрларини чуқур ҳис этиб, бугун мана шу ерда тўплланган раҳбарлар, ҳокимлар, барча фаолларнинг бу борадаги бурчи ҳақида яна бир бор гаплашиб, ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Дунёда одамзот бор экан, ҳар бир инсон Аллоҳ таоло то этган умри давомида орзу-умидлар билан ҳаёт кечиради.

Бугунги кунга шукур қилиб, эртанги кунга ишонч туйғуси билан эзгуликка интилиб яшаш — барчамиз учун табиий ҳол.

Кўпчилик қаторида қорақалпоқ халқи Орол деңгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик оғат туфайли вужудга келган оғир ва мураккаб бир шароитда ҳам эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, ўз она юрти билан ғуурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган кайфият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечириш, яшаш, ҳақиқатан ҳам, шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан қандай катта чидам, мардлик ва матонат талаб қўйади.

Шуни фахр билан айтиш зарурки, қорақалпоқ халқининг табиатида ана шундай юксак фазилатлар азалдан мужассам бўлиб келади.

Ҳозир ҳам кечагидек эсимда, мен 1989 йилнинг ёзида мамлакат раҳбари сифатида эндингина иш бошлаган қунларимда бу ердаги ҳақиқий ҳол-аҳволни атрофлича билиш,

одамлардан күнгил сұраш, биринчі галда ҳал этиш лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига келган эдим.

Айтиш керакки, ўшанда юртимиз қалтис ва мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Бир томондан — Фарғона фожиалари, яна бир томондан — қишлоқларимиздаги ачинарли аҳвол, бир ёқда — Ўш-Ўзган воқеалари, буларнинг барчаси елкамиздаги оғир юқ бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солиб турад эди.

Биз ана шундай мушкул бир вазиятда босиқлик билан иш тутиб, муаммоларнинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Шароит ўта кескин бўлишига қарамай, ўша пайтдаёқ Оролбўйи муаммосига алоҳида эътибор берганимиз туфайли вазиятнинг янада хатарли тус олишига йўл қўймадик.

Айниқса, ушбу минтақада дараҳтзор ҳудудлар яратиш, шахта яккаҳокимлигини чеклаб, одамларга томорқа бериш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш, 220 та тоза сув чиқарадиган қурилма барпо этиш каби кўп-кўп тадбирлар ўша кезларда бошлаган ижобий ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Ўша пайтларда собиқ иттифоқ раҳбарияти ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол фожиасига қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам ҳалқимизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Аммо, ўша даврда собиқ СССР Олий Советининг бу масала бўйича юзаки, қуруқ декларациядан иборат қарорини айтмасак, бу борада бошқа бирон-бир амалий қадам қўйилмаган эди.

Лекин, бугун барчангизга миннатдорлик билан айтишим керак, биз қўл қовуштириб ўтирмадик. 1989 йилнинг ўзидаёқ ушбу минтақада яшайдиган аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, 380 минг кишига медицина ёрдами курсатилиди, қарийб 4 минг киши мамлакатдаги тегишли

ХАВФСИЗЛИК ВА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

шифохоналарга ётқизилди, минглаб болалар санаторийларда даволанди.

Такрор айтаман, мен қорақалпоқ халқининг олижаноб ва мардлигини ўша оғир дамларда юрак-юрагимдан ҳис этганиман.

Мен Молия вазирлигига, Госпландада ишлаган пайтларимда ҳам бу ерга күп марта келганиман.

Лекин ўша 1989 йилда бу миңтақанинг нечоғли оғир аҳволга тушганини, Оролнинг қуриши билан нафақат одамлар, балки ернинг ўзи ҳам нақадар эзилганини кўриб, елкамга қандай катта ва оғир юқ тушганини яна ва яна бир бор сезганиман.

Ва, керак бўлса, бу масала бугун ҳам қалбимнинг туvida оғриқ бир нуқта бўлиб турганини сизларга очик айтишим мумкин.

Бугун биз ўн-ўн икки йил олдин, яъни эндигина мустақил бўлиб турган пайтлардаги воқеаларни, бошимизга тушган не-не қийинчилик ва муаммоларни ечиш йўлида қилган ишларимизни эслар эканмиз, мен бир холосага эътиборингизни тортмоқчиман.

Менинг холосам шуки, ўша пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган ўта мураккаб аҳволда ҳам қорақалпоқ халқи ўзининг бағрикенглик ва вазминлик фазилатларини на-мойиш этди, мана шундай ҳар томонлама таҳликали бир вазиятда мамлакатга янги раҳбар бўлиб келган одамга ишонч билдириди.

Ўртамизда қарор топган, бир-биrimizни тушунишга хизмат қиласидиган мана шундай ўзаро ишонч ва самимият илдизлари балки ўша пайтда томир отган, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ва ана шу унугтилмас даврдаги таассуротларимни, барчамиз бошимиздан кечирган кунларни эслаб, бугун яна бир карра, мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман, деб айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.

Мана шундай ҳиссиёт билан мен турли катта минбарлардан — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, Европа ёки Осиёдаги нуфузли анжуманлар бўладими — уларнинг барчасида Орол фожиаси ҳақида бонг уриб, эй одамзот, кўринглар, англантеглар, бизнинг бошимизга тушган оғатга эътибор қаратинглар, акс ҳолда, бу фалокат эртага умумбашарий тус олиб, сизларнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин, шунинг учун бу масалада амалий ёрдам беринглар, деб қайта-қайта қилган даъватларимни жамоатчилигимиз, ҳалқимиз яхши билади.

Расмий маъруза эмас, балки қалб нидоси бўлган бу сўзларни мен наинки Тошкентда ўтирган раҳбар сифатида, балки қорақалпоқ диёрининг бир вакили сифатида айтганимни эслаш бугун ҳам ортиқча бўлмас.

Бундай даъват ва ҳаракатлар ҳали-бери амалда ўзининг тўла аксини топмаган бўлса-да, битта масалада биз маълум натижаларга эришдик.

Яъни, дунё ҳамжамияти, аввало, ҳалқаро ташкилотлар, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларга бугун Орол фожиаси тўғрисида ортиқча тушунтириш, қўшимча маълумот беришга ҳожат қолмади.

Бу масала ҳозирги кунда ҳалқаро майдонда дунё миқёсидаги катта фожиа, оғир муаммо бўлиб кун тартибига қўйилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланадиган ҳалқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани — бу ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Бу борада узоқча бормасдан, битта мисол келтириш мумкин.

Яқинда бизнинг юртимизга ташриф буюрган Жаҳон банки раҳбарининг, шунингдек, бошқа хорижий давлат ва сиёsat арбобларининг Оролбўйига келиб, бу ердаги

аҳвол билан яқындан танишганлари ҳам эртага бу масалада олға силжиш, амалй натижалар булишига умид үйфотади.

Бугунги кунда барчамиз яхши тушунамизки, Орол ҳавзасини сув билан тұлдыриш — бу ўта оғир масала.

Лекин шундай пайтда Оролбүйін ҳудудида яшаётган одамларнинг аҳволини яхшилаш, авваламбор, уларнинг соғлиғини асраш, насл-насадини баъзи оғатлардан сақлаш, бу ердаги ижтимоий вазиятни үнглеш борасида амалй ишларни бажариш, бунга керакли маблағ ва имкониятларни топиш ва шу мақсадға йўналтириш — бугунги кундаги энг долзарб, четга суриб бўлмайдиган вазифадир.

Аввалимбон, биз оналар ва болалар, кексаларга имкон борича шароит түғдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш — дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиш.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу хусусда гапирап эканмиз, охирги икки йилда бутун мамлакатимизда, аввало, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақасида рўй берган қурғоқчилик мавжуд қийинчиликларни янада оғирлаштирганини, муаммоларни янада кескинлаштирганини барчангиз яхши биласиз..

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз, халқимиз минтақа аҳолисини табиий оғат қаршисида ёлгизлатиб қўймади.

Биз вужудга келган оғир аҳволни енгиллаштириш, унинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида ўз вақтида барча зарур чора-тадбирларни кўрдик.

Мана шундай тадбирлар доирасида ўтган йили давлатимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига 20 миллиард сўмдан ортиқ молиявий кўмак бе-

рилди, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилған қарорга асосан фақат ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 931 миллион сүм маблаг ажратылды.

Бундан ташқари, ушбу минтақага Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблаг ҳам ёрдам тариқасида йўналтирилди.

Мана шу ҳисобдан 2 минг 900 та қудук ишга туширилиб, 200 дан зиёд қишлоқнинг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўтган йил ёз мавсумида 15 минг нафардан зиёд қорақалпакистонлик ўғил-қизларимиз Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда дам олди.

3000 нафар опа-сингиларимиз, 1150 нафар фахрийларимиз энг яхши сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклади.

Айни пайтда, қурғоқчиликдан азият чеккан минтақа аҳолисига кўшимча тарзда нафақалар тұлаш учун 180 миллион сүмдан зиёд маблаг ажратылды, аҳоли ва ташкилотлар 866 миллион сүм миқдоридаги ер солигидан озод этилди, корхона ва ташкилотларнинг 33 миллиард сүмлик қарзларидан кечилди.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақа аҳолиси учун мўлжалланган хайрли ишларни амалга оширишда техника воситалари етказиб бериб, беминнат ёрдам кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу ишлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини, ҳалқимизнинг ҳаёт қийинчилкларини бир тану бир жон бўлиб енга олиш фазилатини яна бир карра намоён этди.

Азиз дўстлар!

Энди рухсатингиз билан шундай оғир ва мураккаб шароитга қарамасдан, Қорақалпакистонда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, кундалик ҳаётимизда қўлга киритилаётган нати-

жалар ҳақида гапирмасак, бу албатта, инсофдан бўлмайди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот чиқарадиган бир қатор янги корхоналарнинг ишга туширилиши республика иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Бу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган халқ искеъмоли моллари ўтган йили 2000 йилдагига нисбатан 12 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Бундай ижобий ўзгаришларни кейинги йилларда барпо этилган “Элтекс” ва “Катекс” каби тӯқимачилик мажмуалари, Хўжайлидаги шиша, Нукусдаги мармар заводлари сингари кўплаб замонавий корхоналар мисолида кўришимиз мумкин.

Бу минтақада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи кўп йиллар давомида долзарб бўлиб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Шуни инобатга олиб, сўнгги йилларда бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширишга эришдик.

Хусусан, узунлиги 243 километрдан иборат “Туямуйин — Нукус” ва узунлиги 112 километрдан иборат “Нукус — Тахтакўпир” сув тармоқтарининг ишга туширилгани бу борада салмоқли қадам бўлганини алоҳида қайд этиш даркор.

Ўтган даврда Қорақалпоғистон аҳолисини табиий газ билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилиди.

Бугунги кунда мавжуд хонадонларнинг 90 фоизида табиий газ ёниб тургани бунинг яққол далилидир.

Биргина 2001 йилнинг ўзида 200 километр узунликдаги табиий газ, 206 километр узунликдаги тоза ичимлик суви тармоқлари барпо қилингани ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатиб турибди.

Капитал қурилиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бу заминда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг яна бир намоёни бўлмоқда.

Үтган йил давомида жами 58 миллиард сўмлик қийматга эга бўлган иншоотлар ишга туширилгани, бу йўналишда аввалги йилга қараганда 3 баробар ўсишга эришилгани, айниқса, дикқатга сазовор.

2001 йили 342 минг квадрат метр тураржой бинолари, 2 минг 850 ўкувчи таълим оладиган, 700 ўринли замонавий ётоқхонага эга бўлган бешта касб-ҳунар коллежаи бунёд этилгани, 1500 ўкувчига мўлжалланган 2 та касб-ҳунар коллежи тубдан таъмирланиб, бугунги талаблар даражасида қайта жиҳозланганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида Оролбўйи скрининг маркази, Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус шаҳри ва туманлардаги филиаллари, қишлоқ жойларда барію этилган қатор тиббий хизмат пунктлари экологик таъсир оқибатларини енгиллатиш, минтақа аҳолиси ҳаётини яхшилашда беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Айниқса, кейинги йиллар давомида маҳаллий ҳалқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида бунёд этилган кўпгина кўзга кўринган иншоотлар ва қурилишларни ҳам мисол тариқасида келтириш ўринли бўлади.

Хусусан, мана шу ерда яшаётган ҳалқнинг мушкулини осон қиласидиган, Амударё устига қурилган улкан Нукус — Хўжайли кўпрги ҳақида алоҳида гапириш мумкин.

Кези келганда мен мамлакатимиз ҳаётида наинки иқтисодий, айни вақтда стратегик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган 345 километр узунликдаги “Учқудуқ — Султон Увайстоф — Мискин” темир йўлиниң қисқа вақт ичida қуриб битказилганига ҳам алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз минтақаларини ўзаро боғлайдиган бу темир йўл тармоғи үтган йили 25 милион АҚШ доллари миқдорида валюта тежалишига имконият туғдирди.

Бу улкан иншоотнинг ишга туширилиши билан Мискин, Тўрткўл ва Элликқўлъада замонавий янги вокзаллар

бунёд этилди. Нукус темир йўл вокзали тўлиқ қайта таъмирланди.

Қораўзак ва Берунийда эса янги вокзаллар барпо қилинмоқда. Қувончлиси шуки, темир йўл фойдаланишга тоширилгач, қарийб минг нафар қорақалпоқ йигит-қизлари иш билан таъмин этилди.

Энг муҳими, бу темир йўл қорақалпоқ заминидаги табиий бойликларни ўзлаштиришга, улардан халқимиз, аввало, шу ерда яшайдиган одамларнинг манфаати йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Урга ва Шохнахта газ конларининг ишга туширилиши туфайли биз фақат 2001 йилнинг ўзида 1 миллиард 558 миллион куб метр табиий газ, 12 минг 600 тонна газ конденсати қазиб олиш имконига эга бўлдик.

Ўтган йили очилган Шарқий Бердақ газ кони эса жорий йилда 300 миллион куб метр газ, 400 тонна газ конденсати қазиб олиш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 16 миллиард 200 миллион куб метр газ ва 3 миллион тоннага яқин газ конденсати захираси мавжуд бўлган яна бешта газ кони яқин вақт ичida фойдаланишга тоширилади.

Бепоён Устюрт ҳудудидаги қимматбаҳо хом ашё захиралари бу минтақанинг эртанги кунига катта ишонч уйғотади.

Бунинг тасдигини бугун Устюрт бағрида қад ростлаётган, лойиҳа қиймати қарийб 100 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган Кўнғирот сода заводи қурилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бу улкан мажмуя юртимизда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, бутун мамлакатимиз саноати учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда завод қурилиши бўйича яқинда Хитой Саноат-тижорат банкининг 32 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит маблагини жалб этиш борасида келишувга эришилганини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчи-ман.

Унинг ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз эҳтиёжларини тұла таъминлаб қолмай, рақобатбардош ким-ёйи маҳсулотларни хорижға ҳам экспорт қилишга кенг имкон яратади.

Қадрли дүстлар!

Агар биз Қорақалпоғистондаги буғунги мавжуд ақволни фақат мана шундай ижобий мисоллар билан баҳолайдиган бўлсак, бу албатта бир ёқдама ёндашув, ҳатто айтиш мумкинки, қалтабинлик бўлур эди.

Биз буғун сизлар билан эришилган ютуқларни холисона эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Танқид ҳақида гапирганда, кимнидир изза қилиш, обрусини тўкиш эмас, хато-камчиликларни майдалаб ўтириш эмас, аксинча, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, ана шу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, уларнинг илдизига этиб бориш ва таг-томири билан йўқ қилиш асосий мақсадимиз бўлиши керак.

Шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Кейинги пайтларда бизда галати бир одат пайдо бўлди. Яъни, ҳамма камчиликлар учун табиий оғатларни рӯкач қилиш қандайдир бемаъни одатга айтаниб қолди.

Айрим раҳбарлар бунга шунчалик үрганиб қолдики, бундай баҳоналарни ҳар қадамда қалаштириб ташлайди.

Бу масала бўйича менинг фикрим шундайки, бунақанги йўл билан ўзини оқлашга уриниш — ишни билмайдиган, ташкилотчилик қобилияти етишмайдиган, ҳақиқатни яшириб кўрсатадиган заиф одамларнинг усулидир.

Ҳамма раҳбарлар яхшилаб эшишиб, қулоғига қуйиб олсин — биз бундай қараашларга кескин зарба беришимиз зарур.

Чунки биз бундай номақбул ҳолатларга чираб, улар билан муроса қилиб юрсак, эртага оғир ақволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Қорақалпоғистонда иқтисодиёт соҳасида муайян натижалар қўлга киритил-

ган бўлса-да, ҳали аҳолини иш билан банд этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласида талай муаммолар мавжудлигини айтиш даркор.

Бугун бу ерда қарийб 50 минг одамнинг иш билан таъминланмагани ҳам барчамизни ташвишга солиши зарур.

Мутасадди раҳбарларнинг уқувсизлиги ва лоқайдлиги оқибатида саноат корхоналарининг аксарияти ўз фаолиятини бозор шароитига мос ҳолда ташкил эта олмаяпти.

Мавжуд корхоналарнинг 40 фойизида ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетгани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, Элликқальъа, Қораўзак ва Кегейли туманларида фаолият курсатётган корхоналардаги аҳвол ниҳоятда ташвишлидир.

Ўзингиз айтинг, ана шу корхоналарнинг омборларида 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотнинг ўз харидорини топмай ётгани ишга бўлган шундай совуққон муносабат натижаси эмасми?

Энг ёмони шундаки, 2001 йил давомида бундай маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 10 фойиз кўпайган.

Қорақалпогистонда хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, чет эл сармоясини жалб этиш, ишлаб турган қўшма корхоналар фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Аксинча, бор имкониятларни ҳам бой бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ердаги мавжуд 28 та қўшма корхонанинг 10 таси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тұхтатгани шундай хulosса чиқаришга асос бўлади.

Кўнгина корхоналарнинг мулк шаклини номигагина, хўжакўрсинг учун ўзгартириб, амалда ҳали-бери эскичасига фаолият юритаётгани иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги асосий ғов-тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида кичик ва ўрта бизнес ривожига жиддий эътибор берилаётганига қарамай, Қора-

Қалағистонда ушбу масалага ҳамон бир ёқлама ва юзаки қаралмоқда.

Холбуки, давлатимиз Қорақалпоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, шу орқали аҳолининг турмуш даражаси ва моддий таъминотини яхшилаш масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда.

2001 йилда бу соҳа ривожи учун 6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Бу — аввалги йилга нисбатан 58 фоиз кўп, демакдир.

Албатта, бугун бу ёрдамнинг ўзига хос ижобий таъсирни намоён бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сони 18 фоиз кўпайди.

Айниқса, Тўрткўл туманида тадбиркорлар сони икки баравар кўпайиб, 3 минг 600 нафар ёш йигит-қиз ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Айтиш керакки, Бўзатов, Кегейли, Элликқалъа тумандаридаги ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун анчамунча ишлар қилинмоқда.

Лекин, шу билан бирга, бутун республика миқёсида оладиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ ва ўринли фойдаланишмаётганини қайд этишга мажбурмиз.

Бу ҳақиқатни 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоизи мутлақо фаолият кўрсатмаётгани ҳам исботлайди.

Барчангиз яхши биласиз, қишлоқ хўжалиги Қорақалпоғистон иқтисодиётининг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг шимолий худуди бўлмиш бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанчадан-қанча меҳнат ва машаққатни талаб этиши ҳақида гапириб ўтириш, ўйлайманки, ортиқча бўлади.

Лекин, шунга қарамай, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан бар-

чани қойыл қолдираётган тадбиркор инсонлар күплас топилади.

Масалан, тахтакүпирлик моҳир миришкорларнинг мана шундай оғир шароитда ҳам режада белгиланган миқдорда ҳосил олиб келаётгани деҳқон омилкорлик билан иш тугса, ҳар қандай вазиятда ҳам ердан ризқ-рӯз ундира олишини кўрсатади.

Ёки Нукус шаҳрининг шундоқ ёнида жойлашган “Қорақалпоғистон” агрокомплексини олайлик.

Бу ердаги иссиқхонада томчилатиб сугориш орқали нафақат Оролбўйида, балки Тошкент бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетадиган ноз-неъматлар етиширилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча муаммоларнинг ечими ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Аммо агротехника қоидаларига амал қилинмаса, сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаса, сув тармоқлари вақтида тозаланмаса, ердан ҳосил кутиш мумкинми ўзи?

Шу маънода, ўтган хўжалик йилида сув тармоқлари нинг атиги 20 фоизи тозалангани ҳеч бир ақлга тўғри келмайди.

Ўзингиз ўйланг, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори бўлган шароитда сугориш ишларига, умуман, агротехника талабларига шундай юзаки қарашга йўл қўйиб бўладими?

Ёки кузги-қишки агротехник тадбирлар учун қўшни Хоразм вилоятида ҳар гектар ерга ўртача 1 минг 900 куб метр сув сарфланған бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 3 минг 600 куб метрни ташкил этаётганини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Ўтган йили, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистон Республикасига зарур миқдордаги минерал ўғитлар етказиб берилди. Бироқ, сақлаш ва фойдаланишдаги нуқсонлар туфайли, уларнинг аксарият қисми бехуда исроф қилинди.

Үзингиз айтинг, Нукус туманида минерал ўғитларнинг очиқ ҳавода қолиб, ёғин-сочинда яроқсиз ҳолга келтирилганига нима дейиш мумкин? Буни қандай баҳона ёки сабаб билан оқлад бўлади?

Қадрли дўстлар!

Ризқ-рўзимиз манбаи — ҳалқимиз дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этиб келаётган мана шу ер, мана шу замин эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Уни наравариш этган, эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Лекин ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ундан қонунга хилоф равиша фойдаланиш қўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Минг афсуски, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мана шундай суиистеъмолчилик ҳолатлари содир этилмоқда.

Нукус туманидаги “Нукус”, Хўжайли туманидаги “Қорақалпоғистон”, “Жамбиг”, Элликқалъа туманидаги “Фалаба” хўжаликларида катта миқдордаги экин майдонлари ҳисоботга киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

2001 йилининг кузидаги экилган бүгдой майдонлари қайта кўриб чиқилганида, уларнинг бир қисми ҳисобдан яшириб қолингани, айрим ўринларда эса, “қўшиб ёзилгани” аниқланди.

Бундай ҳолатлар Бўзатов туманидаги “Тўртқўл”, Тахтакўпир туманидаги “Жанадарё”, “Довқара”, Чимбой туманидаги Сейитов номли, Кегейли туманидаги “Қоратов” ва республика йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг ёрдамчи хўжаликларида ҳам учрайди.

Бундай ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

2001 йили Қорақалпоғистон Республикасида барно этилиши кўзда тутилган 10 та қишлоқ тиббий пунктининг биронтаси ҳам ишга туширилмагани, 16 та тез ёрдам марказининг тенг ярми таъмирлашга муҳтоҷ экани, улар ўз эҳтиёжининг 50 фоизи миқдоридагина машиналар билан таъминлангани — ислоҳотларнинг бу соҳада ҳам оқсаётганидан далолат беради.

Бундай муаммолар, минг афсуски, таълим тизимида ҳам оз эмас.

Республикадаги 764 та ўрта мактабнинг 70 фоизида ўқувчилар икки сменада таълим олмоқда, салкам уч минг ўқувчи эса учинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда.

Янги лицей ва коллежларга аҳамият бериш кўпроқ бўлиб, умумий таълим мактабларини таъминлаш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчиларимизнинг аҳволига эътибор сусайиб қолмоқда.

Холбуки, бу масала ҳам бизнинг доимий дикқат марказимизда булиши зарур. Биз кейинги йилларда таълимтарбия соҳасида амалга оширган ислоҳотларимизнинг дастлабки меваларини бугун амалда кўряпмиз.

Қаранг, бугун қандай билимли, истеъододли, маъноли болалар етишиб чиқяпти.

Албатта, бу масалада қабул қилинган дастур ва режаларнинг, ажратилаётган маблағларнинг ўрни катта. Лекин бу борада асосий ишни, ҳеч шубҳасиз, ўз касбининг фидойиси бўлган минг-минглаб заҳматкаш ўқитувчилар, мураббий-муаллимлар қиласида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун умумтаълим мактабларининг моддий таъминотини яхшилаш, бу даргоҳларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш, уларнинг нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қартишимиз даркор.

Бугун Қорақалпогистонда турли соҳаларда мавжуд бўлган камчиликлар ҳар биримизни ҳушёр тортириб, улардан тегишли хуоса чиқариб олишга, нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга ундаши лозим.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун биз Қорақалпогистоннинг эртанги куни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилас эканмиз, мен бу ерда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни кўтариш ва аҳоли турмушини яхшилаш учун қўйидаги масала-

ларга энг устувор вазифа сифатида қараш зарур, деб ҳисоблаиман.

Биринчидан, Қорақалпоғистоннинг үзига хос, оғир иқтим шароитини, айниқса, сув танқислигини инобатта олган ҳолда, бу ерда асосан кам сув талаб этадиган экин турларини экиш, сув сарфи кам бўлган технологияларни жорий қилиш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда мелиорация ишларига, ички ва хўжаликлараро зовурлар ҳамда сув тармоқларини тозалашга алоҳида эътибор бериш керак.

Иккинчидан, аҳолининг чорвачилик соҳасидаги бой тажрибасини ҳисобга олиб, сув таъминоти қийин бўлган туманлардаги иқтисодий ночор хўжаликларни тутатиш ва уларнинг ўрнида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш, бўрдоқичилик мажмуаларини қайта тиклаш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш лозим.

Учинчидан, республиканинг барча худудларида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этишни кўзда тутиш зарур. Керак бўлса, бу соҳада янгитдан барпо этилаётган кичик бизнес вакиллари ва ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар яратиб беришимиз керак, деб ўйлайман.

Тўртингчидан, саноат тармоқларини ривожлантириш учун чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган янги-янги қўшма корхоналар ташкил этишга жиддий киришиш вақти етди.

Бешинчидан, республикадаги мавжуд табиий бойликларни аниқлаш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхоналар бунёд этишга доир амалдаги дастурдан келиб чиқиб, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳозирдан киришиш лозим.

Олтинчидан, “Учқудук — Султон Увайстоф — Мискин” темир йўли атрофига, аввало, шахсий мулкка асосланган кўп тармоқли хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш даркор.

Бу эса мазкур йұналиш бүйлаб тегишли инфратузилма шаклланишига, минглаб янги иш ўринлари очилишига, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилиши шубхасиз.

Еттінчидан, республикада вужудға келған ҳозирғи ваяздан чиқыш учун, биринчи навбатда, иқтидорлы, ташаббускор ёшларни құллаб-куватлаш, кадрлар билан ишлашни такомиңлаштириш, уларнинг захирасини мұнтазам бойитиб бориш даркор.

Үйлайманки, ушбу тақлиф-мулоқазалар, айтилған танқидий фикрларни инобатта олиб, белни маңкам боғлаб, бир ёқадан бөш чиқарып ишга киришсак, барча соқаларда туб ўзгаришларга эришиш мүмкін бўлади.

Азиз ватандошлар!

Бугун эришган ютуқларимиз, йўл қўйган камчиликларимиз ҳақида кўп гапириш мүмкін.

Лекин қийинчилік ва муаммоларга қарамай, ҳаёт давом этяпти, янги авлод дунёга келяпти. Бу авлод албатта биздан кўра кучли, билимли ва баҳтли бўлади.

Биз ишончимиз ва таянчимиз бўлган бу ёшлар қалбига, авваламбор, покизалик, ҳалоллик, мардлик, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилиш каби олижаноб инсоний фазилатларни сингдиришимиз керак.

Шуни алоҳида қувонч билан айтиш лозимки, бугун мамлакатимизда бўлгани каби, қорақалпоқ диёрида ҳам бугун мана шундай минглаб истеъдолди ва фидойи ёшлар вояга етмоқда.

Бундай ёшлар ишлаб чиқарыш, тадбиркорлик соҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам, санъет ва маданият соҳасида ҳам мана мен, деб майдонга чиқмоқда.

Кимга қандай, билмадим, лекин шахсан менга қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ниҳоятда ёқади.

Қаерда, қайси байрам ёки тантанада бўлмасин, қорақалпоқ йигит-қизларининг маҳоратини кўрган, уларнинг жарангдор овозини эшигтан одам беихтиёр таъсирланади, керак бўлса, ўзининг ғам-ташвишларини унугади.

Шу муносабат билан мен яқында бұлиб үтган бир воқеани сизларға эслатиб үтмоқчиман.

Азим пойтахтимиз Тошкентта бунёд этилган Ўзбекистон Давлат консерваториясининг янги биноси очилишига бағишлиңганды тантанали маросимда қорақалпоғистонлик хонанда Кенесбай Сержонов “Паяцо” операсидан ария ижро этганини күпчилигингиз телевидение орқали күрган бўлсангиз керак.

Қорақалпоқ элининг фарзанди бўлган бу санъаткор ўзининг мафтункор овози билан наинки бизни, балки шу маросимда иштирок этган ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакилларини ҳам ҳайратга согланидан барчамизинг қалбимиз гурур ва ифтихорга тўлди.

Мен бу ноёб иқтидор эгасини пойтахтга чақириб, Алишер Навоий номидаги академик катта театримизга ишга қабул қилиш, унга турар-жой ажратиш ва самарали ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида мутасадди раҳбарларга кўрсатма бердим.

Бундан мақсад шуки, бу санъаткор ўзининг Алиюҳ ато этган истеъодини тўлиқ намоён этсин, нафақат Ўзбекистонимизда, балки бутун дунёда шуҳрат қозонсин, қорақалпоқ халқининг довругини оламга таратсин.

Шу мъянода, қорақалпоқ заминидан етишиб чиққан ёрқин истеъодод соҳибаси Муяссар Рассоқова, оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги совриндори Бавуржон Каздаев, тай-бокс бўйича уч марта жаҳон чемпиони Еркин Кутибоев, миълий кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Ерматов, санъат соҳасидаги нуғузли халқаро танловларда голиб бўлган Элеонора Қутлипўлатова, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова каби иқтидорли ўғил-қизларимиз бутун Ўзбекистонимизнинг фаҳридир, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Қандай қийинчиликлар бўлмасин, ҳамиша ўз юртига содик қолиб, ўз ерини севиб-ардоқлаб, мардана меҳнат қилаётган, мана шундай беназир истеъододларни вояга етказаётган қорақалпоқ халқига ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Мұхтарам дүстлар!

Әнди Жұқорғи Кенгеснинг бугунги сессияси кун тартибига қойилған асосий масалага ўтсак.

Сизларга яхши маълумки, кейинги йиылар давомида Т.Камолов республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаб келди.

Бу раҳбар яқинда эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қиёди.

Бугун биз сизлар билан Камоловнинг ана шу аризасини кўриб чиқиб, бу масалага ўз муносабатимизни билдиришимиз зарур.

Камолов тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, 1997 йилда Қорақалпоғистонга етакчи бўлиб сайланган бу раҳбар қўлидан келганча ишлади, республикада амалга оширилган ўзгаришларга ўз ҳиссасини кўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаб, сиз, Жұқорғи Кенгес депутатлари бу масала бўйича ўз фикрингизни билдирасиз, деб ўйлайман.

Әнди Қорақалпоғистон Республикаси Жұқорғи Кенгеси раиси лавозимига номзод ҳақида гаплашиб олсак. Биз бу ердаги оқсоқоллар, фаоллар, жамоатчилек вакиллари билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринbosари вазифасида ишлаб келаётган Ерниязов Муса Тажетдинович номзодини тавсия қилмоқчимиз.

Ҳаммангиз бу билимли ва тажрибали раҳбарни яхши танийсиз. Мен бу раҳбарнинг республикада ислоҳотларни чуқурлаштириш, олдимиизда турган вазифаларни адо этишга салоҳияти ва куч-ғайрати етарли, деб ўйлайман.

Бу масала бўйича ҳам Жұқорғи Кенгес депутатлари ўз муносабатларини билдиришлари лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг бугунги кундаги энг асосий вазифамиз, орзу интилишимиз — халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, биринчи навбатда, Оролбўй минтақаси-

да яшайдиган одамларнинг ҳәётини яхшилаш, бу борада-
ги кенг күламғы тадбирларни амалга оширишдан иборат-
дир.

Бугун сиз ҳурматли жамоатчилик вакиллари билан
юзма-юз бўлиб, қатъий ишонч билан айтаманки, мин-
тақадаги табиий мувозанатни тиклаш, ҳәётий шарт-ша-
роитни ижобий томонга ўзгартириш учун қўлимиздан
келган барча ишларни биргаликда қиласиз.

Бугун мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида ту-
рибди. Шуни унутмаслик керакки, қорақалпоқ халқи
доимо юргимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган ва биз
сизларнинг салоҳиятингизга ҳамиша чексиз ишонч би-
лан қараймиз.

Сиз азизларга, сиз орқали бутун қорақалпоқ халқига
яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни из-
ҳор этар эканман, Яратганимиздан сўрайманки, юрти-
мизни бало-қазолардан ўзи асрасин, хирмонларимиз
юксак бўлсин, хонадонларимиздан кут-барака аримасин.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, баҳт-саодат, ишларин-
гизга омад тилаб қоламан.

*Қорақалпогистон Республикаси
Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари
сессиясида сўзланган нутқ,
2002 йил 2 май*

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ФАМХҮРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ҮЙЛАБ ИШ ТУТИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!
Хурматли депутатлар!

Бугун халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қўйилган масала ҳақида ҳаммангиз хабардорсиз.

Айтиш мумкинки, бу масала кун тартибida тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Навоий вилоятидаги бугунги аҳвол, иқтисодий-ижтимоий вазият, тобора кўпайиб, кескинлашиб бораётган, одамларимизнинг кайфиятига салбий таъсир қилаётган муаммолар — буларнинг барчаси ушбу сессия кун тартибига қўйилган масала билан бевосита боғлиқ, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам асосий масалага ўтишдан олдин сизлар билан мана шу муаммолар ва бундай вазиятни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида атрофлича фикрлашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада илгари Бухоро вилояти таркибида бўлган бу ҳудудда янги Навоий вилоятининг ташкил қилинини, бундай қарорга келишда қандай эзгу мақсад ва орзу-умидлар кўзда тутилганини бир карра эслаб олсак, менимча, ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, ҳамманинг кўз ўнгига, аввало, бу воҳада мавжуд бўлган ер усти ва ер ости бойликларининг улкан ва ноёб захиралари келади.

Маълумки, бу саховатли заминда юздан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган.

Чиндан ҳам, Аллоҳ назари тушган бу тупроқда олтин ва кумуш дейсизми, уран ва вольфрам дейсизми, норуда

ва кимёвий хом ашёлар дейсизми, мармар ва гранит дейсизми — бундай нодир бойликларнинг барчаси бор.

Шу маънода, Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бу ердаги қўнгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва захиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунтов, Довгизтоғ, Қўкпатас, Омонтойтоғ каби олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олислирда ҳам яхши маълум.

Бу маълумотлар, албатта, оддий мутахассисларга ҳам аён, лекин воҳанинг иқтисодий салоҳиятига бошқа манбалар, айтайлик, замонавий аэрокосмик ва геодезия техникаси орқали олинган маълумотларга асосланниб баҳо берадиган бўлсак, унинг бағрида яна қанча-қанча табиий бойликлар, ноёб захиралар яшириниб ётганига, уларнинг ҳажми ва кўлами эса стратегик жиҳатдан истиқболли эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Бир сўз билан айтганда, бу вилоят ўзининг иқтисодий салоҳиятига кўра алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши учун барча асослар бор эди ва шуларни ҳисобга олиб, бундан йигирма йил муқаддам бу ерда Навоий вилояти ташкил этилган эди.

Афсуски, совет тузумининг сўнгги йилларида айрим каитабин раҳбарларнинг собиқ Марказга яхши кўриниш ниятида олиб борган сиёсати туфайли шундай улкан имкониятларга эга бўлган вилоят тутатиб юборилган эди.

Биз 1992 йилда бу воҳанинг бекиёс салоҳиятини рӯёбга чиқариш, унинг табиий бойликларини Ватанимиз тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилдириш мақсадида, шу ерда яшайдиган одамларнинг келажагини ўйлаб, Навоий вилоятини қайтадан ташкил этганимиз, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, тарихий нуқтаи назардан ҳам, ўйлайманки, адолатли иш бўлган эди.

Гарчи Навоий вилоят сифатида нисбатан ёш бўлса-да, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу воҳа ўзининг узоқ тарихига, кўхна илдиз-томирларига эга.

Бунинг исботини шу заминда азалдан мавжуд бўлиб келган Кармана шаҳри, Работи Малик, Нурота каби қадимий манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз каби обидалар, Қосим шайх, Ориф Дехгароний каби азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида куришимиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси бу ерларда асрлар давомида ўтроқ бўлиб, шу тупроқда илдиз отиб, унга садоқат билан меҳру муҳаббатини баҳш этган фидойи, ғурури баланд инсонлар яшаганидан далолат беради.

Албатта, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу заминнинг тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин биз вилоятнинг бугунги куни, бу худудда яшайдиган одамларнинг ҳозирги ҳаёти, вилоятнинг истиқболи тўғрисида кўпроқ бош қотиришимиз, қайфуришимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, “Зарафшон-Ньюмонт” ўзбек-америка қўшма корхонаси, “Навоийазот” ва “Қизилқумцемент” бирлашмалари, “Электрохимзавод” қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариши кувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Энг муҳими, бу саноат корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзимизда катта захиралари бўлган маҳаллий ҳом ашё ва шу билан бирга, замонавий технологиялар асосида ишлайди. Демакки, бу корхоналарнинг истиқболи ва келажагига ишончли кафолат бор, деб айта оламиз.

Шуни ғуур-иiftихор билан таъкидлаш керакки, нисбатан қисқа — 30-35 йиллик тарихга эга бўлган бу кор-

хоналарда моддий бойликлар яратиш билан бирга, оғир чүл шароитида тобланган, күпмиллатли ақыл мәҳнат жамоалари шаклланди, юқори малакати мұхандис ва ишчи-ларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди.

Ана шундай фидойи инсонларнинг мәҳнати билан буғунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётгандык нодир ва рангли металларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал үғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда. Бу күрсаткичлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Лекин буғунги кун бизнинг олдимизга йирик, үта мұхим масала ва вазифаларни қўйимоқда. Корхоналаримизни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хом ашёларни кўпроқ ва кенитроқ ишлатиш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётгандык маҳсулотлар турини кўнгайтириш, айни вақтда харидоргир бўлмаган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини қисқартириш сингари долзарб вазифаларни ўз вақтида ҳал эта олмаганимиз ишимизнинг ширковард натижаларига бугун салбий таъсир ўтказмоқда.

Энг мұхими, ана шу корхоналар ва ташкилотларда ишни замонавий усулда ташкил қилиш, ишчиларни рағбатлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ўз вақтида ечиш ҳозирги пайтда долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Вилоятда бугун чет эллик шериклар билан тузилган 25 та қўшма корхонадан атиги 8 таси саноат соҳасида фаолият кўрсатаётгани, табиийки, бизни қониқтирмайди.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 миллиард сўмга камайгани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда, 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхоналар омборларида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётгани ҳам шундан далолат беради.

Бунинг натижасида наинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

Маълумки, мамлакатимизда чет эллик сармояндорларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қўлай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги “Қизилқум-Рус-Нур” ва “Прибор” каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган.

Чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, замонавий қўшма корхоналар очиш — иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги энг асосий масала экани қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учқудуқ туманларида ҳозирга қадар биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганини, ҳокимларнинг бу муҳим ишга лоқайд муносабатини ҳеч нарса билан оқтаб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят корхоналаридан атиги 3 таси, у ҳам бўлса, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент” ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотини ташқи бозорга олиб чиқмоқда. 2001 йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 16 фоизга камайиб кетгани ташвишга солмасдан қўймайди.

Навоий вилоятининг иқтисодий ривожида қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Ўтган йили бу ерда 76 миллиард сўмлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, жумладан, 43 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиширилганини таъкидлаш жоиз.

Бироқ, сўнгиги йилларда мана шу муҳим соҳада ташвишли вазият юзага келмоқда. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида вилоятда пахта етишириш бўйича режалар сурункасига бажарилмаяпти. Бунинг асосий сабаби — Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ҳўжалик юритиш ин-

тизомининг бўшашиб кетгани, иқтисодий ислоҳотларнинг изчил ва самарали жорий этилмаётгани билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди.

2001 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларнинг 33 фоизи бажарилмагани ҳам ана шундан далолат беради.

Энг ёмони, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволининг оғирлашувига олиб келмоқда.

Куйидаги рақамларга эътибор берайлик.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг жами дебиторлик қарзлари 2 миллиард 175 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 5 миллиард 467 миллион сўмни ташкил этган. 285 та хўжалик эса ўтган йилни 439 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий аҳволини ўнглаш учун биз зарур чора-тадбирларни кўряемиз, албатта. Масалан, ўтган йиллар мобайнида бу ерда вужудга келган объектив шарт-шароитни инобатга олиб, вилоят хўжаликларининг қарийб 5 ярим миллиард сўм миқдоридаги қарзларидан кечилди.

Бу — давлатимиз томонидан оғир вазиятдан чиқиб олиш учун хўжаликларга берилган катта бир имконият, албатта. Лекин бунга жавобан вилоятда изланиш, ташаббус кўрсатиш, ишни тўғри ташкил этиш ўрнига боқимандалик кайфияти кўзга ташланаётгани, ҳосилдорлик даражаси шасайиб бораётганини афсус билан айтишга мажбурмиз.

Ўтган йили Хатирчи ва Қизилтепа туманларидағи 7 та хўжаликда гектаридан олинган пахта ҳосили 18 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай ноҳуш ҳолат дон етиширишда ҳам учрамоқда. 2001 йилда сугориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги Хатирчи туманидаги “Оқ олтин” хўжалигига 15,5, Қизилтепа туманидаги Ал-Бухорий номли хўжаликда 12,6,

“Маликчұл” хұжалигыда 11,5, Навбақор туманинде Жамбұл номлы хұжаликта эса атиги 7,5 центнерни ташкил этган, холос.

Шуни алоқида таъқидлаш лозимки, вилоятда ризқрўзимиз манбаи, асосий бойлигимиз бўлган ерга нисбатан муносабат барчани ташвишга солмоқда.

Ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ўтган йили 2 минг 57 гектар майдоннинг экин экилмасдан қолиб кетгани, 1 минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди.

Жумладан, Қизилтепа туманида 107 гектар, Навбақор туманида 96, Ҳатирчи туманида 67 гектар чигит экилган майдондан бир центнер ҳам ҳосил олинмаган.

Сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш Навоий чўл зонасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани ҳақида ганириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида сувдан ва сугориладиган ерлардан фойдаланишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун вилоят раҳбари F.Дилов қаттиқ огоҳлантирилган эди.

Лекин, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, бу камчилик ва нуқсонлар ҳанузгача давом этмоқда.

Вилоятда ҳозирги кунда 2 минг 648 та фермер хұжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларни қўллаб-қувватлаш, техник ва ахборот хизмати кўрсатиш, минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлашда ёрдам бериш, лизинг хизматига доир масалаларни ҳал этиш ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Буни ўтган йили фермер хұжаликлари азотли ўғитлар билан 64 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 24 фоиз, калийли ўғитлар билан эса атиги 6 ярим фоиз микдорида таъминланганидан ҳам билса булади.

Шу сабабли фермер хұжаликлари томонидан пахта ва дон етиштиришда кескин ўзгариш кўзга ташланмаяпти. 2001 йилда вилоят бўйича фермер хұжаликлари пахтадан

үртача 22 центнер, ғалыадан эса 25,6 центнер ҳосил олган, холос.

Фермерлар томонидан бошқа маңсулотлар етиштириш ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, үтган йили вилоятта фермер хұжаликтерининг іштегі етиштиришдаги улуш 1,6 фоизни, сут маңсулоти бүйічә 3 фоизни, тухум етиштириш бүйічә эса атиги ярим фоизни ташкил этган.

Бу соқада рүй берадьетган камчиликтарнинг асосий сабаби шундаки, вилоятта қышлоқ хұжалиги соқасида ишловчиларга зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг оғири ни енгіл қилиш, деңқон мәхнатини рағбатлантириш масалаларига жиғдій әзтибор қаратылмаяпты.

Мисол учун, пахта етиштириш шартномасини бажарған ойлаудың шудратчиларга бериліши лозим бўлган 3 минг 262 тонна пахта ёғидан фақат 155 тоннаси, 14 минг 679 тонна кунжарадан 230 тоннаси, 11 минг 417 тонна шелухадан 217 тоннаси деңқонларга тарқатиб берилған, холос.

Деңқон мәхнатига беписандлык билан қарашдек бундай бемаъни ҳолатта чек қўйилди, албаттa. Лекин бунинг учун Президент девони ходимларининг бу масала билан шуғулланишига тўғри келди.

Савол тугилации: наҳотки, вилоядта деңқон манфаати ни ҳимоя қилиб, масалани ўртага қўядиган, уни ҳал этиб берадиган бирон раҳбар тоцилмаса? Ахир, вилоятнинг ўзида ҳам бевосита шу масалага жавобгар бўлган ҳокимлар бор, прокурор бор, турли идоралар бор. Хуш, булар қаёққа қарайапти ўзи?

Вилоятда хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунсиз равишда аралашиш, ортиқча текширишлар ҳам, афсуски, ҳали-хануз камаймаяпти. Тадбиркорлар томонидан ўз қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя этилишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиш ҳоллари 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 59 фоизга кўпайгани, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахсларнинг 321 таси маъмурӣ ва жиноий

жавобгарликка тортилгани ҳар биримизни ўйлантириши, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этиши зарур.

Хурматли халқ ноиблари!

Азиз дўстлар!

Табиийки, вилоятда йўл қўйилаётган хато-камчилликларни танқид қилиш билан бирга, вазиятга холисона баҳо берадиган бўлсак, бундай ҳолатларга олиб келадиган кўпгина объектив сабабларни ҳам инобатга олишимиз зарур.

Навоий вилоятининг ер ва иқлим шароити мураккаблиги, бунинг устига, сурункасига икки йил рўй берган қурғоқчилик оқибатлари, экологик муаммолар, ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги, кўпгина корхоналар ва хўжаликларнинг молиявий аҳволи танглиги каби сабаблар шулар жумласидандир.

Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин, фақат шу ҳолатларни баҳона қилиб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Масалан, мана шундай объектив сабаблардан бири — ерларнинг мелиоратив ҳолатини оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, Хоразмда ёки Қорақалпоғистонда аҳвол бундан яхшими? Ёки қўшни Бухоро ва Қашқадарёнинг тупроқ шароити сизларнидан яхшими?

Агар Навоийда ерларнинг шўрланганлик даражаси 67 фоиз бўлса, бу кўрсаткич Бухорода 91, Хоразмда 97 фоизни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан, Хоразмда юқори ҳосил олишга эришиляпти-ку!

Мен, ўрни келганда, хоразмлик миришкорларнинг меҳнатига, дехқончилик маданиятига тан бериб, уларни ҳақиқий қаҳрамонлар, деб айтган гапимни яна бир бор тақрорламоқчиман. Чунки Хоразм дехқони қишининг изгиринида ҳам, баҳорнинг ёғин-сочин кунларида ҳам дајасида мардана меҳнат қилиб, юзлаб-минглаб гектар ернинг шўрини ювади. Нима, Навоийда дехқонларнинг табиати бошқачами, бу ишлар уларнинг қўлидан келмайдими?

Келади, албатта. Қизилтепа туманидаги “Шодиобод” фермер хўжалиги пахта тошириш шартномавий режа-

сини 210 фоизга, Хатирчи туманидаги “Юсуф Турон” фермер хұжалиги 163 фоизга, Навоий туманидаги “Маданият” ширкат хұжалиги 130 фоизга бажаргани бунинг исботи эмасми?

Ёки Қызылтепа туманидаги “Олмазор” фермер хұжалиги аъзоларининг гектарига 80 центнердан зиёд ғалла ҳосили етиштирғани, Конимек туманидаги “Конимек” ва Абай номли, Томди туманидаги “Оёққудук” ширкат хұжаликларида қар өнімдердің 120 тадан күзи олингани Навоий вилюятида ҳам ишнинг күзини биладиган, табиғаттың құралынан да-лолат беради.

Бу воҳанинг ҳали-ҳануз тұла ишга солинмаётган имкониятлари ҳақида гапирғанда, биз аввало қоракұлчилек соҳасини ҳам назарда тутамиз. Чунки, бу вилоят үзининг бетакрор табиий шароитига күра қоракұлчилекнинг асосий базаси ҳисобланади.

Айтайлик, Томди ва Учкүдук, Нурота ва Конимек туманларининг бепоён яйловларида қимматбаҳо хом ашё берадиган қоракұл құйларнинг әнг зотдор наслларини етишириш мүмкін. Мамлакатимизнинг бошқа бирон-бир ҳудудида бу тармоқни шу даражада ривожлантириш имкони йўқ.

Шуни қайд этиш зарурки, вилоятда қоракұл құйлар сони кейинги бир йилнинг ўзида 35 минг 300 тага күпайиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига күра, бир миллиондан ошиб кетди. Ҳар йили 240 миннега яқин қоракұл териси тайёрланмоқда. Бу тармоқ маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаси бўлибгина қолмай, катта экспорт салоҳиятига ҳам эга эканини ҳаммангиз яхши биласиз.

Шу билан бирга, қоракұлчилек хұжаликлари бор имкониятлардан тұла фойдаланыпти, деб бўлмайди. Жаҳон бозорида талаб катта бўлган қоракұлчилек маҳсулотлари тайёрлаш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, құйларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, мавжуд яйловларни сақлаб

қолиш, чўпонлар учун зарур турмуш шароитини яратиб бериш — барчамизнинг доимий диққат марказимида бўлиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вилоятдаги мавжуд аҳвол ва муаммолар ҳақида гапи-рар эканмиз, бу ерда ишсизлик муаммоси ҳамон жиддий масала бўлиб қолаётганини айтиш лозим. Ўтган йили бандлик хизмати идораларига иш сўраб мурожаат қилган 24 минг кишидан 8 минг нафари иш билан таъмин этилмаган. Уларнинг 70 фоизи хотин-қизлар эканини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нечоғли долзарблиги янада аён бўлади.

Бу муаммонинг ечими туман марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам саноат корхоналари, маиший хизмат тармоқлари, ҳунармандчиллик шохобчалари ташкил этишни талаб қиласди.

Бу соҳадаги ишга катта салбий таъсир кўрсатиб, тусиқ бўлиб турган масалалардан энг асосийси, у ҳам бўлса, вилоятда ўтирган мутасадди раҳбарларнинг тадбиркорликка интилиб, ўз ишини бошламоқчи бўлиб юрган ақл-заковатли, ташаббускор одамларга етарли эътибор бермаслиги, ўз вазифасига совуққонлик билан қарашидир.

Буни ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларига товар-хомашё биржалари орқали сотилган моддий-техникавий ресурслар ҳажми 55 фоизга камайиб кетгани ҳам тасдиқлайди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга банклар томонидан кредитлар ажратиш борасида юз бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам тадбиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тижорат банклари томонидан кредитлар бериш масаласи ўрганилганда 13 мингдан зиёд ҳолатда амалдаги қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган.

30 дан ортиқ ҳолатда вилоят ва туман ҳокимліктери, 34 ҳолатда эса тижорат банклари раҳбарлари тұрағызлық, таъмғарлық билан аризаларни үз вақтіда рұйхатта олмаган ёки рад этиб, ортиқта хужжатлар талааб қылған.

Хатто вилоят ҳокимлігінде ҳам кичик тадбиркорлық субъектларининг ариза ва шикоятларини белгиланған тартибда қайд этиб бориш ишләри йүлга қўйилмаган. Навбаҳор тумани ҳокими эса 18 та хўжалик юритувчи субъект раҳбарларини жаримага тортиш тўғрисида асоссиз фармойиш чиқаргани ҳеч қандай ақлга сифмайди.

Вилоятда янги уй-жойлар барпо этиш, аҳоли яшайдиган мавзеларни ободонлаштириш масаласи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Кўп жойларда йўлларнинг ҳолати, кўчаларнинг қиёфаси ачинарли аҳволда.

Бу ҳақда ганирганда, гайритабиий бир ҳолат одамни таажжубга солади. Бир томондан, бу ерда замонавий инфратузилмага эга бўлган Навоий, Зарафшон каби шаҳарларни, иккинчи томондан эса, улар билан мутлақо солиштириб бўлмайдиган қишлоқ манзараларини кўриш мумкин.

Барчамиз вилоятдаги шўро давридан қолиб келаётган бундай бир ёқлама ёндашувга барҳам бериш вақти аллақачон етганини англаб олишимиз керак.

Бу, албатта, катта куч ва маблағ талааб қиласидиган иш. Лекин, барака тоғкурлар, ташаббус аввало кимлардан чиқиши керак?

Яна ва яна такрор айтмоқчиман, ўзимиз яшаётган юртимизни, қишлоқ-шаҳаримизни, маҳалла-хонадонимизни обод этиш, қўкаланзорлаштириш, йўлларимизни равон қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ишларини ўзимиз қилмасак, уларни бирор четдан келиб бажарип бермайди-ку!

Бир вақтлар мен Андижонда бошланған бундай ибратли ишлар ҳақида Қувада бўлганимда ҳавас қилиб ганирган эдим. Тушунган одамларга бир оғиз сўз кифоя экан, ҳозир Андижон, Фаргона, Наманганд вилоятларида.

шаҳар-қишлоқларида каттаю кичик йүл ва майдонлардағы күркем манзарапарни, кишининг күзини, қалбини беихтиёр қувонтирадиган савобли ишларни куриб, ҳар қайси инсоннинг құнгли, рухи сұзсиз очилиб, яйраб кетади.

Үйлайманки, бундай ишларни ташкил қилиш, халқимизни шу каби олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина биттә нарса керак. Үңам бұлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг үйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бұлса ҳам енгіл қилиш учун фидойилек құрсатиши, жон күйдириши керак.

Хурматли дүстлар!

Навоий вилоятида ижтимоий соҳада йүл қўйилаётган камчиликлар орасида барчамизни айниқса безовта қилиши лозим бўлган бир масала борки, у бевосита Кадрлар тайёрлаш миљлий дастурини жорий этиш билан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги 238 та мактабда дарслар икки сменада, 4 та мактабда эса уңи сменада олиб борилаётгани, 10 та мактаб ночор аҳволда экани, 21 та мактабда эса қурилиш ишлари тугалланмай ётгани ҳам бу соҳада анча-мунча муаммолар йиғилиб қолганидан даюлат беради.

Кўпгина қишлоқ мактаблари баъзи фанлар бўйича ўқитувчилар билан тұла таъминланмаган. Жумладан, четтили фани бўйича 310 та, жисмоний тарбия бўйича 350 та, меҳнат фани бўйича 130 та ўқитувчи етишмайди.

Текширув жараённада аниқланган маълумотларга кўра, Навоий вилояти битирувчиларнинг билим савияси бўйича мамлакатда энг қуий ўринда туради. Бу ҳол шу масалага бевосита жавобгар бўлган мутасаддиларни, вилоят ва туман ҳокимларини, Ҳалқ таълими вазирлигининг раҳбарларини безовта қиляптими-йўқми, билмадим, лекин шахсан мени қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Биз ҳар бир шаҳар ва тумандык академик лицей, касбхунар колледжлари бунёд этиш масаласига нафақат бугун-

ги, балки эртанги кунимиз нүқтаи назаридан келиб чи-қиб ёндашишимиз, ажратилған маблағ ва ресурслардан тежаб-тергаб, оқылона фойдаланишимиз зарур.

2001 йыл давомида қурилиш-монтаж ишлари суст олиб борилгани сабабли Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-хунар коллекцияри белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади.

Вилоятда ёшлар ўргасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мактабларнинг 62 фоизи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаган бўлса, ёшларни қандай қилиб спортга жалб этиш, уларни соғлом ва бакувват этиб тарбиялаш мумкин?

Мана, сизларга қўшни бўлган Бухоро вилоятини олайлик. У ерда кейинги йилларда қандай замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари бунёд этилганини универсиада ўйинлари орқали кўрдик. Энг муҳими, ҳамма гаи бу масалага жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сафарбар эта билишда.

Таассуфки, вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, ихтисослашган замонавий тиббий муассасалар ташкил этишдаги сусткашлик туфайли бу борадаги хизмат сифати ҳамон настлигича қолмоқда.

Хусусан, вилоятда ҳар 10 минг кишига 36 та даволаш ўрни тўғри-келиши ҳеч кимни қониқтирмайди. Чекка ва олис туманларда қишлоқ врачлик пунктлари, малакали шифокорлар этишмаслигини инобатга олиб, бу масала бўйича зарур чора-тадбирларни кўришимиз даркор.

Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, бир неча турдаги оғир юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу соҳада ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Вилоятда қонунчилликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, қасддан одам ўлдириш, сунқасд қилиш, автотранспортни ўғирлаш каби жиноят турлари бўйича кўрсаткичлар пасаймаяпти.

Айниқса, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиши, босқинчиллик ва товламачилик сингари жиноятлар сони кескин ошгани, содир этилган жиноятларда вояга етмаганлар ва ўқувчилар иштироки ортиб бораётгани барчамизни хушёрг торттириши даркор.

2001 йили вилоятда 202 та жиноят очилмай қолган. Содир этилаётган қотилликларнинг 60 фоизи оиласидан можаролар оқибатида келиб чиқаётганини инобатга олсанак, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари қаёққа қарайяпти, деган ҳақли эътироуз туғилиши табиий.

Энг ачинарлиси, баъзан вилоят ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳам турли жиноятлар содир этилмоқда.

Масалан, Навбаҳор туман судининг собиқ раиси У.Рустамов жиноят ишини енгиллаштиришни ваъда қилиб, 1 миллион 500 минг сўм пора олаётганида қўлга тушган. Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Н.Назаров, А.Омонов, Ф.Аҳмедовлар эса фуқаро Н.Қодиров томонидан содир этилган оғир жиноятни яшириб, пора олган.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари А.Ризокулов ва Х.Аҳмедовлар фуқаро М.Эрназаровни жиноий жавобгарликка тортиш билан кўрқитиб, товламачилик йўли билан пора олаётган пайтда қўлга тушган.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган одамларнинг ўзи шундай жирканч ишларга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин?

Муҳтарам юртдошлар!

Биз раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш ҳақида кўп гапирамиз.

Нега деганда, олдимизда турган вазифаларни бажаришда қацрларнинг билимдонлиги, ишchan ва ташаббускорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамият касб этади, керак бўлса ҳал қылувчи ўрин тутади.

Навоий вилоятида амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасидан лавозимларга тайинлаш, уларни босқичмабосқич юқори вазифаларга тайёрлаб бориш, ўқитиш ва тажрибасини оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ёмон бир одатга айланган.

Масалаң, кейинги уч йил ичидаги вилоят ҳокимлигининг агросаноат мажмую котибияти мудири етти марта, ҳокимликнинг ишлар бошқарувчиси эса олти марта алмаштирилган.

Биргина 1999-2000 йиллар мобайнида 101 та қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбарларининг 72 фоизи, жумладан, Хатирчи туманида 95 фоиз, Қизилтепа туманида 70 фоиз, Навбаҳор туманида 62 фоиз ходимлар турли баҳонаю сабаблар билан алмаштирилгани вилоятда кадрлар қўнимсизлиги одатий ҳолга айланниб қолганидан даъолат беради. Энг ёмони шундаки, бундай тинимсиз кадр алмаштиришлар ишни яхшилашга ҳеч қачон хизмат қўлмаган ва хизмат қўлмайди.

Энди бугунги сессия кун тартибидаги асосий масалага ўтадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, бундан уч ярим йил олдин мана шу залда Ф.Диловни катта ишонч билан вилоятта биринчи раҳбар этиб тасдиқлаган эдик. Эътироф этиш керак, дастлабки йилларда унинг фаолиятида маълум бир интилишлар ва ҳаракатлар ҳам кўзга ташланди. Лекин, барчамизга аёнки, Навоий вилоятининг ҳаётни ва истиқболи фақат қишлоқ хўжалиги соҳасига боғланган эмас.

Минг афсуски, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ривожлантириш, маънавий-маданий юксалтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим ва долзарб масалалар вилоят

ҳокимининг эътиборидан четда қолиб кетганини бугун қайд этишга мажбурмиз.

Яъни, бу одамда вилоят миқёсидаги бутун муаммоларни чукур англаш, тушуниш, уларга ягона мақсад нуқтаси назаридан ёндашиб, изчилик билан ҳал этиш қобилияти, эл-юргнинг минг-минг талаб ва эҳтиёжларидан энг муҳим, устувор масалаларга эътиборни жалб этиш, авваламбор, кадрларнинг бошини қовуштириш, сафарбар этиш хусусияти, малакаси, очиқ айтиш керакки, этишмади.

Бугунги вужудга келган вазиятни тан олиб, буни ўзи ҳам тушуниб, Ф.Дилов вилоят ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза берди.

Бугун сиз, депутатлар мана шу масалани кўриб чиқиб, унга ўз муносабатингизни билдиришингиз керак.

Хурматли депутатлар, энди Навоий вилояти ҳокими лавозимига номзод масаласини кўриб чиқишимиз зарур. Биз бу борада кўп ўйлашиб, вилоят жамоатчилиги, оқсоқоллар, маҳаллий фаоллар билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги кунда Конимех тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рўзиев Баҳриддин Мургазаевич номзодини тавсия этмоқчимиз.

Ўйлайманки, ҳаммангиз кўпидан бўён шу Навоий вилоятида хизмат қилиб келадиган бу раҳбарни яхши танийсиз. У иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, туман ва вилоят миқёсидаги турли масъул лавозимларда ишлаган, билими, ҳаётий тажрибаси ҳам етарли.

Энг муҳими, у Навоий вилоятини, бу ерда яшайдиган аҳолининг ҳаётини яхши билади. Вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, одамларни қийнаётган ташвиш-муаммоларни ҳал этишда бу раҳбар ўзининг бор куч-гайрати ва салоҳиятини аямай меҳнат қиласи, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Мен Навоий вилоятининг депутатлари ва фаоллари, барча меҳнаткашлари, бугун ҳалқи бугунги айтилган фикр-

лардан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишига танқидий нуқтai назардан қараб, янги раҳбар атрофида бирлашиб, вилоят ҳаётида жиддий ўзгариш ясашига қатыйи ишонаман.

Чунки, вилоят барча соҳаларда мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиши учун ҳамма асос ва имкониятлар мавжуд. Фақат ана шу имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдалана билиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан талаб қилаётган ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

*Халқ депутатлари Навоий вилоят
кенгашининг нафбатдан ташқари
сессиясида сўзланган нутқ,
2002 йил 31 май*

ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР РИВОЖИНИ РАФБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Хурматли Владимир Владимирович.

Мұхтарам давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари.

Аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити иштирокчиларини күтгаб, ушбу анжуманды иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига үзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлиги, самимияти ҳамда Россия ва Европа маданияти тарихида үзига хос ўринга эга ажойиб Санкт-Петербург шаҳрида ўтаётган бу галги саммит юқори даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Шанхайдаги мазкур ташкилотимиз таъсис этилганидан бўён ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамияти ўз тараққиётининг фавқулодда мураккаб ва масъулиятли даврини бошдан кечирди. Бу давр фундаментал мувоффиклар ва халқаро хавфсизликка таҳдид, биринчи галда, сайёрамиздаги тинчлик ва барқарорликка энг кўп даражада хавф солаётган халқаро террорчилик таҳдидига тўқнаш келаётган сифат жиҳатдан янги дунё тартиботи билан тавсифланади.

Яқин ўтмишимиз воқеалари ва далиллари барчамиз эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир аччиқ ҳақиқатни намоён этди: нечоғлик мукаммал қурол ёки қудратли ва замонавий ядро-ракета воситаларига эга бўлмасин, дунёнинг ҳеч бир мамлакати бугунги кунда үзини ушбу даҳшатли таҳдиддан холи деб ҳисоблай олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина халқаро ҳамжамият инсониятга хавф солувчи тобора кучайиб бораётган ана шу таҳдиддан халос бўла олади.

Шу муносабат билан биз Россия-Америка саммити натижаларини ва Москва шаҳрида имзоланган ҳужжатларни ҳамда Россия билан НАТО ўртасида сифат жиҳатдан янги муносабатлар тўғрисидаги Рим декларациясини қўллаб-қувватлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган ҳалқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммитининг аҳамияти, энг аввало, ниҳоятда муҳим ҳужжатлар — Хартия, Декларация ва Минтақавий аксилийтеррор тузиљма тўғрисида битим имзоланиши билан белгисланади.

ШХТнинг асосий ҳужжатлари бўлган Хартия ва сиёсий Декларация ташкилотнинг ўзи ва айни пайтда унинг асосида тузилиши мумкин бўлган барча тузилмаларнинг кенг қўламли фаолияти учун зарур асос яратади ҳамда ҳалқаро ва давлатлараро алоқалар тизимида унинг ўрнини белгилайди.

Ўзбекистон ШХТнинг Хартия ва Декларацияда эълон қилинган ҳамда минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, ҳалқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишларига, шунингдек, наркотрафик ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашга йўналтирилган асосий мақсадли вазифаларини; гуманитар соҳада, ижтимоий ва маданий тараққиёт соҳаларидағи кўп томонлама, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳеч шубҳасиз, ШХТ нинг ушбу ва бошқа муҳим мақсад ва тамойилларининг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар манфаатларига бирдек мос келади.

Шу муносабат билан юқорида қайд этилган ҳужжатларда ШХТнинг блок ёки ёпиқ турдаги бирлашма эмаслиги, унинг очиқлиги, дунёнинг барча давлатлари ва ҳал-

қаро ташкилотлар билан БМТ Низоми, ҳалқаро ҳуқук мөъёрларига мувофиқ кенг кўламли амалий мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлиги кўзда тутилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Биз ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг суръатли, олға интигувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлишимиз, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Биз шу йилнинг май ойида Россия ва АҚШ президентлари томонидан имзоланган Қўшма декларациядаги ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаймиз: “Биз Марказий Осиёда ва Жанубий Кавказда барқарорликни, минтақадаги ҳар бир давлат суверенитети ва худудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор эканлигимизни тан оламиз. Россия билан АҚШ “буюк давлатлар” рақобатининг ўзини оқламаган моделидан воз кечади, зоро бу йўл мазкур минтақадаги вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин”.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Имкониятдан фойдаланиб, минтақамиз хавфсизлигига бевосита даҳлдор бўлган, жумладан, афғон можароси масалалари хусусидаги айрим фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Ўзбекистонда доим, каттами-кичикми, қўшнини танлаб бўлмайди, деган нақлга амал қилиб келинган. Демак, улар билан дўстона, иноқ, баҳамжиҳат ва тотув яшаш, уларнинг миллий қадриятлари ҳамда манфаатларини ҳурмат қилиш лозим. Бизнинг Афғонистонга нисбатан асосий ёндашувимиз ҳам ана шундай.

Тан олиш керакки, аксилтеррор ҳаракатларнинг асосий ҳарбий босқичи якунланиб, Афғонистонда террорчиллик инфратузилмаси амалда яксон этилганига қарамай, бу ерда вазият қай йўсинда ривожланишини башорат қилиш мушкул. Ҳарбий-сиёсий кучларнинг қайта гурухланиши, террорчиларнинг вақтинча яшириниб олган тўда-

ларининг фаоллашуви ва маълум бир кучлар томонидан Афғонистон ичидаги турли гуруҳлар ўртасида кенг қуламили уруш ҳаракатлари келтириб чиқарилиши эҳтимолини инкор этиб бўлмайди.

Бунинг устига, Афғонистонда уруш йиллари давомида тўпланиб қолган катта миқдордаги ҳарбий техника, қуроласлаҳа, мина ва жанговар ўқиҷар сақланниб турибди. Ушбу вайрон келтирувчи кучни йўқ қилиш ёки сотиб олиш йўли билан бартараф этиш халқаро ҳамжамият олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Биз аминмизки, қуролсизлантириш — Афғонистондаги ахволни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шартидир.

Афғонистонда наркотрафик қўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида хавф туғдирмоқда. Афсуски, кўп бора баёнотлар берилганига қарамай, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида бу оғатга қарши курашдан манфаатдор бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бирлаштира оладиган мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқишга уринишлар ҳали кузатилмаяпти.

Бу балога қарши фақат жазо ва маъмурий чораларни кучайтириш, гиёҳванд моддалар етиштирилдиаган ҳудуд атрофида “хавфсизлик минтақаси” деб аталувчи зоналар ташкил этиш орқалигина эмас, балки, биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётида туб тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳолининг бунёдкор меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш воситасида курашиш керак.

Бугунги кунда Афғонистон жиддий қарорлар қабул қилиш арафасида турибди. Ушбу қарорлар яқинда булиб ўтадиган Лойя Жиргада ишлаб чиқилади ва кенг қуламили вакильлик ҳукумати шакллантирилади. Мамлакатнинг келажакда қайси йўлдан бориши ва унда қандай ижтимоий-сиёсий тизим ва давлат тузуми ўрнатилиши Лойя Жирғанинг нечоғлик муваффақиятли ўтишига боғлиқ. Бизнинг минтақамиздаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳам кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ булади.

Хурматли давлат раҳбарлари!

Марказий Осиёдаги миңтақавий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмунини куриб чиқар эканмиз, биз ҳамкорлигимизнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки мамлакатларимизнинг тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва осойишталик сари одимлаши кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий тараққиёт эвазига таъминланиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг ниҳоятда бой захиралари, илмий-интеллектуал салоҳиятининг Россия ва Хитой салоҳияти ҳамда иқтисодий ва технологик имкониятлари билан қўшилиши, назаримизда, муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни самарали амалга ошириш, савдосотик, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ШҲТнинг барча иштирокчилари манфаатларини кўзловчи ҳамкорлик янада ривожланишига хизмат қилади.

Ҳамкорлигимизга оид биринчи навбатдаги муаммолар қаторида маъданли хом ашё захираларидан оқилона фойдаланиш, энергетиканинг мутаносиб инфратузилмасини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби бошқа кўпилаб масалалар борки, ҳар бир мамлакатнинг, умуман олганда, бутун миңтақанинг, барқарор ва жадал тараққиёти улар ечимиға боғлиқдир.

ШҲТнинг ушбу барча мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни ўз иштирокчиларининг ҳолати ва имкониятларига мос, мумкин қадар очик, омилкор ва самарали ташкилотга айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Саъй-ҳаракатларни совурмай, аксинча ҳамкорликнинг “Шанхай жараёни” қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос бўлган асосий масалаларига сафарбар этиш зарур.

ШҲТ тузилмаларини институциявий ва ташкилий жиҳатдан шакллантириш жараёнларини тезлаштириш хусусида, жумладан, Котибият ишини ташкил этиш ва аксилтеррор гуруҳи фаолиятини жадаллаштириш борасида биздирилган айрим таклифларга келсак, ўйлайманки, бу масалалар белгиланган тартибда, барча зарур

хукуқий меъёrlарга изчил риоя қилинган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар муҳокамасини тегишли ваколатга эга бўлган миллий мувофиқлаштирувчиларга топшириш даркор.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугунги учрашувнинг жуда муҳим бир жиҳати — муносабатлардаги хурмат-эътибор, ўзаро ишонч ва ҳамфирлик ҳамда барча томонлар нуқтаи назари инобатга олинганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундай ёндашув, шубҳасиз, мамлакатларимиз ва ҳалқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Шакҳай ҳамкорлик ташкилоти
давлатлари раҳбарларининг
саммитида сўзланган нутқ,
2002 йил 6 июнь,
Санкт-Петербург*

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз—
Матбуот ва оммавиий ахборот воситалари ходимлари куни
билин чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун биз матбуотчилар кунини, шу соҳага алоқадор
бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар экан-
миз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини
кутаётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш
йўлида қўяётган қадамларимиз ҳақида очиқчасига фикр-
лашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу муаммоларнинг муҳимлиги шундаки, улар бизнинг
ҳаётимиз ва келажагимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб,
жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, мам-
лакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин
эгаллашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шулар қаторида энг долзарб вазифа—жамиятимиз
ҳаётида сўз эркинлиги тамойилини тўла татбиқ этиш, бу
масалада ривожланган демократик давлатлар эришган
даража ва андозаларга етиб боришдан иборатдир.

Ана шундай юксак мэрраларга эришиш учун кейинги
йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий
ҳаётимизда, оммавиий ахборот воситалари ва матбаачилик-
нинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо
етиш, журналист қадрларни тайёрлаш тизимини такомил-
лаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Лекин, холисона тан олишимиз керак—бу борада амалга
оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим
бўлган ишларимиз талайгина.

Бу тұғрида гапирганда, бир ҳақиқатни очық айтишимиз керак: бугунғи кунда бизнинг матбутимиз, радио ва телевидениемизда күпроқ ҳәётдаги ижобий үзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс эттириш күзга ташлағади. Бунинг ақамияти ва муҳиммитигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта.

Аммо, құлға кириктан мэрралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини үйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нұқсонлар, йұл қүйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бұлмайди.

Әнг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурға эга бұлған одамлардан иборат, деб қисоблаш катта хато бұлур әди.

Шундай экан, үзимизга бир савол берайлык: мана шундай түрли хил қарашлар, үзаро қарама-қарши бүлған фикрлар матбутимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан үзиге үрин топаяптыми?

Бугун масалани мана шу тарзда қўйиш вақти етди, деб үйлайман.

Ҳеч кимга сир әмас—бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири—якка мағкура хукм сурған мустабид тизимнинг қон-қонимизга, сұяксуякларимизга сингиб кеттеган асорат ва таъсиrlари, оёғимизда кишан бұлиб турған, ҳали-бери үз кучини сақлаб келаётган эскича қарашлардир.

Хозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлар таъсиридан халос булишни, воз кечишини талаб қылиб, бонг урмоқда.

Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савиғаси, маданијати тобора үсіб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли синовларни, суронли күнларни бошидан ўтказиб, оқни—оқ, қорани—қора деб ажратиши учун етарли тажрибага эга бұлған бир пайтда, ҳеч шубҳа йүқки, ҳәётимизда мавжуд бұлған бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбутимиз саҳифаларида, телевидение эк-

ранларида, эфир тұлқынларида акс эттириш ва улардан тегишли холоса чиқарыш вақти келди, деб айтсак, айни мудда бұлади.

Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, қар хил хүфёна гаплар, миш-миш, үйдирма, бұхтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар холис маълумотлар ва гашшардан матбуот орқали хабардор бұлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф күради. Жамият ҳәётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли иннөона хатти-харакатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман.

Бир сұз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳәёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машақ-қатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот во-ситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тұғрисүзлик мұхити ҳукмрон бұлади.

Чунки ютуқни—ютуқ, камчиликни—камчилик, жиноятни—жиноят, хиёнатни—хиёнат, деб, ҳамма нарсаны үз номи билан аташ—том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёfasини белгилаб беради.

Яна такрорлаб айтаман, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуклы бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир.

Аммо бу вазифани ечишда, аввало, матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу фоят мұхим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва мешекватли меҳнатини эътироф этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва мала-ка тараба қылайдиган шарафли касби ҳақида алоҳида тұхтабиб ўтишни үринли, деб биламан.

Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаш, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай күренишлана-

рига қарши, жамиятимизда, ҳаётимиизда учраб турадиган мансабдорларнинг ўз вазифасини суниистеъмол қилиши, тўрачилик, бегамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Сиёсат ҳақида гапиргандаги—сиёсатчи, иқтисод ҳақида—иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни—мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга булишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Мен халқимизнинг азалий орзу-умидлари, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадлари рӯёбга чиқаётган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонкуяр ва фидойи журналистларимиз жамиятимизнинг суюнчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Хар бир йилнинг бошида ва йил ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг мана шундай кенгайтирилган мажлислирида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлангиришнинг муайян даври, хусусан, ўтган бир йил ва олти ойлик якунларини муҳокама этиш биз учун доимий анъанага айланниб қолди.

Бугун 2002 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимиз ривожланишининг якунлари ҳақида гапирап эканмиз, иқтисодиётимизнинг умумий аҳволини, юзага келган ижобий ва салбий ҳолатларни қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, биринчи галда бу соҳадаги ишларимизнинг ҳозирги ҳолатига принципial баҳо беришимиз, мамлакатимизнинг, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий сабаблар, фов-тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартаграф этишга бор куч ва эътиборимизни қаратишими, аввало, олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш ҳақида Фикр юритишими зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошидаги 2001 йил якунларига бағишиланган мажлиси байнига яна бир бор мурожаат этиб, унда шу йил учун белгиланган вазифалар ҳокимликлар, мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан қандай баҷарилаетганига баҳо берсак, ҳар томонлама тӯғри бўлади, деб ўйтайман.

Келинг, 2002 йилнинг биринчи ярмида эришилган миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида қисқача тухталиб ўтайлик.

Мен мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ялни ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 4,2 фоизга, жумлайдан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 7,2, истеъмол товарлари — 11,5, ялни қишлоқ хўжалик маҳсулоти — 4,5 фоизга кўнайганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу даврда чакана товар айланиши 8,3 пулли хизматлар ҳажми эса 12,7 фоизга ошди. Ҳар қайси давлат тараққиётининг асосий курсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо айланмасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизнинг молиявий тизими мустаҳкамланмоқда. Хусусан, жорий йилда бюджетнинг даромад келтириши белгиланган деярли барча манбалари бўйича прогноз курсаткичлари бажарилди. Бу эса, бюджетнинг харажатлар қисмини яна бир бор танқидий баҳолаган ҳолда, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган йуналишилар бўйича кўзда тутилган бюджет маблағларини тўла ажратиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий ёрдам пуллари миқдорини кўпайтириш, шунингдек, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш учун қўшимча маблағлар излаб тошиш имконини берди.

Айни вақтда бюджет тақчилиги ялни ички маҳсулотга нисбатан прогноз бўйича 2 фоиз кўзда тутилгани ҳолда, атиги 0,8 фоизни ташкил этди.

Айниқса, ўтказилаётган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш, уларни муомаладан қайтариб олиш борасида эришилган натижалар диққатга сазовордир.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида кўзда тутилганидек, эмиссия даражаси 4,4 фоиз ўрнига 2,1 фоизни, йилнинг иккинчи чорагида эса бу курсаткич 2,2 фоиз ўрнига 0,6 фоизни ташкил этди.

Лўнда қилиб айтганда, биринчи ярим йиллик давомида эмиссия натижаларига кўра 50 миллиард сўмдан зиёд

пул иқтисод қилинди, 15,2 миллиард сүм нақд пул эса мумомаладан құшымча равища қайтариб олинди.

Үтказилаётган бундай пул-кредит сиёсати туфайли ойлик инфляция даражаси, яни, нарх қимматлашуви 2001 йилдаги 1,5 фоиз ўрнига ўртача 1,1 фоизни ташкил этди.

Бундай ҳол, ұз навбатида, миңлий валютамизнинг белини анча бақувват қилишга хизмат қилмоқда.

Шу борада сизларнинг эътиборингизни йил бошидан бери күрилаётган ўта муҳим тадбирларга жалб қилмоқчиман.

Үтган давр мобайніда ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бүйіча амалға ошираётган ишларимиз, ягона тұлов воситаси бұлмиш миңлий валютамиз — сүмнинг мавқеини оширишда, нақд хорижий валюталар бозорини, умуман валюта бозорини мустақамлаш ва кенгайтиришда катта имконияттар очиб бермокда.

Бундай сиёсатни кенг құламда давом эттириш, яни, валюта бозорини янада эркинлаштириш билан боғлиқ ишларни изчил олиб бориб, пировард натижаларга эришиш бугунги күндеги энг муҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторига күтарилимоқда. Бу масалада Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ ва Божхона құмиталарында алоқида масъулият юкландади.

Хурматли дұстлар!

Бизнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлықни ривожлантиришга нечогли катта ақамият берәётганимизни барчангиз яхши биласиз. Бу соҳанинг яқин йиллар ичидә иқтисодиётимиз таркибида, ишсизлик мұаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тұлдиришда, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутиши зарурлигини мен илгари ҳам күп бор таъкидлаганман.

Тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, құллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратып бериш масалалари барча даражадаги

раҳбарларнинг, биринчи галда, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув идоралари раҳбарларининг доимий диққат марказида туриши керак.

Шуни айтиш жоизки, кейинги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг фаолияти анча кучайди.

Буни жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 26 минг 700 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилгани ҳам исботлайди.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар кўп демакдир. Бундай натижага эришишда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш тартибларининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кун ҳолатига кура, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 200 мингдан ошиб кетди, улардан 168 минг 600 тасини микро фирмалар ташкил этади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 200 минг янги иш ўринлари яратидаи, бу эса мўлжалимиздан 1,5 баравар кўпдир.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 31,6 фоиздан 33 фоизга ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар ажратиш тизими анча яхшиланди — ажратилган микрокредитлар ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 18 миллиард сўмни ташкил этди. Ярим йил давомида 40,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Хозир бу мақсадлар учун яна қўшимча равишда 270 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали бир қанча ҳал этилма-

ган муаммолар, тұрачилик, үзбошимчалик, зұравонлик каби ғов-түсіқтар мавжудки, бундан асло күз юмбылмайды.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим бұлган энг мұхым вазифалар — бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан, хомашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятини көнгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб бериш, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғини яратиш билан боғлиқ масалалардир.

Бошқача айтганда, кичик ва үрта бизнес субъектлари әхтиёжларини таъминлашнинг ривожланган, замонавий тизимини яратиш лозим. Ва албатта, уларга банк хизмати күрсатиши қаралып, томонлама көнгайтириш ва яхшилаш, имтиёзли кредитлар қажмини құпайтириш зарур. Бу масалалар қаторига кичик бизнес вакиғлари ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарылған маңсулотларнинг харидорларини топиш ва сотиши мүаммосини ҳал этишни ҳам киритиш лозим.

Мен бұгун барча раҳбарларнинг, бириңчи галда, марказий ва маҳаллий қокимият вакилларининг, айниқса, вилоят ва туман қокимларининг дикқатини яна бир масалага қаратмоқчиман.

Бу масала шундан иборатки, күп жойларда номақбул одат тусига кириб қолған бир ҳолатта, яғни кичик ва үрта бизнесста, умуман, тадбиркорликка соғын сигир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак.

Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободонлаштириш ишларини амалға оширишдек олижаноб мақсадларни бақона қилиб қар қайси маҳаллий раҳбарнинг тадбиркорлардан үзбошимчалик билан үлпон йиғишига, хайрия ишларини мажбуриятта айлантиришига асло йүл қўйиб бўлмайди.

Бундай ишларни, қонунчилик нуқтаи назаридан, тадбиркорлик, кичик ва үрта бизнес субъектлари фаолияти-

га зұравонлық ва ғайриқонуний тарзда аралашиш, деб баҳолаш керак. Үйлайманки, Адлия вазирлиги ва прокуратура идоралари бу масалаларда тартиб үрнатыш бүйича жойларда барча чораларни құради.

Мен биринчи навбатда жойлардаги ҳокимият идоралари вакылдарини яна ва яна бир бор огохлантириб айтмоқчиманки, тадбиркорликни, киғик ва үрта бизнесни ҳамма жойда ва ҳар томонлама ривожлантириш, унинг асосида тадбиркорларнинг үрта синфини шақыллантиришни тараққиётимизнинг ҳозирги босқычидаги әнг муҳим вазифалар, деб қабул қылып лозим. Бу бизнинг ҳам социал-иктисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жамиятни янгилаш, мана шу заминда яшаётган одамларнинг фаровонлигини таъминлашдек асосий стратегик мақсадларимизга әришища баш үйналиш ва мустақкам таянчимиз бўлмоги керак.

Хурматли йигилиш қатнашчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида кутарилган ўта муҳим, ҳал қилювчи бир масала бүйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хусусида алоҳида тұхталиб ўтмоқчиман.

Гап әнг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асрабавайлаш, улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, агар ўтган йили сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,66 ни ташкил этган бўлса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида курилган чора-тадбирлар натижасида бу йил ушбу курсаткич 0,81 гача ўсди. Бошқача айтганда, бир гектар ерга сарфланадиган сув ҳажми республика бүйича үрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминлашни яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туфайли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гектар кўп ер суғорилгани ҳам эътиборга молик.

Хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепция — дастур ишлаб чиқилган. Уй-жой фондини газ ўлчаш ускуналари билан таъминлаш бўйича 2002-2004 йилларга мўлжалланган дастур ҳам қабул қилинган ва изчилилк билан амалга оширилмоқда.

Айни вақтда, текширишлар шуни курсатмоқдаки, жойларда сув ва ердан фойдаланиш борасида амалдаги қонунчиликни бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, электр қуввати тармоқларига ўзбoshimchaliq bilan ulanib olish, limmit intizomini buziш каби нохуш ҳоллар ҳамон учраб турибди.

Ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимиз бўйича “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни бузганлик учун солинган жарималарнинг ҳажми бўйича, аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ажралиб туради.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, Фарона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ердан фойдаланишида қонунчиликни бузиш ҳоллари ҳам мавжуд эканини таассуф билан қайд этишга мажбурмиз.

Бундай мисолларни нефть маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай қонунбузарликлар учун республика бўйича 1 миллиард 700 миллион сўм миқдорида иқтисодий жазо чоралари кўрилган. Бу борадаги 224 та иш эса хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга оширилган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида тураржойларни газ ўлчаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса сув ўлчаш асбоблари билан таъминлашда ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика захираларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича маҳсус тузилган комиссияси (К.Тұлаганов) бу масала юзасидан хукумат қабул қиласанда қарорларнинг ижроси қандай бажарилётганини яна бир марта танқидий нуқтаи назардан куриб чиқсин ва қабул қилинган чора-тадбирлар түргрисида Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги йигилишига ҳисобот тайёрласин.

Азиз дұстлар!

Хозирги кунда юртимизда ғалла ўрими ниҳоясига етиб бормоқда. Бу йилги мавсум биз учун ниҳоятда баракали, ниҳоятда серҳосил бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Жами ғалла ҳосилимиз 4,7 миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизнинг сугориладиган ерларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 41,5 центнерни ташкил этди. Айниқса, Андижон вилоятида рекорд натижага эришилди — ҳар гектар ердан 75 центнердан хирмон кўтарилиди, Наманган вилоятида — 46, Фарғона вилоятида — 45, Самарқанд вилоятида — 49 центнердан ҳосил олинди.

Миришкор деҳқонларимиз эришган мана шу мисли кўрилмаган ғалабага бугун юртимизда каттаю кичик — барча қойил қолмоқда, бу ҳақда фахру фурур билан гапирмоқда. Бу ғалаба меҳнаткаш ўзбек халқининг нималарга қодир эканини ва нималардан фаҳрланишга ҳақли эканини яна бир бор намоён этмоқда. Лафзи ҳалол, мард ва тантан деҳқонларимизнинг файрат-шижоати, олижаноб меҳнати билан ризқ-рўзимиз бўлмиш бошоқли дон етиширишда ана шундай улкан натижга қўлга киритилмоқда, том маънода мамлакатимизнинг ғалта мустақиллиги таъминланмоқда.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, барча ғалла-корларимизга фидокорона меҳнати, Ватан равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишлари учун бутун халқимиз номидан, шахсан ўз номидан чукур миннатдорлик из-ҳор этиш, самимий ташаккүр билдиришни бурчим, деб биламан.

Бугун бу соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қиласар эканмиз, биз олдимизга қўйган аниқ стратегик вазифамиз — яъни, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиш, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлашдек тарихий вазифа муваффақият билан бажарилганини эътироф этишимиз зарур.

Бу айни вақтда халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўлидир.

Табиийки, бу ҳақда гапирганда, бу улкан ютуқ замира нима ётибди, деган савол туғилади. Бугун биз қўлга киритган бу юксак натижалар асосида энг аввало қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикр-га қўшилади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, бугунги кунда бепоён далаларда ризқ-рўз ундираётган деҳқон ва фермерларнинг фикри-зикри ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муносабати, умуман дунёқараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгасига, мулкдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳсулотининг эгасига айланмоқда. Қишлоқ жойларда юз бераётган ўзгаришларнинг асл маъно-моҳияти ҳам мана шунда, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан биз, ҳаммамиз эски замондан сақланиб келаётган бир қолипдаги, айтайлик, “Фалон туманинг деҳқонлари ва хўжаликлари ғалла етиштириш бўйича давлат режасини муваффақият билан адо этди — мамлакат омборларига мана бунча тонна ғалла топширилди” қабилидаги сийқаси чиқиб кетган ифодалардан воз кечишимиз зарур.

Ҳозирги кунда давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон, фермерлар ўртасидаги муносабатлар фақат шартнома асосига қурилмоқда ва қурилиши шарт. Маълумки, шартноманинг икки тури бор. Биринчиси — давлат билан

хўжалик ўртасида давлат эҳгиёjlари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини муайян миқдорда сотиб олиш тўғрисидаги контрактация шартномаси. Шартнома муносабатларининг иккинчи шакли эса — бу ширкат хўжалигининг оиласавий пудратчи ва фермер билан тузадиган шартномасидир.

Биринчи турдаги шартнома асосида бир томондан давлат, иккинчи томондан хўжалик маълум мажбурият ва кафолатларни ўз зиммасига олади. Хўжаликлар ана шу шартномани бажариш устида ишлайди, давлат эса, ўз навбатида, шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини аниқ бажариши — хўжалик ёки фермерни техника ва минерал ўғитлар билан таъминлаши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиши, шартнома асосида топширилган ҳосилнинг пулини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаши керак.

Бу ўринда муаммонинг бошқа бир жиҳати киши эътиборини ўзига тортади. Шуро даврида давлат манфаатлари доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ана шу эски асорат таъсири туфайли бугунги кунда хўжалик билан тузилган контрактация шартномасининг бажарилишини текширувчи нозирлар керагидан ортиқ даражада қўнайиб кетган. Давлат ҳокимияти ва давлат тузилмаларининг ҳокимликлардан тортиб текширувчи органларга — ҳаммаси шу иш билан банд.

Лекин, айтинглар-чи, иккинчи турдаги — хўжалик билан оиласавий пудрат вакили ўртасида тузиладиган шартноманинг сўзсиз бажарилишини ким назорат қўлади? Бу савол замирида кўп масала бор.

Ҳосилнинг тақдири, яъни биз керакли миқдордаги галлага, паҳтага, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эга бўламиزمи, йўқми — бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилишига, бир томондан хўжалик — ширкат, иккинчи томондан эса пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тўлиқ адо этишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда шартномавий муносабатларнинг айни мана шу шакли энг муҳим аҳамият

касб этмоқда. Ўз меҳнати билан ҳосил етиширадиган одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбатини айни мана шу омил белгилайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу боис бугун хўжаликдаги ички шартномаларнинг тузилишига хўжакўрсин учун, қуруқ расмиятчилик билан қарамаслик керак. Пудратчиларнинг шартномавий мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамиятини билмаслиги, уларнинг бажарилишини етарли даражада назорат қиласлик каби нохуш ҳолатларга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Айниқса, хўжаликларнинг ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларга риоя этмаслигига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалани мазкур шартномаларни қайд этадиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг худудий бошқармаларигина эмас, балки биринчи галда адлия органлари қаттиқ назорат остига олишлари зарур.

Бир нарсани чуқур англаб, қулогимизга қўйиб олишимиз даркор. Агарки қайси хўжалик жорий мавсумда оиласи пудратчиларнинг ишончини йўқотса, ўзи учун келаси йил ҳосилини ва умуман истиқболини йўқотади, деган тушунча қатъий қоидага айланиши керак.

Шу муносабат билан вилоят ва туманлардаги раҳбарлар, биринчи навбатда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари керак. Токи ҳар бир оиласи пудратчи, ҳар бир фермер етиширилган ҳосилдан ўз улушини сўзсиз олсин.

Бу билан раҳбар — ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатни таъминлашга хизмат қилиди, охир-оқибатда унинг одамлар ўргасида обрў-эътибори ортади.

Хурматли дўстлар!

Барчангизга маълум, биз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида янги мингйиллик бўсафасида туриб, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги стратегиямизни ишлаб чиқар эканмиз, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жаб-

ҳаларини эркинлаштириш йўлини ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олган эдик.

Хозирги кунда эркинлаштириш жараёни, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бугун биз мамлакатда амалга ошираётган барча ўзгаришларни боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтамоқда.

Бу эзгу мақсадни амалга ошириш, унинг ҳуқуқий асоси ва амалий механизмини яратиш учун мамлакатимиизда 2000 йилдаёқ сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий, маънавий, суд-хуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш бўйича Дастур ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Ана шу Дастурда зикр этилган йўналишларнинг ҳар бири бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қиласидан махсус ишчи гуруҳлари тузилган.

Дастур ижросининг биринчи босқичида аввало амалдаги тегишли ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда эркинлаштириш жараёнларини амалга оширишни таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий асосларни ишлаб чиқиши ва шакллантиришга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда биринчи галда ана шу муаммолар ечи-мига қаратилган, янги қабул қилинган ўнлаб қонунларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусий мулкни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз ҳаётининг кўплаб соҳаларини ҳар томонлама эркинлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларида белгиланган кўпгина нормалар амалда қайтадан кўриб чиқилди.

Мен шу ўринда суд-хуқуқ соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берганини алоҳида таъкидламоқчиман. Судлар ва прокуратура ҳақида, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларининг ижроси бўйича янги қонунлар қабул қилинибгина қолмай, фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар тузиш орқали судларни ихтисослаштириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ни ҳимоя қилишни кучайтириш, судлов жараёнининг барча босқичларида прокурор ва адвокатнинг тенглиги, хўжалик судларида хўжалик низоларини кўриб чиқишида томонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, жазолар, айниқса иқтисодий жиноят учун белгиланган жазолар тизимини эркинлаштиришга қаратилган суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Сиёсий ва давлат қурилиши соҳаларида эркинлаштиришни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи— маҳалланинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қиласиган “XXI аср маҳалласи” концепцияси ишлаб чиқилди. Фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фоллигини кучайтириш, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг миллий мониторинг тизимини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йиллар давомида иқтисодий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятдаги эркинликларини кенгайтириш, хусусий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш ва манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Айниңса, шу йил бошида Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан яқын ҳамкорликда Мониторинг дастури ишлаб чиқилгани ва 2002 йилнинг 1 январидан 30 июнигача бўлган даврдаги иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум имзолангани иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлида қўйилган мантиқий ва қонуний қадам бўлди.

Ҳозирги пайтда биз иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда белгиланган ўттиздан ортиқ вазифа ва мажбуриятларнинг барчасини амалда бажардик, деб аниқ айтишимиз мумкин.

Хусусан, миллий валютамиз билан нақд хорижий валютанинг алмашув курсини унификация қилиш борасидаги ўзгаришларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Аввали, мамлакатимиз бўйича кенг миқёсда валюта алмашув шохобчалари тармоғи барпо этилди. Бундай шохобчаларда хорижий валютани сотиб олиш учун аввал жорий этилган барча чеклашлар бекор қилинди. Бир йула сотиб олиш мумкин бўлган нақд хорижий валютанинг энг кўп миқдори Меморандумда кўзда тутилганидан ҳам юқори-роқ даражада (1500 доллар) қилиб белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йил ичида нафакат ташқи савдо ва валюта сиёсатини, умуман иқтисодиётни эркинлаштириш, алмашув курсларини унификация қилиш борасида жиддий қадамлар қўйилди.

Халқаро валюта жамғармасининг июнь ойи ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган миссияси Дастурнинг барча моддалари ва аниқ мақсадга қаратилган кўрсаткичлари бажарилганини қайд этди.

Шунингдек, 2002-2003 йилларда амалга ошириладиган ва Халқаро валюта жамғармаси ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан қўллаб-куватланиши мумкин бўлган иқтисодий дастурнинг асосий моддалари мазкур жамғарма мутахассислари билан биргаликда жорий йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқилиши ҳақида ҳам келишиб олинди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида биринчи ярим йиллик ичидаги республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар нуфузли ҳалқаро молия ташкилотлари, кўпгина иқтисодий ривожланган давлатларнинг ҳукуматлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Иқтисодий ислоҳотларимизни чуқурлаштириш йўлида бошлиған барча ишларимизни давом эттириш, уларни мантиқий якунига етказиш зарурлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, бу ишни янада чуқурлаштиришнинг баъзи принципиал йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналарнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини кенгайтириш бир томондан, давлатнинг бошқа рув ролини кескин чеклашни, иккинчи томондан эса, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, улар учун ўзлари ишлаб топган маблағларни ишлатишда янада кўпроқ эркинлик ва имкониятлар яратишни талаб этади.

Содда қилиб айтганда, ҳўжалик ва корхоналарга бу масалада енгизилик бериш, уларнинг елкасидаги солиқ юкини камайтириш лозим. Илгариги, яъни маъмурий-режалаштириш тизим шароитида, давлат мулки тўлиқ ҳукмрон бўлган даврда давлатнинг фискал функциялари, яъни мажбурий ундириб олиш вазифаларини кучайтиришга катта аҳамият берилар эди. Бу тизим солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар орқали давлат хазинасига имкон қадар кўпроқ маблағ йиғишга ҳаракат қиласарди, кейинчалик эса, бу маблағларни тақсимлаш, аниқроғи, гүёки давлат манбаатларидан келиб чиқсан ҳолда, қайта тақсимлаш билан шуғулланар эди.

Бугунги кунда республика бирлашган бюджетига ана шундай тўловлар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмида амалда 35 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳолбуки, дунё тажрибасида бюджетта тұланадиган солиқ тұловларининг мақбул нормалари аллақаңған шақсіләниб бўлган. Масалан, бундай нормалар Америка Қўшма Штатларида 26,1 фоизни, Японияда 22,6 фоизни, Германияда эса 29,2 фоизни ташкил этади. Иқтисодий ривожланган бошқа давлатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолни кўриш мумкин. Бунинг устига, маълумки, агар тұлов ҳажми ана шу чегарадан ошадиган бўлса, одатда ишлаб чиқариш суръати ва ялни ички маҳсулот ҳажми ўз-ўзидан пасайиб кетади.

Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт комплексига (Р.Азимов) Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва барча манфаатдор тузилималар билан биргаликда 2003 ва кейинги йиллар учун давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишида эски замондан кучини йўқотмай келаётган ёндашув ва қолинлардан воз кечиш, биринчи навбатда, фойдалан олинадиган солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман солиқ юкини камайтириш бўйича таклифлар киритиш вазифаси топширилади.

Биз ҳозирги вақтда давлат мулки асосида фаолият курсатаётган корхоналар ва умуман иқтисодиётимиздаги давлат сектори қанчалик самарали ишлаётганини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз керак.

Бугунги кунда давлат сектори 937 та давлат корхонаси, шунингдек, 2 минг 434 та акциядорлик жамияти ва 394 та масъулияти чекланган жамиятларнинг пай ва улушларидан иборат.

Давлат сектори нефть, газ саноати, электроэнергетика ва кимё саноати каби тармоқларда, транспорт, алоқа ва коммуникация тизимида салмоқли ўрин тутади. Кўпгина корхоналар, компаниялар, корпорация ва уюшмаларнинг устав жамғармасида ҳам давлатнинг улуши анчагина катта қисмни ташкил этади.

Келинг, мана шу ҳолат бугунги кунда ўзини қанчалик оқлаяпти, деган саволга жавоб бериб кўрайлик. Айтиш керакки, кўпгина соҳалардаги корхоналарнинг сармояси

ва таркибий тузилишида давлат улушкининг ҳаддан зиёд юқори булиши уларни бошқаришни мураккаблаштириб юбормоқда, мутлақо кераксиз бошқарув тузилмаларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашуви зарарли оқибатларга олиб келмоқда.

Кўпинча компаниялар, корпорациялар, уюшмалар ва шунга ўхшаш хўжалик юритувчи бирлашмаларнинг раҳбарлари ўз қўлида давлат улуси ва акцияларни тўплаб олиб, эски маъмурий-буйруқбозлиқ асосидаги бошқарув усусларидан фойдаланган ҳолда, хусусийлаштириш жараёнларини сунъий равишда секинлаштириб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўймоқда, ташабbus ва тадбиркорлик ривожига, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга йўл бермаяти.

Бундай номақбул ҳолатларга барҳам бериш учун уларни синчилаб ўрганиш керак. Корхоналар ва хўжалик бирлашмаларининг активларида давлат улушкини сақлаб қолишнинг энг мақбул мезонлари ва ўлчовларини аниқ белгилаб қўйиш вақти келди.

Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган акциядорлик жамиятларида давлат улушкини сақлаб туришнинг умуман ҳожати йўқ. Бу улушни фонд бозорида, жумладан, салоҳиятли хорижий инвесторларга пайсалга солмай сотишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлат корхоналари нодавлат корхоналар билан рақобатга дош бера олмаяти. Заарар кўриб ишлайтган ва самарадорлиги наст корхоналарнинг аксарияти айнан давлат корхоналари ёки давлат улуси юқори бўлган акциядорлик жамиятлари экани ҳам буни амалда тасдиқлаб турибди.

Агар заарар кўриб ишлайтган корхоналарнинг умумий миқдорига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, бунда давлат улушкига эга бўлган корхоналар 57 фоизни ташкил этади ва барча заарларнинг 95 фоизи айнан шуларнинг ҳиссасига тўғри келади.

“Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибидаги, давлат улуши бўлган барча корхоналарнинг қарийб 59 фоизи зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий начор ва тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхоналар ҳисобланади.

Мана шундай корхоналарнинг ҳар учтадан биттаси “Ўзиаррандасаноат”, “Ўзозиковқатсаноат”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзгўштутсаноат” уюшмалари, “Ўзбекен-гилсаноат” компаниясига тегишлидир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бу корхоналар нима ҳисобидан кун кўрмоқда, улар келтираётган зарарни ким қопламоқда? Нима учун бундай корхоналарни қўлиаб-куватлашни, молиявий соғломлаштиришни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича, олинган кредитлар бўйича қарзларнинг муддатини чўзиш ва қарзлардан кечиш каби масъулиятни давлат ўз зиммасига олиши керак?

Холбуки, бундай аҳволнинг сабаблари аниқ. Аввало, бу корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитлари ва талабларига мослаша олмагани, чет мамлакатларнинг маблағ ва технологияларини олиб келишга қурби етмагани, катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш майдонлари ва ишлатиласдан занглаб ётган қувватлар масаласини ҳал этишини хоҳламаслиги, ўзим фойдаланмасам ҳам бошқага бермайман, деб оёғини тираб туриб оладиган, эскича фикрлайдиган раҳбарлардан воз кечмаслигимиз шундай вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, бундай ҳолатнинг бош сабаби — бу корхоналарда ҳақиқий хўжайниннинг йўқлиги, реал иқтисодий омил ва усуулларнинг ишга солинмаганидир.

Энг ёмони, бундай корхоналарни банкрот, деб эълон қилиш жараёни ҳам ниҳоят даражада суст бормоқда. Буни ўтган давр мобайнида ана шундай корхоналардан борйғи 149 таси тугатилгани ҳам исботлаб турибди.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига (Р.Азимов), Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий начор корхоналар масалалари бўйича қўмитага, Молия вазирлиги,

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексларига барча давлат корхоналарини атрофлича инвентаризация қилиш ва 1 сентябргача бўлган муддат ичидаги рентабеллиги наст, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, уларни акциялаштириш ва бошқа мулк шаклларига ўтказиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Адтия вазирлиги Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодий ночор корхоналар масалалари бўйича қўмита, Молия вазирлиги ва бошқа манбаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда “Корхоналар банкротлиги тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳирдаги лойиҳасини киритсин.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланилаётгани тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда давлат харажатлари таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Бюджет тўловларини аниқ мақсадлар сари йўналтириш таомойили кучайди. Бугунги кунда давлат бюджети умумий харажатларининг 45 фоизидан кўпроғи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Маълумки, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюджет маблағлари муҳим ўрин тутади. Кейинги 7 йил давомида инвестицияларга сарфланган харажатларининг бюджет харажатларидаги ҳиссаси тахминан 18 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Марказлаштирилган инвестицияларнинг қарийб учдан бир қисми Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг қурилиши ва уларни реконструкция қилишни молиялаштиришга йўналтирилапти. Шунингдек, ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилашга ҳам катта маблағ сарфланмоқда.

Шундай бұлса-да, бугун биз давлат маблағтарини оқылона сарфлашнинг эң мақбул таркибига әгамиз, деб айта олмаймиз. Текширишлар шуни күрсатяпти, бюджет маблағтарини сарфлашда құпол хато-камчиликтерге йүл құйилмоқда, баъзи ҳолларда бюджетдаги молия маблағлари мақсадли ишлатилмаяпти, пул маблағлари ва моддий ресурслар ноқонуний үзлаштириб юборилмоқда, эң ёмони, давлат маблағларидан тежамкорлик билан, унумли фойдаланишини рағбатлантириш чоралари ишга солинмаяпти. Биргина үтган йилнинг ўзида қарийб миллиард сүмлик ана шундай қонунбузарлық ҳолатлари аникланғани ҳам шундан далолат беради.

Марказлаштирилған инвестициялардан хұжасизларча фойдаланилаётгани ҳақида ҳам қатор мисоллар көлтириш мүмкін. Құп ҳолларда муайян обьектларни қуришдан олдин уларнинг қанчалик зарурлиги, мақсадға мувофиқлиги чуқур таҳлил этилмайди. Құпинча улар фақат күзкүз қилиш учунгина қурилмоқда.

Курилиш ишларини белгиланған муддатларда бажар-маслик қоидага айланиб қолгани, қурилишлар нархи, яни смета қийматининг ошиб кетиши, маблағларнинг талонторож этилиши, тугалланмаган қурилишлар сонининг күпайиши ва шунга ўхшаган барча номақул ҳолатлар кредиторлик қарзларининг асоссиз равишда күпайиб кетишига олиб келмоқда.

Бугун тан олишимиз керакки, қурилиш соҳасини ислоқ қилиш ишлари қониқарсиз ақвонда. Ахир, пудратчини танлаш бүйича натижаси олдиндан маълум бўлған хұжакурсинга тендерларни ўtkазиш — бу қип-қизил кўзбумачилик эмасми?

Пудратчи ва буюртмачи ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажаришга ҳам расмиятчилик билан, юзаки ёндашилмоқда. Мисол учун, топширилаётганди иншоотларнинг қиймати белгиланған даражадан қимматлашиб кетган ҳолларда ортиқча сарфланған маблағ давлат манбалари ҳисобидан эмас, пудратчининг ўзи томонидан,

яъни киссасидан тұланиши керак, аммо амалда бундай бұлмаяпти.

Энг ёмони, бундай ишлар учун ҳеч ким жавоб берма-япти. Мен, Вазирлар Маҳқамаси комплекслари раҳбарларидан, аввало Бөш вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тұлагановдан бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам беришга, бу борада қаттық тартиб ўрнатишға қаратылған зарур чораларни күришларини кутаман.

Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргалик-да бир ой муддатта 2002 йилда ва 2005 йилгача бұлған даврда давлат харажатларини қисқартириш дастурини ишлаб чиқыб, Вазирлар Маҳқамасига тақдим этсін.

Бунда харажатларнинг әжми ва таркибини энг мақ-бул шакліга келтириш, давлатнинг мақсадлы фонdlарига тегишли маблағларнинг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатыш, молиялаштиришнинг бюджетдан таш-қары манбаларини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг бюджет ресурсларидан унумли фойдаланишдан ман-фаатдорлигини ошириш күзда тутилсін.

Шу билан бирга, Макроқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қокимлуклари билан биргаликда 2002 йилнинг 1 ноябрігача курилиш обьектлари ҳолатини тұлиқ инвен-таризациядан үтказиб, уларнинг устуворлигини, иқтисодий самараңорлиги ва ижтимоий ақамиятини, тугалланман-ган курилишларни сезиларли тарзда қисқартиришни ҳисобға олған қолда, 2003-2005 йилларға мұлжалланған Инвестиция дастурини шакллантириш буйича таклиғлар кирилсін.

Қадрли дүстлар!

Иқтисодиётимиз тараққиётининг биринчи ярим йилдегі натижаларини сархисоб қылар эканмиз, хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масаласига қисқача тұхталиб үтиш лозим, деб ўйлайман. Бу вазифанинг нечоғли ақамиятли эканини исботлаб үтиришга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 миллиард долларлик 109 та устувор инвестицион лойиҳа, жумладан, 725 миллион долларлик 38 та тӯғридан-тӯғри хорижий инвестиция жалб этилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Агар 2001 йили 824 миллион долларлик, жумладан, 108 миллион долларлик тӯғридан-тӯғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилган бўлса, жорий 2002 йилда 905 миллион, жумладан, 183 миллион долларлик тӯғридан-тӯғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Ўсиш суръати тегишлича 110 фоиз ва 1,7 баробарни ташкил этади.

Инвестицияларнинг катта қисми нефть-газ ва текстиль саноатига тӯғри келмоқда. Таассуфки, электротехника, кимё саноати, қурилиш материаллари, машинасозлик, истемол моллари ишлаб чиқариш соҳаларига хорижий инвестиция жалб қилиш имкониятлари етарлича ишга солинмаяпти.

Шуни яна афсус билан айтиш керакки, жами хорижий инвестицияларнинг қарийб учдан икки қисми фагат Тошкент шаҳрига, шунингдек, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларига тӯғри келмоқда.

Ҳозирга қадар 21 та туманда хорижий шериклар билан бирорта ҳам корхона тузилмаган. Вилоятлар, туманлар, тармоқларнинг концерн ва компаниялар раҳбарлари нега бу тӯғрида бош қотиришмаяпти — бу ҳақда алоҳида гаплашиб олиш лозим.

Ўйлайманки, бундай номақбул ҳолатларни ва умуман ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни экспорт қилиш режаларининг бажарилишини тўққиз ойлик якунлари билан биргаликда алоҳида кўриб чиқишимиз зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий сармоя жалб этилган қарийб 2 минг корхона иш юритмоқда. Уларнинг 69 таси ўтган ярим йилда ташкил этилган.

Биринчи ярим йилликда 1 минг 250 та корхона бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлгани ҳолда улар-

нинг фақат учдан бир қисмигина ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қила олди. Ўйлайманки, бу рақамлардан тегишли хulosа чиқариб олиш қийин эмас.

Инвестиция лойиҳаларининг техникавий-иқтисодий асоси сифатсиз тайёрланиши, уларнинг паст даражада экспертиза қилиниши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг салмоғи катта экани бу борадаги асосий камчилликлардир. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўtkазилмаслиги, лойиҳа тайёрлаш жараённада шерик томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат остига олмаганлари сабабли хорижий сармоя иштирокида ташкил қилинган кўплаб корхоналар ишламай турибди. Такрор айтаман, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу соҳа учун масъул бўлган Бош вазир Ў.Султонов тез фурсатда мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиши, чет эл инвестициялари иштирокида барпо этилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган тегишли чора-тадбирларни кўриши зарур.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш, тўлов баланси ва миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш нечогли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирав эканмиз, истеъмол молларини юртимизга олиб кириш билан боғлиқ ишлар, аниқроғи, бизнинг бу масалага муносабатимиз ҳақида алоҳида айтиб ўтишим керак.

Табиийки, мамлакатимизга юқори сифатли, ҳақиқатан ҳам катта истеъмол талабига эга бўлган товарларни олиб кираётган чет эл фирмалари, воситачи ва тижорат ташкилотларига бизнинг ҳеч қандай эътиrozимиз йўқ.

Фақат бу соҳада бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш рақобат қонунлари ишлаши, яъни

у ўзимизники бўладими, хорижникими, бундан қатъи назар, аҳоли учун ҳар жиҳатдан мақбул ва сифатли товарларга кенг йўл очиш керак.

Шу билан бирга, аҳолимизнинг баъзи бир вакилари томонидан мамлакатимиз ташқарисидан олиб келинаётган сифатсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларга қандай муносабатда бўлинаётганига ҳам бефарқ қаравшимиз қийин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг буюм бозорларимизга, биринчи навбатда Тошкент шаҳри бозорларига жиной каналлардан фойдаланган ҳолда файриқонуний контрабанда йўли билан маҳсулот олиб кириш оқибатида четдан сифатсиз моллар келиши тобора ортиб бормоқда.

Тан олиш керакки, бундай ярамас ишлар порахур кимсалар томонидан, кўпгина ҳолатларда ҳокимият тузилмаларида, божхона ва солиқ идораларида ўрнашиб олган, ана шу ноқонуний савдода ўз манфаатига эга бўлган, тушган даромаддан улуш олиб турадиган баъзи мансабдор шахслар томонидан, минг афуски, қўллаб-қувватланмокда ва ҳаспушланмокда.

Бир нарсани аниқ-равшан айтиш керак — биз чет элларга бориб мол олиб келадиган, майда тижорат билан шуғулланадиган фуқароларнинг фаолиятига мутлақо қарши эмасмиз. Лекин бундай фаолият қабул қилинган қонун-қоидалар ва тартиблар доирасида олиб борилиши тарафдоримиз. Ва шу соҳада ўз тирикчилигини кўраётган одамларнинг меҳнатидан баъзи бир виждонини йўқотган, ҳамма нарсани шулга чақадиган фирибгарларнинг фойдаланишига, бу тижоратчилар уларнинг қўлида ўйинчиқ бўлиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак.

Агар бу вазиятни чукур таҳлил қиласидиган бўлсак, унинг замирида кишини ўйлантириб қўядиган кўп нарсалар борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Биринчидан, шуни унумаслик керакки — биз юқорида айтиб ўтган йўллар билан республикамизга олиб кири-

ладиган товарлар учун эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тұланади. Бу мамлакатимиз экспорт салохияти-нинг асосий манбалари бүлган, халқимизнинг оғир меңнати ва пешона тери билан ишлаб топыладиган пахта толаси, рангли ва қимматбақо металларни сотиш эвазига келадиган валютанинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши демекдир.

Ўзингиз айтинг, барака топкурлар, биз ана шу валютани чет элдан қандайдир сифатсиз моллар сотиб олишга эмас, балки лицей ва коллежлар, шифохоналар қуришга, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиһозлаш, қўпроқ ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган дори-дармонлар олиб келишга, қариялар ва болаларимизнинг долзарб ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш каби муҳим муаммоларни ҳаји этишга сарфлаганимиз маъқул эмасми?

Иккинчидан, бош қотиришимиз зарур бүлган яна бир масала шундан иборатки, ички бозорларимизни сифатсиз чет эл моллари билан тұлдирап эканмиз, хоҳлаймизми-йўқми, биз ўзимизни, барча зарур хом ашё, материаллар ва энг муҳими, малакали ишчи кучига эга бўлатуриб, ўз иқтисодиётини керакли тарзда қура олмайдиган, сифатли истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмайдиган қолоқ мамлакатлар қаторига тушириб қўймоқдамиз. Ва шу орқали ўзимиздаги ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлган мавжуд корхоналарнинг ўсиш ва ривожланиш ҳаракатларига зарба берган бўламиз.

Содда қилиб айтганда, бу номаъқул йўл билан биз мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ривожига, ишлайман, даромад топаман, деб интилаётган нақирон ёшларимиз учун янги иш ўринларини барпо этишдек ҳаётий муҳим ишларимизнинг илдизига ўзимиз болта урган бўламиз.

Мен бу ўринда ватанпарварлик, ўз меҳнатига, ана шу меҳнат билан яратиладиган маҳсулотга ҳурмат ва ифтихор туйғуси ҳақида гапираётганим йўқ.

Мен бу ўринда азалдан халқимизга хос бўлган юксак миллий гурур туйғуси ҳақида ҳам гапираётганим йўқ.

Мен фақат барчамиз учун ўта муҳим бўлган бир ҳақиқатни чуқур тушуниб олишимизни истайман. Яъни, биз бугун ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан амалга ошираётган ишларга, халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига ҳурмат билан қарамай туриб, аввало мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантирмай, унга кўмак бермасдан туриб, иқтисодий бақувват мамлакатлар қаторига кира олишимиз, одамларимизнинг фаровон ва муносиб даражада ҳаёт кечиришини таъминлашимиз жуда қийин бўлади.

Учинчидан, бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилиш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда эканини ҳам таъкидлаш лозим. Афсуски, аксарият ҳолатларда ўзимизнинг маҳсулотимизни эмас, кўпроқ хорижий молларни таърифлаймиз, мақтаемиз.

Бу эътирозлар биринчи навбатда “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзмевасабзувузумсаноат-холдинг” компанияларига ва “Ўзозиковқатсаноат” уюшмасига, истеъмол моллари ишлаб чиқараётган барча корхоналарга тааллуқтидир.

Албатта, реклама изланувчанлик ва катта маблагни талаб қиласди. Кимки кучли рақобат шароитида мувваффақият қозонмоқчи бўлса, бундай маблагни излаб топиши, ўз маҳсулотларини реклама қилишга жиддий эътибор бериши керак бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Яна бир ўта муҳим ва долзарб вазифа борки, уни амалга оширмасдан туриб, биз нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки умуман жамиятни ислоҳ қилиш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва мэрраларга эриша олмаймиз.

Гап Кадрлар тайёрлаш мислий дастурини ҳаётга жорий этиш ҳақида, шу дастур орқали юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш кадрларни тарбиялаш ҳақида бормоқда.

Шу нүқтән назардан қараганда, биз бугун Кадрлар тайёрлаш миңлий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо беришимиш лозим.

Мен бу борада қилинган ишлар тўғрисида ортиқча гапириб ўтиromoқчи эмасман. Ҳақиқатан ҳам, бу масалада кўп иш қилинмоқда. Шулар қаторида энг асосийси — қисқа вақт ичидаги мамлакатимизда замонавий ўкув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган, 216 минг ўкувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-хунар коллежи барпо этилди.

Республикамиздаги 20 та туман ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўла жалб этишга эришилгани айниқса эътиборга сазовор.

Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта-маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизими учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўкув жараёнига жорий этилди. Шунингдек, янги авлод дарслклари тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Мамлакатимизнинг 56 та олий ўкув юритида педагог ва мұхандис-педагог кадрларни тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Аммо, мавжуд аҳволнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, барча бўғиндаги раҳбарларнинг ҳисоботларида, жумладан, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ёзилаётганидек, бу соҳада ҳамма иш ҳам кўнгилдаги-дек эмас.

Мен биринчи галда, академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишларнинг аҳволини мутлақо қониқарсиз, деб баҳолаган бўлур эдим.

Хусусан, 2001 йили фойдаланишга топширилиши ревалаштирилган обьектларнинг бир қисми ишга туширилмади. Бу борада ажратилган капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш Бухоро вилоятида 51, Навоий вилоятида 53, Самарқанд вилоятида 60, Тошкент вилоятида

50,6 ва Тошкент шаҳрида эса атиги 35 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Лицей ва коллежларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳам жуда кўп эътиrozларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, қурилиш учун тендер савдолари ўтказиш тартибларининг бузилишига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай номақбул ҳолатлар Навоий, Фарғона ва Ҳоразм вилоятларида учрамоқда ва қурилаётган иншоотлар қийматининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Хозиргача кўптар ўюшма ва концернларда коллежларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалда бошланган эмас. Ҳолбуки, “Ўзбекенгилсаноат” компанияси 5 та, “Ўзавтосаноат” ва “Ўзозиқовқатсаноат” ўюшмалари иккитадан ана шундай иншоотларни барпо этиши керак. Бу камчиликлар “Ўзёғмойтамакисаноат” ўюшмаси, “Ўзданмаҳсулот” корпорацияси, “Ўзавтойўл” концерни, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг” ва “Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг” компаниялари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига ҳам тааллуқлидир.

Айниқса, янгитдан барпо этилаётган коллежларни замонавий ўкув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ҳукуматимиз бу мақсадлар учун зарур маблағларни излаб топмоқда, хорижий кредитларни жалб этмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш, жумладан, ўкув-лаборатория ускуналарини ўзимиздаги корхоналаримизда тайёрлашни йўлга қўйиш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб боришимоқда.

Масалан, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзагромашсервис” ўюшмалари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти, Мотор заводи ва Агрегат заводи каби корхоналарда ҳали ҳам ўкув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаган.

Педагог кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайды. Умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги курслар, факультетлар, марказлар ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларининг сифат таркиби, моддий-техникавий ва ўқув-услубий базаси миллий дастур талаблари даражасига мувофиқ эмас.

Бу борадаги яна бир мұхым масала, яғни касб-хунар колледжлари мутахассисликлари бүйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини жадалташтириш лозим. Ўзингиз ўйланг, шу пайтга қадар колледжлар учун мұлжалланган 291 та мутахассисликдан фақат 145 таси бүйича мана шундай стандартлар ишлаб чиқылғани ва синовдан ўтказилаётганини қониқарли, деб баҳолаш мүмкінми?

Ўрта таълим ўқув юртлари, касб-хунар колледжларини янги ўқув адабиётлари, айниқса, умумий касб-хунар ва махсус фанлар бүйича дарсلىклар билан таъминлаш ишлари ҳам орқада қолмоқда. Ўқув дастурларига мувофиқ умумтаълим мактабларининг 1-9-сinf ўқувчилари учун зарур бўлган 672 номдаги дарсликдан бугунги кунда 492 таси нашр этилгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, бу борада махсус “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси” ишлаб чиқылган. Масалани тўғри ҳал этиш учун барча турдаги ўқув адабиётлари ана шу концепцияда баён этилган талаб ва принципларга қатъий амал қилинган ҳолда тайёрланиши керак.

Ўйлайманки, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни сўзсиз бажаришнинг нақадар мұхимлигини, унинг давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик масала эканини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Буни барчамиз, биринчи галда, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, буюртмачи ва пурдатчилар, вазирликлар ва идо-

ралар раҳбарлари яна бир марта чуқур англаб олишлари зарур.

Бу вазифаларни адо этиш — ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги, келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажаги учун ёниб яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб англайдиган ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис буни доимо ёдда тутиши ва ана шу эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф ва ифтихор, деб билиши лозим.

Бир нарсани барчамиз яхши англаб олишимиз керак. Олдимиизда турган улкан муаммоларни ечиш, ўз муддаоларимизга эришиш аввало биз, раҳбарлар ва масъулиятли лавозимларда ўтирган кишилардан биринчи галда одамларимизнинг ташвиш ва интилишлари билан яшашни, уларни ўз юракларимиздан ўтказишни, буюк ва эзгу мақсадларимизга этишиш учун ўзини аямасликни талаб қилади.

Барчангизга халқимиз осойишталиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган фаолиятингизда янги-янги омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида
Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириши
юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг
бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши
түгрисидаги мақруза, 2002 йил 18 июль

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОЛИКДАН БАРЧАМИЗ МАНФААТ- | |
| ДОРМИЗ. Президент Ислом Каримовнинг Россия | |
| Федерациясига ташрифи чогида Ўзбекистон делегацияси | |
| шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида сўзланган | |
| нуткى. 2001 йил 4 май | 3 |
| “КАБУЛ-ФАРГОНА КОМПАНИ” КЎШМА КОРХОНАСИ | |
| очилишига бағишлиланган маросимда | |
| сўзланган нутқ. 2001 йил 23 август | 10 |
| УЛУГЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КЎРМАГАЙ. | |
| Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг | |
| очилишига бағишлиланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. | |
| 2001 йил 24 август | 18 |
| “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИКА | |
| ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА. | |
| 2001 йил 26 август | 24 |
| АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА. Иккинчи нақириқ Ўзбекистон | |
| Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза. | |
| 2001 йил 29 август | 26 |
| МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ. Тошкент шаҳрида | |
| Ўзбек миллий академик драма театри янги биносининг очилиш | |
| маросимида сўзланган нутқ. 2001 йил 30 август | 53 |
| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҶИЛЛИГИНИНГ | |
| ўн йиллигига бағишлиланган тантанали | |
| маросимдаги табриқ сўзи. 2001 йил 31 август | 60 |
| ОДАМЛАР ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ — ОЛИЙ БУРЧ. | |
| Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг наебатдан | |
| ташқари сессиясида сўзланган нутқ. 2001 йил 11 сентябрь | 65 |
| ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚКИЁТИМИЗНИНГ | |
| МУҲИМ ОМИЛИ. Халқ депутатлари Жиззах вилоят | |
| кенгашининг наебатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. | |
| 2001 йил 14 сентябрь | 81 |
| МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК. Халқ депу- | |
| татлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ. | |
| 2001 йил 26 сентябрь | 91 |

| | |
|--|-----|
| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ | |
| КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ. 2001 йил 5 октябрь | 111 |
| ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК. ЎзА мұхбиди билан сұхбат. | |
| 2001 йил 10 октябрь | 120 |
| ФИДОКОРОНА МЕХНАТ, ЭЗГУ ИНТИЛИШ – ОЛҚИШ ВА | |
| ШАРАФГА МУНОСИБ. Ўзбекистан Республикаси мустақи- | |
| млигининг 10 йыллиги мұносабати билан тақдирланған бир | |
| гурұқ күртдоштарымызға Ватаннинг юксак мұкофотарының | |
| топшириши маросиміда сұзланған нүкт. 2001 йыл 5 декабрь | 125 |
| БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУФ | |
| МАҚСАД ЙЎҚ. Иккинчи қақырық Ўзбекистан Республикаси | |
| Олий Мағжисининг VII сессиясындағы маңруза. | |
| 2001 йыл 6 декабрь | 129 |
| ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ | |
| МЕЗОНИ БҰЛСИН. Ўзбекистан Конституциясининг | |
| 9 йыллигига бағишлиған тантаналы маросиміда сұзланған нүкт. | |
| 2001 йыл 7 декабрь | 151 |
| МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ. Шұрттан | |
| газ-кимә мажмұу очишишіга бағишлиған тантаналы | |
| маросиміда сұзланған нүкт. 2001 йыл 20 декабрь | 165 |
| ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЫГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. | |
| 2001 йыл 31 декабрь | 172 |
| ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. | |
| 2002 йыл 11 январь | 177 |
| РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАД МАДАНИЯТ МАРКАЗИ | |
| ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 10 ЙИЛЛIGИГА | |
| БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИ- | |
| ЛАРИГА ТАБРИК. 2002 йыл 15 январь | 181 |
| ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН. Президент Ислом | |
| Каримовнинг 2002 йыл 27 январь — умумхалқ референдумы | |
| мұносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига | |
| берган интервьююси | 184 |
| “ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” МИЛЛИЙ АВИАКОМПА- | |
| НИЯСИ ЖАМОАСИГА ТАБРИК. 2002 йыл 28 январь | 196 |
| ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН | |
| ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ — БОШ | |
| ЙЎЛИМИЗ. 2001 йылда республиканы ижтимоий-иқтисодий | |
| ривожлантириши якунлары, иқтисодий ислахоттарнанға борышими | |
| бағылап ҳамда 2002 йылғы визифайларға бағишлиған Вазирлар | |
| Маҳкамаси ғанағаша иштеп шығып 2002 йылғы визифайларға бағишлиған Вазирлар | |
| 2002 йыл 14 февраль | 198 |

- РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ, ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ Ё
ЯШАШИ КЕРАК. Ҳалқ депутатлари Сурхонда
кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўз
2001 йил 21 февраль
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ
АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА РАСМ
ТАШРИФИ АРАФАСИДА ТОШКЕНТ АЭРО
ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН ИНТЕРВЮСИ
2002 йил 11 март
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ
АМЕРИКАЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛА
УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ. 2002 йил
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ
АҚШНИНГ НУФУЗЛИ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ
МУҲАРРИЛари ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛА
МУЛОҚОТИ. 2002 йил 13 март
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ
“ХАЛҚАРО МИҶЕСДАГИ ЛИДЕР” МУКОД
ТАҚДИРЛАНИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН
ИНТЕРВЮСИ. 2002 йил 13 март
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ
АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА РАСМ
НИҲОЯСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН
ИНТЕРВЮСИ. 2002 йил 14 март
- ЭНГ ҚАДИМИЙ, АСЛ МИЛЛИЙ, ФОЯТ АРДОҚЛҶ
Наврӯз байрамига бағишиланган тантанали мара
табрик сўзи. 2002 йил 21 март
- БЕТАКРОР МУСИҚА САРОЙИ. Ўзбекистон давлат
рияси янги биноси очилишига бағишиланган тан
маросимдаги табрик сўзи, 2002 йил 22 март
- ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР. Термиз
2500 йиллигига бағишиланган тантанали мароси
нутқи. 2002 йил 2 апрель
- ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТИ
ҚАЙТМАЙДИ. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон
Олий Мажлисингин VІІІ сессиясидаги маъруза.
2002 йил 4 апрель
- БИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН ЖА
ҚУРАМИЗ. Президент И.А. Каримовнинг Олий
VІІІ сессияси танаффус пайтида маҳаллий ва
муҳбирларнинг саволларига берган жавоблари.
2002 йил 4 апрель

| | |
|---|-----|
| ҚОРАҚАЛПОҚДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА | |
| ЧИКАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА | |
| ЯХШИЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. Қорақалпогистон | |
| Республикаси Жұқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари | |
| сессиясида сұзланған нүтқ. 2002 йил 2 май | 348 |
| ОДАМЛАР ҲАҚИДА ФАМХҮРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ҮЙЛАБ ИШ | |
| ТУТИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР. Ҳалқ | |
| депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари | |
| сессиясида сұзланған нүтқ. 2002 йил 31 май | 369 |
| ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ ВА АЛОҚАЛАР | |
| РИВОЖИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ КАТТА | |
| ИМКОНИЯТЛАРИ. Шанхай ҳамкорлик ташкылоти | |
| давлатлари раҳбарларининг саммитида сұзланған нүтқ. | |
| 2002 йил 6 июнь | 387 |
| МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ | |
| ХОДИМЛАРИГА. 2002 йил 26 июнь | 393 |
| ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ | |
| БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА | |
| АЙЛАНСИН. 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида | |
| Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор | |
| вазифалар ва топшириқтарник бажарилиши ҳамда дойларб | |
| муаммоларнинг ҳал этилиши түғрисидаги маъруза, | |
| 2002 йил 18 июль | 397 |

Б.И. комоид
— Санджар дошитидек турларни көзөндириб
— Абдуллаев Абдурасул
— Абдурасул Абдуллаев

Ислам Абдуганиевич Каримов

**ЗА БЕЗОПАСНОСТЬ И МИР
НАДО БОРОТЬСЯ**

Том 10

На узбекском языке

Нашр учун масъул К. БҮРОНОВ

Рассом О. СОИБНАЗАРОВ

Бадий мұҳаррир Т. ҚАНОАТОВ

Техник мұҳаррир У. КИМ

Мусаққиңдар М. РАҲИМБЕКОВА, Н. УМАРОВА

Компьютерда тайёрловчи Л. АБКЕРИМОВА

Теришга берилди 4.03.2002. Босишига рухсат этилди 22.07.2002. Қоғоз формати 84x1081/32. Оффст босма усулида босилди. Шартли босма 22,68.
Нашр босма 20,06. Тиражи 10000. Буюртма № К-70.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 64-2002.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг
ижараидаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

66.4(5Y)
К25

Каримов И.А.

Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 —
Т.: «Ўзбекистон», 2002.— 432 б.

ББК 66.4 (5Y)+66.3(5Y)

